4. Услуб тенденциялари (1960 – 1980).
5. Услуб йўналишлари (1980 – 2000).

Ассортиментлардан фойдаланиш частотаси %



Арт Деко давридан 1980 йилларгача заргарлик буюмларини ассортимент бўйича тақсимоти

буюмлари дизайни соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасаларининг ташкил этилгани жуда кеч (XX асрнинг охирида). Натижада, 1980 йилдан 2000 йилгача ишлаб чиқарилган маҳаллий, биринчи навбатда, дизайн ва янги дизайн ечимлари бўйича жаҳон стандартларидан пастдир.[1].

Қўлда ишлов бериш – маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, заргарлик буюмлари ассортиментини янгилаш тезлигини ошириш имконини беради. Шундай қилиб, заргарлик тошларини шакллантиришда катта қуёш печига асосланган усулдан фойдаланиш имконияти тўғрисида объектив илмий маълумотларнинг етишмаслиги ушбу мавзунини танлашнинг долзарблиги танловини белгилаб беради.[2]

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Советский энциклопедический словарь / Под ред. Прохорова А.М./ М. «Советская энциклопедия», 1989
2. Власов В.Г. Иллюстрированный художественный словарь. С.-Петербург: «Икар», 1993, 272 с.
3. Постникова-Лосева М.М. Русское ювелирное искусство его центры и мастера. М. Наука, 1974, 374 с.
4. Ванюшова Р.А., Ванюшов Б.Г. Ювелирные изделия. Иллюстрированный типологический словарь. С.-Петербург: Политехника, 2000, 240 с.
5. Бреполь Э. Теория и практика ювелирного дела.Э. Бреполь. С.-Петербург: «Соло», 2000, 528 с.
6. Марченков В.И. Ювелирное дело. М.: Высшая школа, 1992,256 с.
7. Магницкий О.Н., Пирайнен В.Ю. Художественное литье. С.-Петербург: Политехника, 1996, 232 с.
8. Ананьева Е., Журавлев А. Золото мира М.; «Аванта», 2003, 184 с.
9. Данилова И.Е. Сокровища Трои. Из раскопок Генриха Шлимана. М.: ГМИИ им. А. С. Пушкина – Леонардо Арте, 1996,297 с.
10. Уильямс Д., Огден Д. Греческое золото. С.-Петербург: Эрмитаж, 1995, 272 с.

Аннотация: Yer ustidan oqadigan suvlar bir yil davomida tartibga solinadigan bo'lsa, qor erigan, yomg'ir yoqqan paytlarda yer ustidan oqadigan suvlarni iloji boricha ko'proq yig'ishga harakat qilinadi. Keyinchalik bu suvlardan suv kamaygan vaqtlarda foydalaniladi.

Аннотация: Если уровень грунтовых вод регулируется в течение года, он будет стремиться собрать как можно больше воды, когда снег тает и идет дождь. Эти воды затем используются для уменьшения воды.

Abstract: If the ground water is regulated for a year, it is possible to collect as much water as possible when the snow melts and the rain falls. These waters are then used to reduce water.

Махаллий сувлардан фойдаланиш зарурлиги, sug'orish va suv chiqarishda katta daryolarning suvi bilan bir qatorda, mahalliy suvlardan foydalanish ham katta o'rin tutadi.

Vaqtı-vaqtı bilan qurg'oqchilik yuz berib turadigan zonalarda hamda daryolardan uzoqda va ularning sathiga nisbatan ancha baland joylashgan yerlarda mahalliy suvlardan albatta foydalanmoq kerak. Yevropaning cho'l va o'rmon-cho'l rayonlari va G'arbiy Sibirning aksariyat rayonlari ana shu zonaga kiradi.

Hovuz va suv omborlari qurib, yer ustidan oqayotgan yog'in suvlarini yig'ish, hududning suv rejimini yaxshilashga imkon beradi.

Yog'ingarchilik vaqtlarda yonbag'irlar, jarlik, soylik va pastliklardan oqib hududdan chiqib ketadigan suvlar ana shu hovuz va suv omborlarida ushlanib qoladi. Agarda hovuz va suv omborlari qurilmaganida bu suvlar qishloq xo'jaligiga hech qanday foyda keltirilmasdan, balki tuproqni yuvib, jarliklarni kengaytirib va ba'zan toshqinlar hosil qilib, qishloq xo'jaligiga katta zarar yetkazgan bo'lardi.

Mahalliy suvlarni yig'ish va ulardan ekinlarni sug'orish uchun foydalanishda muttasil yuqori hosil yetishtirishda va bahorgi toshqinlarni kamaytirishda yordam beradi, yana shu narsani ta'kidlash joizki, daryo hamda yer osti suvlariga yangi suvlar qo'shilishiga sabab bo'ladi. Umuman olganda, eriyotgan qor, sel suvlarini yig'ish natijasida bu territoriyada tuproq va havoning namligi ancha oshadi, qurg'oqchilik esa kamayadi.

Mahalliy suvlar bilan sug'orish uchun sun'iy suv omborlari, hovuzlar va limanlar quriladi.

Mahalliy suvlar oqimini tartibga solish. Erigan qor, yomg'ir suvlarini suv omborlari yordamida istagancha taqsimlanishi suvning oqimini tartibga solish deb ataladi. [1].

Suv energiyasidan foydalanish, aholi yashaydigan joylarni suv bilan ta'minlash, ekinlarni sug'orish va suvlarning oqimini tartibga solishni talab qiladi.

Suv oqimini tartibga solishning asosiy usullari quyidagilardan iborat:

- Yillik mavsumiy tartibga solish. Bunda, suv bir yil davomida tartibga solinadi;

- Ko'p yillik tartibga solish. Bunda, tartibga solish ko'p yillar bo'yi davom etadi;

- Sutkalik tartibga solish. Bunda, tartibga solish faqat bir necha sutka davom etadi;

Yillik va ko'p yillik tartibga solish usuli qo'llanilganida, ayni vaqtda, sutkalik tartibga solish usuli ham qo'llanilishi mumkin. Yer ustidan oqadigan suvlar bir yil davomida tartibga solinadigan bo'lsa, qor erigan, yomg'ir yoqqan paytlarda yer ustidan oqadigan suvlarni iloji boricha ko'proq yig'ishga harakat qilinadi. Keyinchalik bu suvlardan suv kamaygan vaqtlarda foydalaniladi. Quyidagi 1-rasmda keltirilgan suv sarfi gidrografi (suv sarfini ko'rsatuvchi egri chiziq), bahorgi toshqin boshlanmasdan ilgari erigan suvlar hisobiga suv kam ya'ni mejen (t_m) davridagi suv sarfini oshirsa bo'ladi. Shunga ko'ra suv omborning hajmi kam suv yillardagi suvarning hajmidan oshiq bo'lmasligi lozim, ya'ni suv omborini to'ldirish

vaqtda to'langan suv hajmi (t_b) omborning suv sarfi (v_1) ni ta'minlamog' lozim. Agar suv sarfi (v_1) kamaytirilsa, bu holda suv ombori to'la bo'shalmaydi. Omborning suv sarfi (v_2) oshirilganida esa ombor vaqtdan oldin bo'shaladi. Birinchi holda – suvning bir qismidan foydalanilmaydi, ikkinchi – holda suv yetishmaydi. Demak, mejen (suv kam davr) davridagi suv sarfi (v) optimal sarf hisoblanadi. [2].

Suv sizish vaqtida, suv sarfi (v) ning 100% bo'lishini ta'minlash maqsad qilib qo'yilmasdan, sug'orishni ta'minlaydigan suv (v_0) ning 70-97% ini sarflash mo'ljallanadi, ya'ni tegishli hisoblar eng kam suvli yilga qarab emas, balki birmuncha sersuv kelgan "hisob qilingan yil"ga qarab olib boriladi.

Shunday qilib, 100 yilning 70-97 yili ichida omborga to'plangan suvning to'la sarflanishi ta'min etiladi ammo, ahyon-ahyondagi ro'y berib turadigan juda kam suvli yillar bundan mustasnodir.

Suvni bir yildagina tartibga solinishi sarflanadigan suv miqdorini oshira olmaydi, chunki yillik suv sarfi "hisob qilingan yil" uchun belgilangan yillik oqimdan oshishi mumkin emas.

Suv sarfini tobora oshirish uchun, suv omborning hajmini oshirish hamda kam suvli yillardagi to'lmagan suv o'rnini to'ldirish uchun sersuv kelgan yillarda zapas suv to'plash talab qilinadi. Shunday qilib, suvni ko'p yillar davomida tartibga solish usulini joriy qilishga to'g'ri keladi. Masalan, to'rtinchi yil kam suvli hisob qilingan yil bo'ladi va bu yili suv sarfidan oshmadi deb faraz qilaylik.

Buning uchun, suv omborining hajmi $a'bc' = n'oa'$ bo'lishi talab qilinadi. Bunda $a, b, c > n, o, a$ bo'lganidan, suv sarfini v_0 dan oshirish uchun, navbatdagi toshqinlar paytida suvning zaruratdan ortiqcha oqishigina kifoya qilmaydi.

Uchinchi kam suvli yilda suv omboriga suv yig'ish va omborni bo'shatish grafigi k, m, n chizig'i bo'ylab, ikkinchi yilga mejen (kam suvli) davrida esa f, k chizig'i bo'ylab ifodalanadi.

Uchinchi yilda to'plangan suv keyingi kam suvli davrda suv sarfini (v_0) dan kamaytirmay saqlash uchun yetarli emas. Shu sababli suv omborning hajmiga teng miqdordagi suv ikkinchi yildagi sersuv toshqinlar mahalida g'amlanib qo'yilishi lozim. Shunday qilinganida, suv yig'ish va ularni qayta taqsimlash bir necha yillik davrni o'z ichiga oladi. [3].

Hovuz va ko'llar barpo qilish sharoiti va ularning joylashish holati. Hovuz va ko'llar barpo qilish loyihagini tuzgan vaqtda, suv omborlari quriladigan joyni to'g'ri belgilash katta ahamiyatga egadir. Suv omborlari quriladigan joy ombordagi suv bilan sug'orilishi lozim bo'lgan yer maydoniga (suv iste'mol qilinadigan zonaning katta-kichikligi), suv yig'iladigan maydondan oqib kelishi lozim bo'lgan suvlarning miqdoriga (suv bilan ta'minlovchi zonaga) va suv ombori quriladigan joyning relefiga asosan belgilanadi.

Suv ombori qurish uchun joy tanlanayotganda quyidagi talablarga rioya etilishi lozim;

Suv omborning bo'yi, to'gonining hajmi va suv yuzasining sathi iloji boricha kichik bo'lgani holda suv ombori mumkin qadar katta sig'imli bo'lishi kerak. Ombor

chuqurining to'g'ondan yuqoridagi bo'y nishobi 0,005 dan ham oshmasligi zarur;

Suv oqib o'tadigan jarliklar va vodiylarning tubi hamda asosiy qirg'oqlari suv o'tkazmaydigan gruntlardan tashkil topgan bo'lishi kerak. Bunday gruntlar bo'lmaganida, suvning tuproqqa singib isrof bo'lishini kamaytirishga imkon beradigan tadbirlar qo'llanishni planga kiritishga to'g'ri kelar edi;

Suv oqib o'tadigan vodiya chashma va buloqlar ham bo'lganida, suv omborining to'g'oni ulardan pastroqda qurilishi kerak;

To'gon quriladigan joy inshootlar qurish hamda toshqinlar paytida ortiqcha suvlarni oqizib yuborish uchun qulay bo'lishi lozim.

Sug'oriladigan maydonning katta-kichikligi xo'jalik sharoitlariga, suv resurslariga yarasha sug'oriladigan maydonlarning yetarli darajada bo'lishiga hamda yer

maydonlarining tuproq va topografik sharoitlariga qarab belgilanadi.

Хулоса. Sug'oriladigan maydonning kattaligi va unga kerakli suv miqdori texnik va iqtisodiy hisoblariga muvofiq hamda mavsumiy va ko'p yillik suvni tartibga solish variantlarini analiz qilish yo'li bilan belgilanadi. Ekinlar bir mavsumda to'plangan suvlar bilangina sug'oriladigan bo'lsa, sug'oriladigan maydon kattaligi turlicha o'zgaradi. Kam suvli yillarda bu maydon keskin ravishda kamayib qoladi, shu bilan birga mavsumdagi suvlargina to'planadigan omborni kichikroq qilib qurish mumkin bo'ladi. Sug'oriladigan maydonni kengaytirish va hamisha suv yetib turishini ta'minlash uchun, ko'p yillar davomida foydalanishni ko'zda tutib suv yig'ish usuli qo'llaniladi. Lekin bu holda, suv omborining hajmini oshirishga to'g'ri keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoev tomonidan 4-may kuni "2017-2021 yillarda er osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlarini ishlab chiqish to'g'risidagi"gi qarori. (Internet malumotlaridan 2017y).

2. 2017-2021yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning ustuvor yonalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Halq bilan muloqot va inson manfaatlarini yilida" amalga oshirishga oid Davlat dasturi. (Internet malumotlaridan 2017y).

3. F.M.Rahimboyev va boshqalar-"Qishloq xo'jaligida sug'orish melioratsiyasi" (rus) (amaliyot o'quv darsligi), Mehnat, 1994 yil. -327 bet.

УДК: 626.814

ҚЎЙИЛМА СУВ ОМБОРЛАРИНИ ЛОЙҚА БОСИШ ҲАЖМИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ

Т.У.АПАКХУЖАЕВА – ассистент, З.И.ИБРАГИМОВА – ассистент, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада сув омборининг фойдали ҳажмига таъсир этувчи асосий омиллардан таҳлил этилган. Қуйилма сув омборининг фойдали ҳажмини баҳолашда лойқаланиш жараёнлари аниқланган ва дала тажрибалари асосида лойқаланиш миқдорини ҳисоблаш формуласи берилган.

Аннотация: В статье рассматриваются основные факторы влияющие на полезный объем водохранилищ. Предложено методика расчёта заилиения наливных водохранилищ на основе натуральных

Abstract: Article considers the main factors, which affects useful volume of the reservoirs. Created new method for calculating silting of bulk reservoirs based on field data.

Қирш. Ҳозирги кунда сув ресурсларидан қоқилона фойдаланиш, сув омборларини гидравлик самардорлигини ошириш бўйича услубиятларни такомиллаштириш ва улардаги гидравлик жараёнларни башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, сув иншоотлари ва сув омборларини эксплуатацион ишончилигини ошириш ҳамда уларнинг фойдали ҳажмини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, сув омборларини барпо этиш, уларни лойқа босиши ҳолатларини, сув исрофини олдини олиш ҳамда ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган [6].

Ҳозирда республикада сув омборларини қуриш ва модернизация қилишга катта эътибор қаратилиб, улардан бўладиган сув исрофларини, лойқа босишини олдини олиш, улардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда такомиллаштириш имкониятларини берувчи мавжуд гидравлик ҳисоблашнинг янги замонавий усулларини яратишга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[6].

Сув омборларини самарали ва тежамли равишда эксплуатация қилишнинг шартларидан бири уларнинг ҳажмлари ҳақидаги ишончли маълумотнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бу ҳажмлар чўкиндилар оқиб келиши ҳисобига ҳар йили узлуксиз қисқариб боради. Йил мобайнида сув омборида миллионлаб кубометр чўкинди тўпланиши мумкин, шунинг учун унинг ҳажми

(сув омборининг ичидаги сув сатҳи белгисига боғлиқ бўлган эгри чизиғи бўйича) юқори аниқликда ўлчаш талаб этилади [2,5,8].

Худудимизда 60 га яқин сув омборлари қурилган бўлиб, улардан 20 таси қуйилма сув омборларидир. Олиб борилган табиий дала шароитидаги тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, улардаги режалаштирилган лойқаланиш миқдори ўлчанган лойқаланиш миқдоридан кескин фарқ қилади[1,9].

Адабиётлар таҳлили. Турли даврларда сув омборларида фойдали ҳажми ҳисоблаш, лойқа чўкиндиларига тўлиши масалаларининг назарий асослари қатор олимлар А.Б.Авакян, А.В.Караушев, Г.И.Шамонов, В.С.Лапшенков, В.А.Скрыльников, К.Ш.Латипов, А. М. Арифжанов, А.М.Мухамедов ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган ва маълум ижобий натижаларга эришилган [1,2, 3, 4, 8].

Сув омборларининг лойқа чўкиндиларига тўлиши масалалари бўйича Ф.А.Гаппаров, А.Содиқов, Ғ.Давронов, М.Р.Икрамова, И.А.Ахмедходжаева ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари қўлланиб келинмоқда. Шуни таъкидалаш керакки, ҳозирги мавжуд лойқа босишни ҳисоблаш формулалари асосан, ўзан сув омборлари учун ишлаб чиқилган. Қуйилма сув омборлари учун аниқ ҳисоблаш методлари ишлаб чиқилмаган [5, 7,9].

Қуйилма сув омборларининг ўзан сув омборларидан фарқли томони, агар ўзан сув омборларида лойқа босиши бутун сув оқими ва бутун чўкиндилар оқими иштирокида юз берса, қуйилма сув омборларига чўкиндиларнинг сув омборида

аккумуляцияланадиган (оқимни бошқаришда иштирок этувчи) сув оқизиб келадиган қисмигина кириб келади. Бундай сув омборларига дарёдан келадиган сув ҳажмидаги муаллақ чўкиндиларгина оқиб киради. Туб чўкиндилар ва муаллақ чўкиндиларнинг йирик фракциялари одатда дарёдаги бош сув олиш иншоотида, тиндиргичларда қолдирилади ва сув омборига келиб тушмайди [4, 7].

Услубият. Куйилма сув омборларининг лойқаланишини ҳисоблашни куйидаги тартибда олиб борамиз. Қаттиқ оқимнинг характериға кўра ўртача лойқалик миқдори S_0 ни қабул қилган ҳолда муаллақ чўкиндиларнинг ўртача сарфи R_H ни куйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз [3].

$$R_H = \frac{S_0 \cdot Q}{10^3} \quad (1)$$

Бу ерда: Q – сувнинг ўртача кўп йиллик сарфи, м³/с;
 S_0 – сувнинг ўртача кўп йиллик ҳисобий лойқалик миқдори, г/м³.

Муаллақ чўкиндиларнинг ўртача кўп йиллик ҳажмини бир йил учун куйидаги боғланиш орқали аниқлаймиз

$$V_B = \frac{31,54 \cdot R_H}{\rho} \quad (2)$$

Бу ерда, ρ – муаллақ чўкиндиларнинг зичлиги, 1200–1500 кг/м³ ораликда ўзгаради.

Сув омборининг косасидаги муаллақ чўкиндиларнинг ҳажмини t_3 йиллар учун куйидаги формула орқали аниқлаймиз:

Дала шароитида олинган ўлчашлар Талимаржон сув омборининг кириш (7 НС

$$V_{ум} = V_{л} (1 - \delta) \cdot t_3 \quad (3)$$

Бу ерда, δ – сув омборидан чиқиб кетаётган чўкиндиларни ҳисобга олувчи коэффициент.

Сув омборида қоладиган лойқалик миқдори куйидагича бўлади: $(1 - \delta)$

У ҳолда, умумий кўринишда сув омборининг лойқа босган ҳажмини куйидаги боғланиш орқали аниқлаш мумкин:

$$V_H = \varphi V_{ум} \quad (4)$$

Бу ерда, ($\varphi=1,1-1,20$) сув омборга қирғоқларнинг емирилиши ва шамол ҳисобидан келаётган лойқалик миқдорини ифодаловчи коэффициент.

Юқорида баён этилган методология асосида Талимаржон сув куйилма сув омборининг лойқа босишини ҳисобини бажарамиз.

Талимаржон сув омбори насос ёрдамида тўлдирилувчи куйилма сув омборига мансуб бўлиб, Қашқадарё вилояти Нишон тумани Талимаржон шаҳри ёнида жойлашган. Талимаржон сув омборига сув Амударёдан етита насос станциялари орқали куйилади [6].

Табиий дала шароитидаги тадқиқотларида изланишлар олиб борилиб, Талимаржон сув омбори бўйича маълумотлар тўпланди. Табиий дала шароитида сув омборининг сув ва чўкиндилар таркиби бўйича лойқалик миқдори, дарё чўкиндиларининг фракцион таркиби ва сув сарфига боғлиқ равишда лойқалик миқдори аниқланди.

Аванкамераси) ва чиқиш (Талимаржон сув омбори сув чиқариш иншооти) қисмларидан олинди.

1-жадвал. Талимаржон сув омбори суви лойқалиги (май)

Намуна олиш жойи		Лойқалик, г/л
7 НС аванкамераси		0,924
Талимаржон сув омбори		0,675
Талимаржон сув омбори сув чиқариш иншооти		0,514

2-жадвал. Дарё чўкиндиларининг кимёвий таркиби

№	Намуна олиш жойи	Таркиби		
		N-NH ₄ мг/кг	P ₂ O ₅ мг/кг	K ₂ O мг/кг
1	7 НС Аванкамераси	14,9	12,5	107
2	7 НС Аванкамераси	14,9	11,6	101
3	Талимаржон сув омбори	8,6	7,4	72
4	Талимаржон сув омбори сув чиқариш иншооти	11,8	9,2	101

3-жадвал. Дарё чўкиндиларининг кимёвий таркиби (май)

№	Намуна олиш жойи	Гумус, %	Гумус углероди, % (Сг, %)	Азот	Фосфор	Калий	C/N
				%			
1	7 НС Аванкамераси	0,41	0,24	0,049	0,319	0,485	4,9
2	7 НС Аванкамераси	0,57	0,33				
3	Талимаржон сув омбори	0,46	0,27	0,019	0,204	0,330	13,9
4	Талимаржон сув омбори сув чиқариш иншооти	0,51	0,30	0,027	0,292	0,324	11,2

4-жадвал. Дарё чўкиндиларининг фракцион таркиби (май)

№	Намуна олиш жойи	Фракциялар (мм), % да							Физик лой
		> 0,25	0,25–0,10	0,10–0,05	0,05–0,01	0,01–0,005	0,005–0,001	<0,001	
1	7 НС Аванкамераси	0,9	3,6	30,3	48,9	4,8	7,3	4,2	16,3
2	Талимаржон сув омбори	0,0	73,9	15,3	9,7	0,7	0,3	0,1	1,1
3	Талимаржон сув омбори сув чиқариш иншооти	0,0	17,6	19,7	58,2	0,6	1,7	2,2	4,5

Олиб борилган дала тадқиқот ишлари маълумотлари ҳамда юқорида келтирилган аналитик Сув омборини лойқа босишини ҳисобининг натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Куйилма сув омборлари учун аниқ ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги таъкидланган ҳолда сув омборини лойқа босишини баланс усулидан фойдаланиб, табиий дала шароитида ўтказилган

(3; 4) формулалардан фойдаланиб, сув омборининг лойқа босишини ҳисоби келтирилди.

тадқиқотлар ва назарий изланишлар асосида Талимаржон сув омборида йиллик лойқаланиш ҳажмини ҳисоблаш учун куйидаги ҳисоблаш формуласи тақриф этилди.

$$V_H = 0,0115 Q^{0,95},$$

Бу ерда, Q – сув сарфининг ўртача кўп йиллик миқдори.

Таклиф этилган ҳисоблаш формуласи мавжуд ҳисоблаш формулалари (И.Ахмедходжаева,

А.Садыков) билан қиёсий баҳолаш ва солиштириш натижалари 6–жадвалда келтирилган.

5–жадвал. Ҳисобий формулалар ёрдамида сув омборининг лойқаланиш ҳажмини ҳисоблаш

Йиллар	2007	2010	2012	2014	2016	2018	2020	2030
Оқим ҳажми, млн.м ³	29943,0	33270,0	35488,0	37706,0	39924,0	42142,0	44360,0	55450,0
Ахмедходжаева формуласи бўйича	69,9	77,8	81,8	85,8	89,7	93,6	97,6	117,0
И. Ахмедходжаева формуласи	0,047	0,052	0,055	0,057	0,060	0,062	0,065	0,078
А.Садыков формуласи бўйича	85,9	93,4	98,3	103,1	107,9	112,6	117,2	139,8
Садыков формуласи бўйича	0,057	0,062	0,066	0,069	0,072	0,075	0,078	0,093
Таклиф этилган формула бўйича	68,4	77,2	81,6	86,0	90,4	94,8	99,2	121,2
Таклиф этилган формула бўйича	0,046	0,051	0,054	0,057	0,060	0,063	0,066	0,081

Хулоса. Талимаржон сув омборининг 2018 йилгача эксплуатация қилиш давомида лойқаланиш ҳажми ўртача ҳисобда 94.8 млн.м³ ни ташкил этади. Лойқаланиш ҳажмининг ўртача йиллик динамикаси 2,2 млн. м³ ни ташкил этади.

Юқоридаги қиёсий баҳолаш натижалари тавсия этилган усулдан амалиётда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Табиий дала шароитида сув омборининг сув ва чўкиндилар таркиби бўйича олинган маълумотлар

таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, чўкиндилар фракцион таркибининг 50% идан кўпроғини 0,05–0,01 диаметрдаги заррачалар ташкил этади. Бундай таркиби минералларга бой бўлган майда заррачаларни минерал ўғит сифатида экин майдонларига узатиш тупроқнинг унумдорлигини оширади ва таъкидлаш жоизки, бу бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авакян А.Б., Салтанкин В.П., Шарапов В.А. Водохранилища. М.: Мысль, 1987. – С. 325.
2. Арифжанов А.М., Ахмедходжаева И.А. Водные ресурсы. – 2011г. – С 140.
3. Арифжанов А.М., Фатхуллаев А.М., Самиев Л.Н., Ўзандаги жараёнлар ва дарё чўкиндилари. Тошкент, 2017: Монография. Ноширлик ёғдуси, 191Б.
4. Арифжанов А.М., Самиев Л.Н., Ахмедов И.Г. Ирригационное значение речных наносов // Актуальные проблемы естественных наук. М, 2013. №06 (53) –С. 286–289
5. Arifdjanov A.M., Samiev L.N., Hydraulic calculation of changeable irrigation sediment reservoir//European Science Review. – Austria, Vienna, 2016. –p.122
6. Arifdjanov A.M., Samiev L.N., Apakhujaeva T.U. Study of water flow in big channels using Gis in relation with erosion process //Science and world international scientific journal № 3 (31), 2016, p.41.
7. Arifjanov A.M., Apakho'jaeva T.U., Dusan H. Sediment movement mode in Rivers of Uzbekistan environmental Aspects. Acta Horticulturae et regiotecturae Journal. (Nitra. Slovaca) 2018y. –10–13p.
8. Апақхужаева Т., Ибрагимова З. Куйилма сув омборда сув балансига таъсир этувчи омиллар // “Замонавий ишлаб чиқаришнинг иш самарадорлиги ва энерго–ресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари” мавзусидаги Халқаро илмий–амалий анжуман 3–4 октябрь 2018 йил, Андижон, Б.232–236.
9. Апақхужаева Т.У. Сув омборлари гидравликаси. –2016й. –134б.
10. Латипов К.Ш., А.М.Арифжанов. Вопросы движения взвешенного потока в руслах. – Мехнат.Т, 1994. – 110С.

УДК 631.674.6

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИНГ АТРОФ – МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Д.Г.ЮЛЧИЕВ – ТИҚХММИ ассистенти

Аннотация: Мақолада тупроқ таркибини сақлашда, фаол тупроқ қатламини намлашнинг мақбул ва узлуксиз режимини таъминлашда, суғориш суви ва минерал ўғитлардан тежамкор фойдаланишда томчилатиб суғоришнинг аҳамияти, тупроқ ва атроф–муҳитни ифлосланишдан ҳимоя қилишда суғоришни тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш имконияти ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация: В статье приводятся сведения о значении капельного орошения при экономном использовании поливной воды и минеральных удобрений при сохранении структуры почвы, обеспечении оптимального и непрерывного режима увлажнения активного слоя почвы и возможности полной механизации и автоматизации полива при одновременной защите почва и окружающая среда от загрязнения.

Abstract: The article provides information about the significance of drip irrigation while economically using irrigation water and mineral fertilizers, while maintaining the soil structure, while ensuring an optimal and continuous mode of wetting the active soil layer and the ability to fully mechanize and automate irrigation, while protecting the soil and the environment from pollution.

Калит сўзлар: Фаол қатлам, эрозия, суғориш режими, озуқа режими, суғоришни автоматлаштириш, ҳосилдорлик.

Табиий намлик етишмайдиган арид зоналарда мўл ҳосил етиштиришда сув асосий омил ҳисобланади. Ўсимликларни сув билан таъминлашда, унинг ўсиб ривожланиш босқичларида қанча ва қачон

сув беришни, яъни мақбул суғориш режимини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Ер устидан суғориш баъзан салбий оқибатларга, масалан тупроқ структурасининг бузилиши натижасида унинг

қўчишига, сув ўтказувчанлигининг камайишига, қатқалоқ ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Ортикча суғориш суви тупроқ эрозиясига, озуқа элементларининг чуқур қатламларига ювилиб тушишига ва ҳайдалма қатламнинг зичланишига сабаб бўлади.

Томчилатиб суғориш суғоришни юқори даражада механизациялаштириш ва автоматлаштиришда, сувни тежаш ва тупроқни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган суғориш усулларидан бири ҳисобланади. Суғоришнинг бу усули микро сув ўтказувчи томчилаткичлар орқали кичик диаметрли қувурлар ёрдамида суғориш сувини бевосита тупроқнинг ўсимлик илдизлари жойлашган қатламига етказиб беришга асосланади.

Томчилатиб суғоришнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, тупроқнинг ўсимлик илдизлари жойлашган қаламида мақбул намлик даражаси узлуксиз таъминланади ва суғориш давомида тупроқ намлигининг ошиб кетиши ва суғоришлараро даврнинг охирида тупроқнинг минимал даражада қуриб қолиши кузатилмайдди. Мазкур суғориш усулида тупроқнинг намлиги ва уни яратиш учун берилётган сув миқдори бошқарилади, сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда тақсимланади. Тупроқда намликнинг ошиб кетмасдан доимий сақланиб туриши яхши аэрацияни ва суғориш суви билан бирга минерал ўғитларнинг берилиши тупроқда қулай озуқа режимини таъминлайди. Мақбул сув, озуқа ва ҳаво режимларининг мавжудлиги ўсимликларнинг бир текисда ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, бу эса сезиларли даражада ҳосил сифатининг яхшиланиши ва ҳосилдорликнинг ортишига олиб келади[1].

Томчилатиб суғориш тупроқни намлашда энг илғор усуллардан бири ҳисобланиб, ўсимликлар эҳтиёжига қараб бериладиган сув миқдорини бир неча кун бўйи эмас, балки соат давомида меъёрий ростлаб беришга имкон яратади.

Томчилатиб суғоришда ўсимлик илдизлари бошқа ҳар қандай усулларга нисбатан яхши ривожланади, сабаби намланиш ўчоғи яқинида илдизлар зич жойлашади ва ўсимлик илдизларининг чуқурликдаги сувли қатлам томон ўсишига энергия сарфламайдди. Бу эса илдиз тизимининг устки унумдор қатламда ҳар бир ўсимлик учун мақбул бўлган чуқурликда ривожланишини таъминлайди.

Ўсимликларнинг озиқланиши томчилатиб суғоришда жуда самарали кечади. Тупроқнинг намланган қисмида илдиз тизимининг фаол ривожланганлиги сабабли озуқа моддаларининг истеъмол қилиниши жадаллашади. Бундан ташқари тупроқнинг ортикча намланмаслиги натижасида улар микро бўшлиқлардаги ҳаво айланиши яхшиланади ва бутун ўсиш жараёни давомида илдизларнинг бир текисда нафас олиши таъминланади. Ер устидан суғоришда тупроқ сув билан тўла тўйинади ва навбатдаги суғориш олдида унинг намлиги камайиб қуруқ ҳолатга келади. Бу жараённинг бир неча бор такрорланиши ўсимликнинг бир текис ўсиб ривожланишига тўсқинлик қилади. Томчилатиб суғоришда эса, кичик меъёрлар билан тез-тез сув беришлар, ўсимликнинг вақт давомида доимий ривожланишини таъминлайди.

Томчилатиб суғориш тизими-суғориш манбаи, сузгич ва насос, босимни ростлаб берувчи асбоб, магистрал ва тақсимлагич қувурлар, ўғитларни эритиб тайёрлаб берадиган ускуна (гидроподкормщик), томизгичлар ўрнатилган суғориш қувурларидан ташкил топади. Суғориш суви

асосан 0,07–0,28 мПа босим билан ёки ўз оқими билан кам босимда берилади. Кам босим ер усти ва манбаъдаги сув сатҳи баландликлари орасидаги фарқ ёрдамида ҳосил қилинади.

Томчилатиб суғориш тизими суғоришга бериладиган сувнинг лойқалик даражасига жуда сезгир бўлганлиги учун сувни яхшилаб сузгичдан ўтказиш зарур. Тизимга тушадиган тупроқ майда заррачаларининг йўл қўйилган максимал ўлчам, томизгичнинг сув тушадиган тешик диаметри ўлчамидан бир неча марта кичик бўлиши шарт, акс холда майда заррачалар бир – бирига ёпишиб ўтиш тешигини беркитиб қўйиши мумкин.

Суғоришга бериладиган сувни тозалаш учун тиндиргичлар, сепараторлар ҳамда кум, шағал ва турли сузгичлар фойдаланилади. Сув ўтказгич, қобилияти 90м³/соатгача бўлган насос станциялардан утаётган сувдаги заррачаларни ушлаб қолиш учун қумли сузгичлардан, диаметри 1–10мм бўлган заррачалар учун 1 см² да 30–40 та тешиклар мавжуд бўлган турли сузгичлардан фойдаланилади[3]. Сузгичларни лойқадан тозалаш автоматли ёки қўл билан ювиш орқали амалга оширилади. Магистрал ва тақсимловчи қувурлар учун диаметри 38–160 мм бўлган қора полителен ва поливинилхлоридли қувурлар фойдаланилади. Томизгичларни қувурларга маҳкам ўрнатиш учун суғориш қувурлари полиэтилен материаллардан тайёрланади. Қувурнинг ички диаметри 6–19 мм ни қалинлиги мос равишда 1–6 мм ни ташкил қилади [2].

Томизгичларга қўйиладиган асосий талаблар– эксплуатация даври давомида сув сарфининг ўзгармаслиги, томизгич сув сарфининг, қувурнинг қайси қисмида жойлашганлигига боғлиқ бўлмаган холда, тизимда босимнинг ва атроф–муҳит харорати ўзгаришига боғлиқ бўлмаслиги, тизимни тўхтатиб қўймасдан тозалаш мумкинлиги ва баҳосининг арзонлиги.

Ҳозирда қувурга ўрнатилган ёки қўйилган пластмасса томизгичлар кенг фойдаланилмоқда. Томизгичлар ўрнатиш–томчилатиб суғоришнинг жиддий муаммосидир. Тизимни тозалашга сарфланадиган харажат, томчилатиб суғориш тизимининг умумий қийматининг 10% – гача бўлган миқдорини ташкил қилади ва бундан ташқари суғориш мавсуми давомида кўпчилик томизгичлар муттасил тозаланиб турилиши ва 7–8 йил ишлатгандан кейин, уларни янгиси билан алмаштириш зарур. Бундай ҳолат томизгичнинг янги турини кашф этиш устида доимий иш олиб боришни, шунингдек камчиликлардан мустасно бўлган томчилатиб суғориш тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Томчилатиб суғоришда агротехник тадбирлар доимий олиб борилиши мумкин, сабаби эгатлар оралиги доимо қуруқ ва қишлоқ хўжалик техникалари бутун дала бўйлаб ҳаракатлана олади.

Бу усулда тупроқ харорати ер устидан суғоришга нисбатан юқори бўлади, бундай шароит экинларнинг эрта етилиб, пишишини таъминлайди. Озуқа ва бошқа кимёвий моддаларнинг эритма шаклида суғориш суви билан берилиши томчилатиб суғоришнинг асосий афзалликларидан бири ҳисобланади.

Ўғитларни ўсимлик илдиз тизимлари жойлашган тупроқ қатламига ўз вақтида ҳамда керакли мидорда бериш, улардан самарали ва тежаб (50% гача) фойдаланиш билан бирга ҳосилдорликнинг ошишини ҳам таъминлайди.

Томчилатиб суғоришнинг экологик томондан афзаллиги шундан иборатки, далаларни суғориш тизимига мослаштириб текислашга ҳожат қолмайди,

яъни ўсимликлар билан қопланган тупроқ унумдор қатламининг қирқиб олинишга ва ер усти тупроқлари бир қисмининг қашшоқлиниб қолишига йўл қўйилмайди. Тоғли тоғолди ва катта нишаблиқдаги табиий ёнбағир ерларни суғорганда тупроқ эрозияси кузатилмайди. Кичик суғориш меъёрлари билан суғориш нафақат сув захирасини тежайди, балки зарарли туз моддаларининг дренаж оқими билан ер ости ва усти манбаларига қайта тушишига йўл қўйилмайди. Томчилатиб суғориш тизимини эксплуатация қилишда меҳнат сарфи эгатлаб

суғоришга нисбатан анча кам. Тизимни бошқариш автоматлаштирилиши сабабли мавсумда 3–4 сувчи 150– 200 гектар майдонда суғориш ишларини тўлиқ бошқара олиши мумкин.

Томчилатиб суғориш тизимини қўллаш натижасида сув манбалари захирасини тежаш, хосилдорликни ошириш, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш ва тупроқни муҳофаза қилиш муаммоларини бартараф қилишда юқори самарадорликга эришиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. – “Шарқ” Тошкент, 2008. 406 бет.
2. <http://WWW.5balloy.ru>
<http://geo.web.ru/db>

УДК 626.627:556

ГИДРАВЛИЧЕСКИЕ РЕЖИМ ДЕЛЕНИЯ ПОТОКА БЕСПЛОТИННОМ ВОДОЗАБОРЕ

Ассистент Г.У.ЖУМАБОВЕВА, ассистент А.И.ГАФАРОВА, ТИИИМСХ

Аннотация: В статье изучается гидравлические режим деления потока бесплотинном водозаборе. А также вид трансформации донных и поверхностных наносов при делении потока в бесплотинном водозаборе АБМК (Аму-Бухарский машинный канал).

Abstract: In the article, the hydraulic mode of dividing the flow of damless water intake is studied. As well as the type of transformation of bottom and surface sediments when dividing the flow in the damless water intake АВМС (Аmu-Bukhara machine channel)

Ключевые слова: водозабор, бесплотинный, поток, обеспечение, гидравлический режим, деформация, вододеление, качество, воды, расход, скорость, река, канал.

Для бесплотинных водозаборов отделение части расхода происходит при бытовых уровнях реки, в связи с чем, многие исследователи выделили здесь три гидравлических режима взаимодействия руслового потока и водоприемника: режим деления, режим водообмена и переходный режим. Для режима деления свойственны значительные деформации речного потока, вызываемые относительно большим водоотбором. В случае же прохождения по реке паводковых расходов, ввиду малого процента водоотделения, в русловом потоке деформаций не наблюдается. Между водоотводом и речным потоком в данном случае устанавливается режим интенсивного водообмена, в результате которого в отвод передается некоторое количество жидкости. Этот режим называется «режимом водообмена некоторые промежуточные гидравлические условия взаимодействия руслового потока с водоотводом характерны для переходного режима. Мы рассмотрели более подробно два первых режима водоотделения. [2].

Изучение режима деления потока, взаимодействия руслового потока с водоотводом можно отнести к числу древнейших проблем гидротехники. На первый взгляд, задача отделения части расхода из основного русла и отвод его в сторону, кажется достаточно тривиальной. Данное предположение с легкостью опровергается как самим количеством проведенных отечественными и зарубежными учеными и инженерами лабораторных и натурных исследований по данному вопросу, так и во многом разнящимися, а порой и противоречащими друг другу результатами экспериментальных проработок и полученными на их основании расчетными зависимостями [2, 6].

На рисунке 1. показано вид трансформации донных и поверхностных линий токов при делении потока в бесплотинном водозаборе АБМК (Аму-Бухарский машинный канал), рисунке видно что до

сечения 1-1 донные (сплошные линии) и поверхностные (пунктирные) линии токов не изменяют своей плановой геометрии относительно динамической оси основного потока.



Рисунок 1. Вид трансформации донных и поверхностных линий токов при делении потока в бесплотинном водозаборе АБМК

На участке 1-2 начинается заметное их искривление в сторону бокового отвода, причем искривление донных линий токов начинается несколько раньше, чем поверхностных.

В сечении 2-2 донные и поверхностные линии токов приобретают значительно выраженный изгиб в сторону отводящего русла. Отмеченная выше закономерность сохраняется – донные линии токов имеют большую кривизну и деформируются на значительно большей ширине основного русла, чем поверхностные.

В сечении 3-3 происходит достаточно резкий поворот поверхностных и донных линий токов во входное отверстие отводящего канала. В зависимости от величины отбираемого расхода, донные и поверхностные линии токов жидкости могут заходить за границу сечения 3-3, а после, круто поворачивать к отводу. Донные линии токов при этом заходят за границу сечения 3-3 на большую величину, по сравнению с поверхностными.

В сечении 4-4 во входной части отводящего русла поверхностные линии токов прижимаются к низовому ребру водоприемного отверстия и затем отклоняются к противоположному борту отвода. Донные же линии токов резко отклоняются от низового ребра отверстия водоприемника в направлении верхового борта.

У верхового ребра водоприемного отверстия поверхностные линии токов, значительно отклоняясь, далеко заходят к противоположному борту отвода. Здесь наблюдается отжим потока от верховых ребра и борта водоприемника, интенсивность которого в значительной степени зависит от величины забираемого расхода. Для небольших коэффициентов водозабора α зона отжима струй жидкости, может занимать больше половины ширины водоприемного отверстия. Донные линии токов отклоняются от верхового ребра водоприемника, хотя и на меньшую, но все равно, значительную величину. Описанная картина объясняет образование водоворотной зоны у верхового ребра входного отверстия, охватывающей до 40...50% ширины последнего. Поэтому для размываемых русел характерен подмыв берега и дна, у низовой грани входного отверстия отводящего канала и наоборот, образование отмели у верхового борта вблизи входа.

Для сечения 5-5 характерен размыв в зоне верхового борта отводящего русла поверхностными токами и отложение на противоположном берегу транспортируемых донными слоями жидкости влекомых (донных) наносов.

Таблица 1. Таблица для определения донных и поверхностных границ водоотбора водозаборе АБМК

$q_k = Q_{вз}/b$	$Q_{вз}$	$b, м$	$q_p = Q_p/B$	Q_p	B	$k = q_k/q_p$	$b_n = a_n(k - c_n)$	$b_n = a_n(k - c_n) \cdot b$
10,00	100	10	2,00	1000	500	5,00	3,614	5,382
6,00	120	20	1,83	1100	600	3,27	2,353	3,361
4,67	140	30	1,71	1200	700	2,72	1,951	2,717
4,00	160	40	1,63	1300	800	2,46	1,760	2,412
3,60	180	50	1,56	1400	900	2,31	1,653	2,240
3,33	200	60	1,50	1500	1000	2,22	1,586	2,132
3,14	220	70	1,45	1600	1100	2,16	1,541	2,060
3,00	240	80	1,42	1700	1200	2,12	1,509	2,010
2,89	260	90	1,38	1800	1300	2,09	1,487	1,973
3,00	300	100	1,36	1900	1400	2,21	1,577	2,118

$k = q_k/q_p$ – соотношение удельных расходов в отводящем и основном руслах;

$q_k = Q_{вз}/b$ – удельный расход в отводящем русле, равный отношению величины отбираемого из реки расхода к ширине отвода;

$q_p = Q_p/B$ – удельный расход реки, равный отношению величины расхода реки выше отвода Q_p к ширине русла реки B на рассматриваемом участке;

a_n, a_n, c_n, c_n – экспериментально полученные коэффициенты по И.Н. Жуленеву и В.А. Шаумяну:

$$a_n = 1,17; a_n = 0,73; c_n = 0,40; c_n = 0,0$$

При выявлении механизмов формирования границ деления потока, при водоотборе, важное значение имело определение оптимального угла отвода потока. Последний, как изначально предполагалось, оказывал влияние как на пространственную геометрию линий водоотбора, так и на величины потерь напора в транзитном и отводимом потоках.

Выяснилось, что угол отвода потока практически не влияет на формирование границ деления потока

обзор изученности вопросов проектирования и эксплуатации бесплотинных водозаборов позволил сделать следующие основные выводы:

1. Режиме водоотбора необходимо учитывать при проектировании бесплотинных водозаборных гидроузлов, так как при уменьшении угла отвода для снижения потерь напора на входе в водоприемник, последний интенсивнее заносится осаждающимися взвесями.

2. В районе водозабора АБМК происходят интенсивные деформации русла реки Амударья: Из-за проработки русла земснарядами, пульпа

В сечении 6-6 по направлению к отводу образуется, так называемая, “нейтральная зона”. Здесь, согласно описательной картине предшествующих исследователей, частицы жидкости находятся в состоянии неустойчивого равновесия и, в зависимости от пульсации скоростей в потоке, могут либо завлекаться в отвод, либо двигаться вниз по основному руслу.

Для берега, от которого осуществляется отвод воды, за сечением 6-6, характерны размывы под действием поверхностных токов жидкости. У противоположного берега, в свою очередь, образуется водоворотная зона – “зона затишья”, где интенсивно откладывающиеся наносы образуют отмель.

Описанная картина явления деления потока полностью подтверждается опытом эксплуатации бесплотинных водозаборных сооружений с незащищенным входом в отвод, для земляных отводящих русел, в которых характерно меандрирование и смещение головы канала вниз по течению [1-4].

b_d и b_n – ширина захвата отводом донных и поверхностных струй потока, соответственно, b – ширина отвода;

при водозаборе ввиду начала трансформации руслового потока значительно выше отвода. Как уже было ранее отмечено, определяющее влияние на характер рассматриваемого явления оказывало соотношение расходов транзитного и отводимого потоков, а также зависимость распределения в них скоростей движения жидкости.

Угол отвода потока в большей степени оказывал влияние на образование вихревых зон на входе в отвод. Размеры и интенсивность вихрей на входе, в свою очередь, обуславливали потери напора, а также количество наносов, отлагающихся у водоприемного отверстия, на количество поступающей в отвод шуги.

С целью определения оптимального угла отвода потока, показали, что потери напора возникают как в отводимом, так и в транзитном потоке; потери в последнем в значительной степени определялись величиной водоотбора и его границами. Угол отвода на потери энергии при делении потока практически не влиял [5].

Выполненный

выбрасывается в русло реки, получается, как бы, складирование наносов на правом берегу. Это, в свою очередь, приводит к сужению русла реки и заилению подводящего канала, что способствует перемещению русла к левому берегу и затрудняет водозабор из реки в канал.

3. Принимая во внимание сложность процессов, происходящих при делении потока, все это изначально требует рассмотрения качественной и количественной сторон данного явления “в чистом виде”, без влияния на движущийся поток различных противонаправленных устройств.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТУРАТУРА:

1. Базаров Д.Р., Норкулов Б, Рузимухамметова Д.М, "Изменение гидрологического режима реки при бесплотинном водозаборе"., Архитектура, Строительство, Дизайн. № 4, 2011г. С-39-41.
2. Кловский А.К, Совершенствование конструкций бесплотинных водозаборных гидроузлов с донными циркуляционными порогами на малых горных реках, соискание ученой степени кандидата технических наук. Москва 2015 г.С-155.
3. Норкулов Б, Назаралиев Д.В, Жумабаева Г.У, Изменение гидрологического режима реки при бесплотинном водозаборе" Агро –Илм №6, 2018,
4. А.И.Ирисматова, Норкулов Б., Азимов С, Нишанбаев Х., Жавбуриев Т., Динамика уровней и расходов воды реки Амударья в районе водозабора в АБМК», « II International Scienti-c and Practical Conference "International Trends in Science and Technology", May 31, 2018, Warsaw, Poland. –P. 40-45.
5. Норкулов Б., Артыкбаева Ф., Нишанбаев Х., «Результаты натурных исследований русловых процессов в земляном канале, Международная научно-практическая конференция, Молодых ученых по проблемам водных ресурсов, Алма-Ата, Казахстан, 5-8 апреля 2018 года.
6. Румянцев И.С. Научный обзор изученности вопросов проектирования и безанальной эксплуатации бесплотинных водозаборных гидроузлов / И.С.Румянцев, А.В.Кловский // Международный технико-экономический журнал. – 2014. – N 2. – С.101-106.

УДК:502:338

ПРИАРАЛЬЕ – ЗОНА ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ
Санобар ДУСТНАЗАРОВА, ТИИМСХ

Аннотация: В современных условиях приоритетного значение имеет не только решение экологических проблем, но и широкая информационно-воспитательная работа, направления на рациональное использование природных ресурсов. Наша общая задача – сократить губительное воздействие Аральского кризиса на окружающую среду и проживающих в Приаралье людей, восстановить некогда существовавшее природное равновесие и создать благоприятные условия для жизнедеятельности человека.

Водные ресурсы Республики составляют поверхностные и подземные воды, размещение которых по территории крайне неравномерно. В зоне формирования поверхностного стока в верхнем течении бассейна реки Сырдарья отсутствует дефицит в воде, среднее и нижнее течение недостаточно обеспечено водой по объему качеству. Поверхностные воды распределяются по ряду разобщенных, самостоятельных речных бассейнов: Сырдарья, Амударья, Зеравшана, Кашкадарья. Горная часть бассейнов характеризуется развитой сетью водостоков со средним модулем стока около 6,5 л/с с квадратного километра. На обширной равнинной части, занимающей 70% территории, водотоков очень мало, большинство из них не доходит до Аральского моря. Реки Республики в основном имеют снежоледниковое питание с максимумом стока в весенне-летний период, минимум приходится на осенне-зимний период.

Проблема Аральского моря сегодня считается очень многоаспектной. Во-первых, стороны и экспертное сообщество за многие лет сотрудничества и изучения проблемы выработали вполне конкретные меры, которые способны улучшить ситуацию вокруг аральского кризиса. Другая эффективная мера – создание маленьких локальных водоёмов в дельте Амударья, чем сейчас занимаются ученые из Узбекистана. Также эффективна консервация отдельных частей водоёма, как это произошло с так называемым Малым морем на территории Казахстана, ведь о едином Аральском море в 2018 году уже говорить не приходится – оно разделилось на два несообщающихся водоёма. Все эти меры на локальном уровне за счет определенных инженерных усилий позволят улучшить ситуацию.

Население региона Приаралья в Узбекистане за последние 50 лет увеличилось в 3,6 раза – до двух миллиардов человек. В соответствии с Государственной программой по развитию Приаралья за 2017-2021 годы, направленной на улучшение условий и качества жизни населения региона, предусмотрено выделение средств из Госбюджета и привлечение инвестиций в объеме свыше 8 трлн.

Фонд развития региона Приаралья при Министерстве финансов Республики Узбекистан в 2018 году планирует увеличить свой доход до 323,5 миллиарда сумов, предварительные расходы при такой сумме прогнозируются в районе 246,9 миллиарда суммов. В 2017 году доходы фонда составили 189,9 миллиарда сумов. Израсходовала же организация за прошедший год 123,5 миллиарда сумов. Уточняется, что в 2017 году были проведены строительно-монтажные работы, реконструкция, капитальный ремонт и благоустройство всего по 167 объектам, в том числе по развитию системы водоснабжения и повышению доступа населения к чистой питьевой воде и услугам канализации. В Казахстане стартовал совместный с ООН проект по спасению Арала. На возрождение побережья Аральского моря ООН выделил 3 млн долларов. Данный проект нацелен на три направления: социальное, экономическое и экологическое. С высыханием моря люди, которые промышляли рыбацким делом, больше не могут себя прокормить, ведя такой образ жизни. Задача этого проекта – помочь людям найти альтернативу, как им зарабатывать на жизнь. В зоне Приаралья Узбекистан за последние несколько лет реализовал проекты на общую сумму более 5,5 миллиардов долларов США. Эти проекты финансируются правительством Узбекистана и Международным Фондом спасения Арала.

Жизнь показывает, что люди могут приспособиться к любой ситуации, и выжить даже в условиях экологической катастрофы. Трагедия Аральского моря – достойный пример стойкости местного населения. На восстанавливаемых ближайших озерах развивается рыболовство. Осушенное дно моря богато природными ископаемыми – нефтью и газом. Уже сейчас началось промышленное освоение дна. Международные корпорации ведут геологические разработки в этой области. И наконец, Приаралье в будущем может стать перспективным туристическим направлением. Этому способствует принятое в феврале 2017 года постановление Президента Республики,

направленное на экономическое развитие и обеспечение занятости населения Муйнакского района в 2017–2018 годах, а также Комплексная программа развития Муйнакского района на 2017–2018 годы.

В этом регионе число дней с температурой свыше 40 градусов увеличилось в 2 раза. Также в последнее время наблюдается повышенная частота дней с экстремально холодной температурой в зимнее время – ниже минус 30 градусов. Кроме того, дальнейшее повышение температуры на 1,5–3 градуса приведет к увеличению потерь воды на 10–15% за счет испарения с водной поверхности и на 10–20% – из-за возрастания транспирации растениями.

Узбекистан последовательно проводит политику рационального природопользования, реализует меры по совершенствованию управления земельными и водными ресурсами, интенсификации сельского хозяйства. За счет принятых мер удалось сократить ежегодное водопотребление на 14 миллиардов кубометров, а удельный объем расхода воды на один гектар в сельском хозяйстве уменьшить более чем в два раза, улучшить мелиоративное состояние свыше половины площади орошаемых земель. Только для стабилизации экологической обстановки в зоне Приаралья направлено более 5,5 миллиарда долларов.

Совместно с партнерами из зарубежных стран и международных организаций осуществляются проекты по созданию лесных защитных насаждений на осушенном дне Аральского моря и новых охраняемых природных территорий, улучшению системы отвода коллекторно-дренажных вод, повышению уровня жизнеобеспечения населения. За последнее десятилетие на осушенном дне Арала заложено около 350 тыс. гектаров леса из саксаула и других солеустойчивых видов растений. Общая площадь таких территорий составила около 700 тысяч гектаров.

Подчеркивая объективную целесообразность и необходимость объявления Приаралья зоной экологических инноваций и технологий, отмечу, что эта инициатива Узбекистана, выдвинутая на саммите МФСА, полностью поддержана нашими соседями – Казахстаном, Кыргызстаном, Таджикистаном и Туркменистаном.

Ее принятие стало бы весомой поддержкой со стороны ООН и всего международного сообщества усилий наших государств по укреплению конструктивного диалога, расширению взаимовыгодного сотрудничества и выработке согласованных подходов к решению существующих в регионе проблем.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
2. Мирзиёев Ш.М. «Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия района», Т. Узбекистан, 2017 г.
3. Мирзиёев Ш.М. «Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя», Т. Узбекистан, 2017 г.
4. Анализ ситуации в области охраны окружающей среды в Узбекистане. АБР, 2004.
5. Бахретдинова Х.А. «Экологический менеджмент» учебное пособие. Ташкент, 2014.

УДК 2:631.459

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЧОРА – ТАДБИРЛАР Д.Г.ЮЛЧИЕВ, М.С.ХАЙИТОВА–ТИҚҲММИ “Ирригация ва мелиорация кафедраси ассистентлари

Аннотация: Мақолада Тошкент вилоятининг нишаблиги катта бўлган суғориладиган оғир, ўрта, енгил тупроқларида сув эрозияга учраган ерларда янги техник восита ва технологияларни қўллаш орқали эгатлаб суғоришда эрозияни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Жумладан сув тежамкор суғориш техникаси элементлари аниқлаш орқали, қишлоқ хўжалик экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришиш бўйича маълумотлар бериб ўтилади.

Калит сўзлар. Тупроқ, нишаблик, намлик сизими, суғориш меъёри, суғориш режими, суғориш техникаси, суғориш технологияси, эгат, эрозия, ҳосилдорлик.

Ҳозирда республикаимизнинг 44797,7 минг гектар умумий майдонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланадигани 27521,6 минг гектар, суғориладиган ерлар эса 4296,44 минг гектарни ташкил этади. Улар турли табиий тупроқ-иқлимга эга бўлган қишлоқ хўжалик ҳудудларида жойлашган бўлиб, жадал деҳқончилик асосан мелиоратив, экологик ҳолати ҳамда тупроқларининг унумдорлик даражаси бир-биридан кескин ажралиб турадиган 4278,0 минг гектар суғориладиган ерларда олиб борилмоқда. Афсуски, ана шу майдонларнинг 65,9 % ида мелиоратив ҳолат қониқарсиз, 1,5 млн. гектардан ошқроғи дефляцияга, шу жумладан 0,7 млн. гектари кучли дефляцияга учраган, 660 минг гектар ерда ирригация эрозияси, 40 минг гектар майдонда жар эрозияси мавжуд бўлиб, суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонларда тупроқ унумдорлигини мутассил пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда тупроқ эрозиясини камайтириш ўта муҳим вазифа

ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш талаб қилинади:

1. Ерларни умумий ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича мунтазам мониторинг юритиш;
2. Тупроқдан олиб чиқиб кетилаётган ва тупроққа киритилаётган озуқа балансини сақлаш, кўпроқ органика киритиш;
3. Фермерлар, умуман ердан фойдаланувчиларни илмий-амалий салоҳиятини янада ошириш;
4. Тупроқ унумдорлигини оширувчи, ресурс-тежовчи технологияларни жорий этиш, жумладан тақдим қилинаётган технологияни жорий қилиш орқали тупроқ эрозиясини камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш[1].

Эрозияга учраган тупроқда ҳосилдорлик 5–10 мартага камайиб, ҳар хил бегона ўтлар 2–4 марта кўпайиши илмий тадқиқот натижарига асосан аниқланган. Шу сабабли тезлаштирилган эрозия дунё бўйича деҳқончилик учун офат ҳисобланади. Чунки қисқа вақт ичида бу эрозия таъсирида миллионлаб гектар суғориладиган ер майдонларидаги тупроқнинг устки ҳосилдор қисми емирилиб ҳосилсиз ерларга айланиб қолади. Сўнгги юз йил ичида дунёда 2 млрд

гектар ҳосилдор тупроқлар эрозияга учраб ишдан чиққан [1].

Бунга мисол қилиб, шамол эрозияси (дефляция) яъни шамол кучи таъсирида тоғ жинслари ва тупроқ заррачаларининг кўчиши шамол кучи, қайтарилиши ва тупроқнинг устки ҳолатига боғлиқ бўлиб, бу турдаги эрозия суғорилмайдиган ерларда шамол кучи 3–5 м/с дан ортганда намоён бўлади. Шамол эрозияси таъсирида ўлчами 1 мм дан кичик бўлган агрегатлар тупроқ массасидан ажралиб чиққан чанг бўронлари кўринишда намоён бўлади. Тупроқ таркибидаги чириндининг 100 йил ичида 2,5–3 баробар камайганлигига қайд қилинган. Шамол тезлиги 4–5 м/с бўлганда – кучсиз, 5–15 м/с бўлганда – ўртача, 15 м/с дан ортиқ бўлганда эса кучли эрозия ҳосил бўлиши илмий тадқиқот натижаларида кузатишган.

Тупроқнинг сув ва шамол таъсирида эрозияга учраши, ривожланишига таъсир қилувчи асосий сабабларга иқлим шароити, ер юзасининг нотекислиги, ернинг геологик тузилиши, ўсимлик дунёсининг таркиби, тупроқ шароитлари каби табиий омиллар билан биргаликда инсон томонидан ердан фойдаланиш тартиби ва усуллари, сув манбаларидан нотўғри фойдаланишни келтириб ўтиш мумкин [2].

Эрозия карши олимлар томонидан амалга оширилган ишлар. Сув (ирригация) эрозиясининг рўй бериши, зарарли оқибатлари ҳамда уларга қарши кураш масалалари бўйича кўплаб махаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий–тадқиқот изланишлар олиб борилган. Хорижий олимлар илмий изланишларига назар соладиган бўлсак, жумладан:

В.Иванов (1980) маълумотларига кўра, қора ва суп ўрмон тупроқларида шудгорни қияликка кўндаланг равишда амалга оширилганда, уни қиялик бўйлаб ҳайдалганга нисбатан ақова 8,2 мм. га, тупроқни ювилиши 5,9 т/га га камайганлигини аниқланган [4].

Москва вилояти шароитида Г.А.Череновнинг (1966) аниқлашича, ўртача икки йилда оддий шудгорланган ерларда 11 т/га, шудгорлаш билан бирга чуқур юмшатиш ўтказилган 6,2 т/га тупроқ ювилган, кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги эса тегишлича 20,2 ва 22,0 ц/га ни ташкил қилган аниқланган. [5].

В.Я.Ульченконинг (1977) изланишларида, қиялиги 3–5° оч тусли қаштан тупроқларда баҳорги шудгорни оддий омовларда ўтказилганда 5,2 т/га, шудгор чуқур юмшатишганда 3,6 т/га, уйғунлашган ҳолда ҳайдалганда эса 0,5 т/га тупроқ заррачалари ювилганлиги кўрсатилган [6].

П.И.Аксенов (1965) нинг дала тажрибасида шудгорланган ерларда 70 см чуқурликда сунбий қувурсимон нов ҳосил қилинганда 122 кг/га, сунбий нов килинмаганда 793 кг/га тупроқ заррачаларининг ювилганлиги аниқланган. [7].

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда ҳам бир қанча олимлар тупроқ эрозиясига қарша курашиш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

С.С.Майлибаев (1967), М.Насриддинов (1978), С.И.Искандаров (1980), А.Д.Табет (1980), К.М.Мирзажонов, Ш.Нурматов (1983), А.Казаков (1983), ушбу олимларни илмий изланишига кўра ювилиш даражасининг ортиши билан гумус қатлами қалинлиги ва озика элементлари миқдори камайиб боришини аниқлаган.

Қ.М.Мирзажонов, Р.У.Рахмонов, (2016), томонидан типик бўз тупроқларнинг ирригация эрозиясидан муҳофазалаш учун 1 погонметрда амплитудаси 29–30 см бўлган 5 та кўндаланг тўсиқчалари бўлган 6,6 см чуқурликда эгатлар олиб, уларга 0,13 л/с миқдорда сув сарфлаб ғузани суғоришни тавсия қилинган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитларида қиялик даражаси 0,5° бўлганда

ювилиш 4,5 т/га, қиялик 4,3° бўлганда эса 44,7 т/га гача етиши Ш.Нурматов (1982) [15]. (1993) изланишларида кузатишган [16]. Ювилиш жараёнларини камайтириш учун Н.К.Нурматов ва А.Ғуломжонов (1979,1982) лар Тожикистоннинг нишаблиги юқори (0,05–0,2) ерларида ғўзани чуқурлиги 2–3 см бўлган илон изи микроэгатлар орқали суғориш таклиф қилишган. Бунга махсус илон изи бўртмалари мавжуд катокларни культиватор ўғитлагичларнинг эгат очқичлари ўрнига ўрнатилиб ишлатилганда тупроқ ювилишини 40–50 % камайтиришга эришилади [17].

Биз томондан Тошкент вилоятининг ЎзПТИ тажриба даласида эрозияга қарши курашда илмий–тадқиқот изланишларига асосланган ҳолда, нишаблиги 0,001 дан катта бўлган оғир, ўрта ва енгил қумоқ тупроқлари суғориладиган майдонлар шароитида барқарор профилдаги ва лойиҳавий нишабликдаги эгат олиш учун яратилган янги техник восита ёрдамида эгатлаб суғоришда ирригация эрозияси натижасида тупроқ заррачалари ювилиб кетиши, улар билан бирга макро ва микроунсурлар, агрохимиявий қолдиқлар йўқолиши натижада ҳамда атроф–мухитни ифлосланиши ҳамда сув тежамкор суғориш техникаси элементларини аниқлаш, уларни фермер хўжаликлари ерларида қўллаш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдан иборат.

Илмий тадқиқот ишларида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1.Тупроқнинг механик таркиби аниқланди (0–100 см. қатламгача бўлган чуқурликда олинган намуналар бўйича Н.А.Качинский услуби).

2.Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги аниқланди (ўсув даврининг боши ва охирида ҳар 0–10 см. қатламлар бўйича тупроқнинг 0–100 см.).

3.Тупроқ таркибидаги чиринди миқдори, умумий азот ва фосфор аниқланди (тупроқнинг ҳаракат шакллари тадқиқот боши ва охирида аниқланади: тупроқдаги азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М. Мальцева усулида; нитратли азот калориметр усулида; ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий П.В.Протасов усули).

4.Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги (ҳар йили тажриба боши ва охирида Нестеров услубида, цилиндрик доиралар усули).

5.Тупроқ намлигининг ўзгариши (динамикаси) орқали. (Тупроқнинг намлиги вегетация бошида ва охирида ҳамда суғоришлардан олдин ва кейин барча вариантларда 0–100 см. ли қатламнинг ҳар 0–10 см қатламлари) аниқланади.

6.Эгат узунлиги бўйича тупроқ намлигининг ўзгариши (динамикаси) (эгатнинг ҳар 10 м (енгил тупроқларда) ва 20 м (ўрта ва оғир тупроқларда) узунлиги бўйича 0–150 см (эгатнинг биринчи яримиди) ва 0.100 см (эгатнинг иккинчи яримиди) чуқурликкача) аниқланади.

7.Эгатдаги сув оқимининг эгат охирига етиб бориш тезлиги ва вақти аниқланади.

8.Эгатнинг узунлиги бўйича тупроқнинг вертикал намланиш эпюраси аниқланади.

9.Эгатнинг узунлиги бўйича тупроқнинг текис намланиш коэффициенти аниқланади.

10.Тупроқ ювилиш заррачаларини аниқлаш.

11.Ўза бўйича фенологик кузатишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: 1 июн ҳолати бўйича ғўза поясининг бўйи ва шохлари аниқланади; 1 июл ҳолати бўйича ғўза поясининг бўйи ва ҳосил шохлари ўлчанади; 1 август ҳолати ғўза поясининг бўйи ва қўсақлар сони; 1 сентябр ҳолати бўйича ғўза

поясининг бўйи, жами кўсақлар сони ва шу жумладан очилганларининг сони; ҳосилни вариантлар ва такрорланишлар бўйича ҳисобий қаторларда пахтани териб олиш йўли билан аниқланади;

Ҳосилдорлик маълумотлари Б.А.Доспеховнинг (1985) дисперсион таҳлил услуби бўйича Pentium-4 компютерида математик ишловдан ўтказилади.

Тажриба даласига бериладиган сув миқдори “Чиполетти” (ВЧ-50) ва эгатларга бериладиган сув “Томсон” сув ўлчлагичлар ёрдамида аниқланди.

Олинадиган натижа. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида эгат кўндаланг кесимининг турғун профилини ва лойихавий нишаблигини таъминловчи эрозияни камайтирувчи янги техник восита яратилади. Нишаблиги 0,001 дан катта бўлган оғир, ўрта ва энгил қумоқ тупроқли суғориладиган ерларда эрозияни камайтириш бўйича хулосалар берилади. Тажриба далалари тупроғининг механик таркиблари, уларнинг сув-физик хоссалари ва таркибидаги озуқа элементлари аниқланади. Тажриба далаларидаги сизот сувларининг сатҳи ва уларнинг минерализацияси аниқланади. Тажриба далаларида

ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган суғориш техникаси элементлари ва уларнинг самарадорлиги ортиси аниқланади. Натижада Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида эгат кўндаланг кесимининг турғун профилини ва лойихавий нишаблигини таъминловчи янги техник воситани тажриба далаларида қўллаш учун мавжуд техникаларга мослаштирилади.

Хулоса. Қўлланилган техник восита ва технология натижасида 1- йиллик олинган натижаларга асосан қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Суғориш суви таъсирида бўладиган эрозияни 3-5 фоизга камайтиришга эришилди натижада Суғориш сувини 5-8 фоизгача тежалди. Тупроқ унумдорлигининг ювилиши олди олинди. Экин хосили 5-6 фоизга ошганлиги кузатилди. Тупроқ унумдор қатламининг ювилиши бартараф этилди. Эгат бошидаги ва охиридаги (узунлиги бўйлаб) тупроқ эрозияси барқарорлашди. Ғўза (экиннинг) эгат узунлиги бўйлаб бир маромда ўсиб, ривожланишига эришилди

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нурматов Ш.Н., Абдалова Г.Н., Рахимов А.Х., Раҳманов Р.У. “Тупроқ ирригация эрозиясидан муҳофазалаш ва унумдорлигини ошириш омиллари” // Тошкент-2018, Print “Xpress” 2018, 264 бет.
2. Рамазонов О., Юсупбеков О. “Тупроқшунослик ва деҳқончилик” // – Тошкент-2003, “Шарқ” 2003, 87-91 бет.
3. Рамазонов А., Буриев С “Тупроқшунослик ва деҳқоншунослик” //Т:-2018 “Баркамол файз медиа” 2018, 57-61 бет.
4. Иванов В., Парахневич М. “Эффективность проктивозивной агротехники на черноземных и серых лесных почвах”// Научные тр. Воронежс. СХИ. 1980. Вып.110. С. 22-31.ас
5. Черевен Г.А. “Противоэрозийные обработки зяби на смытых почвах”// Вестник. 1996. №12.С. 8-12.
6. Ульянов В.Я. “Некоторые особенности основной обработки почв на склонах”.//В кн.: Технология и урожай. Волгоград: Нижне Волж.книж.изд., 1977. С. 13-18.
7. Аксенов П.И. “Накопление влаги в почве глубоким кротованием”// Вестник. 1965. №2. С. 97-101.

ОҲАНГАРОН ДАРЭСИ ҲАВЗАСИДАГИ СУВ ОМБОРЛАРИ ВА ДАРЁДАН СУВ ОЛАДИГАН КАНАЛЛАР СУВ САРФЛАРИ ТАҲЛИЛИ

С.Р. МАНСУРОВ, С.М.ҚОДИРОВ, ТИҚҲММИ ассистентлари

Аннотация. Оҳангарон дарёсини Оҳангарон сув омборидан уни Сирдарё дарёсига қўйилиш жойигача бўлган масофадаги сув олувчи ёки қуювчи катта-кичик жами 50 га яқин каналларнинг сув сарфлари режими таҳлил қилинди.

Abstract. The article analyzes the water usageregime of a total of 50 canals, including water intake or discharge from the Akhangaran reservoir to the Syrdarya River.

Калит сўзлар: Дарё ўзани, каналлар, сув омбори, суғориш майдони, Тошкент вилояти, Оҳангарон дарёси.

Маълум бир дарё ҳавзасида инсон қўли билан бўнёт этилган сув омборлари, каналлар, ариқлар, коллектор-зовурлар ва улардан тўйинадиган қўллар биргаликда антропоген гидрографик тармоқларни ҳосил қилади [1].

Ушбу мақолада Оҳангарон дарёси ҳавзасининг антропоген гидрографик тармоқлари, сув омборлари, каналларини гидрографик нуқтаи назардан ўрганиш ва имконият даражасида уларнинг гидроморфологик кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди.

Қуйида, дастлаб, дарё ҳавзасидаги сув омборлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Оҳангарон дарёси ва унинг ирмоқлари сувидан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида

воҳада бир қанча сув омборлари ҳамда уларга сув келтиришни ва улардан сув чиқаришни таъминлайдиган махсус гидроузеллар қурилган. Жойлашишига кўра Оҳангарон сув омбори дарёнинг юқори қисмида, Туябўғиз (Тошкент денгизи) ўрта қисмида жойлашган [1,2,3].

Оҳангарон сув омбори 1974 йилда ишга туширилган. Унинг сув тўплаш майдони $F=14,90$ км² га тенг. Сув омборининг тўлиқ ҳажми $V=399$ 106м³, фойдали ҳажми $F=319$ 106м³ ни ташкил қилади. Оҳангарон сув омборининг сув юзаси майдони $F=8,1$ км² га тенг. Сув омборининг максимал сув сатҳи белгиси $H=1100$ м ни ташкил қилади (1-жадвал).

1-жадвал. Оҳангарон ҳавзаси сув омборларининг морфометрик кўрсаткичлари

Сув омборлар	Максимал сув сатҳи белгиси, м	Йишга туширилган йили	Сув тўплаш майдони, км ²	Ҳажми, 10 ⁶ м ³		Сув юзаси майдони, км ²	Узунлиги, км	Кенглиги, км		Чуқурлиги, м		Қирғоқ чизиги узунлиги, км
				тўлиқ	фойдали			ўрт.	мах	ўрт.	мах	
Оҳангарон	1100	1974	1490	399	319	8,1	7,9	1	1,5	49,3	95,5	17
Туябўғиз	394	1966	4630	204	195	20,7	10	2,1	3	9,9	30,9	50

Оҳангарон сув омборининг узунлиги $L=7,9$ км ни, ўртача кенглиги $B=1$ км ва максимал кенглиги $B=1,5$ км га тенг. Сув омборининг ўртача чуқурлиги $h=49,3$

м ни, максимал чуқурлиги $95,5$ м га тенг. Сув омборининг қирғоқ чизиги узунлиги 17 км га тенг (2-жадвал) [2,4].

2-жадвал. Оҳангарон ҳавзасида жойлашган сув омборларнинг морфологик кўрсаткичлари

Сув омборлари	Кўрсаткичлари										Морфологик тип	Жойлашиши
	Фойдалилик	Солиштирма сув тўплаш	Узунлик	Иҳчам-лилик	Қирғоқ чизиги	Акватория	Нисбий чуқурлик	Ҳажм	Очиқлик			
Оҳангарон	0,8	184	7,9	0,67	2,08	4,4	28,6	0,52	0,2	Муракаб	ўзанда	
Туябўғиз	0,96	223,7	4,8	0,7	3,1	10	3,9	0,32	2,09	ботиқли ўзан	ўзанда	

Туябўғиз сув омбори (Тошкент сув омбори) 1953-1963 йиллар давомида Оҳангарон дарёси ўзанида қурилган. Лойиҳа учун топшириқ “Средазгипроводхлопок” лойиҳа институти томонидан 1951 йилда қурилган. Ушбу лойиҳа институти томонидан $V=185,0$ 10^6 m^3 ҳажмдаги техник лойиҳа ишлари 1953-1957 йилларда бажарилган, сув омбор ҳажмини $V=280$ 10^6 m^3 га етказиш учун техник лойиҳа 1963 йилда бажарилган ва 25.12.1961 йилда Республика Мелиоратсия ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Бош пудратчи ташкилот “Тошсувқурилиш” трестининг қурилиш – монтаж бошқармаси Туябўғизстрой амалга оширган. Қурилишнинг $V=185,0$ 10^6 m^3 ҳажмдаги 1 навбати 1961 йилда тугалланиб, $V=250$ 10^6 m^3 ҳажмдаги 2 навбати 1963 йилда тугалланган. Сув омборига сув йиғиш 1959 йилда бошланган, лойиҳадаги 250 10^6 m^3 ҳажмидаги сув 1964 йилда йиғилган. Давлат қабул комиссиясининг далолатномаси 1963 йил декабр ойида тасдиқланган. Сув омбори турига кўра ўзанли, сув оқимини бошқарилишига нисбатан мавсумий ҳисобланади (1-2 жадваллар).

Сув омборини барча қирғоқ ерлари ташкилотларнинг дам олиш зоналари билан майдони 2356 гектарни ташкил қилади. Сув билан Бўка ва Бекобод туманларидаги 20,0 минг га яқин ерларни суғориш, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ туманларидаги 105 минг га ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилади.

Маълумки, Оҳангарон дарёси оқимининг асосий қисми суғоришга сарфланади. Шу сабабли турли даврларда кўплаб каналлар қазилган ва уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунгача ишлаб турибди.

3-жадвал. Тошкент каналдан Туябўғиз сув омбори тўғонининг қуйи қисмигача бўлган масофада жойлашган каналлар ҳақида

№	Канал номи	Жойлашишига кўра ўрни	Дарё оқимига таъсири	Сув сарфи Q m^3/c
1	Тошкент канали	Ўнг	Сув қуяди	0,016
2	Ғайрат	Чап	Сув қуяди	0,44
3	Чап қирғоқ	Чап	Сув олади	7,36
4	Ўнг қирғоқ	Ўнг	Сув олади	6,23
	Умумий			14,05

Туябўғиз сув омбори тўғонининг қуйи қисмидан Оҳангарон дарёсининг Солдатский гидрологик постигача бўлган масофада 10 га яқин йирик каналлар

мавжуд. Ушбу ҳудуддаги энг йири Қорасув ва РК-10 каналлари Чирчиқ дарёсидан сув олиб Оҳангарон дарёсига ташлайди [3,5] (4-жадвал).

4-жадвал. Туябўғиз сув омбори тўғонининг қуйи қисмидан Солдатский постигача бўлган масофада жойлашган каналлар ҳақида

№	Канал номи	Жойлашишига кўра ўрни	Дарё оқимига таъсири	Сув сарфи Q m^3/c
1	Қорасув	Ўнг	Сув қуяди	12,9
2	Прокоп Юлдузи	Ўнг	Сув олади	0,15
3	Р-9-1	Ўнг	Сув қуяди	0,18
4	Сорисув I	Ўнг	Сув олади	0,38
5	Прокоп Кирова	Ўнг	Сув қуяди	0,11
6	Шамалек	Чап	Сув олади	0,49
7	РК-10	Ўнг	Сув олади	7,07
	Умумий			21,3

Оҳангарон дарёсининг қуйи қисмида Солдатский гидрологик постидан кейин 4 та йирик канал мавжуд.

Ушбу каналларнинг 3 таси дарёга сув ташлайди. Атиги биттаси, Новосамарский канали дарёдан сув олади.

6–жадвал. Оҳангарон дарёсининг Солдатский гидрологик постидан кейинги қисмида жойлашган каналлар ҳақида

№	Канал номи	Жойлашшига кўра ўрни	Дарё оқимига таъсири	Сув сарфи Q м³/с
1	Новосамарский	Ўнг	Сув олади	0,38
2	Қорасув I	Чап	Сув қуяди	4,45
3	Гулистон	Ўнг	Сув қуяди	1,33
4	Қорасув II	Чап	Сув қуяди	2,48
	Умумий			8,64

Хулоса қилиб айтганда, Оҳангарон дарёси оқимининг асосий қисми суғоришга сарфланади. Дарё оқимини ростлаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида 2 та йирик сув омбори қурилган. Ушбу сув омборларининг асосий вазифаси: суғориш даврида дарё ўзанидаги сувни бир меъёрга сақлаб, хўжаликларга етказиб бериш, сув омбори комплексига кирувчи барча гидротехник иншоотлар ва каналлар ҳолатини мунтазам кузатиб бориш ва доимий соз ҳолатда сақлашдан иборат. Оҳангарон дарёсини Оҳангарон сув омборидан уни Сирдарё дарёсига қуйилиш жойигача бўлган масофадаги сув

олувчи ёки қуёвчи катта-кичик жами 50 га яқин каналларнинг сув сарфлари режими таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Тошкент вилоятининг республикани сув ресурлари билан энг яхши таъминланган ҳудуди бўлишига қарамасдан баъзи кам сувли йиллари Оҳангарон дарёсини Сирдарё дарёсига сув еткази олмаяпти. Бу ҳолатни ушбу вилоятда аҳоли сонини кейинги 7–10 йилларда кескин ортиши ҳамда сувдан фойдаланиш соҳаларини кўпайганлиги билан тушунтириш мумкин.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Акбаров А.А., Каримов С.К. Мухандислик Гидрологиядан ўқув қўлланмаси – Тошкент: Ўзгидрозем, 1990. – 95б
2. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Умумий гидрология. – Тошкент: Университет, 1995. –175 б.
3. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. Ч. 1.2. – Л.: Гидрометеоздат, 1965. – 691 с.
4. Хикматов Ф., Айтбаев Д.П., Аденбаев Б.Е., Гидрологияга кириш. –Т.: “Университет” нашриёти, 2017. – 200 б.
5. Чеботарев А.И. Общая гидрология. –Л.: Гидрометеоздат, 1975. –544 с

УЎТ: 629.5.

**СУВ ТОЗАЛАШ ИНШОТЛАРИДА ТОЗАЛАШГА ОЛИНГАН СУВНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
З.ИБРАГИМОВА–ассистент, Д.АЛЛАЁРОВ–ассистент, М.ОТАХОНОВ–ассистент, ТИҚХММИ**

Аннотация: Мақола ичимлик суви сифати ва уни тайёрлаш технологиясининг самарадорлигини оширишга бағишланган. Тадқиқотлар Тошкент шаҳридаги Бўзсув Бош сув иншоотида олиб борилган.

Аннотация: Статья посвящена качеству питьевой воды и эффективности ее технологии приготовления. Исследование проводилось на Бозсувском главном сооружении в Ташкенте.

Abstract: The article is devoted to the quality of drinking water and the effectiveness of its cleaning technology. The study was conducted at the Bozsuv main hydrostation in Tashkent.

Таянч сўзлар: ичимлик суви, реагент, тиндиргич, тезкор фильтр, насос, сув ресурсларини тежаш.

Кириш. Республикамиз Президентининг 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисидаги ПҚ–2910 сонли қарори асосида ривожлантирилаётган коммунал соҳа мамлакатимиз ҳудудий инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этади, унинг фаолияти эса аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни шакллантиради, уй-жойлар ва аҳоли пунктларининг ҳар жиҳатдан шинам ва қулай бўлишини таъминлайди [1].

Мазкур қарор билан, хусусан, 2017–2021 йилларда республикамизнинг ичимлик суви танқис ҳудудларида 20 та сув таъминоти объектини, 10,2 минг километр ичимлик суви қувурлари ва тармоқларини, 1677 та сув чиқариш қудуғи ва 1744 та сув минораси ва резервуарларини қуриш ва реконструкция қилиш, ҳамда 1440 дона насос ускунасини ўрнатиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу лойиҳаларни амалга оширишда иншоотларнинг иш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тўғри баҳолаш муҳим воситадир [1].

Сув таъминоти амалиётида сувни каллоид ҳолатидаги чўкиндилардан тозалаш ҳамда тиниқлаштиришда филтрлардан фойдаланиш катта самара бериши исботланган. Коммунал рўзгор ва юқори сифатли сув талаб этувчи ишлаб чиқарувчиларнинг сувга бўлган эҳтиёжининг юқорилиги сабабли амалиётда сувни тозалаш учун кўпроқ тезкор филтрлар қўлланилади [3,4].


Тезкор филтрларнинг ишлаш принципи реагентлар билан ишлов берилган сувни кварцли қум орқали филтрлашга асосланган бўлиб, асосан ёпишқоқликка мойил бўлган оқиндиларни филтрлаш жараёни амалга оширилади [4,5,6]. Сувдаги сузиб юривчи моддалар реагент таъсирида пайдо бўлган ёпишқоқлик ҳоссаи туфайли филтрловчи қатлам заррачаларига ёпишиб, ушланиб қолади [7,8,9].

Ушбу жараёнда эксплуатацияга олинган сув ресурсларини тежаш, яъни реагент билан ишлов берилган, тиндирилган, бирламчи хлор билан ишлов берилган ва насослар ёрдамида кўтарилган (тозалаш жараёнининг 75 % и бажарилган) сувни ҳам иқтисодий ҳам табиий ресурс жихатдан тежаш жуда муҳим масаладир.

Тадқиқот услуби. Илмий ва ишлаб чиқариш маълумотларини тўплаш, тизимлаштириш, қайта ишлаш, тизимли таҳлил услубларини ўз ичига олади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрини сув билан таъминлашнинг асосий манбааси Бўзсув канали ҳисобланиб, бу канални сув билан таъминловчи ер усти сув манбаси Чирчиқ дарёси ҳисобланади. Шаҳарни сув билан таъминлашда умумий қуввати 2326 минг м³/сутка бўлган 8 та сув олувчи иншоот қатнашади. Бўзсув канали очиқ сув манбасини ҳисобланиб, шаҳарни ичимлик суви билан таъминлашдаги улуши 70% ни ташкил қилади.

Маълумки, ер усти сувлари сузиб юрвчи (лой ва кум, лёсс) ва органик моддалар билан характерланади. Сузиб юрвчи моддаларни ўлчамлари коллоид заррачалардан ($1 \cdot 10^{-6} - 2 \cdot 10^{-4}$ мм) йирик дисперс заррачаларгача (1мм) ўзгаради. Сузиб юрвчи йирик дисперс моддаларни миқдори 1л сувда




1-расм. Бўзсув каналидаги лойқа миқдорининг кўпйиллик ҳамда 2017 йилдаги ўзгариш динамикаси.

Бўзсув Бош сув иншоотидаги сувни филтрлаш жараёнини кўп муддатли кузатувлар натижасида филтрларнинг иш самарадорлигини ошириш ва уларнинг эксплуатацияси самарали ташкил этишда қуйидаги ишларни олиб бориш муҳим восита бўлиши аниқланди:

- ✓ филтрларни ишга тушириш вақтида парда ҳосил бўлишига сарфланадиган сувни қайтадан тозалаш жараёнига киритиш;
- ✓ филтрларни ювиш вақтида сарфланадиган сувни лойқалигини ўрганган ҳолда уни қайтадан тозалаш жараёнига киритиш;
- ✓ филтрларга парда ҳосил бўлиш вақтида бериладиган сувни минималлаштириш.

Ушбу воситалар ичида парда ҳосил бўлиш вақтида сув ресурсларини тўғри бошқариш иншоотнинг иш




3-расм. №1 орқали йил давомида кўтарилган сув сарфининг ўзгариш динамикаси (2018й)

Ҳозирги кунда парда ҳосил бўлиш вақтида сарфланадиган (ҳар бир филтр сутка давомида бир марта фойдаланилганда) сувнинг ҳажми баҳоланганда

3971 м³/сутка ни ташкил қилаётганлигини ва бу қиймат умумий филтрланган сувнинг 3 %ини (парда ҳосил бўлиш вақтининг филтр иш давомийлигига нисбати) ташкил этиши аниқланди.

бу ерда: n_1 -юзаси доира шаклли филтрлар сони,
 n_2 -юзаси тўртбурчак шаклли филтрлар сони,

бир неча миллиграммдан ўн минг миллиграммгача ўзгаради. Бўзсув каналидаги лойқа миқдорлари ҳам сутка давомида (фаслга қараб) ва умумий ҳисобда жуда катта интервалда ўзгариб туради. Бўзсув Бош сув иншоотида умумий ҳажми 90 минг м³ бўлган 2 та горизонтал тиндиргич мавжуд бўлиб, улар воситасида Бўзсув каналдан тозалашга олинган сувдаги дарё чўкиндиларининг миқдори 8-12 мг/л гача камайтирилади. Ушбу жараёнда тиндиргичларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида сувга реагент билан ишлов берилади. ЎзДст 950:2011 га мувофиқ ичимлик сувидаги лойқалиги 1 мг/л гача бўлиши мумкин. Реагент билан ишлов берилиб, тиндирилган сувнинг лойқалик кўрсаткичи ушбу талабга жавоб бермаслиги боис, иншоотда сувнинг тиниқлаштириш мақсадида тезкор филтрлардан фойдаланилади.



2-расм. Сувдаги лойқа миқдорига боғлиқ ҳолда берилётган реагент сарфининг ўзгариш графиги.

самарадорлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатиши қуйидаги ҳисоблар натижасида аниқланди.

Парда ҳосил бўлиш вақти I босқич насослар (3-расм) орқали лойқалиги 8-12 мг/л бўлган сув филтрлашга узатилади ва филтрловчи қатламлардан ўтади, бу жараёнда сувнинг лойқалиги камайиб бориш тартибда 1 мг/л гача туширилади, ушбу вақт оралиғида эса сув филтрдан чиқаётган сув *зовур орқали каналга ташланади*. Сувнинг лойқалиги ўзгармас (1 мг/л ва ундан паст) ҳолатга келгандан сўнг филтрлар ўз ишини бошлайди ва филтрлашдан чиқаётган сув тоза сув резервуарларига узатилади.

$$W = n_1 \cdot Q_1 \cdot \frac{t}{60} + n_2 \cdot Q_2 \cdot \frac{t}{60}$$

Q_1 - юзаси доира шаклли филтрнинг филтрлаш самарадорлиги,

Q_2 - юзаси тўртбурчак шаклли филтрнинг филтрлаш самарадорлиги,

t - филтрларда парда ҳосил бўлиш вақти.

$$W = 12 \cdot 609,4 \cdot \frac{20}{60} + 6 \cdot 766,7 \cdot \frac{20}{60} = 3971 \text{ м}^3$$

Маълумки, парда ҳосил бўлиш вақтидаги сув филтрлашгача бўлган барча технологик жараёнлардан ўтган ҳисобланади, агар бу сувга сарфланган технологик жараённи иқтисодий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак 158,7 минг сўм/сутка ни ташкил этишини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Хулоса. Парда ҳосил бўлиш вақтида филтрловчи қатламдан ўтган сувнинг лойқалик кўрсаткичи (12-1 мг/л) тиндиргич сўнидаги сувнинг лойқалик кўрсаткичидан паст бўлганлиги сабабли, *бу сувни бемалол тиндиргич сўнига ташлашимиз ва уни қайтадан филтрлаш жараёнига узатишимиз мумкин.*

1-жадвал. Сувнинг фильтрлашгача бўлган технологик сарф харажатлари.

(барча ҳисоблар лойқаликнинг ўртача қиймати учун олинган)

	Миқдор	Харажат, сўм	1 кунлик харажат, минг сўм	1 ойлик харажат, минг сўм
Реагент сарфи, кг	17,07	38000	158,700	4761
Горизонтал тиндиргичларнинг эксплуатацияси ва бирламчи хлор билан ишлов бериш харажатлари (15%)	-	20700		
Насоснинг элект энергия сарфи, кВт	400	100000		

Фильтрлар иш жараёни ушбу тавсия асосида самарали бошқарилса, ичимлик суви ишлаб чиқаришда - очиқ манбадан олинаётган сувдан самарали фойдаланишга, сувнинг мақсадли сарфини оширишга, ичимлик сувини тайёрлашдаги

технологик харажатларни камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган сувнинг таннархини камайтиришга ва иншоот иш самарадорлигини оширишга эришилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш Дастури тўғрисида" ги ПҚ-2910 сонли қарори.
2. Вода питьевая: Гигиенические требования и контроль качества - РСТ 950:2011, Государственный стандарт Узбекистана. -Ташкент, 2011.
3. Ariphjanov, A. and Ergashev, Sh. Estimation of efficient operation of the monoblock unit and treatment of the sewage waters, International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Elsevier, 32(5), pp. 9427-9431.
4. Маҳмудова И. М., Ахмедова Т.А. Табиий ва оқова сувлар сифатини баҳолаш ва тозалаш асослари. Ўқув қўлланма, ТИМИ, Тошкент, 2007, -68б.
5. Арифжанов А.М. Методы расчёта распределения частиц наносов в руслах переменного сечения // Гидротехническое строительство. -Москва, 2004. - №4, 50-54с.
6. Liu C., Walling D. E., He Y. The International Sediment Initiative case studies of sediment problems in river basins and their management. *International Journal of Sediment Research*. Elsevier, 33(2), 2018. Pp. 216-219.
7. Арифжанов А.М. Распределение взвешенных наносов в стационарном потоке // Водные ресурсы. - Москва, 2011. - №2. С. 185-187.
8. Аллаёров Д.Ш., Хамиджонова Д.С. Очиқ манбадан сув олинганда реагент самарадорлиги. XVII Ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий конференцияси. -Тошкент. 2018. 106-108б.

УЎТ: 631.624 (575.15)

АВАНКАМЕРАДАГИ СУВ УЮРМАЛАРИНИНГ НАСОС ҚУРИЛМАСИГА ТАЪСИРИ.

Б.Т.ХОЛБУТАЕВ, кичик илмий ходим, Х.ХУСАНБОЕВА магистрант, ТИҚХММИ.

Abstract: The presents data from pumping stations show that as a result of cavitation, the most urgent problem is the premature failure of pump impellers. The major process leading to the cavitation event is the whirlpools (**circular current of water which can pull objects down into its centre**) formed in the intake basin. On the pump station intake basin, in front of suction pipelines, also the elimination of the water surface whirlpools, necessary to study and analysis of the process of preventing pump units from working in cavitation regime is also very relevant and important.

Насос станцияларида олиб борилган илмий тадқиқот ва кузатиш ишларида олинган натижалар шуни кўрсатадики, тизимнинг ишончилиги ва хавфсизлиги, унинг таркибидаги мураккаб тизим бўлган гидромеханик жиҳозларнинг хар бирининг бузилмасдан ишлашига боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида уларни ташкил қилувчи хар бир қурилманинг параметрларини ва кўрсаткичларини сақлаган ҳолда тўхтамасдан ишлаши билан белгиланади.

Сувориш тизими насос станциясидаги энг асосий гидромеханик жиҳозлардан бири бўлган насос қурилмаларидан фойдаланиш даври, уларни лойиҳалаш ва қуриш босқичларига қараганда анча узоқ давом этадиган жараён бўлиб, иссиқ об-ҳаво шароитида сатҳи тез ўзгарадиган, таркибида йирик оқизиклар ва майда заррачалар бўлган сувни юқорига кўтариб бериш учун ишлатилганлиги учун турли сабабларга кўра ишдан чиқади [1;2]. Бундай сабабларнинг энг асосийларидан:

-сув сатҳи меъёридан кам бўлганда, кавитацион шароитда ишлатилганлиги ;

-сувнинг таркибидаги оқизикларнинг ва заррачаларнинг механик таъсирлари остида ишлатилганлиги;

-энергиянинг тез-тез ўчирилиши ва бошқарув тизими носоз бўлган шароитда ишлатилганлиги;

-механик сабаблар (бир неча марта таъмирланганлиги ва технология бузилганлиги, қисмларларнинг ейилиб кетиши, мустаҳкамлик кўрсаткичларининг тушиб кетиши) натижасида бузилишлар содир бўлади.

Насос станцияларидан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, кавитация ҳодисаси таъсирида насос ишчи ғилдираklarини муддатидан олдин ишдан чиқишига олиб келган. Насос агрегати хизмат қилиш давомийлигидан келиб чиқиб, қуйидагича (соатларда) олиниши мумкин: нормал шароитида ишлайдиган насос агрегати иш ғилдираги - 25000; насос вали - 25000 соатни ташкил этса, кавитация шароитида ишлайдиган насос агрегати иш ғилдираklари - 10000 - 11000; насос вали - 12000 - 13000 соатни ташкил этади. Бу эса насос агрегатларининг хизмат қилиш давомийлигини 55-60 % га камайишига олиб келади ва таъмирлашлараро вақтини қисқартиради [1,2].

Кавитациянинг ортиши натижасидаги кавитацион ейилиш натижасида корпус ички деворларида ва иш гилдирагида коваклар, ?йиқ ва

икки томони очиқ тешиклар ҳосил бўлиши билан характерланади. (1-расм).



1-расм. Насос ишчи гилдирагининг кавитация натижасида емирилиши.

Аванкмерада сув уюмларини ҳосил бўлишини ўрганиш мақсадида Жиззах бош насос станциясида кузатув тадқиқот ишлари олиб борилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики пастки бьефдаги сув сатҳи 4,75 м яъни бир хил бўлган ҳолатда бир вақтда ишлаётган икки турдаги 2400В25/40 маркадаги сув сарфи - 25м³/с ва 1600В10/40 маркадаги сув сарфи - 10м³/с бўлган насос қурилмаларининг сўрувчи қувурлари олдида содир бўладиган сув уюмларининг давомийлиги ва содир бўлишларининг қайтарилиши турли хил бўлиши, шунингдек сув уюмларининг ўлчамлари ҳам бир биридан фарқ қилиши аниқланди.

Насос станцияси аванкамерасида сув сатҳининг тушиб кетиши натижасида насос қурилмасининг кавитацион режимда ишлашини олдини олиш учун ҳозирги вақтда сўрувчи қувурлар олдида сув

уюмларининг ҳосил бўлишини олдини оладиган турли хилдаги қурилмалардан фойдаланилади[3]. Мавжуд қурилмаларнинг конструкцияларини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, уларни қўллаш сув уюмларни тўлиқ бартараф этишни таъминламайди. Бундай қурилмалардан фойдаланиш насос станциясининг аванкамерасида сув сатҳи кам бўлган ҳолатда ҳам насосга берилаётган сувда уюмани содир бўлишини қисман бартараф этади ва кавитацион режимда ишлашини камайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, насос станциясининг аванкамерасида ҳосил бўлаётган сув уюмларини ҳосил бўлишини олдини олиш учун такомиллаштирилган қурилмалар устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мамажонов М., Турсунов Б.Н., Шокиров Б.М., Қодиров Р.Н., Шерматов Р.Ю. Насос станцияларидан фойдаланиш. Т.: 2014. - 441 б. (Олий ўқув юртлари учун дарслик).
2. Бакиев М.Р., Кавешников Н.Т., Турсунов Т.Н. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. (Олий ўқув юртлари учун дарсликлар). Т, 2008. - 459 б.
3. Карелин В.Я. Кавитационные явления в центробежных и осевых насосах. -М.:Машиностроение.1975 . - 336с.

УДК: 633.18.03(575.1)

ШОЛИНИ СУВ ВОСТИРИЛГАН МАЙДОНДА ЭКИШ Б.Т.ТЎРАЕВ т.ф.н., М.А.ХАЛИҚУЛОВ асс. УТФ кафедраси ТИҚХММИ

Аннотация:Мақола қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид бўлиб, сув ресурсларини тежаш ва экологик муоммоларни илмий асосланган ҳолда ҳал қилиш, шунингдек сув сарфини максималъ камайтирган ҳолда шולי ҳосилдорлигини оширишга бағишланган.

Аннотация:Статья относится к сельскохозяйственному производству, в ней рассмотрены вопросы сбережения водных ресурсов и решение экологических проблем на научном основы, а также повышение урожайности риса сердца при максимальном снижении расхода воды.

Abstract: This is due to agricultural production, as well as an increase in rice productivity with a maximum reduction in water consumption. In this regard, issues related to the control of plants and the mechanical treatment of plants.

Ўзбекистон Республикасида энг муҳим озиқ-ўвқат экинларидан бири шולי ҳисобланади. Охирги йилларда шולי етиштириш асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ошди. Бунинг натижасида атроф - муҳитни заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва сув ресурсларининг танқислик муаммоси пайдо бўлди. Айниқса бегона ўтларга қарши курашда заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш экологик масалаларни мураккаблаштиришига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда шולי етиштириш ва гуруч маҳсулотини кўпайтириш, ортиқча сув сарфламасдан унинг ҳосилини кўпайтириш, шунингдек заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланмасдан амалга оширишни тақоза этади.

Аввало, шולי ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжини қимматли ва юқори каллорияли парҳез маҳсулот - гуруч билан таъминлаш учун зарурдир. Бир кг гуручнинг тўйимлилиги 3590 каллорияга тенгдир. Унинг абсолют қуриқ моддасида крахмал 88%, оқсил

6...8%, ёғ 0,5%, шакар 0,5% ни ташкил қилади. Организмнинг қабул қилиши(96%) ва ҳазм бўлиши(98%) бўйича биринчи ўринлардан бирида туради, шунинг учун гуручдан парҳез овқат сифатида, айниқса болалар овқати сифатида ундан кенг фойдаланилади[2]. Шунингдек унинг таркибида катта миқдорда углеводлар -24,9гр, кальций, В гуруҳидаги витаминлар, ҳамда калий ва фосфор мавжуд.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шוליни қуриқликда экиш технологияси тўлиқ механизациялаштирилган, лекин бу технологияни такомиллаштириш шולי ҳосилини сезиларли даражада кўпайтиришга қафолат бермайди. Шунинг учун фермер ва якка хўжаликларда шוליни сув бостирилган далаларда экиш, шароит оғирлигига қарамасдан қўлда амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари такрорий экин сифатида экиш учун ўртапишар ва эртапишар нукус-2, Нукус-70,

Гулжаҳон, маҳаллий арпа шoли навларини экиш агреотехникаси ишлаб чиқилган.

Шoли ҳосилини кўпайтириш усулларидан бири “Сув бoстирилган майдонларда тупроққа шoли экишдан олдин ишлов бeриш ва шoли экиш” технологиясидир. Бундай технологиялар нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки чет давлатларда ҳам амалда қўлланилмоқда. Сув бoстирилган далаларда шoли экишдан олдин тупроққа шoли экишдан олдин ишлов бeриш ва шoли экиш, иқлим шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда, белгиланган муддатда экиш ишларини амалга ошириш имконини бeради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти (ЎЗМЭИ) нинг донли экинларни етиштириш ва йиғиштиришни механизациялаштириш лабораториясида Минск трактор заводи конструкторлик бюроси, Тошкент ирригация конструкторлик бюроси ва Украина шoличилик институти билан ҳамкорликда “Сув бoстирилган майдонларда тупроққа шoли экишдан олдин ишлов бeриш ва шoли экиш” технологияси, шунингдек уни амалга ошириш учун машиналар мажмуаси ишлаб чиқилди. Бу технологияда бeгона ўтларни йўқ қилиш учун КФ – 3,0 фреза ғалтаги, шoлипоyani текислаш учун МПР – 4, 2 мола-текислагичи ва шoлини сепиш учун қайта жиҳозланган НРУ-0,5 маданли ўғитларни сепгичдан фойдаланилганда шoли ҳосили ўртача 10...15% га ошиши мумкин. Бу машиналарни агрегат сифатида ишлатиш учун махсус юқори клиренсли шoличилик трактори МТЗ-82Р дан энергия воситаси сифатида фойдаланилади КВ-3,0 фреза ғалтаги ва МПР-4,2 мола – текислагичи давлат синовидан ўтган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган.


Бироқ бу технологияда ҳам бeгона ўтларга қарши курашда гербецид ва шунга ўхшаш заҳарли моддалардан фойдаланмасдан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда Республикаимизда ва чет давлатларда асосан шoли икки усулда етиштирилади:

– биринчи усул уруғни бeвосита тупроққа сувда ва қуруқликда сепиб экиш.

– иккинчи усул шoлини кўчат усулида экишдир.

Биринчи усулда бeгона ўтларга қарши курашда гербецид қўлланилади.

Шoлини кўчат усулида етиштириш Жануби – Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда қўлланилади(Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Индонезияда). Европа давлатларидан Италия, Испания ва Португалияда ҳам шoлини кўчат усулида экиш қўлланилади. Шoли ҳосили эса қуруқликда етиштирилгандагига нисбатан 30% кўп бўлади. Бундан ташқари шoли кўчати ўтқазилишидан олдин бeгона ўтлар бaтомом йўқ қилинади. Шундай қилиб бeгона ўтларга қарши кўрашишда гербецидлардан фойдаланиш зарурати бўлмайди.



1-расм. Шoлини сувда экиш мосламасини кинематик чизмаси.

Бу усулда шoли кўчати махсус шoлипоyада етиштирилади. Шoлини экишда эса ЎЗМЭИда ишланган шoлини сувда экишга мўлжалланган экиш мосламасида (1-расм) амалга ошириш мумкин. Бу мосламадан тупроққа экишдан олдин маданли озуқа бeришда ҳам фойдаланиш мумкин.


Асосий шoли экиладиган майдонларда эса кўчат тайёр бўлгунга қадар ерга ишлов бeриш ишларини

режали равишда амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари шoли кўчат усулида экилганда бeгона ўтларга қарши кўраш сув бoстирилган шoли майдонларида амалга оширилиб, бeгона ўтлар вегетация даврида бaтомом йўқ қилинади. Бунинг учун ЎЗМЭИда ишланган машиналар мажмуаси таркибига кирувчи машиналар КФ – 3,0 фреза ғалтаги бeгона ўтларни йўқ қилиш, шoлипоyani текислаш учун МПР – 4,2 мола – текислагичидан фойдаланиш мумкин.

Экиш агрегатининг ҳаракатланиш усули. Шoлини сувда экишнинг сифати кўп жиҳатдан экиш агрегатининг ҳаракатланиш усулига боғлиқдир, шунинг учун энг мақбул экиш усулини танлаш мақсадида қуйидаги уч хил экиш усули ўрганиб чиқилди:

- маданли озуқаларни сочгич агрегатини илмоқсиз моxисимон ҳаракатланиши;
- ЎЗМЭИ донли экинлар лабораториясида тажриба учун ишлаб чиқилган икки марта далага кириш билан амалга ошириладиган илмоқсиз моxисимон ҳаракатланиши;
- таклиф этилаётган ҳаракатланиш усули.

Маълумки, осма ва тиркама маданли озуқаларни сочгич агрегатлари шoли майдонларига озуқа бeришда моxисимон илмоқсиз усулда (2-расм) ҳаракатланадилар.



2-расм. Маданли озуқаларни сочгич агрегатини илмоқсиз моxисимон ҳаракатланиши: R –бурилиш радиуси; B – агрегатнинг қабраш кенглиги; L – экин майдонининг узунлиги.

Бу усулнинг камчилиги шундаки, майдоннинг бурилиш қисмида маданли озуқа сепилмай қолганлигидир, бу эса шoли экишда майдондаги шoли экини сонини сийраклашган қисмларини кўпайтиради. Суратда бу қисмлар штрих чизиқлар билан ажратиб кўрсатилган. Қуруқликда бу майдонларга агрегатни қўшимча ҳаракатланиши ҳисобига қайтадан маданли озуқаларни сочиб чиқиш имконияти бор, лекин қўшимча ҳаракатланиш мақсадга мувофиқ эмас. Сув бoстирилган шoлипоyада бунинг амалга ошириш, экилган шoли уруғларининг тупроққа белгилангандан чуқурроқ жойлашиши, агрегат ғилдирақларининг экилган майдондан такроран ўтиши ҳисобига ошишини ҳисобга олсак қўшимча ҳаражатларга олиб келади. Шу сабабли агрегатнинг сув бoстирилган шoлипоyада ҳаракатланиши учун ЎЗМЭИ донли экинлар лабораториясида махсус ҳаракатланиш усули ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. ЎЗМЭИ донли экинлар лабораториясида тажриба учун ишлаб чиқилган икки марта далага кириш билан амалга ошириладиган илмоқсиз моxисимон ҳаракатланиши: B – агрегатнинг қабраш кенглиги; E –буриш йўлагининг кенглиги; I ва II – далага бошланғич ва сўнги киришлар; A₁, A₂ ва C₁, C₂ – назорат чизиқлари; – хабарчилар.

Бу усулда агрегатнинг шoлипоyадан чиқиб, қайтадан иккинчи марта шoлипоyага кириб “П” шаклида ҳаракатланиб қолган майдонга уруғ сочиб

чиқиши назарда тутилган, шунингдек иккита хабарчи ҳаракатни бошқариб туради.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, шопипояларнинг жойлашиши далага экиш агрегатини исталган томондан кириши ёки чиқишига имкон бермайди. Ҳар қандай шопипояда, одатда иккита кириш ёки чиқиш жойи мавжуд бўлади. Шунинг учун агрегатни битта жойдан кириши ва чиқишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун шопи экиш агрегати ҳаракатланишининг янги усули ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Таклиф этилаётган далага бир жойдан кириш ва чиқиш билан амалга ошириладиган илмоқсиз моқисмон ҳаракатланиш усули: В - агрегатнинг қамраш кенлиги; 0, 1, 2 - агрегатнинг ҳаракатланиш цикли;

Таклиф этилаётган ҳаракатланиш усулининг афзаллиги шундаки, экиш агрегати шопипояга кириб ҳаракати давомида экин даласига шопи уруғини тўлиқ экиб бўлгандан сўнг, агрегат дастлаб кирган жойдан чиқиб кетади. Бундан ташқари иккинчи хабарчи белги билан алмаштирилган.

Экиш агрегатининг янги схема бўйича ҳаракатланиши қуйидагича амалга оширилади. Экиш агрегати шопи уруғи тўлдирилган бункер билан шопипояга тушишидан олдин экиш мосламаси из текислагич билан биргаликда из текислагичнинг таянч юзаси тупроққа теккунча гидротизим ёрдамида пастга туширилади ва гидротизим эркин тебраниш ҳолатига қўйилади. Шундан сўнг тракторчи агрегатни қамров кенлигининг ўртасидаги 0 нўқтага ўрнатади.

Ҳаракат бошланиши билан бир вақтда тракторнинг кувват тақсимлаш вали кўшилиб, экиш агрегати механизмлари ишга тушади, ҳамда бир вақтда уруғ ташлаш туйнуги ҳам очилади. Агрегат 1 нўқтага етгандан сўнг, бурилиш радиуси бўйича бурилиб, 2 нўқтага қараб ҳаракатланади ва шундан сўнг охириги ишчи юришгача цикл такрорланади. Агрегат эса дастлабки кириш жойидан чиқиб кетади. Бундай ҳаракатланиш усулида агрегат майдони 1,5 га бўлган шопипояда тўхтовсиз экиш жараёнини давом эттириб шопипоядан чиқиб кетади. Катта шопипояларда эса экиш мосламаси бункерини тўлдириш учун агрегатни тўхтатишга мажбур бўлинади.

Хулоса: 1. Шопи етиштиришда замонавий экологик талабларга жавоб берадиган усул "Сув бостирилган майдонларда тупроққа шопи экишдан олдин ишлов бериш ва шопи экиш" технологиясидир.

2. Шопи экишда кўчат етиштириш учун дастлаб ёрдамчи майдонларда шопини сувда экиш агрегати ёрдамида экиш ва уни шопи кўчати учун етиштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун асосий майдонда бегона ўтларга қарши курашишда КФ-3,0 фреза-ғалтаги, шопипояни текислаш учун МПР-4,2 мола-текислагичдан фойдаланиш юқори самара беради.

3. Шопини асосий майдонларга кўчат усулида экиш энг маъқул усул бўлиб, Ўзбекистон шароитига мос кўчат экиш машинасини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

4. Хўжалик синовлари шуни кўрсатдики, шопини марказдан қочма аппарат ёрдамида сув бостирилган майдонларда экишда агрегат илмоқсиз моқисмон ҳаракатланиш усулида ҳаракатланиб, экиш агрегатининг шопипояга кириши ва чиқиши майдоннинг бир бурчагидан амалга оширилишини таъминлайди.

УДК: 677.21.021.152

ТУКЛИ УРУҒЛИК ЧИГИТ САРАЛАШ АГРЕГАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КОНСТРУКТИВ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Рустам ДЖАМОЛОВ-т.ф.н., катта илмий ходим "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ

Аннотация: Мақолада тукли уруғлик чигитни саралаш агрегатининг иш унумдорлигини ошириш мақсадида такомиллаштириш ва унинг параметрларини асослаш натижалари келтирилган. Тажрибалар саралаш камерасинига ўрнатилган чигит йўналтиргичининг чигит саралаш сифатига таъсир этувчи асосий параметрларини ўзгартирилиши асосида ўтказилди.

Аннотация: В статье представлены результаты усовершенствования для обеспечения повышение производительности агрегата сортировки опушенных семян и обоснования их параметров. Эксперименты проводились на основе изменения основных параметров направителя семян, установленных в камере сортировке, влияющих на качество семян.

Abstract: The article presents the results of improvements to ensure increased productivity of the unit for sorting pubescent seeds and justification of their parameters. The experiments were carried out on the basis of changes in the basic parameters of the seed guide installed in the sorting chamber, affecting the quality of the seeds.

Калит сўзлар: Саралаш, тукли чигит, чигит йўналтиргич, агрегат, саралаш камера, масса ўзгариши, ифлослик даражаси, фракция, техник, уруғлик.

Кириш. Саралаш жараёнлари бўйича илмий изланишлар XX аср бошларидан бошланган бўлиб, чигит саралашнинг муҳумлигини асослаш Н.М.Бушуев [1] томонидан биринчи маротаба ўрганилган. Олиб борилган тажрибалар асосида, чигитни фракцияларга ажратиш, пахта хосилдорлигининг кўпайишига сабаб бўлади деган хулосага келинган. Чигит кўриниши ва ўлчамлари бўйича ҳар хиллиги учун, уруғликни танлашда уларнинг энг кўп хосилдорлик белгиларини аниқлаш керак деган хулоса қилинган.

Чигитларнинг ҳар хил навлари билан Шлейхер А.И [2] тажрибалар ўтказиб, уларнинг солиштирма массаси бўйича саралаш мумкинлигини ўрнатди.

Кейинги тажрибалар бундай саралашнинг ўзи қамлиги ва олдин солиштирма массаси, кейин ўлчамлари бўйича ҳам саралаш кераклигини асослади. Бу эса уруғлик материалнинг энг сифатлигини ажратиш имкониятини беради.

Қосимов Д.К. [3] эса уруғлик чигитларнинг формаси, ўлчамлари, солиштирма массаси ва яқка массаларини ўрганиш асосида, чигитни солиштирма массаси бўйича саралаш олиб борилиши керак деган хулосага келди. Солиштирма массаси бўйича сараланган чигитлардан олинган пахта хосилдорлигига 1,0-4,9 ц/га, яъни 16% га кўшилиши кўринди.

Колояров Л.Ф. [4] нинг саралаш бўйича кўп йиллик ўтказилган тажрибаларидан катта ва ўрта фракцияли, яъни чигитнинг эъни 4,8–5,6 мм ва 4,4 ммдан катта, қалинлиги эса 4,2–4,4 мм ва 4,4 ммдан катта бўлади деб тавсия берилган.

Чигитларнинг юқорида келтирилган ўлчамли фракцияларидан олинган хосил, назорат чигитидан олинган хосилга нисбатан 8,5 % га кўпайган.

Майсурия Н.А. [5] эса чигитларнинг солиштирма массаси бўйича саралашнинг уч йиллик тажрибаларидан, назорат чигитига нисбатан хосилдорликка 15 %, тозаланмаган чигитга нисбатан эса 36 % гача қўшилганлиги кўрилади.

Бундан ташқари кўчатларнинг ўсиш фазаларида ҳам ўзгаришлар борлиги аниқланди.

Чигитни барча кўрсаткичлари бўйича саралашнинг авзалликлари ва самараси Майсурия Н.А. [5], Яшева Е.Я. [6], Шлейхер А.И. [2], ва бошқа олимларнинг ишларида келтирилган. Барча изланишлар натижалари шуни кўрсатдики чигит таркибидеги пишмаган, шикастланган, куйган ва майда чигитларни ажратиш асосида саралаш чигит сифатини оширади.

Илмий изланишлар натижасида саралашнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланган. Лекин, тукли чигитларнинг физик механик хусусиятлари, уларнинг биологик кўрсаткичларини тўлиқлигича тасвирламайди. Чигитларнинг асосий физик механик хусусиятларига қуйидагилар киради: ўлчами, абсолют массаси, солиштирма массаси.

Тукли чигитларнинг геометрик ўлчами катта ораликда фарқланади, бунда чигит узунлиги $L=5-11$ мм, эъни $b=3-6$ мм, қалинлиги $S=2-5,5$ мм, уларнинг массаси 0,08 дан 0,17 граммгача [7]. Тукли чигитлар 80–128,5 мм³ ҳажмга эга [5].

Ҳозирги кунда чигитларини саралаш, калибрлаш ишлари механик ва пневматик усулларда олиб борилмоқда. Чигитларнинг зичлик, учувчанлик, ядро тўлиқлиги, геометрик ўлчамлари, диэлектрик кўрсаткичи каби параметрлари мавжуд. Бу параметрлар ўзаро боғлиқ бўлиб, саралашнинг самарадорлигида катта аҳамиятга эга.

Кўпгина олимлар томонидан чигитларни суюқликда саралаш бўйича илмий ишлар бажарилган, бунда суюқликда чигитни солиштирма массаси бўйича фракцияларга ажратишни кўзда тутилган, лекин бу усулда чигитларни ажратиш уларни қуритишга кўп ҳаражатлилиги ва жараённинг мураккаблиги каби камчиликларга эга.

Электр усул эса кўп ҳаражатли хисобланади, бу усулда Ш.Айдаров, П.Шаймов, А.Расабоев, А.Юсубалиевлар ишлаган бўлиб, саралаш агрегатларининг электр энергия сарфини камайтириш ва иш унумдорлигини ошириш имкониятлари бўлмаган, асосан бу усулда майда ҳўжалик экинлари уруғларини саралашда фойдаланиб келинмоқда.

Тукли уруғлик чигитларни саралаш ва тозалашда пневматик (ҳаво ёрдамида) усуллари ўзининг кам ҳаражатлилиги ва соддалиги билан устунликка эгаллигини юқорида келтирилган олимларимизнинг илмий ишлари асосида тўлиқ исботлаб берилган.

Тўхтабоев С.Т. ҳаво оқими ёрдамида сараловчи чигит саралаш агрегати ЧСА ни ишлаб чиқиб 1.11–расм, юқорида келтирилган камчиликларни тузатишга мувофақ бўлди ва пневматик саралаш технологик кетма-кетликнинг бошида жойлашиш кераклигини, яъни тукли чигитни биринчи тозалаш саралашдан ўтказиш кейинги жараёнга энгилик тўғдиришини асослаб берди. Вертикал ҳаво оқимида саралаш агрегатининг шакли ва мақбул ўлчамлари асосланди. Лекин, «Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2005–

2006 йилларда ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш корхоналарини модернизация қилиш бўйича истиқболли дастури асосида Республика бўйича 31 та уруғлик чигит тайёрлаш цехи технологияларининг замонавийлашуви, технологик усуналарнинг юқори иш унумдорлигида, стандарт талаблари даражасидаги уруғлик чигитларни тайёрлашни талаб этди. Ўтказилган тажрибалар натижалари кўрсатдики тукли чигитни саралаш агрегати ЧСAnинг уруғлик цехлари учун талаб этилган иш унумдорлигини 3000 кг/соатгача оширилиши чигит саралаш сифатини камайтиришга олиб келди.


Масаланинг қўйилиши. Муаллиф томонидан амалдаги цехларга жорий этилган чигит саралаш агрегати ЧСAnинг иш унумдорлигини ошириш учун агрегатни такомиллаштириш ва конструктив параметрларини асослаш масаласи қўйилди.

Шуни инобатга олиб тажриба – ишлаб чиқариш қурилмасининг иш унуми ва геометрик ўлчамларини аниқ критерияларда топиш учун ЭХМ дастури зарур бўлди. Бунинг учун биогаз қурилмасининг тўлиқ схемаси (2-расм) келтирилди ва унинг ишлаш кетма – кетлиги келтирилди.

қурилмаларнинг замонавий турларини жорий қилиш соҳа мутахассислари томонидан эътибор қаратилмоқда [1,2,3,4]. Органик чиқиндиларига анаэроб ишлов берувчи биореакторларни энг оммалашган тури қанотли аралаштиргичли биореакторлар ҳисобланиб, ушбу биореакторда аралаштиргич айланашлар тезлиги маълум орликдан ортмаслиги талаб этилади. Тажрибалар биореакторнинг диаметр бўйича аралаштириш тезлигини ўзгартириш жараёни таҳлил қилинди. Бунинг учун диаметр ўлчамлари 3 м, 4 м ва 5 м бўлган биореакторларда биомассани аралаштириш тезликлари аниқланди [5,6,7,8].

Биомассанинг биореактордаги аралашганлик унуми биореактордан олинадиган биогазга тўғри пропорционал бўлиши аниқланган [5,9,10]. Демак биореактордаги оптимал аралаштириш масаласининг тўғри ечимини топиш зарур.



1-дастлабки қабул қилиш идиши; 2-майдалагич; 3-тайёр махсулот идиши; 4-ҳайдаш насоси; 5-поғонали биогаз қурулмаси; 6-ишлов берилган махсулот идиши; 7- термостат; 8-газ ҳисоблагич; 9-газголдер; 10 - бошқарув пульти; 11-аралаштириш насоси;12-сепаратор.

2-расм. Тажриба қурилмасининг принципиаль схемаси

Масаланинг ечилиши. Ушбу масалада биореакторда биомассани аралаштириш жараёнида биореакторнинг иш унимдорлигини оширишни таъминловчи математик модел ўрганилади [11,12,13]. Биореакторнинг парракли аралаштиргичининг аралаштириш иш унимдорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$U_a = 94,2 \cdot \pi \cdot (D^2 - d^2) \cdot n_{L_k} \cdot k_T \cdot k_{иш}, \frac{m^3}{соат} \quad (1)$$

бу ерда D – аралаштиргич кураги диаметри (м); d – биореактор диаметри (м); n – аралаштиргич валининг айланлишлар сони (айл/мин); L_k – аралаштириш кураклари қадами (м); k_m – биореакторни тўлдириш коэффициенти ($k_m = 96 \dots 98$); $k_{ин}$ – биомассанинг ишқаланиш коэффициенти ($k_{ин} = 0,09 - 0,19$) [14,15].

Биомасса заррачаларининг ҳажм бўйлаб сочилмаслиги учун унинг инерция кучи қуйидаги шартни қаноатлантириши зарур:

$$F_{ин} = (G + Q)f \text{ (н)} \quad (2)$$

бу ерда $F_{ин}$ – биомасса заррасининг инерция кучи; G – аралаштиргич курагидаги биомасса заррасининг оғирлиги, кг; Q – аралаштиргич кураги томонидан аралашмага таъсир этувчи куч: $Q = f \cdot G$ (н); f – аралашманинг аралаштиргич кураги сиртидаги ишқаланиш коэффициенти ($f = 0,14 \dots 0,59$) [6].

Биореактордаги биомасса заррасининг инерция кучи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [6,7,8,9]

$$F_{ин} = \frac{G}{g} \omega^2 R \text{ (н)} \quad (3)$$

(2) ва (3) формулалардан қуйидаги муносабат келиб чиқади:

$$f \cdot G + f \cdot G^2 = G \cdot \omega^2 \cdot \frac{R}{g} \quad (4)$$

Бундан бурчакли тезликни аниқлаб олиш мумкин:

$$\omega = \sqrt{g \cdot \frac{f(1+f)}{R}} \text{ (дақ}^{-1}\text{)} \quad (5)$$

Бу ерда R – биореакторнинг биомасса аралаштирилаётган поғонаси радиуси (м).

Поғонадаги биореакторнинг диаметрини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$D = \sqrt{\frac{4V}{\pi \cdot h}} \text{ (м)} \quad (6)$$


Бу ерда V – поғонадаги биомассанинг ҳажми (м³); h – поғонадаги аралаштирилаётган биомассанинг баландлиги (м). Агар биореактордаги биомассани аралаштириш узлуксиз давом эттирилса, биореакторнинг иш унумдорлиги қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$U_a = 94,2 \cdot \pi \cdot (D^2 - d^2) \cdot n \cdot z \cdot L_k \cdot k_t \cdot k_{юс} \text{ (м}^3\text{/соат)} \quad (7)$$

Бу ерда $k_{юс}$ – биомассанинг аралаштирувчи курак винтли юзасидаги сурилиш коэффициенти. L – аралаштиргич узунлигини D диаметрга боғлиқ ҳолда қуйидаги муносабат орқали топамиз:

$$L = m \cdot D \text{ (м)} \quad (8)$$

Бу ерда $m = 2,7 \dots 3,0$. Ушбу моделда биореактор диаметрининг $D = 3, 4$ ва 5 тенг бўлган қийматлардаги биореактор иш унумдорлигининг ўзгариш қонуниятини ифодаловчи дастури натижаси қуйидаги кўринишда бўлади ва биореактор диаметри ошган сари аралаштиргич иш унумдорлиги ҳам мос равишда ошиб боради (3-расм).



3-расм. Биореактор барабани диаметрининг турли қийматларида аралаштиргич иш унумдорлигининг ўзгариши.

Хулоса. Юқорида келтирилганидек ЭХМ дастурига ўтказилган математик моделнинг ишлаши маълумки биореакторнинг турли диаметри ва органик чиқиндиларнинг иқаланиш коэффициентиининг ўзгаришларига қарамасидан аралаштириш тезлигини, қадамни ва биореакторнинг диаметрининг ўлчамларини 5 % хатоликгача олиш имконини беради. Тажриба қурилмасининг геометрик кўрсаткичлари ва технологик режимларни аниқлашда ЭХМ дастури биореакторда аралаштиришда паррактларнинг аралаштириш тезлигининг оптимал қиймати 3,5 км/соат бўлишини, бунда аралаштиришнинг энг юқори кўрсаткичидаги биогаз миқдори 0,48 м³/сутка (м³ биогаз /м³ биомасса) бўлиб, тезлик қадами 3,5 км/соат оттирилганда ёки шу миқдорда камайтирилганда олинадиган биогаз миқдори 15 % гача камайишини кўрсатди.

ФЙДАЛЕНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Никитин Г.А. Метановое брожение в биотехнологии: Учеб. пособие. –К. :Высшая. шк.,1990. –207С.
2. Boone D. R. – Mixed –culture ferment or for simulating metanogenicdigesters. – Appl. Envomental Microbial., 1984, vol.48, № 1, p.122–126.
3. Chen Y., Hashimoto A. 2014. Kinetics of Methane Fermentation Biotechnology and Bioengineering Symposium.No.8, 269 – 282.
4. Nachwachsende – rohst off.de. Биогаз на основе возобновляемого сырья. Сравнительный анализ шестидесяти одной установки по производству биогаза в Германии. Специальное агентство возобновляемых ресурсов (FNR) Хофплатц 1, Программа измерений параметров производства биогаза II –сравнительный анализ шестидесяти одной установки по производству биогаза в Германии.18276, Гюльцов, Германия. –2010. 115 с.
5. Специальное агентство возобновляемых ресурсов (изд): Пособие по производству и использованию биогаза. Издание 4. (2009).
6. Imomov Sh., Qayumov T., Mamadaliyva Z. Substantiation tne parameters of the primary processing in installation based of renewable energy Scientific papers. Series “Management, economic engineering in agriculture and rural development”. Volume 18, pp/157–162/Lssue 4/2018. PRINT ISSN 2284–7995. E-ISSN 2285–3952.
7. Using of renewable energy sources. Agricultural energy resources – collective work edited by B. Wheeler and M. Matyka. A. 2011 16.02.2011.
8. Biomass feed for thermochemical reactors – Dai Jianjun, TsuiHeping, John R. Grace – "Progress in the field of energy and combustion of science" 38 (2012). 716–736 pp.
9. Chen Y., Hashimoto A. 2014. Kinetics of Methane Fermentation Biotechnology and Bioengineering Symposium. No.8, 269 – 282.
10. Nachwachsende – rohst off.de. Биогаз на основе возобновляемого сырья. Сравнительный анализ шестидесяти одной установки по производству биогаза в Германии/ Специальное агентство возобновляемых ресурсов (FNR) Хофплатц 1, Программа измерений параметров производства биогаза II –сравнительный анализ шестидесяти одной установки по производству биогаза в Германии.18276, Гюльцов, Германия. –2010. 115 с.
11. Karlstrom O., Brink A., Hupa M., Time dependent production of NO from combustion of large biomass char particles, Fuel 103, 2013, pp. 524–532.

12. Serafimov LA, Timoshenko A.V. Current state and prospects for the development of gas fractionation processes // Science and technology of hydrocarbons. – 2000. – №4. – P.62–72.
13. Murina VI, Kislenco NN, Surkova Yu.V. , etc. The technology of processing natural gas and condensate // Reference publication. Bosom. – Moscow, 2002. – P.518.
14. E.E. Marinenko. Bases of reception and use of biofuel for the decision of questions of power savings and protection of an environment in housing–and–municipal and an agriculture // the Manual. – Volgograd. – 2003. – С.99.
15. Imomov SH. J. Technological foundations of the process of obtaining biogas and fertilizers from agricultural wastes. Abstract of doctoral dissertation (dsc) on technical sciences. Tashkent – 2017.p.59.

УДК 621.879:626.862.7

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АВТОМАТИК БОШҚАРУВ ТИЗИМЛИ ЭКСКОВАТОРЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ
Сарварбек МЕЛИКУЗИЕВ, – стажёр ўқитувчи, ТИҚХММИ

Аннотация: Ушбу мақолада зовур ва коллекторларни қазиш ёки тозалашда юқори иш унимдорлигини кафолатлашдаги ҳамда лойихавий кўрсаткичларини, лойихада кўрсатилгандек аниқликда бажаришдаги муаммолар ва уларни замонавий инновацион технологиялар ёрдамида бартараф этиш чора-тадбирлари келтирилган.

Аннотация: В данной статье показаны проблемы, возникающие при строительстве и очистке дренажных и коллекторных систем и меры для их решения с помощью современных инновационных технологий, обеспечивающих высокую эффективность путем сохранения проектных параметров этих систем.

Abstract: In this article is illustrated during digging and cleaning ditch, drainage ditches to guarantee highly results, also projectile parameters, as well given in project tackling problems and on the condition of modern innovation technologies.

Калит сўзлар: TOPCON GPS X-35, ер ости сизот сувлари, зовур ва коллекторлар, бошқарув тизими, суний йўлдош, маълумотларни қабул қилувчи антенна, бошқарувчи қурилма.

ирш. Бизга маълумки мамлакатимизда 2019-Кйил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинди. Бунинг наътижасида барча соҳаларда замонавий инновацион технологиялар юртимизга олиб кирилмоқда. Ерлардан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида давлатимиз рахбари томонидан кластерларни ташкил этиш жараёнини изчил равишда олиб борилмоқда. Шу жумладан ерларни мелиоратив холатини яхшилаш юқори хосилни кафолатлаш масалалари очиқ коллектор тизимларини мунтаъзам ва яхши ишлашига боғлиқдир. Ер ости сизот сувларини сатхини белгиланган чуқурликда ушлаб туриш коллекторларнинг доимий ишлашини талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 4,3 млн гектар суғориладиган, ҳосилдор ерлар мавжуд бўлиб уларнинг сизот сувлари очиқ ва епиқ коллекторлар билан доимий ($4\text{ м} \leq h$) сатҳдан кўтарлиб кетмаслиги таъминланиб келмоқда. Лекин очиқ коллекторларнинг лойқа босиши ва хар ҳил бегона ўсимликлар билан тўлиши жуда кўп кузатилмоқда. Бу эса ер ости сизот сувларининг коллекторларга тушганида нишаблик бўйича ҳаракатланишини чегаралайди [1].

Коллекторларни лойқа ва бегона зарарли ўсимликлар босишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади.

- Зовур ва коллекторларни лойихалашдаги лойихавий ҳатолар.

- Зовур ва коллекторларни тозалаш даврида фойдаланиладиган эксковаторлар бошқарувчилари (операторлар) коллекторларнинг лойихавий кўрсаткичларини ўзгартириб юбориши. Бу эса ўз навбатида сизот сувларининг бир жойда тўпланиб қолишига, чўкиндиларнинг чўкишига ва бегона ўсимликларнинг ўсишига қулай шароитдир.

Бунинг оқибатида қуйидаги муаммолар юзага келади:

- Ер ости сизот сувларининг ер усти унимдор қатламига илгарिलाши.

- Ҳосилдорликнинг сезиларли даражада пасайиши.

- Ерларнинг шўрланиш кўрсаткичлари ортиши.

- Бегона ўсимликлар коллектор юзасини буткул қоплаши.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида мақсадида эксковаторлардан фойдаланилади.

Тадқиқот услугиёти. Бизга маълумки эксковаторлар ишчи жихозига ҳаракатни икки хил усул билан узатади.

1. Механик (трос)
2. Гидравлик (суюқлик)

Механик бошқарув тизимига эга эксковаторлар (драглайн) иш унимдорлиги паст, ёнилғи сарфи юқори ва зовур ва коллекторларни қазиш ҳамда тозалашда унинг гидравлик параметрларни таминлай олиш қобилияти паст.

Гидравлик бошқарув тизимига эга эксковаторлар эса иш унимдорлиги юқори, иш давомийлиги t (18–22) сонияни ташкил этади, ёнилғи сарфи кам. Лекин бу икки тизимнинг ҳам камчилиги зовур ва коллекторларни қазиш ёки тозалашда юқори сифат ҳамда аниқликни таъминлаб беролмайди. Биз бундан атрофлича ўрганиб эксковаторнинг гидравлик тизимини мустақил назорат қиладиган махсус TOPCON GPS X-35 ускунасини қўллашни тавсия этамиз.

Унинг ишлаш принципи содда кўринишга эга бўлиб дастлаб қазиладиган ёки тозаланидиган зовур ва коллекторларнинг компьютерда уч ўлчамли модели яратилади, кейин эса эксковаторнинг гидравлик тизимини мустақил назорат қиладиган махсус TOPCON GPS X-35 ускуналари билан жихозланади. Шундай қилиб эксковатор кабинага ўрнатилган сенсорли мониторда акс эттирилган сохадагина грунт ишларини бажаради. Бунинг учун махсус эксковаторлар таълаб этилмайди.

TOPCON GPS X-35 маркали бошқарув тизимини автоматик назорат новигатори қуйидаги жихозлар таркибига эга (1-расм).



а-Маълумотларни қабул қилувчи антенна



б-Бошқарувни доимий кўрсатувчи монитор.



в-Хартумни ҳаракатини бошқарувчи қурилма



г-Тирсакнинг ҳаракатини бошқарувчи қурилма





д-Чўмичнинг ҳаракатини бошқарувчи қурилма



е-Чўмичнинг ҳаракат аниқлигини таъминлаш

1-расм. TOPCON GPS X-35 маркали бошқарув тизимини автоматик назорат новигатори қуйидаги жихозлар таркиби [3,4,5].

Наतिжалар. TOPCON GPS X-35 маркали бошқарув тизимини автоматик назорат новигатори грунт ишларини бажариш даврида бир циклда 1-2 см хатоликка йўл қўйиши мумкин. Бундан маълум бўладики цикл даврида 30 см қатлам кесиб олинса қурилма 28-32 см қатламни қирқади (2-расм). Инсон омили билан эса бу кўрсаткичлар 6-9 см ташкил этади [3,4].



2-расм. TOPCON GPS X-35 маркали бошқарув тизимини автоматик назорат новигатори ишлаш кетма кетлиги.

Ушбу восита ёрдамида эксковаторчи бевосита лойихада белгиланган объектдан қанча ҳажмдаги тупроқ ишлари белгиланган бўлса, шунча ҳажмдаги тупроқ ишини бажаради. Ундан ортиқ ҳам кам бажармайди. Бундан кўринадики тупроқ ишлари ҳажмининг камайиши, ёнилғи-мойлаш материалларидан иқтисод қилиш имкониятини яратади [2].

Мамлакатимиздаги “Довсувмахсуспудрат” давлат унитар корхоналари ёки бошқа шу каби ташкилотлар эксковаторларига канал, зовур ёки коллекторни қазиш ҳамда тозалашда юқори аниқлик ва сифатга эришмоқчи бўлсак албатта TOPCON GPS X-35 маркали бошқарув тизимини автоматик назорат новигатори билан жихозлашни таклиф этаман [3].

Хулоса. TOPCON GPS X-35 маркали бошқарув тизимини автоматик назорат новигатори аниқлик даражаси юқори бўлиб бизнинг “кейинчалик қилинадиган” янги (коллекторларни тозалаш, нишаблигининг бузилишини) олдини олишга имкон беради. Бу таклиф юқоридаги муаммоларни бартараф этишнинг замонавий инновацион технологик ечими дейиш мумкин.

Проворд мақсадда зовур ва коллекторлар таълаб даражасида ишлайди, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, ҳосилдорлик ортади ва қўшимча тупроқ ишлари ҳажмининг камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик юқори кўрсаткичларга кўтарилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шедрин В.Н “Современные проблемы мелиорации и пути их решения” // Мелиорация и водное хозяйство. – 2006. – № 6
2. Хамраев Ш.Р. ва бошқалар. Водное хозяйство Узбекистан. Тошкент. НИЦМКВК. 2011. 84 с.
3. <http://www.topconhassastarim.com/>
4. <https://www.scopus.com>
5. <https://id.elsevier.com>

УДК 515.12.

О КОВАРИАНТНЫХ ФУНКТОРАХ КОНЕЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ И СТРАТИФИЦИРУЕМЫЕ ПРОСТРАНСТВА

А.Х.РАХМАТУЛЛАЕВ, ТИҚХММИ

Аннотация: В этой работе изучены ковариантные функторы конечной степени в категориях $Comp$ - компактов, $Metr$ - метризуемых, S - стратифицируемых, \aleph - пространств и паракомпактных p - пространств и непрерывных отображений в себя.

Аннотация: Бу мақолада $Comp$ - компакт, $Metr$ - ўлчамли, S - стратифицирланган, \aleph - фазовий, паракомпакт p - фазовий ва ўзига узлуксиз акланттирувчи категорияларда чекли даражали ковариант функторлар ўрганилган.

Abstract: In this article studied covariant functors finite degree at the categories $Comp$ - compact spaces, $Metr$ - metrizable spaces, S - stratifiable spaces, \aleph - spaces, paracompact p - spaces and its continuous maps.

Ключевые слова: пространство, ковариант функтор, функтор конечной степени, стратифицируемое пространство, p - пространство, σ - паракомпактное пространство, конечномерное пространство, метризуемое пространство.

В статье рассмотрим ковариантные функторы в категориях $Comp$ - компактов, $Metr$ - метризуемых пространств, S - стратифицируемых пространств, \aleph - пространств и паракомпактных p - пространств и непрерывных отображений в себя. Доказывается, что функторы с конечными носителями действующие в тех или иных категориях сохраняют конечномерные пространства и слабосчётномерные пространства. Определены замкнутые функторы с конечными носителями и доказано, что замкнутые функторы сохраняют класс S - пространств.

Основные необходимые факты, относящиеся к ковариантным функторам и их свойствам можно найти в работах [1-2].

Лемма 1. Пусть $F: Tych \rightarrow Tych$ мономорфный, сохраняющий пересечения, прообразы отображений, непрерывными носителями функтора степени $\leq n$. Тогда для любого $i = \overline{0, n}$ множество $F_{i-1}(i)$ открыто - замкнуто в $F(i)$, если $F(Comp) \subset Comp$.

Если функтор удовлетворяет условиям леммы 1, то по теореме 5.1 [3] имеем.

Теорема 1. Если функтор F удовлетворяет условиям леммы 1, то любого тихоновского пространство X и любого $i = \overline{0, n}$ отображение $\pi_{F, X, i}: X^i \times F(i) \rightarrow F_i(X)$ факторно.

Теорема 2. Пусть $F: Tych \rightarrow Tych$ мономорфный, сохраняющий пересечения, прообразы функтор степени $\leq n$, множество $F_{n-1}(n)$ открыто в $F(n)$,

тогда функтор F с непрерывными носителями, если отображение

$$\pi_{F, X, i}: X^n \times F(n) \rightarrow F_n(X) \text{ замкнуто}$$

Определение. Непрерывный функтор $F: Tych \rightarrow Tych$ с конечными носителями $\leq n$ назовём замкнутым, если отображение $\pi_{F, X, i}: X^n \times F(n) \rightarrow F(X)$ замкнуто.

T_1 - пространство X называется

стратифицируемым [4] (кружевным, кратко S - пространством), если каждому открытому множеству $U \subset X$ можно сопоставить последовательность $\{U_n : n \in \mathbb{N}\}$ открытых

подмножеств таким образом, чтобы выполнялись следующие условия;

а) $\overline{U_n} \subset U$ для всех $n \in \mathbb{N}$;

б) $\cup \{U_n : n \in \mathbb{N}\} = U$;

в) если $U \subset V$, то $U_n \subset V_n$ для всех n .

Заметим [5], что S - пространства совершенно нормальны и паракомпактны, а так же конечное объединение и счетное произведение S - пространства снова есть S - пространство. В работе [5] было показано, что каждое S - пространство является σ - пространством. Значит S - пространство есть паракомпактные σ - пространства.

Если функтор $F: Tych \rightarrow Tych$ замкнутый, тогда пространство $F(X)$ является S - пространством тогда и только тогда, когда X есть S - пространство и $F(n)$ тоже S - пространство. Так как пространство $X^n \times F(n)$ является S - пространством [4]. S - пространства сохраняются при замкнутых отображениях [3].

Следовательно имеет место.

Теорема 3. Нормальные замкнутые функторы $F: Tych \rightarrow Tych$ с конечными носителями $\leq n$, сохраняют категорию S - пространств.

Определение [6]. Хаусдорфово пространство X называется \aleph - пространством, если оно может быть отображено на некоторое S - пространство S с помощью совершенного отображения.

Пусть $F: Tych \rightarrow Tych$ нормальный или полунормальный функтор сохраняющий S - пространства и совершенные отображения т.е. $F(St) \subset S$ и $F(f)$ совершенное отображение, если f - совершенное отображение.

В этом случае имеет место

Теорема 4. Пусть $F: Tych \rightarrow Tych$

полунормальный функтор сохраняющий S - пространства и совершенные отображения. Тогда функтор F сохраняет \aleph - пространства.

Так как замкнутые функторы сохраняют категорию S - пространств и совершенных отображений, по этому имеем

Теорема 5. Замкнутые функторы $F: S \rightarrow S$ сохраняют \aleph -пространств.

Для полунормального функтора $F: Comp \rightarrow Comp$ и тихоновского пространства X положим $F_\beta(X) = \{a \in F(\beta X) : \text{supp } a \subset X\}$, где βX – Стоуно – Чеховское расширение пространства X .

Лемма 2. Если $f: X \rightarrow Y$ совершенное отображение между тихоновскими пространствами и $A \subset Y$, то имеет место равенство $F_\beta(f^{-1}(A)) = F(f)^{-1}F(A)$.

Лемма 3. Если $f: X \rightarrow Y$ совершенное отображение между тихоновскими пространствами X и Y , то отображение $F_\beta(f): F_\beta(X) \rightarrow F_\beta(Y)$ так же совершенно.

В силу леммы 3 и теоремы 4-5 получаем

Теорема 6. Пусть $F_\beta: S \rightarrow S$ полунормальный функтор. Тогда функтор F_β сохраняет \aleph пространства.

Известно, что паракомпактные P -пространства являются совершенным прообразом метризуемых пространств.

В этом случае из леммы 2-3 в частности, получаем

Теорема 7. Пусть $F_\beta: Metr \rightarrow Metr$ полунормальный функтор. Тогда функтор F сохраняет паракомпактные P -пространства.

Теорема 8. Пусть $F_\beta: Metr \rightarrow Metr$ полунормальный функтор с конечными носителями $\leq n$, причём $\dim F(n) < \infty$.

Тогда F_β сохраняет конечномерные метризуемые пространства. Более того, верно: $\dim F(X) \leq n \dim X + \dim F(n)$.

Используя теорему 4 аналогично, как теорема 8 доказывается следующая

Теорема 9. Пусть $F: Metr \rightarrow Metr$ полунормальный функтор с конечными $\leq n$ и $\dim F_n(n) < \infty$. Тогда F сохраняет конечномерные паракомпактные P -пространства. Более того, верно: $\dim F_n(X) \leq n \dim X + \dim F_n(n)$.

Применяя соответствующие результаты работы [8] и теоремы 8 доказываются следующие

Теорема 10. Пусть $F: S \rightarrow S$ полунормальный функтор с конечными носителями $\leq n$ и $\dim F_n(n) < \infty$. Тогда F сохраняет конечномерные S -пространства. Более того, верно: $\dim F_n(X) \leq n \dim X + \dim F_n(n)$.

Теорема 11. Пусть $F: \aleph \rightarrow \aleph$ полунормальный функтор с конечными носителями $\leq n$ и $\dim F_n(n) < \infty$. Тогда функтор F сохраняет конечномерные \aleph -пространства. Более того, верно: $\dim F_n(X) \leq n \dim X + \dim F_n(n)$.

Пусть теперь X слабосчётномерное пространство т.е. X есть счётное объединение конечномерных подпространств X_i , где $i \in N$.

Значит, $X = \bigcup_{i=1}^{\infty} X_i$, X_i замкнуто в X и $\dim X_i < \infty$.

Мы можем считать, что $X_i \subseteq X_{i+1}$, тогда для функтора $F: Tych \rightarrow Tych$ имеет место

$F(X) = \left(\bigcup_{i=1}^{\infty} F(X_i) \right) = \bigcup_{i=1}^{\infty} F(X_i) = F(X)$

Если функтор F удовлетворяет условиям теоремы 7-11, то пространства $F(X_i)$ тоже конечномерны.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. В.В.Федорчук, В.В.Филиппов Общая топология. Основные структуры. М. Из-во МГУ, 1988. с.252.
2. Е.В.Щепин Функторы и несчетные степени компактов. УМН, 1981, Т.36, №3, С.3-62.
3. В.Н.Басманов Ковариантные функторы конечных степеней на категории бикompактных пространств. Фундамен. и прикл.мат.М.1996,Т.2.вып 3.с.637-654.
4. С.J.R.Borges On stratifiable spaces Racif.J.Math., 1966, V.17, №1,pp 1-16.
5. R.W. Heath, R.E. Hadel Characterizations of σ -spaces. Fund.Math. v.77, №3, 1973, pp.271-275.
6. С.Мардешич, А.Шостак О совершенных прообразах кружевных пространств.УМН, 1986,Т-35, вып 3,с 84-93.
7. В.Н.Басманов Ковариантные функторы, ретракты и размерность. ДАН СССР, 1983, Т.271, №6, С.1033-1036.
8. Т.Ф.Жураев. Размерность паракомпактных σ -пространств и и функторы конечной степени. ДАН Узбекистана, 1992, №4, с 15-18.

УДК:536.463:665.753.4

ЁНИШ КАМЕРАСИДА СИФАТЛИ АРАЛАШМА ҲОСИЛ БЎЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Э.М.ҒАНИБОЕВА – мустақил тадқиқотчи., Б.ҲАКИМОВ – Ph доктори ТИҚХММИ

Аннотация: Ёнилги зарраларининг ҳаракат тезлиги оқим кесимлари бўйича, пуркалишнинг турли пайтларида ҳар хил бўлади, заррачаларнинг ёниш камераси ҳажмида ҳаракатланиш шароитлари ҳам турлича бўлади. Натижада бениҳоя кўп миқдорда (0,5 – 20 миллионгача) томчилар пайдо бўлиб, уларнинг ўлчамлари бир – биридан катта фарқ қилади (5 дан 100 мкм гача). Пуркашни кескин тезликда тугаллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолда ёнилги тўзигич атрофига тўпланиб қолиб, ёниш жараёнини ёмонлаштиради ва двигател тутаб ишлайди. **Аннотация:** Бу мақолада $Comp$ -компакт, $Metr$ -ўлчамли, S -стратифицирланган, \aleph -фазовий, паракомпакт P -фазовий ва ўзига узлуксиз акслантирувчи категорияларда чекли даражали ковариант функторлар ўрганилган.

Abstract: The velocity of the fuel particles in the flow sections, at each different stroke, each occurs and the particle size of the combustion chamber is different, resulting in large drops (0,5 to 20 million drops) which differ greatly between sizes (from 5 to 10 μm) it is not advisable to finish spraying at a shop speed because the fuel accumulates around the turbine, the combustion process is worse and the engine is running smokely.

Калит сўзлар: дизель двигатели, цилиндр, дизель ёнилғиси, қовушқоқлик, тўзитгич, пуркалиш

Дизелларда аралашма ҳосил қилиш анча мураккаб бўлиб, ички ёнув двигателларининг кўрсаткичлари: иссиқликдан фойдаланишнинг мураккаблиги, двигатель ишлаганда чиқадиган шовқин, ишлатилган газларнинг тутунлиги ва заҳарлилик даражаси, ишга тушуриш сифатлари, ёниш камераси элементларининг иссиқликдан зўриқишлари аралашма ҳосил бўлиш сифатига боғлиқ бўлади. Дизелнинг юқори кўрсаткичлар билан ишлашига эришиш мақсадида ёнилғи пуркаш жараёнига нисбатан қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- ёнилғини сиқиш тактининг охирида берилган бошланиш жараёнидаги танланган илгарилатиш бурчаги тирсакли валнинг $10-30^\circ$ бурилиш бурчагига мос келиши керак.

- ёнилғи пуркалиш фазасининг давомийлиги 40-45 дан ортиқ бўлмаслиги зарур.

- цилиндрларга ҳажм бўйича ёнилғи берилиши тирсакли валнинг талаб қилинадиган бурилиш бурчагига кўра ўзгартирилиши лозим;

-цикл давомида цилиндрга киритиладиган ёнилғи миқдори юқланишга, тезлик режимига мос келиши ва улар ўзгарганда бу миқдор ҳам мос равишда ўзгартирилиши керак;

- пуркаш параметрлари ёнилғининг сифатли тўзителишини ва қабул қилинган аралашма усулига мувофиқ ёниш камерасига тақсимлаш;


- ёнилғи бериш жараёни двигателнинг ҳамма цикларида барқарор бўлиши лозим [1].

Юқоридаги талаблардан келиб чиқадиган бўлса, аралашма ҳосил бўлиш жараёнининг давом этиш вақти кам, шуни ҳисобга олсақ, дизелларда ёнилғининг тўзителиш жараёни бензинларга нисбатан мураккаброқ бўлиши аниқланган. Ёнилғи тўзитгич орқали ўтаётганда оқимнинг биринчи ғалаёнланиш жараёнлари пайдо бўлиб, ёнилғининг ҳаракатланиш тезлиги катта бўлса ва канал деворлари ғадир – будирлиги юқори бўлса ғалаёнланиш жараёни катта бўлади [3]. Бошланғич ғалаёнланишлар, камерадаги 3 – 4 МПа гача сиқилган зарядларнинг аэродинамик қаршилиги таъсирида ёнилғининг кўп миқдордаги қисми сопло тешигининг ёнгинасида парчаланadi. Ёнилғи зарраларининг ҳаракат тезлиги оқим кесимлари бўйича, пуркалишнинг турли пайтларида ҳар хил бўлади, заррачаларнинг ёниш камераси ҳажмида ҳаракатланиш шароитлари ҳам турлича бўлади. Натижада бениҳоя кўп миқдорда (0,5 – 20 миллионгача) томчилар пайдо бўлиб, уларнинг ўлчамлари бир-биридан катта фарқ қилади (5 дан 100 мкм гача). Ёниш камерасига киритиладиган ёнилғининг тўзиш майинлиги, аралашма ҳосил бўлиши ёниш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш томчиларнинг ўртача диаметри тушунчасидан фойдаланилади. Томчиларнинг ўртача диаметри қанча кичкина бўлса, тўзитиш шунча майда ҳисобланади [3].

Томчиларнинг ўртача диаметри тўзитишнинг бир жинслилигини, томчиларнинг неча хиллигини тўғри аниқлашга имкон бермайди. Лекин бу кўрсаткич тўзиш сифатини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Буни тўзитиш характеристикаларидан тўлиқроқ кўришимиз мумкин бу 1- расмда келтирилган.

Бу графикдаги (1-чизиқ) энг кичик диаметри томчилардан жорий диаметри томчиларнинг


нисбий ҳажмини ўсишини бўлиб, бу эгри чизиқ қанчалик тик бўлса ёнилғининг тўзителиши шунча бир жинслироқ, майинроқ бўлади. Сиқилмайдиган суюқлик оқими учун Бернулли тенгламаси орқали кўриб чиқадиган бўлса у ифодани қуйида келтирдик



1- томчиларнинг нисбий ҳажмини ўсиши; 2- томчининг оқимдаги нисбий миқдори
1-расм. Тўзитиш характеристикаси.

$$\frac{dV_{\text{кўп}}}{dt} = f_n W = f_n \sqrt{\frac{2}{\rho_e}} \sqrt{P_{\text{нур}}} \quad (1)$$

бу ерда W – ёнилғининг соплодан оқиб чиқишининг назарий тезлиги, f_n – форсунка пулкагичининг самарали ўтиш кесими, $P_{\text{нур}} = P_{\text{ф}} - P_{\text{ц}}$ – ёнилғини пуркалиш босими, $P_{\text{ф}}$ – сопло тешиги олдида форсункадаги ёнилғи босими, $P_{\text{ц}}$ – цилиндрдаги газ босими (пуркашга қарши босим). Формулага кўра томчиларнинг оқимдаги нисбий миқдорининг тезлиги пуркаш босимига боғлиқ бўлиб, ёнилғи бериш жараёнида ўзгариб туради. Шунга асосан ёнилғини тўзителиш параметрларига тўхталиб, уни цилиндрга пуркалиш жараёнининг ўзгариш графигига тўхталиб ўтаимиз.



1-ёнилғининг ҳажмий узатилиши; 2, 3-ёнилғи томчиларининг ўртача диаметри.

2-расм. Пуркаш жараёнида ёнилғи ҳажмий узатилишининг ва ёнилғи томчилари ўртача диаметрларининг ўзгариши

2-расмда пуркашнинг турли пайтларда тўзитилган томчиларнинг ўзгариш графиги келтирилган. Кўриниб турибдики, ёнилғи берилишининг бошида ва охирида томчилар энг катта ва бир жинсли эмас. Оқимнинг парчаланishi ва томчиларнинг ўлчамига ёнилғининг физик хоссалари, биринчи навбатда унинг қовушқоқлиги катта таъсир кўрсатади. Ёнилғининг қовушқоқлиги ортиши билан тўзиш майинлиги, бир жинслилиги ёмонлашади, чунки бунда оқимдаги бошланғич ғалаёнланишлар жадаллиги пасаяди. [2] Газ муҳитининг аэродинамик қаршилиги томондан томчиларнинг парчаланishiга бўладиган акс таъсир кучаяди.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб, шуни айтишимиз мумкинки агар дизел двигателларининг таъминлаш тизимига юқори босимли (“Common rail”) замонавий тизим ўрнатилса, ёнилғининг тўзитиш жараёни юқори босқичга эришилади. Бу ҳолат ёнилғини яхши тўзитиб берилиши ва яхши ёнишини таъминлайди. Ёнилғи миқдорининг асосий қисми катта тезликда, юқори босимда берилиши керак, чунки бу ҳолда

ёнилғи зарралари ёниш камерасининг чекка қисмларига ҳам бориб етади, бу зонадаги ҳаводан тўла фойдаланилади. Пуркашни кескин тезликда тугаллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолда ёнилғи тўзигич атрофига тўпланиб қолиб, ёниш жараёни ёмонлаштиради ва двигател тутаб ишлайди.

Хулоса: 1.Хозирги кунда двигателларнинг таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Common rail” тизимидан фойдаланиш тавсия этилган.

2.Бу тизимнинг асосий афзаллиги ёнилғини пуркаш босимини уч тўрт баробар оширишдан, яъни 150...200 мПа гача етказишдан иборат. Бу босимда цилиндр ичига пуркалган ёнилғининг заррачалари жуда кичик бўлиб ҳаво кислароди билан яхшироқ окисдаланади ва ёниш жараёни тўлиқ кечади. Натижада дизелни фойдали иш коэффициенти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грехов П.В., Марков В.А., Иващенко Н.А. “Топливная аппаратура и системы управления дизелей” 2004 –йил
2. Файзуллаев Э “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси” Тошкент 2005–йил
3. Файзиев М.М ва бошқалар. “Ички ёнув двигателлари” Тошкент 2007 йил.
4. А.В.Беляев “Топливная аппаратура М.Росагропром издательство автотранспортных дизелей” 1998 –йил
www.drive2.ru, www.zet-avto.ru, www.steldiesel.ru

ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРНИ АНАЭРОБ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚУРИЛМАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ ВА ХАВСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ

Ф.АБДУСАМАТОВА, Н.ИМОМОВА, Т.ҲАЙДАРОВ, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада органик чиқиндиларни анаэроб қайта ишлаш қурилмасининг иқтисодий самараси билан боғлиқ ҳодаги эколого–эпидемиологик ва хавсизлик чора тадбирлари келтирилган. Бундан ташқари ёнилғи–энергетик ресурсларга бўлган иқтисодий талаблар, муқобил энергия олиш билан тўғридан–тўғри боғлиқ бўлганлиги, табиатни асраш, мелиоратив аҳволи ёмонлашган, деградацияланган ерларни қайта тиклаш муаммоларида биогаз қурилмаларидан олинган маҳсулотнинг роли ҳақида хулосалар келтирилган.

Аннотация: В статье представлены эколого–эпидемиологические и меры безопасности, связанные с экономической эффективностью анаэробной обработки органических отходов в биогазовой установке. Кроме того, делаются выводы об экономической потребности в топливно–энергетических ресурсах, прямой зависимости от производства альтернативной энергии, роли отходов биогазовых установок в сохранении, мелиоративные состояние деградированных земель.

Abstract: The article presents environmental and epidemiological and safety measures related to the economic efficiency of the anaerobic treatment of organic waste. In addition, there are conclusions about the economic demand for fuel and energy resources, the direct dependence on alternative energy generation, the role of biogas installations in conservation, degradation and reclamation of degraded lands.

Калит сўзлар: органик чиқиндилар, биомасса, биогаз

Муқобил энергия олиш жиҳозлари ва қурилмаларини рационал ишлатишни, улар учун асосий маҳсулот ҳисобланган суяқ–қаттиқ органик чиқиндилар, шаҳар оқова сувлари минерализациясини ва ифлосланганлик даражасини пасайтириш учун ташландиқ сувларга экиладиган сув ўтлари чиқиндилари ҳисобланади [1,2,3]. Бундай технологик жараёнлар биологик, физиологик, экологик ва биотехнологик мажмуаларни ўз ичига олиб, улар ҳаётгий фаолиятни мўътадиллаштиради – ривожлантиради, табиатни асрайди ва иқтисодий самара беради. Шунинг билан бир қаторда бундай қурилмаларни ишлатиш давридаги хавсизлик асосий омиллардан бири ҳисобланади. Биогаз биореактордан чиқиш вақтида мезофил ва термофил ҳарорат ҳолатларида унинг таркибида сув буғлари кўпроқ бўлади. Биогаз ёнадиган газ сифатида таркибида углерод оксиди (CO) учрамаганлиги учун у захарли газ ҳисобланмайди, лекин таркибида кислород бўлмаганлиги туфайли буғувчи газ ҳисобланади, ўлимга олиб келиши мумкин. Биогазнинг ёпиқ, шамоллатиш имкони йўқ бўлган биноларнинг пастки қисмида CH₄ ва H₂S йиғилиб қолиши эҳтимоли кўпроқ. CH₄ нинг бундай йиғилиш ҳолати жойларда портлаш ҳолатларига олиб келади. Унинг ҳаво билан аралашмасидаги портлаш чегараси 5–15% ҳажмда бўлади [2,4].

Ёнилғи–энергетик ресурсларга бўлган иқтисодий талаблар, муқобил энергия олиш билан тўғридан–тўғри боғлиқ бўлган табиатни асраш, мелиоратив аҳволи ёмонлашган, деградацияланган ерларни қайта тиклаш муаммолари қишлоқ хўжалиги ва саноат

ишлаб чиқаришида замонавий инженер механиклар, энергетиклар ва гидротехниклар ролини маълум даражада оширди [4,5,6]. Биогаз олиш корхона ёки заводида меҳнат муҳофазаси бўйича амалга ошириладиган ишлар, ҳар қандай мураккаб ишга ўхшаб, олдиндан тузилган режа асосида олиб борилиши керак. Асосий режа ишчининг (ишчиларнинг) меҳнат муҳофазаси бўйича чора–тадбирлари режасидир. Биогаз кохонаси маъмурияти томонидан ўзаро келишув асосида тасдиқланиши керак. Келишув қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича; касалланишларнинг олдини олиш бўйича; меҳнат шароитини умумий юксалтириш бўйича.

Келишувда тадбирлар рўйхати, таннархи, амалга ошириш вақти ва жавобгар шахс фамилияси қайд қилинади.

Келишувда биогаз корхонаси раҳбари ва касоба уюшмаси томонидан ифодаланади. Чора–тадбирларни бажаришга биогаз олиш корхонаси ёки заводи ҳар йили маблағ ажратиши ва ажратилган маблағ фақат шу соҳага ишлатилиши керак. Органик чиқиндиларга анаэроб қайта ишлов беришда ҳосил бўладиган маҳсулотлар (органик чиқинди ва биогаз)дан нотўғри фойдаланиш хавфли ва одам аъзолари учун зарарли, шунинг учун улар билан ишлаганда маълум қоидаларга риоя қилиш керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, органик чиқиндиларга анаэроб қайта ишлов бериш корхона ва заводларида қуйидаги асосий талаб ва кўрсаткичлар белгиланади:

биогаз оқиб ўтвучи қувурлардаги газнинг босимини 1,5 атм.дан оширмалик; биогаз оқиб чиқиш эҳтимоли бор жойларини текшириш вақтида очиқ оловдан фойдаланиш таъқиқланади; биогаз оқиб чиқиш эҳтимоли бўлган қисмларни назорат қилишда фақат совун кўпиги ёки махсус қурилмаларда текширишга рухсат этилади; биогаз оқиб ўтиш қувурларидан тиргак сифатида фойдаланиш таъқиқланади; биогаз оқиб ўтиш қувурларидан ерлатиш мақсадида фойдаланиш таъқиқланади; электр розетка ва ёқиб ўчиргичлари биогаз оқиб ўтиш қувурларидан камида 0,5 м узоқликда жойлаштирилиши лозим; пайвандлаш ишларини газ ускуналарида камида 10,0 м узоқликда олиб бориш талаб этилади; газ компрессори ва бигаз қурилмасидаги иссиқлик режимини сақлаб туришга мўлжалланган иситиш қозонхонасини назоратсиз қолдириш таъқиқланади. Сув иситиш қозонхонасини носоз ҳолда, сувнинг сатҳи талаб даражасидан кам бўлганда ва биогаз бериш қувурларида биогаз сизиши сезилганда ишлатиш таъқиқланади;

Органик чиқиндиларни қайта ишлаш корхона ва заводларининг горизонтал ва вертикал бўйича 10 метр масофаси ёнғиндан хавфли ҳудуди деб белгиланди.

Органик чиқиндиларни қайта ишлаш корхона ва заводларида электр жиҳозларидан фойдаланилганда

қуйидагилар таъқиқланади: атроф-муҳит ҳароратидан 40°C юқори ҳароратда ишловчи электродвигатель ёки бошқа турдаги электр қурилмаларидан фойдаланиш; ҳимояси шикастланган электр симлари ва электр кабелларидан фойдаланиш; шикастланган розетка, электр тарқатиш қутиси (коробка) ва носоз электр қурилмаларидан фойдаланиш; органик чиқиндиларни қайта ишлаш корхона ва заводлари ишчи жиҳозларни ёритиш вақтида ёнғиндан ва портлашдан ҳимоя-ланган чироқлардан фойдаланиш керак; электр чироқлари ва электр узаткичларда носозликлар аниқ-ланганда дарҳол тузатиш зарур; биореакторлар жойлаштирилган майдон ёнғинга қарши бурчак билан таъминланган бўлиши ва бурчак 2 та кўпикли ва 1 та карбонат кислотали ўт ўчириш балонлари, 3 та болта, 3 та чангак, 2 та белкуррак, 3 та челак билан таъминланган бўлиши керак.

Агар биореакторлар ўрнатилган ҳудудда ёнғин чиққан бўлса, биринчи навбатда у ердаги одамларни эвакуация қилиш лозим.

Ёнғинни аниқлаган ҳар бир ишчи: биогаз беришни тўхтатиб қўйиши, электр энергиясини узиши; тезда ёнғин хавфсизлик хизматиغا хабар бериши; ҳудудда жойлашган ёнғинни ўчириш асбоблари билан ёнғинни ўчириш чораларини кўриши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 26.05.2017 йилдаги. ПҚ-3012-сон қарори.
2. Imomov, Sh. Zh. Engineering design calculation of a biogas unit recuperator (2007) Applied Solar Energy (English translation of Geliotekhnika), 43 (3), pp. 196–197.
3. Passos, F., Uggetti, E., Carrère, H., Ferrer, I. Pretreatment of microalgae to improve biogas production: A review (2014) Bioresource Technology, 172, pp. 403–412.
4. Imomov, Sh. Zh. Heat transfer process during phase back-and-forth motion with biomass pulse loading(2009) Applied Solar Energy (English translation of Geliotekhnika), 45 (2), pp. 116–119.
5. Biogazanlages: Reizvolle Aufgable furYngeneiure.Gobel W. // SchweizerischeZeitschrift, – 1982,– № 24, 4 – 7.
6. Имомов Ш., Hwang Sang Gu. Установка для получения биогаза // Межд. Патент, Южная Корея, № 10–0892746/2009.04.02.

УДК: 631.22.018.001.5

ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРДАН БИОГАЗ ОЛИШДА БИОРЕАКТОРДАГИ БИОМАССАНИ АРАЛАШТИРИШ УСУЛИ О.САЛИМОВ, Х.МУРАТОВ, Н.ИМОМОВА, Ф.ЮСУПОВ. ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада тажрибалар асосида биогаз ажралиш жараёни оптимал қийматларига эришиш учун биореакторланга юкланадига биомассанинг физик механик кўрсаткичларидан бири динамик қовушқоқлиги ва сирт тарангликларининг биомасса намлилигига боғлиқлик таҳлил қилинади. Биореакторлардаги биомассани аралаштиришга сарфланаётган энергия миқдорини камайтириш мақсадида кўп поршенли илгарлама-қайтарилма ҳаракатдаги гидравлик босим остида аралаштириш усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Аннотация: В статье анализируется физико-механические свойств таких как поверхностного натяжения и динамическая вязкость органических отходов зависящие от влажности загружаемой в биореактор. Чтобы уменьшить количество энергии, потребляемой в биореакторном при перемешивании органических отходов биореакторе и предлагается целесообразность применения многопоршневой метод перемешивания с гидравлическим давлением при возвратно-поступательным движении.

Abstract: The article analyzes the physical and mechanical properties such as surface tension and dynamic viscosity of organic waste depending on the moisture loaded into the bioreactor. To reduce the amount of energy consumed in the bioreactor when mixing organic waste bioreactor and the feasibility of using the multi-porshen method of mixing with hydraulic pressure during reciprocating motion is proposed.

Калит сўзлар: энергия, биогаз, биомасса, сифат, органик чиқинди.

Муқобил энергия олиш жиҳозлари ва қурилмаларини рационал ишлатишни, улар учун асосий маҳсулот ҳисобланган суяқ-қаттиқ органик чиқиндилар, шаҳар оқова сувлари

минерализациясини ва ифлосланганлик даражасини пасайтириш учун ташландиқ сувларга экиладиган сув ўтлари чиқиндиларининг анаэроб жарёни учун яроқлилигини билмасдан муқобил энергия олиш

жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай технологик жараёнлар биологик, физиологик, экологик ва биотехнологик мажмуаларни ўз ичига олиб, улар ҳаётини фаолиятни мўътадиллаштиради ва ривожлантиради, табиатни асрайди ва иқтисодий самара беради.


Маълумки, чиқиндиларга ишлов беришнинг анаэробик усули катта энергияни талаб этмайди. Бундай жараённи амалга ошириш учун шундай микробиологик талаб қўйиладики, ундаги кичик ўзгариш ҳам жараённи тўхтатиб қўйиши мумкин. Замонавий техника ва энергетик жиҳозларни муқобил ёнилғи билан таъминлаш ва жаҳон иқтисодий кризисини четлаб ўтиш мақсадида чиқиндилардан олинаётган ёнилғи манбаларидан фойдаланиш, шу билан бир қаторда чиқиндилардан қайтаётган зарарли антисанитар ва иссиқхона газларини камайтиришга йўналтирилган, илмий асосланган ишлар долзарблигини ҳукуматимизнинг сўнги вақтлардаги бир нечта қарорларида ўз аксини топмоқда.

Анаэроб ишлов беришда энергия сарфи фақат йўқотишлардан эмас, балки унинг бижғиш жараёнининг қисқа вақт ичида кечиши ва юқорида келтирилган бир қанча афзалликларидан келиб чиқиши керак [2].

Биореакторда биомассага анаэроб ишлов беришда бижғитиш ва биомассани аралаштириш давомида энергия сарфини кўпчилик ама-лиётчилар таҳлил қилишган ва турлича хулосаларга келишган.

Кўп таҳлилларида биомассани биореакторларга солгандан кейин аралаштириш биогаз ажралишига оптимал жараён омилларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Лекин кўпчилик амалиётчиларнинг ишларда аралаштиришни биогаз ажралишига таъсири бўлмагани ҳақида маълумотлар келтирилади. Хашимото фикрига кўра, сифатли озукалар билан озикалантирган молларнинг органик чиқиндилари биореакторга солингандан сўнг уни кунига 2 соат давомида аралаштиришга нисбатан узлуксиз аралаштириб туриш биогаз ажралиб чиқиш миқдори 8–11% га ошишини таъминлайди. Лекин Хашимото узлуксиз аралаштиришни бошқа бир томондан анаэроб жараёнга қўллашни тавсия қилмайди ва унинг биогаз олиш миқдорига таъсири бўлмаганлиги тўғрисида маълумотлар беради. Шунинг учун биореактордан биомассани аралаштириш бўйича оптимал узил-кесил аниқ ечим берилмаган.

Лабораторияда ўтказилган тажрибаларда молхона чиқиндилари ишлов бериш даврида биомассани биореакторларда аралаштириш омилларига таъсир этувчи кўрсаткичлардан бири уларнинг ёпишқоқлиги (1-расм), намлик даражасига ва молларга берилётган озуканинг таркибига боғлиқлиги тўғрисида таҳлиллар амалга оширилди [2].



1-расм. Органик чиқиндининг динамик қовушқоқлигини (йирик шохли қорамол гўнги) унинг суяқ оқувчанлигига боғлиқлиги: 1 – эгри чизик – елим юзада; 2 – эгри чизик – тахта устида. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, намлиги 90...95% ли молхона чиқиндиси динамик қовушқоқлиги ва суяқ оқувчанлиги 0,2 ... 0,1 Па ва 20 ... 25 Па ни ташкил қилмоқда. Бу оралиқда

биомассанинг оқиш тезлиги ва қовушқоқлиги гидравлик аралаштириш имкониятини беришини А.Г. Пузанков ўз илмий ишларида қайд этган.

Кўпчилик ҳолларда қурилмаларда биомассани жадал аралаштириш билан иссиқлик алмашувини тезлаштириш (ошириш) учун фойдаланилади. Бундай ҳолларда аралаштиришга унга сарфланаётган энергия харажатларининг қўпайиши билан биргаликда биореакторларда кечаётган микробиологик мувозанат ҳам бузилишига олиб келиб, биореакторларнинг умумий иш фаолиятига салбий таъсир кўрсата бошлайди.

Маълумки, биомассани биореакторларда аралаштириш жараёнида ундаги оғир чўқиндилар ва ҳарорат режимидан устки қисмида ҳосил бўладиган қатқалоқ (корка) ни майдалаб, аралаштириб, биореакторлардаги анаэроб бижғитилаётган биомассани бир таркибли биомасса ҳосил қилиш шарт талаб этилади.

Аралаштиришлардаги талабларни қондириш учун икки турдаги аралаштириш режимини бир тизимга тушириб кўриш ва уларнинг афзаллик томонларини аниқлаш мақсадида пульсацияли ва гидравлик насослар орқали босим бериб аралаштириш режимини аниқлаб олса бўлади. Бунинг учун биореакторларда кечаётган жараёнда иштирок этаётган биомассанинг ҳосил бўлиш тенгламасидан фойдаланамиз:

$$P_2 = P_1 + \gamma (X + Y), \text{ Па} \quad (1)$$

Бу ерда: γ – бижғитилаётган биомассанинг солиштирма оғирлиги н/м^3 ; P_1 ва P_2 – биореакторнинг аралаштириш бўлмаларидаги, газ фазасининг босими, Па; X ва Y – биореакторнинг бўлинмаларида биомассани аралаштиришда вертикал бўйича кўтарилиш сатҳи, м.

Биореакторларнинг бижғиш жараёнида иштирок этаётган биомассанинг ҳажм бирлигидаги доимийлик шартини

$$\pi R_1^2 E = \pi (R_2^2 - R_1^2) X \quad (2)$$

Бу ерда;

R_2 ва R_1 – аралаштириш палларининг ички ва ташқи ҳажмлари.

Лаборатория тажрибалари ва математик моделдаги келтирилган биомассанинг ҳажмларидаги босим, уларнинг оралиғидаги тўхташлар ва аралаштириш давомийлиги натижаларини таққослаш аралаштиришнинг афзаллиги тўғрисидаги маълумотларнинг ўз исботини топиши учун шундай аралаштириш кўрсаткичида биореакторнинг фойдали иш ҳажмидан биогаз чиқиш миқдорини асосий кўрсаткич қилиб олинди. Агар бу мутаносиблик ҳажмларга нисбатан олинмаса, тажрибалар ўтказиш қурилмасидаги жараён бузилишига олиб келишини оддий кўз билан кўриш мумкин.

Лабораториядаги тажрибалар натижаларини таққослаганимизда кескин аралаштиришнинг ҳам деярли газ чиқишига таъсири сезилмади. Бундай аралаштиришнинг асосий мезони аралаштиришга сарфланаётган энергия миқдори билан белгиланади.

Назарий текширувларнинг амалий тажрибалар билан мутаносиблигини кўриш мақсадида солиштирилганда улардаги фарқни кўрмадик.

Демак, намлиги 90...95% ли молхона чиқиндиси динамик қовушқоқлиги ва суяқ оқувчанлиги 0,2...0,1 Па ва 20...25 Па бўлганда қаршиликнинг энг кам ва бижғитиш жараёнига кетаётган аралаштириш энергияси энг кичик миқдорни ташкил қилиши аниқланди.

Охириги шартни бажариш учун биомассани биореакторларда аралаштириш микробиологик талаблардан келиб чиқиши зарур.

Узоқ тажрибалар натижаси эса биореакторлардаги аралаштириш жараёнини биореакторнинг ҳар бир бурчагида микроаралаштиришни талаб этишини кўрсатди [4]. Бунинг учун таклиф этилган кўп

поршенли илгарлама-қайтарилма ҳаракатдаги гидравлик босим остида аралаштириш усулидан фойдаланиш таклиф қилинди.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. «Энергетика ва барқарор ривожланиш муаммолари» шарҳи. БМТТД, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий муаммолар департа-менти, Жаҳон Энергетика кенгаши. – АҚШ, 2000.
2. Имомов Ш.Ж., Hwang Sang Gu. Биогазовая установка с рекуператором тепловых отходов брожения. Международный конгресс БИОГАЗ – 2008, Москва, 26–27 ноябр 2008 г.
3. Лебедев О.В., Рахметов Б.Ф., Имомов Ш.1. Методические рекомендации по выбору типа установок метанового сбраживания для ферм и комплексов в условиях Узбекистана» – М.: Деп.науч.раб. ЦНИИТЭИавтосеяхозмаш, 1990. -- № 5. – 121 с.
4. Imomov SH.J. Engineering Design Calculation of a Biogas unit Recuperator. English translation of Geliotekhnika. Applied solar energy. vol. 43.2007.№ 3. pp. 106 – 109.

УДК: 631.22.018.001.5

ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРНИ АНАЭРОБ ИШЛОВ БЕРИШНИ БОШҚАРИШ Х.МУРАТОВ, Н.ИМОМОВА, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада ҳозирги кунда дунёда қишлоқ хўжалигининг органик чиқиндиларини анаэроб қайта ишлаш қурилмаларида тезкор усулларини қўллаш уларни автоматлаштирилган жараёнлари замонавий биотехнологияларнинг ривожланишининг асоси эканлиги келтирилган ҳамда тажрибалар натижасида олинган хулосалар ечимлари келтирилган.

Аннотация: В статье приведена анализ современные ускоренные способы переработки органических отходов сельского хозяйство в биогазовых установках, с применением автоматизированного управления биотехнологическими процессами и результатов собственных экспериментов.

Abstract: The article provides an analysis of modern accelerated methods of processing organic agricultural waste in biogas plants, using automated control of biotechnological processes and the results of our own experiments.

Ҳозирги кунда дунёда қишлоқ хўжалигининг органик чиқиндиларини анаэроб қайта ишлаш қурилмаларида тезкор усулларини қўллаш уларни автоматлаштирилган жараёнларига катта аҳамият берилмоқда. Ишлаб чиқаришда улардан олинган муқобил энергия ва иккиламчи маҳсулотларни сифати, экологик ва эпидемиологик ҳамда эргономик кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилиб ишлатиш жараёнида имкон даражасида инсон иштирокини камайтириш замонавий талаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлилида [1,2,3,4] ва илмий изланишлар натижаларига кўра, биомассани бижғитиш жараёнига тайёрлаш ва сўриш ҳамда биореактор ва унинг жиҳозлари юзаси орқали атроф-муҳитга йўқотилаётган иссиқлик миқдорини назоратлашга автоматик режим назоратловчи қурилмалардан фойдаланиш тавсия қилинади. Бунинг билан анаэроб жараёндаги технологик йўқотишлар-энергия сарфи назоратланади.

Умумий ҳолатда биомассани биореакторга солишдан токи юқори сифатли органик ўғит ва биогаз олгунгача бўлган ҳолатларни таққослашда дунё амалиётидаги етакчи фирмаларнинг биогаз заводи ва қурилмаларига сарф бўлаётган энергия миқдори солиштирилди. 1-жадвалда дунёнинг етакчи фирмаларида ва республикамизда ишлатилаётган бир қанча биореакторларнинг энергия сарфини таққослаш учун тақсимот миқдори келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, биореакторларга йўқотилаётган энергиянинг энг кўп миқдори улардаги кундалик юкландиган дозани (КЮД) биореакторнинг бижғиш жараёнигача иссиқлик ҳароратини етказиб олишга сарфланади. Бундай сарфларни доимий назорати ишлаб чиқаришда жуда мураккаблиги туфайли сўнги вақтда бир неча турдаги қурилмаларнинг ишламай қолиши (харажатларнинг ктилганидан ортиб кетиши) уларнинг техник ҳолати эмас балки назоратсизлиги туфайли бўлганлиги келтирилади [5,6,7].

1. жадвал

Дунёнинг етакчи фирмалари ва Ўзбекистонда ишлатиб турилган бир қанча биореакторларнинг энергия сарфи

Давлат, фирма	Умумий сарфланаётган энергияга нисбатан % ҳисобида				
	Биореактор ҳажми, м ³	Ҳарорат, °С	Аралаш-тириш	КЮД ни иситиш	Атроф- муҳитга йўқоти-лаётган
АҚШ «Колорадо- биогаз»	110	35	2,01	72,33	25,66
Финландия «ЭНБОМ»	120	37	7,2	75,35	17,45
Швеция «Биосистем»	160	50	9,2	72,4	15,4
Англия «Бритиш биогаз»	200	35	8,2	75,4	16,4
Чехия «Гидропрект»	6000	40	12	71,67	26,33
Дания «Клаухан»	80	35	-	77,6	22,4
Россия ЕХИЧ Институту	250	40	6,8	80,32	12,81
Korean Total Chemical CO., LTD	50	52	12	67,9	20,1
«Biogaz-ekologiya energiya va organic o'git» Ўзбекистон	250	38	6	82	12

Латвиянинг Пярну шаҳри яқинидаги колхозлараро чўчка гўнгига анаэроб ишлов бериш

заводида мезофил иссиқлик режимда ишлатилган биореакторнинг иссиқлик балансини келтириб

биореакторнинг умумий харажатларининг энг кўп қисми иссиқлик режимини таъминлашга сарфланишини айтади. Унинг таҳлилларида КЮД ни биореактордаги кундалик иссиқлик режимига

чиқариб олиш учун кетадиган иссиқлик харажати умумий сарфнинг 70% ортиқлиги ҳақида маълумотлар бор (2–жадвал).

2–жадвал

Пярун биогаз олиш қурилмаси кундалик иш жараёнидаги энергия сарфининг солиштирма таснифи

Йўқотишлар сарфи	Энергиянинг солиштирма сарфи, МДж/м ³	Сарфланаётган энергия миқдори, % ҳисобида
Биомассани бижғитиш ҳароратигача иситиш	151,91	73,7
Биореактор сиртидан тарқатилаётган энергия	9,79	4,7
Электр энергияга кетадиган сарф (аралаштириш ва бошқа)	29,27	14,2
Хўжаликнинг ички харажатларига	15,30	7,4
Жами:	206,27	100 %

Ушбу кўрсаткичлар термофилли режим учун бошқача бўлиши мумкин. Лекин иссиқлик ҳароратининг термофил режимда биомассанинг оқувчанлиги маълум даражада, намлиги 86 дан 98% га ва ҳарорати 15 дан 70° С га кўтарилганда унинг динамик қовушқоқлиги шунга мувофиқ 0,008 дан 1,4 Па °С га ортади. Бу эса қурилмада биомассани аралаштириш учун энергия сарфига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиб эквивалент равишда камайиши билан боради.

Юқорида келтирилган технологик кўрсаткичларнинг барчаси биореакторларнинг анаэроб ишлов беришдаги технологик кўрсаткичлар бўлиб, улар бижғиш жараёни мўътадил кечишдаги омиллар ҳисобланади, ҳамда улар жараённинг ҳар бир этапида назоратланиши талаби қўйилади.

Тажрибаларимизда анаэроб ишлов беришдаги энергия сарфи фақат йўқотишлардан эмас, балки унинг бижғиш жараёнинг қисқа вақт ичида кечиши ва юқорида келтирилган бир қанча афзалликларидан келиб чиқилиши кераклигини кўрсатди [7].

Биореакторда биомассага анаэроб ишлов беришда бижғитиш ва биомассани аралаштириш давомида энергия сарфини кўпчилилик ама-лиётчилар таҳлил қилишган [5,6] ва турлича хулосаларга келишган.

Таdqикотчиларнинг кўпчилиги таҳлилларида биомассани био-реакторларга солгандан кейин аралаштириш биогаз ажралишига оптимал жараён омилларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Лекин кўпчилилик амалиётчиларнинг ишларда

аралаштиришни биогаз ажралишига таъсири бўлмагани ҳақида маълумотлар келтирилади. Хашимото [4] фикрига кўра, сифатли озуқалар билан озикалантирган молларнинг органик чиқиндилари биореакторга солингандан сўнг уни кунига 2 соат давомида аралаштиришга нисбатан узлуксиз аралаштириб туриш биогаз ажралиб чиқиш миқдори 8–11% га ошишини таъминлайди. Лекин Хашимото узлуксиз аралаштиришни бошқа бир томондан анаэроб жараёнга қўллашни тавсия қилмайди ва унинг биогаз олиш миқдорига таъсири бўлмаганлиги тўғрисида маълумотлар беради. Шунинг учун биореактордан биомассани аралаштириш бўйича оптимал узил-кесил аниқ ечим берилмаган.

Юқоридагилардан ташқари органик чиқиндилардан биогаз олиш жараёнининг мўътадил кечиши учун яна бир омил бижғиётган массанинг биореакторларда аралаштириш вақтидаги аралаштириш тезлиги ҳисобланади. Чегараланган тезликдаги (м/с) аралаштириш микробиология нуқтаи назардан субстратдаги метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг фаол ишлашига ижобий таъсир қилиши амалиётда синаб кўрилган.

Биогаз қурилмаларида қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини поғонали ишлов бериш қурилмасида ўтказилган тажрибаларимиз хулосалари натижасига [3] таяниб бундай қурилмаларни технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг дастурланган бошқарувли қурилмалар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Chen Y., Cheng J.J., Creamer K.S. Inhibition of anaerobic digestion process. A review. *bioresour. Technol.* 2008, 99: 4044 – 4064. doi: 10.1016 / j. biotech. 2007. 01.057. –
2. Pierre B., Wright A.D.G. Metagenomics analysis of methanogen populations in three full-scale mesophilic anaerobic manure digesters operated on dairy farms in Vermont, USA. // *Bioresour. Technol.* 2013, 138. 277–284.
3. Imomov Sh. Biogas-energy: ecology va organik fertilizators *Irrigatsiya va melioratsiya Journal*, 2015, No. 2. – P. 30–34.
4. Н.Имомова., Д.Курбоналайев Кишлоқ ва сув хўжалигида инновацион техника ва технологияларни жорий этиш ҳамда уларда давлат-хусусий шерикчиликни куллаш *Ўзбекистон кишлоқ хўжалигида биогаз энергиясидан фойдаланиш*.
5. Ш.Ж.Имомов, Ш.А.Айнакулов, М.К.Султонов, З.М.Мамадалиева, К.Э.Усмонов, Н.Ш.Имомова. Органик чиқиндиларга поғонали ишлов бериш биогаз ықрилмасининг изогналардаги аралаштириш режимининг математик модели дастури . *Ўзбекистон Республикаси адлия вазириги хузуридаги интеллектуал мулк агентлиги. Электр хисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома № DGU 06592 Тошкент 14-июнь . 2019йил .*
6. Salimov O., Imomov Sh. Optimization of the processes of the biogas plant by individual order. *Irrigatsiya va melioratsiya*, 2017, No. 2 (8). – P. 47–49.
7. Karlstrom O., Brink A., Hupa M., Time dependent production of NO from combustion of large biomass char particles, *Fuel* 103, 2013, pp. 524–532.

УДК: 631.51.021

**ТЕХНОЛОГИЯ И ТЕХНИЧЕСКОЕ СРЕДСТВО ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЙ РАВНОМЕРНОСТЬ УВЛАЖНЕНИЯ
КОРНЕОБИТАЕМОГО СЛОЯ ПОЧВЫ**

Атажанов А. У., ТИИИМСХ

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам водосбережения и эффективного использования водных ресурсов путём совершенствования существующих способов полива по бороздам и создания новых технических средств, обеспечивающих рациональное использование водных и земельных ресурсов при бороздковом поливе, способствующих экономии оросительной воды.

Аннотация: Мазкур мақола эғатлаб суғоришда суғорма сувнинг тежалишига қўмаклашувчи сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи мавжуд эғатлаб суғориш усулини такомиллаштириш ва янги техник воситани яратиш йўли билан сувни тежаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласига бағишланган.

Abstract: The article is devoted to the issues of water conservation and efficient use of water resources by improving the existing methods of irrigation through the furrows and the creation of new technical means ensuring the rational use of water and land resources during furrow irrigation, contributing to irrigation water savings.

Калит сўзлар: борозда, уклон, технология, техника полива, техническое средство, водные ресурсы, бороздодел, полив, влагозарядка, планировка, корнеобитаемый слой.

Введение. Основным богатством народа и восточником жизни является вода. Чтобы избежать неэффективных потерь воды, на всех типах оросительных каналов проводятся противофильтрационные мероприятия и ремонтируются гидротехнические сооружения на них. С целью повышения и совершенствования коэффициента полезного действия этих объектов создано и действует Государственное унитарное предприятие, специализирующееся на мелиоративной и водохозяйственной деятельности. Принятые правовые нормы и привилегии имеют решающее значение. Важным фактором повышения эффективности этих мероприятий является Постановление Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе развития ирригации и улучшения орошаемых земель на орошаемых землях на 2018–2019 годы» № УП–3405 от 27 ноября 2017 года [1].

Эффективное использование водных ресурсов является одной из актуальных проблем, стоящих перед фермерами, которые являются потребителями воды. Поэтому целесообразно создавать, совершенствовать существующие и внедрять новые современные техники и технологии для экономии водных ресурсов и их эффективного использования.

При проведении исследований по выбранной теме было предусмотрено:

- выбор и обоснование опытных площадок с использованием свойств почвы, климата и видов сельскохозяйственных культур;
- ориентирование состава и программы полевых экспериментальных исследований по наблюдению мониторинга всех процессов;
- формирование агротехнических и технических требований к бороздообразующему агрегату с автоматизированной системой управления;
- обоснование соответствия проектных параметров поливных борозд, нарезанных на основе предлагаемой технологии, к этапам развития сельскохозяйственных технических культур;
- качество полива, урожайность сельскохозяйственных культур, оценка эффективности (наблюдения) мониторинга КПД режима орошения и годовой техники полива;
- изучение и обоснование условий применения технических средств системы автоматического управления рабочим оборудованием.

Методы проведения исследований: Одним из важных сельскохозяйственных операций при

сельскохозяйственном производстве является планировка орошаемой площади. Несмотря на то, что поверхность орошаемой площади неравномерна, проектный уклон дна нарезанной борозды даёт следующие возможности: значительно улучшить качество полива сельскохозяйственных культур и промывки засоленных почв; повысить производительность при орошении; нормализует использование орошаемых площадей, поливной воды и природных осадков; повышает эффективность внесенных удобрений. Все это в результате приведет к увеличению урожайности сельскохозяйственных культур в 1,5–2,2 раза и позволит снижению себестоимости продукции.

В действующей технологии после обработки почвы нарезают борозды относительно подготовленной поверхности орошаемой площади, а продольный профиль дна борозды и его уклон не получают для беспрепятственного и равномерного течения оросительной воды, который требует гидравлика. На практике такое положение происходит и подтверждается исследованиями, проведенными нами. Исследование показывают, отличается большими отклонениями продольный профиль дна нарезанных борозд даже при высокой точности спланированной поверхности орошаемого поля. При планировке все это требует больших трудовых затрат при поливах и не обеспечивается равномерность увлажнения почвы как по толщине корнеобитаемого слоя культуры, так и по длине нарезанной борозды. В начале нарезанной борозды, откуда подается оросительная вода, увлажнение по глубине получается максимальное, а в конце борозд достигает минимального значения. Можно выравнивать увлажнение почвы по максимальному значению, однако это достигается благодаря значительному увеличению непроизводительных затрат оросительной воды и времени полива сельскохозяйственных культур [5].

Основной целью обеспечения непрерывности по поверхности поля проектного уклона нарезанной борозды в орошаемых землях является устранение затрудняющей проведение полива и механизированных агротехнических мероприятий неравномерности в процессе нарезки борозд (в разрыхленных грунтах), а также основным фактором является эффективное использование воды, равномерное распределение воды по площади и бороздам, обеспечение равномерное увлажнения почвы. Это способствует равномерному развитию сельскохозяйственных культур, которое в конечном

Данная технология позволяет при производстве сельскохозяйственных технических культур использовать при нарезке борозд автоматизированное управление рабочим органом, экономить воду на орошаемых площадях и достигать высоких урожаев, благодаря устойчивому развитию сельскохозяйственных культур [4].

Предлагаемое техническое средство относится к сельскохозяйственному машиностроению, в частности к орудием для ухода за пропашными, поливными сельскохозяйственными культурами.

Цель изобретения создание неравномерного уплотнения грунта в ложе борозды по её длине, с изменением плотности грунта от максимального значения в начале и минимального – в конце, согласно способа полива [3].

За прототип выбрана хлопковый навесной культиватор применяющая для нарезки борозд, включающая: грядиль культиватора на котором установлено рабочий бороздоделатель. Культиватор нарезает борозды относительно подготовленной поверхности поля, в результате чего продольный профиль борозды и её уклон получается, как правила, таким как это требует гидравлика для беспрепятственного и равномерного течения оросительной воды, однако при поливах не обеспечивается равномерности увлажнению почва-грунта как по толщине корнеобитаемого слоя, так и по длине борозды. В начале борозды, откуда подается

вода, увлажнение по глубине получается максимальное, а в конце – минимальное. Выравнивание увлажнения почвы возможны по максимальному значению, но достигается это благодаря значительному увлажнению непроизводительных затрат оросительной воды и времени полива [11, 12, 14, 15].

Задача изобретения – разработка устройства для неравномерного уплотнения грунта в ложе борозды по всей длине, с плавным изменением плотности грунта от максимального в начале и минимального в конце.

Поставленная задача решается тем, что в культиваторе для нарезки борозд, содержащее грядиль с установленным на ней бороздоделателями, шарнирно установлена Ш – образная рама уплотнителя, связанная с гидроцилиндром соединенного с гидросистемой базового трактора, при этом на нижней части рамы закреплены уплотнительные катки.

Сущность изобретения заключается в том, что в одном устройстве объединены несколько уплотнительных катков размещены с помощью рамы шарнирно на грядилях культиватора, управление которых осуществляется одновременно одним гидроцилиндром и обеспечивают возможность неравномерного уплотнения ложа борозды по всей длине.

На рис. 2 изображено вид сбоку устройство.




Рис. 2. Устройство для уплотнения ложи поливных борозд

Предлагаемое устройство включает грядиль 1 с бороздоделателями 2. На грядиль 1 установлена шарнирно рама 3 с уплотнительными катками 4. В верхней части рамы 3 установлен кронштейн 5 к которому соединено шток гидроцилиндра 6, который шарнирно установлен на грядиле 1. Гидроцилиндр 6 с трубопроводами 7 соединены с гидросистемой базового трактора.

Устройство работает следующим образом.

Культиватор (агрегат) устанавливается в голове борозды на исходную позицию и с помощью гидроцилиндра 6 опускает катки уплотнители на поверхность ложи борозды, при этом шток гидроцилиндра должен быть выдвинут на максимальное усилие давление на катках 4. Включив через гидрораспределителя трактора, подачу жидкости в штоковый полость А культиватор трогается с места. При движении культиватора рабочая жидкость в гидроцилиндре медленно поднимает раму 3 и тем самым происходит уменьшение давление катков на грунт, что создает плавное изменение плотности грунта от максимального значения в начале и минимального в конце борозды. При подходе к концу борозды рычаг гидрораспределителя устанавливается в нейтральное положение, и с помощью навесной системы культиватора машина переводится в транспортное положение, после чего агрегат поворачивается для движения в обратное направление. Культиватор (агрегат) устанавливается на обратную позицию. Рычаг гидрораспределителя переводится в

противоположное первоначальному с целью подачи жидкости в полость Б гидроцилиндра 6. В начале обратного движения агрегата, жидкость поступает в полость Б и опускает катки до контакта с ложей борозды, агрегат трогается с места. Рабочая жидкость, поступающая в полость Б медленно прижимает катки 4 создавая уплотнения от минимального в начале до максимального в голове борозды. Таким образом создается минимальное уплотнение в начале и максимальное в конце. Подняв раму агрегат разворачивается и процесс повторяется. Регулировка согласованности уменьшение и увеличение силы уплотнения на катках со скоростью перемещения культиватора и длины борозды, осуществляется подбором диаметров поршня и штока гидроцилиндра.

Согласно положению гидравлики [3], если площадь поршня вдвое больше площади штока, т.е. $F_{п} = 2F_{ш}$, что соответственно равно

$$d_{ш} = D_{пор} / \sqrt{2}, (1)$$

то скорость подъема и опускание катков будет равным:

$$V_{под} = V_{опус} = 4Q / \pi d_{ш}, (2)$$

где Q – подача жидкости в гидроцилиндр, $d_{ш}$ – диаметр штока.

Использование предлагаемого устройства позволяет созданию равномерного уплотнения всего сечения ложи борозды, начиная от максимального значения в начале и заканчивается нулевым в конце. В соответствии с программой инновационного проекта КХ-А-КХ-2018-529 – прикладной грант на тему «Разработка новой технологии и технических

средств создания устойчивого профиля и проектного уклона борозд с целью рационального использования водных ресурсов», проведенные в Шаватском и Гурленском районах Хорезмской области, Берунийском районе Каракалпакской Республике опытно-полевые исследования, научно-конструкторские и теоретические исследования доказывают, что научные результаты практического гранта в будущем будут выше, чем ожидалось [10, 13, 15, 16].

Выводы

Если обеспечить автоматизацию (лазерную) по непрерывности уклона ложа дна нарезаемых борозд для орошения технических сельскохозяйственных культур на данной площади, то достигается устранение неравномерного увлажнения корнеобитаемого слоя почвы и эффективное использование водных ресурсов. Это целесообразнее, чем ежегодно производить лазерную планировку поверхности орошаемых площадей.

Уплотнение почвы дна борозды по длине борозд способом автоматического регулирования (то есть благодаря уплотнению в начале борозд до максимального и в конце до минимального значения) приводит к уменьшению фильтрации водных ресурсов в корнеобитаемый слой почвы. Это способствует улучшению мелиоративного состояния орошаемой площади.

Данная технология обеспечивает:

-повышение эффективности использования водных ресурсов за счет создания устойчивого профиля и проектного уклона борозды;

-водосбережение и энергосбережение созданием устойчивого профиля и уклона борозды орошаемого поля, обеспечивающие высокую равномерность увлажнения корнеобитаемого слоя почвы по всей длине борозд, особенно при нарезке их использованы новые лазерные технологии и высокоэффективные прицепные технические средства и методы производства работ;

- для создания быстро настраиваемых, легкозаменяемых, автоматически управляемых технических средств для обработки почв русла борозды с целью улучшения гидравлики потока в борозде и обеспечения равномерного по длине борозды впитывания воды;

- унификацию и стандартизацию в области машин, быстро настраиваемых, легкозаменяемых, автоматически управляемых технических средств по нарезке поливных борозд устойчивого профиля и с проектным уклоном.

Нарезка борозд с применением технических средств с автоматизированной системой управления рабочим органом, с применением новой технологии дает экономию воды, подаваемой в период вегетации сельскохозяйственных культур на орошаемых площадях и в результате равномерного развития сельскохозяйственных культур достигается высокий урожай [3].

ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ЛИТУРАТУРА:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе развитие ирригации и улучшения орошаемых земель на орошаемых землях на 2018-2019 годы» № УП-3405 от 27 ноября 2017 года.
2. Ахмеджанов М.А. Планировка орошаемых земель. Ташкент. Мехнат. 1991.
3. Бердянский В.Н., Атажанов А.У., Способ нарезки поливных борозд. Предварительный патент №1114. 30.09.1997. Бюл. №4.
4. Атажанов А.У., Бердянский В.Н. Устройство для образования борозды с переменной плотностью грунта ложа по ее длине. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана» №1. 1999 г. стр. 28-29.
5. Атажанов А.У. Совершенствование технологии планировки поля орошаемой по бороздам. Сборник научных трудов. Том. 46. Серия 3.1. 69-71 стр. Русе. Болгария. 2007г.
6. Атажанов А.У., Фырлина Г.Л. Технология подготовки поля, орошаемого по бороздам. «II-ой Международный научно-практический конференции «Научное обеспечение как фактор устойчивого развития водного хозяйства»». Казахский НИИ водного хозяйства. Казахстан, г.Тараз.24.06.2016.
7. Атажанов А.У., Ирмухамедова Л.Х., Атажанов А.А. Технология планировки орошаемого поля, обеспечивающая равномерность увлажнения почвы. Международный научный журнал «Молодой ученый». г.Казан. № 8 (142). 2017.стр.43-46.
8. Атажанов А.У., Фырлина Г.Л. Совершенствование технологии подготовки поля орошаемой по бороздам. Научно-практический журнал ФГБНУ «РосНИИПМ». Новочеркасск. Выпуск №2 (66). 2017. стр. 60-64.
9. Атажанов А.У., Матякубов Б.Ш. Совершенствование технологии, обеспечивающей равномерность увлажнения корнеобитаемого слоя почвы, орошаемой по бороздам. Международная научно-практическая конференция «Вода для устойчивого развития Центральной Азии». 23-24 марта 2018г. г. Душанбе, Таджикистан. Стр. 237-241.
10. Атажанов А.У. Новая технология и техническое средство создания устойчивого профиля и проектного уклона поливных борозд. Монография. Т. Типография ТИИИМСХ.2018. 126 стр.
11. Матякубов Б.Ш. Продуктивность использования воды в низовьях Амударьи. «Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана». Доклады международной научно-практической конференция 23-25 апреля 2003, Ташкент-2003. Ташкентский Аграрный Университет, стр. 153-155.
12. Матякубов Б.Ш. Почему в Арале мало воды? Экологические вести, Экологический Форум НПО Казахстана, № 5 (21), стр. 16-17.
13. Матякубов Б.Ш. Современное состояние орошаемого земледелия Хорезмского оазиса, Журнал Аграрная наука, № 9, Стр.27-29.
14. Matyakubov B.Sh. Efficient use of water in the Khorezm Oasis. Journal International journal of innovations in engineering research and technology, volume 5, № 11, p. 44-50.

15. Abdullaev Iskandar, Horst Mihail, Mirzaev Nazir, Matyakubov Bakhtiyar, [Water productivity in the Syr-darya river basin temporal and spatial differences](#). 9 th International Drainage Workshop, 2003.
16. Abdullaev Iskandar, Molden David, Matyakubov Bakhtiyar. Best water conservation practices and their impact on water productivity in the Syr Darya River Basin, Proceedings of International Conference, Kazakh Institute of Water Management, Kazakhstan, 2005/10/21, volume -1, p. 33-41.
17. Атажанов А.У., Сатторов М. Ер устидан эгатлаб суғориш усулини такомиллаштириш технологияси ва техник воситасини яратиш. AGRO ILM. Махсус сон. ISSN 2091-5616. Тошкент-2018, 33 бет.
18. Муратов А.Р., Атажанов А.У. Эгатлаб суғориш усулини ва техник воситаларини такомиллаштириш. “АГРАР СОҲА ТАРМОҚЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ” мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман. Тошкент. ТИҚХММИ. 2018 йил 28-29 ноябрь.
19. Атажанов А. У., Ахмеджанова Г.Т., Касымбетова С.А. Сув ресурсларини тежовчи технология ва техник воситани яратиш масалалари. «Агро илм», “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналы илмий иловаси. ISSN 2091-5616 Махсус сон-2019.44-45 бетлар.
20. Atajanov A.U., Khudayev I.J. Issues of Developing Water Conservation Technology and Equipment. International Journal of Advanced Research in Science, Vol.6, Issue 9, September 2019.

УДК: 631.16(575.172)

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ЕРДАН ФЙДАЛАНИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
А.Р. БАБАЖАНОВ – и. ф. н., доцент, Р.Д. АБДИРАМАНОВ – катта ўқитувчи, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада аҳоли пунктларининг асосий турлари ҳисобланган шаҳар ва посёлкалар ердан фойдаланишларининг бугунги шароитдаги ўзига хос хусусиятлари ёритилган, ушбу ҳудудлардаги мавжуд муаммолар келтирилган, ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация: В статье отражены ряд основных особенностей землепользования населённых пунктов, приводятся имеющиеся проблемы данных территории и даны конкретные предложения по устранению этих проблем.

Abstract: The article reflects a number of basic features of land use of settlements, presents the existing problems of these territories and provides specific suggestions for eliminating these problems.

Калит сўзлар: аҳоли пунктлари, шаҳарлар, посёлкалар, ердан фойдаланиш, ижтимоий, иқтисодий, экологик, рекреация, маданий мерос объектлари, ер солиғи, кўчмас мулк.

Кирриш. Олинган расмий маълумотларга қараганда, аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар типидagi посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) билан банд ерларнинг умумий майдони 926,2 минг гектарни, яъни мамлакат ер фондининг 2,1 фоизини ташкил этади [7, 12 б]. Шунга қарамасдан жамиятнинг умумий тараққиётида бу ерларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бундай ердан фойдаланиш ўзининг ижтимоий, иқтисодий, рекреацион ҳамда экологик моҳиятлари билан ер фондининг бошқа тоифаларидан тубдан ажралиб туради. Аҳолининг ҳаёт фаолияти ҳамда жойлаштириш ўрни, манзили сифатида улар ўзларининг ижтимоий моҳиятини ёрқин намойён қиладилар. Айнан аҳоли пунктларида аҳоли учун мақбул турмуш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уй-жой, жамоат-иш, ишлаб чиқариш, муҳандислик ва транспорт инфратузилмалари, рекреацион ва бошқа минтақалар ажратилади. Аҳоли пунктларида аксарият саноат қорхоналари, транспорт тармоқлари, инженерлик инфратузилмаларини жойлашганлиги уларнинг иқтисодий моҳиятини белгилайди, негаки айнан шундай объектлар “аҳоли пунктларининг юқори иқтисодий самарадорлигини белгилайди” [4, 76 б]. Аҳоли пунктларида шаҳар ўрмонлари, ўрмон парклари, чўмилиш жойлари, маданий мерос объектларини ўзида жамлаган рекреацион минтақалар ҳам жойлаштирилади. Аҳоли пунктларини қуриш ва обдонлаштириш табиий ландшафтларни сақлашга, мавжуд табиий ва техноген ландшафтларни ўзаро боғлиқлигини таъминлашга имкон беради. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аҳоли пунктлари ердан фойдаланиши кўп мақсадли, кўп қиррали характерга эгадир. Бундай кўп қирралик аҳоли пунктларини истиқболга ривожлантиришда, ер кадастрига юритишда, ҳудудни комплекс тарзда ташкил этишда ва албатта, муҳофаза қилишда ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Дарҳақиқат, агарда қишлоқ хўжалик ерлари асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ёки ўрмон фонди ерлари ўрмончиликни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадларига мўлжалланган бўлса, аҳоли пунктлари ерлари турли-туман мақсадларда фойдаланилади. Шу сабабли ҳам бугунги бозор шароитида бу ерларнинг қиймати доимо ошиб боради. Бундан ташқари, бундай ерлардан ундириладиган солиқлар миқдори ҳам бошқа ҳар қандай ер тоифасидан ундириладиган солиқлар миқдоридан анчагина юқоридир. Жумладан, республика давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига қараганда 2017 йилда аҳоли пунктлари ерларидан ундирилган солиқлар миқдори жами қишлоқ хўжалиги ерларидан ундирилган солиқлар миқдоридан 3,2 баробар ортиқ бўлган [6, 34 б].

Аҳоли пунктлари ердан фойдаланишларнинг аҳволини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашда шаҳарлар, шаҳар типидagi посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ердан фойдаланишларни алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ. Шаҳарларда катта майдонлар, одатда, саноат, транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш, таълим ва тарбия соҳаларига, жамоат минтақаларига ажратилган. Қишлоқ аҳоли пунктларида эса катта майдонлар яқка тартибда қурилган уй-жойларга, томорқа ерлари ва деҳқон хўжаликларига ажратилган. Демак, аҳоли пунктлари ердан фойдаланишнинг таркиби унинг самарадорлигига, фойдаланиш характери ва жадаллашганлик даражасига, қиймати ҳамда ерга тўловлар миқдорларини табақалашга катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли йирик шаҳарлардаги ерларнинг қиймати, ер учун тўланадиган солиқ ставкалари, ижара ҳақлари қишлоқларга нисбатан анчагина юқоридир.

Аҳоли пунктлари ердан фойдаланишининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ҳудудда аҳолини жойлаштириш ердан фойдаланишлари билан бир қаторда бошқа тоифадаги, жумладан, саноат ва транспорт, ўрмон ва сув фонди, тарихий-маданий ёдгорликлар, табиатни муҳофаза қилиш ва рекреацион мақсадлардаги ердан фойдаланишлар ҳам мавжуд. Улар шаҳар чегарасида мавжуд бўлиб, шу ерда ўз фаолиятларини олиб борсалар-да, ўзларининг ер тоифаси статусини сақлаб қоладилар [5, 64 б]. Лекин бундай фикрни қишлоқ хўжалик ерлари учун айтиш мумкин эмас. Бундай ерлар, одатда, шаҳар чегарасида бўлиши мумкин эмас. Агарда қандайдир сабаблар билан бундай ерлар шаҳар чегарасига кириб қолган бўлса, улар ҳуқуқий расмийлаштирилган ҳолда ер ажратиш таркибида шаҳарга олиб борилиши ва қишлоқ хўжалиги ерлари балансидан чиқариб ташланиши зарур [5, 54 б].

Тадқиқот услубиети. Шаҳарлар ва посёлкалар ердан фойдаланиши ҳуқуқий қиррасининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ҳудудда ер участкаларига турли-туман ҳуқуқлар ишлатилади. Хусусан, ер участкасига мулк ҳуқуқи, доимий ва вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи, меросий эгалик, ижара ҳуқуқлари айнан аҳоли пунктларида мавжуд. Булардан ташқари, бундай ерларнинг ўзига хос яна бир ҳуқуқий қирраси шундан иборатки, уй-жой қурилиши учун ажратилган ер участкасидан қатъий равишда 2 йил ичида асосий мақсади бўйича фойдаланишга киришиш зарур [2]. Айнан ушбу ер тоифасидагина бошқа ер тоифаларида мавжуд бўлмаган меросий эгалик ҳуқуқи жорий қилинган.

Аҳоли пунктлари ердан фойдаланишининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, айнан ушбу ҳудудда турли белгилар бўйича, жумладан, маъмурий-ҳудудий, ерларнинг функционал

моҳияти, қиймати, солиқ бўйича минтақалаш ишлари амалга оширилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда ердан фойдаланишларни ахборотли таъминотида ҳам қатор ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини эътироф этиш зарур. Шу нуқтаи назардан ер кадастрини юритишдаги масалалар айниқса алоҳида ўрин тутати. Хусусан, аҳоли пунктлари ерларининг миқдори ва сифат ҳисобини юритишда катта аниқлик талаб қилинади, негаки бу ҳудудда нисбатан кичик ва жуда кичик ер участкаларига эга бўлган кўп сонли ердан фойдаланишлар тўпланган. Уларнинг барчасини мавжуд ер майдонлари миқдорлари ҳисобини катта аниқликларда юритиш учун йирик мастшабли план-картографик материаллардан фойдаланиш, аксарият ҳолларда ерда туриб ташвирга олиш, ер майдонларини аниқлаш ва боғлаш ишларини амалга ошириш талаб қилинади. Ерларни баҳолаш ишларида ҳам қатор хусусиятлар мавжуд. Хусусан, аҳоли пунктларида қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фарқли ўлароқ тупроқлар бонитировкаси эмас, балки ерлар бонитировкасини ўтказиш талаб қилинади. Бунда ер участкасининг истеъмоллик хусусиятига таъсир кўрсатадиган табиий шароитлар, шаҳарсозлик омиллари, ер участкасининг жойлашган ўрни ва экологик ҳолати, бонитировкалаш учун асосий омиллар сифатида қабул қилинади.

Маълумки, шаҳар ердан фойдаланишининг бозор қирраси уларнинг кадастр қийматини аниқлашни кўзда тутати. Қиймат баҳолаш асосан бозор (ер бозори мавжуд бўлганда) ва норматив (ер бозори мавжуд бўлмаган ҳолатда) усуллар ёрдамида амалга оширилади. Ерларни бирламчи хусусийлаштириш ва бошланғич бозорини шакллантириш шароитида кадастрли баҳолашнинг энг мақбул усули бу – даромадлилик ёндашувига асосланган норматив баҳолаш бўлади. Шу сабабли ҳам кўчмас мулк объектдан келадиган даромадни табақалаштириш зарур, яъни, бино ва иншоотга тўғри келадиган даромадни ҳамда улар тагидаги ер участкасига тўғри келадиган даромадни алоҳида-алоҳида ажратиш керак бўлади. Бундан ташқари қурилмаган ер участкаларини қийматини баҳолаш бўйича тегишли методика ҳам яратиш зарур.

Таҳлил ва натижалар. Шуни алоҳида қайд қилиш зарур, аҳоли пунктлари ердан фойдаланишининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборат, ушбу тоифа ерларидан фойдаланишни баҳолаш комплекс тарзда амалга оширилиши, яъни, ердан фойдаланишни барча қирраларига, хусусан, ижтимоий, иқтисодий, рекреацион, экологик қирраларига тўла мос келадиган қилиб баҳолашни зарур. Бу эса, ўз навбатида, бир вақтнинг ўзида қатор баҳолаш услубларини қўллаш ҳамда шу асосда аҳоли пункти ерларидан фойдаланишнинг умумлаштирилган самарадорлигини ўрнатишни

талаб қилади. Бундай ҳолат бошқа ер тоифаларида деярли мавжуд эмас.

Аҳоли пунктларининг мавжуд ердан фойдаланиши, қатор муаммоларга эга. Улар асосан қуйидагилардан иборат: Аҳоли пунктлари ердан фойдаланишининг қонунчилик базаси Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларида намоён бўлади. Аммо уларнинг ҳеч бирида аҳоли пунктлари ердан фойдаланишларни бошқаришда “Давергеодезка-дастр” давлат қўмитасининг ваколатлари тўғрисида ҳеч нарса гапирилмаган. Шаҳарларда фаолият юритаётган ер ресурслари ва кадастр хизматларини ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлмаган, ердан фойдаланишни бошқаришнинг алоҳида функциялари бошқа вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, ер участкаларини ажратиш ва баҳони табақалаштириш ишлари “Давархитект-қурилиш” қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда, ер участкаларига баҳо белгилаш Давлат мулк қўмитаси томонидан, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорати Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, ердан фойдаланишнинг тўлов тамойилини бажарилиши Давлат солиқ қўмитаси томонидан, ер кадастрини юритиш эса “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда. Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, ердан фойдаланиш таркибини оптималлаштириш, шаҳар ерларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича назорат ишларини олиб бориш каби функциялар умуман амалга оширилмапти. Бундай ҳолат шаҳарларда тизимли ердан фойдаланишнинг ва уларни зарурий бошқарувини йўқлигини кўрсатади. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун йирик аҳоли пунктларидаги ер ресурслари ва кадастр хизматларида қўшимча бўлимлар ташкил этиш, ер ажратиш ва улардан фойдаланишни давлат назоратини юритиш билан боғлиқ барча ваколатларни ушбу хизматга олиб бериш, шунингдек, шаҳарларда ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги ишларини бажаришда “Давергеодезкадастр” қўмитасининг масъулиятини ошириш зарур бўлади.

Хулоса. Юқорида юритилган фикр мулоҳазалар асосида хулоса қилиш мумкин, аҳоли пунктларида ердан фойдаланишнинг қайд қилинган хусусиятларини эътиборга олиш, шунингдек, мавжуд муаммоларни мумкин қадар тезкорлик билан бартараф этиш бундай ҳудудларни мажмуали ривожлантиришга ва шаҳарлар ерларидан фойдаланишни самарали бошқаришга имкон беради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент, Адолат, 2014
2. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. Тошкент, Адолат, 2014
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, Адолат, 2013
4. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б. Аҳоли яшаш жойлари кадастри. Тошкент, Тафаккур, 2011
5. Бабажанов А.Р., Мукумов А.М., Хафизова З.Х. Ердан фойдаланишда интеграцион бошқарув. Тошкент, ТИҚХММИ, 2018
6. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг ахборотномаси. Тошкент, 2018, 1-сон
7. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий хисобот. Тошкент, Ергеодезкадастр, 2018

Аннотация Тадқиқ этилаётган ер участкаси ҳудудида ўзга ердан фойдаланувчиларга тегишли ер майдонлари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, уларга ер участкасига алоқадор бўлмаган мақсадларда фойдаланиладиган электр, газ, алоқа, йўл тармоқлари, қурилиш объектлари ва бошқалар эгаллаган майдонларни келтириш мумкин. Ушбу объектлар ер участкаси майдонида жойлашган ёки бир неча ер участкаси ҳудудидан ўтувчи элемент шаклида барпо этилган бўлиши мумкин. Демак, ер участкаси ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчилар ерларининг майдонларининг йиғиндиси унинг умумий шакли ва майдонига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Мақолада ер контури турлари ва хусусиятлари ёритилган.

Аннотация: Другие землепользователи могут иметь землю в пределах обследованного земельного участка. Например, они могут включать области, занятые электричеством, газом, коммуникациями, дорожными сетями, строительными объектами и т. д., которые не используются в земельных целях. Эти объекты могут быть построены в форме элемента, расположенного на земельном участке или проходящего через более чем один земельный участок. Следовательно, общая площадь земельных участков других землепользователей в земельном участке является одним из факторов, влияющих на его общую форму и площадь. В статье описаны типы и особенности контуров земельных участков.

Abstract: Other land users may have land within the surveyed land. For example, they may include areas occupied by electricity, gas, communications, road networks, construction sites, etc., which are not used for land purposes. These objects can be constructed in the form of an element located on a land plot or passing through more than one land plot. Therefore, the total area of land of other land users in the land is one of the factors affecting its overall shape and area. The article describes the types and features of the contours of land.

Калит сўзлар: Ер контури, ер участкаси, асосий ва жорий ер ҳисоби, чегара белгиси, кадастр рақами.

Майдонларни ер контури бўйича қайдномаси биринчидан, ер участкасига тегишли ер контурлари бўйича махсус кўрсаткичлар жадвалида қайд этилиб борилади. Аммо битта контур учун жадвалда 33 тагача майдон кўрсаткичи белгиланган. Фикримизча, ер участкасининг контурига рақам беришда уларни сонини чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар бир ер контури алоҳида тартиб рақами, майдони ва чегара белгиларига эга бўлиши шарт. Тўғри, амалдаги йўриқномаларда ер контури майдонининг аниқлигини, яъни майдони 0,01 гача этиб белгиланган. Аммо, ер контури чегаралари бўйлаб белгиланган амалдаги чизиқли объектлар (суғориш, зах қочириш ва дала йўллари, ихота дарахтлари, тут ва терак қатори тизимлари, марзалар ва бошқалар) нинг майдонларини аниқлаш ва уларни ер контурларига бириктиришдаги методик ёндошувларда ноаниқликлар мавжуд.

Кўп йиллик тадқиқотлар асосида ер контури майдонлари қайдномаси замон талаби даражасида расмийлаштириш учун қуйидаги тавсия ва мунозараларни қайд этиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

биринчидан 2 та қўшниер контури чергараси сифатида белгиланган чизиқли объектлар майдонлари мавжуд бўлганда ҳар иккита контурга тенг бўлиб қайд этилади. 2 ёки 3 контурли чизиқли объектлар бўлганда қўшни контурлар умумий майдонига қўшиб ёзилади. Масалани назарий, методологик ва амалий жиҳатдан сўровномалар ёрдамида ва амалий ҳолатни тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, юқорида қайд этилган ҳолатлар асосий ва жорий ер ҳисобини юригишда ноаниқлик ва хатоларга сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун ҳар бир ер контурини яхлит майдон сифатида белгилаб, унга алоҳида тартиб рақами бериш зарур. Чунки ҳозирги жамиятни глобал ахборотлашув давридаги инновацион технологияларни инқилобий ўзгаришлар жараёнида ер участкаларидаги ер контурларининг тартиб рақамларини шакллантириш ва шунга мос бўлган майдон ҳисоблаш ишларини олиб боришда ҳеч қандай ташкилий-техник тўсиқлар йўқлиги ҳам бу борадаги сусткашликка сабаб бўла олмайди. Масалан, пахта-ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган битта фермер хўжалигига 100,0 гектар ер майдони

ажратилган бўлса, экин майдонлари 80,0 га, чизиқли иншоотлар 10,0 га, бошқа объектлар 10,0 га ни эгаллаган бўлса улардаги ер контурлари сони 30 тани ташкил этса, махсус қайдномада бир контур-бир рақам тамойилини қўллаган ҳолда майдонлар қайд этилганда ўлчов натижаларида ҳеч қандай ноаниқлик ёки хатоликларга йўл қўйилмайди.

Учинчидан, жойнинг харитасидаги ер ҳисобини қайд этувчи махсус электрон дастурдан фойдаланиш эвазига ер участкасида содир бўладиган ер контурларининг тартиб рақами, чегараси ва майдонидаги ҳар бир ўзгариш автоматик тарзда тузатмалар ёрдамида унинг ер баланси 100 гектарга нисбатан 1 М²аниқликдаги маълумотларни онлайн кўринишда олиш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, ер участкасига чегарадош (қўшни) бўлган ер участкалари чегарасидан ўтган чизиқли чегара объектлари эгаллаган майдонларни ердан фойдаланувчиларга бириктирилишидаги муаммони ечишдаги методик ёндошувга ҳам аниқлик киритиш зарур бўлади. Амалиётда қабул қилинган услубда чегара ҳудудидаги чизиқли объект (йўл, канал, зовур ва бошқалар) майдонини тенг иккига бўлиб тақсимлаш тажрибаси ҳам мунозарали бўлиб келмоқда. Бунда ер участкасининг чегарадош қисмидаги ер контури майдонини аниқлашда маълум ноаниқликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, чизиқли объект кўчмас мулк сифатида алоҳида ердан фойдаланувчи субъект сифатида ўзини номаён қилиши мумкин. Бунда чегарадош ердан фойдаланувчи ер участкасининг чегараси бўйлаб ўтган чизиқли объект майдонига умуман алоқадор бўлмайди. Яъни, чегара объектнинг майдони ер контури майдонига қўшилмайди деган хулосага келиш мумкин.

Бешинчидан, ер контури майдони қамровидаги объектлар (дала шийпони, артезиан қудуқ, партов ер, дўнглик, чуқурлик, ташландиқ ва бошқалар) жойлашган бўлса уларга ҳам алоҳида тартиб рақами берилиши шарт бўлади. Акс ҳолда амалда кузатилаётган ахборотларни бузиб кўрсатиш, “бошқа ерлар” таркибига қўшиб ёзиш, рақамлардаги чалқашликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Олтинчидан, юқорида қайд этилган майдонлар қайдномасини тузишдаги таклиф этилган услублар ер участкаси бўйича маълумотлар асосида, ердан фойдаланувчи субъектлар (ЕФС), маҳалла фуқаролар

йиғини (МФЙ), туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Республика миллий ер балансини тузишда ер контурлари кесимидаги ўлчовлар аниқлиги ортади, натижаларни таҳлил қилиш, тизимлаш ва зарурий хулосалар асосида ердан янада самарали, тўлиқ, унумли ва тежамкорлик асосида фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларни илмий-услубий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқишда ягона методологик ёндошувга асос яратади.

Еттинчидан, маълумки республикада фаолият кўрсатаётган ердан фойдаланувчи субъектлар сони 6,0 млн.га яқин бўлиб, уларга 6,5 млн.дан ортиқ ер участкалари бириктирилган. Демак, ер участкаларининг сони ердан фойдаланувчи субъектлар сонидан 8-10% дан ортиқлиги кузатилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, айрим ердан фойдаланувчи субъектлар таркибига икки ва ундан ортиқ ер участкалари бириктирилган. Ердан фойдаланувчи субъектнинг ер баланси унга бириктирилган ер участкаларини майдонлар йиғиндисига тенгдир. Ўз навбатида ер участкасининг ер баланси эса ер контурлари майдонларининг йиғиндиси деб эътироф этиш мумкин. Албатта, бунда ер участкаси ҳудудида жойлашиши мумкин бўлган ўзга ердан фойдаланувчиларни бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Саккизинчидан, ер участкасининг чегараси қамровида ўзга ердан фойдаланувчиларнинг ер майдон жойлашган бўлса, чегара элементи бўлган объектларнинг ҳар бири алоҳида ер контури тартиб рақамига эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ўрганилаётган объектда жойлашган ўзга ердан фойдаланувчининг ер участкаси чизиқли объект сифатида қўшни ер участкалари ҳудудида давом этса, ушбу объект тўғрисида ердан фойдаланишга оид маълумотларни алоҳида изоҳлаб, улардан ҳам янада самарали фойдаланиш бўйича ер кадастри мутахассиси тавсиялар бериши шарт ҳисобланади.

Тўққизинчидан, ер участкаси таркибидаги ер контурининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари унинг умумий ер кадастри ахборотларини шакллантиришга хизмат қилишини инобатга олсак, ҳар йилнинг 1 январ ҳолатига юқори ташкилотларга тақдим этиладиган ердан фойдаланувчи субъектлар, маҳалла фуқаролар йиғини, туман (шаҳар)лар даражасидаги ер баланси ахборотларининг шаффофлиги, ҳаққонийлиги ва ишончилиги ҳар бир ер контури даражасида шаллантириладиган ер кадастри маълумотларининг сифатига бевосита боғлиқлигини кузатамиз.

Маълумки ер участкаси бир ёки бир неча ер контурларидан ташкил топган ҳолда шаклланади. Ер участкаси қамровидаги контурлар эса яхлит ёки чизиқли шаклларда бўлиб, ҳар бир ҳолатда ўзининг алоҳида миқдор ва сифат ўлчамларига эга бўлиши кузатилади.

Ер участкаси уни қайси мақсадда ва соҳа ихтисослигига мансублиги маҳалла фуқаролар йиғинининг ер кадастри ҳужжатларида акс эттирилади. Шу ўринда ҳар қандай ердан фойдаланувчи субъектлар жумладан, унга бириктирилган ер участкаларидаги ердан фойдаланиш даражасини аниқлашда унга бириктирилган ер турлари ва улардан мақсадли фойдаланиш кўрсаткичларини ташкилий-иқтисодий таҳлиллар ёрдамида аниқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Мақолада ер участкасини шакллантириш жараёнида ер контурларининг жойлашув хусусиятларига оид тадқиқот натижалари ва креатив ечимлари очиб берилган.

Олиб борилган тадқиқотлар, кузатишлар ва таҳлиллар асосида ер участкаларини шакллантириш шартларига қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, ер участкаси майдони фойдаланиш мақсадига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда бевосита ва билвосита фойдаланиладиган ер турларига бўлиш зарур бўлади; иккинчидан, бевосита фойдаланиладиган ер турлари ер қонунчилигида белгиланган мақсадлардаги майдонлардан таркиб топади. Бунда агар фермер хўжалиги пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган бўлса, асосий майдон ҳайдалма ерлардан иборат бўлади. Яъни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган экин майдонлари бевосита фойдаланиладиган ерларни ташкил этиш кузатилади;

учинчидан, ер участкаси таркибидаги билвосита фойдаланишдаги ер турларига суғориш, зах қочириш ва йўл тармоқлари, дала шийпонлари, ихота дарахтлари ва бошқа ерлардан таркиб топган ҳолда фойдаланиладиган ер майдонлари киради;

тўртинчидан, ер участкаси таркибига кирувчи ўзга ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер участкалари майдонларини қайд этиш мумкин;

бешинчидан, агар ер участкаси майдонининг бир қисми ер сервитути шартномаси асосида ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар томонидан фойдаланилаётган бўлса, ушбу майдонлар чегара ва ер контури тартиб рақамларини ер кадастри ҳужжатларида акс эттирилишини таъминлаш зарур бўлади.

Албатта, ер контурига берилган юқоридаги таърифлар маълум маънода ер майдонидан фойдаланиш шартларини билдиради. Бунда умумийлик хусусиятларига майдон, чегара ва контурга шартли равишда берилган тартиб рақам ҳисобланади. Бу хусусиятлар ер контурини ташкил этувчи асосий омиллар бўлиб, улар шу контур ҳудудида ердан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаб берувчи кўрсаткичларни ташкил этади. Масалан, ер контурининг чегараси доирасида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва етиштиришда чегараловчи омил ҳисобланиб, асосан шу чегара қамровида технологик жараёнлар амалга оширилади. Бунда асосан анъанавий тарзда шакланган рельеф, ҳудуднинг нишаблиги, тупроқ турларининг кўп ҳолларда бир хиллиги, экинларга ишлов бериш каби ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Фикримизча юқоридаги таърифлар ер контурининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Бундай ҳолат атамага назарий, услубий ва амалий жиҳатдан илмий ёндошувни тақозо этади. Ер контурининг ер баланси унинг чегараси доирасидаги алоҳида олинган (рельефи, нишаблиги, экин бўйи, чегара элементлари) шартли майдонлар йиғиндисига тенг. Айрим ҳолатларда ер контури ҳудудида мазкур ер эгаллигига ёки ўзга ердан фойдаланувчиларга тегишли бўлган ер участкалари (ёки уларнинг бир қисми) жойлашган бўлиши мумкин. Шунда ер участкасининг умумий майдонини қуйидагича аниқлаш тавсия этилади:


$$M_{ey} = \sum_{1-n} M_{ek} + \sum_{1-n} M_{yefc}$$

M_{ey} – ер участкасининг умумий ер майдони, га;
 $\sum_{1-n} M_{ek}$ – ер контурлари майдонлари йиғиндиси, га;

$\sum_{1-n} M_{yefc}$ – тадқиқ қилинаётган ер участкаси эгасига нисбатан ўзга ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли ер майдонлари, га.

Қайд этилган формула анъанавий тарзда барча ер участкалари учун тадбиқ қилиниши мумкин. Аммо маълумки кўп ҳолларда ер участкасининг чегара ҳудудидаги аксарият ҳолатларда кузатиладиган чизикли элементлар (суғориш, зах қочириш ва йўл тармоқлари, ихота дарахтлари, тут ёки терак қаторлари) банд этган майдонларни ер участкасига бириктиришда амалдаги методик ечимлар соҳанинг ҳозирги даврдаги талабларига тўлиқ жавоб бермаяпти. Жумладан, иккита қўшни бўлган ер участкаси учун қабул қилинган чегара элементларининг майдонини уларга кадастр ҳужжати асосида бириктиришда турлича қараш, ечим ва ёндошувлар кузатилади. Айрим ҳолатларда суғориш тармоғидан биринчи ер участкаси учун фойдаланилганда унинг майдонининг тенг ярми қўшни ер участкаси таркибига киритилиши белгиланган. Ҳар икки ер участкаси учун фойдаланишда бўлган суғориш тармоғининг майдони ҳам шундай усулда тақсимланади. Учинчи ҳолатда эса ер участкалари учун умумий бўлган чизикли элемент транзит вазифасини бажарганда алоҳида ер участкаси сифатида ҳужжатларда қад этилади.

Муаммо шундаки, ҳар учта ҳолат амалдаги ер кадастри ҳужжатларида турлича ёндошувлар асосида қайд қилинади. Бу ер кадастри маълумотларини ер участкаси кесимида олиш, тизимлаш ва истеъмолчиларга етказишда ноаниқлик, хатолик ёки қўшиб ёзиш каби салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун ер участкаси ҳудудида жойлашган ҳар бир ер контурига алоҳида тартиб рақамини белгилаш асосида унинг майдони ва бошқа кўрсаткичларини қайд этиб бериладиган ягона услубни қўллаш тақозо этмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ер кадастри ахборот таъминоти маълум тизим, услуб ва ёндошувларни талаб этади. Демак, алгоритм занжирининг иккинчи пағонасида ўз навбатида ер участкаси алоҳида ўринга эга. Ер участкасининг умумий майдони унинг ҳудудидаги қайд этилган ер контурлари майдонлари йиғиндисидан таркиб топади. Ер участкаси бўйича контурларнинг майдонлари қайдномасида 33 та банд (устун) дан иборат шаклда қайд этиш амалдаги тасдиқланган шаклда ўз аксини топган. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир ер контури учун қайд этиладиган унга тегишли бўлган майдонларни бундай “тарқоқ кўриниш” и бир қанча ноаниқликларни келтириб чиқармоқда. Агар майдонлар қайдномасидаги бандлар кўрсаткичларида жорий ўзгаришлар рўй берса, уларни қайд этишда қўшимча вақт сарф этилиши кузатилади.



1-расм. “Оқ олтин” фермер хўжалиги ер контурларининг жойлашув схемаси.

Майдон ҳисоблаш ишларини бажаришда қулайлик яратиш учун муаллиф тавсиясига кўра махсус электрон дастурдан фойдаланиш 2-3 баробар вақт

сарфини камайтиради. Ер участкаси ҳудудидаги ер контурлари майдонларидан фойдаланиш бўйича маълумотларни шакллантиришда уларнинг турлари, фойдаланиш мақсади ва ҳолати каби кўрсаткичларни аниқ, ишончли ва ҳаққоний тарзда истеъмолчиларга етказиш ер кадастрини юритишда энг муҳим жараёнлардан ҳисобланади. Шунинг учун алоҳида олинган ер участкаси ҳудудида шакллантириладиган ер контурларидан фойдаланиш мақсадида кўра бевосита ва билвосита турларга бўлиш керак бўлади. Бундан ташқари ҳудудда кузатиладиган ўзга ердан фойдаланувчилар ер участкаларининг бир қисми сифатида алоҳида тартиб рақамига эга бўлган ер контурлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрганилаётган ер участкаси ва унинг эгаси бўлган ердан фойдаланувчи субъект фаолиятига салбий ёки ижобий таъсирини аниқлаш ҳам муҳим саналади. Ер участкасининг умумий майдонини аниқлаш формуласида қайд этилганидек, унинг таркибидagi бевосита, билвосита ва ўзга ердан фойдаланувчиларга тегишли бўлган ер контурлари тўғрисидаги кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш зарур бўлади.

Демак, ер участкасининг ер майдони таркиби унинг ҳудудидаги ер контурлари ва чегара қамровида жойлашган ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкалари майдонлари йиғиндисидан таркиб топади. Тадқиқотлар кўрсатадики, республика ҳудудидаги мавжуд ердан фойдаланувчи субъектлар бир ёки бир нечта ер участкаларидан иборат ҳолда фаолият юритадилар. Шунинг учун ЕФСнинг умумий майдони унга ер контури ҳужжатлари асосида бириктирилган ер участкалари майдонларига тенг деб ҳисобланади. Бунда ҳар бир ердан фойдаланувчи субъектнинг умумий ер майдони таркибидa мавжуд бўлган ўзга ердан фойдаланувчилар эгаллаган майдонлар ҳам алоҳида кўрсатилиши талаб этилади.

Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжалигининг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер майдонлари асосан бевосита ва билвосита қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган турлардан иборат бўлади. Аксарият ҳолатларда ер участкаси ҳудудида ўзга ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонларининг мавжудлиги кузатилади. Ўз навбатида уларнинг сони, майдони ва ердан фойдаланиш мақсади ҳамда ихтисослиги тадқиқ қилинаётган ер участкасидан фойдаланиш йўналишига мос келмаслиги кузатилади.

Демак, юқоридаги фикр-мулоҳаза ва тадқиқотлар натижасига суянган ҳолда ердан фойдаланувчи субъектлар тасарруфидаги ер участкаси қамровидаги ер контурлари ер кадастрининг бирламчи ахборотлар манбаи ҳисобланишини қайд этишимизга асос бўлади. Умумий хулоса сифатида қайд этилганда, ер участкаси, ердан фойдаланувчи субъект, маҳалла фуқаролар йиғини, туман (шаҳар), вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Республика миқёсида юритилаётган ер кадастрининг умумлашган ахборотлари ер контури бўйича олинган маълумотлар асосида шаклланиш тизимидан иборатлигини эътироф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент: 1998.
3. Бобожонов А.Р., Рахмонов К.Р., Гофиров А. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ, 2013й. – 208 б.

ЕР КАДАСТРИ АХБОРОТИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАР БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қ.Р РАҲМОНОВ, и.ф.н, доц., М.О.АБДУРАҲИМОВА – стажёр-ўқитувчи, ТИҚХММИ

Аннотация: Ер кадастри ахборотлари ҳужжатлаштирилган манбаа бўлиб, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда, ер майдонларини ажратиб бериш ва олиб қўйиш, ер учун тўловлар миқдорини белгилаб бериш ва бошқа тадбирларни амалга оширишда фойдаланиш тартиби тегишли қонунларда белгиланган. Мақолада ер кадастри ахборотини шакллантиришда қонун ҳужжатлари базасини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Аннотация: Земельно-кадастровая информация является документированным источником, и порядок ее использования для землепользования и защиты, выделения и изъятия земли, установления стоимости земли и других видов деятельности. В статье рассматриваются вопросы совершенствования нормативно-правовой базы формирования земельно-кадастровой информации.

Abstract: Land cadastre information is a documented source, and the procedure for using it for land use and protection, allocation and withdrawal of land, setting land costs and other activities. The article covers the issues of improving the legal framework for the formation of land cadastre information.

Калит сўзлар: Ер кадастри, ер қонунчилиги, ахборот ресурси, ер ахборот таъминоти, ер кадастри китоби, сервитут.

Ер кадастри ахборотини тайёрлаш ва фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солиш мақсадида республикада тегишли қонунчилик базаси ишлаб чиқилган. Қонунчилик базаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунини, Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби ҳақидаги Низомни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998 йил) мамлакатда ердан фойдаланиш ва ер ахборотидан фойдаланишни тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Унда ер ҳақидаги ахборот ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати, уларнинг тоифалари, сифат ва қиймат тавсифлари ҳақида, ер майдонларининг жойлашиши ва уларни ер контурлари бўйича тақсимлашни ҳақидаги зарур ва ишончли маълумотлар тизимидан иборат экани қайд қилинган (15-модда).

Ер кадастри ахборотида давлат органлари учун ердан фойдаланишни бошқариш ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаларини бошқариш, ундан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасарруф қилишни кўзда тутилган. Бунда улар ер фондини ер тоифалари ва ердан фойдаланувчиларга ресурсларини ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш, ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, ердан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва асослаб бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фойдаланишлари мумкин. Ер кадастри ахбороти Ўзбекистон Республикаси ягона давлат кадастрлари тизимини ташкил этувчи хўжалик ва табиий ресурслар бўйича давлат ва тармоқлар кадастрларини юритиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ер кадастр ахбороти ҳақида тушунча, унинг тузилиши ва турларининг мақсади, вазифаси ҳақида таъриф берилган, ҳужжатларни, амалда мажбурий қўлланилиши кераклиги қайд этилган. Ер кадастрининг мақсади тегишли ахборотларни ахборотини шакллантириш бўйича ягона тизим сифатида таърифланади, уни махсус ишлаб чиқиш услублари аниқланган. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқиш бюджет маблағлари, шунингдек, ердан фойдаланувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни (1998 йил) ер ахборотини ишлаб чиқиш соҳасида қонуний ҳужжат ҳисобланади. Қонуннинг 1-моддасида унинг мақсади давлат ер кадастрини юритиш ҳуқуқий асосини ўрнатиш, ер кадастри маълумотларидан иқтисодиётни тараққий эттириш учун фойдаланиш, ер майдонларига ҳуқуқий кафолат бериш, ердан оқилона фойдаланиш, тиклаш ва муҳофаза қилишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси ер

ахборотини жамиятнинг барча фаолиятида ва аввало, иқтисодий соҳасида муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Ер кадастр ахбороти ер участкаларини рўйхатга олиш, ер ҳисобини юритиш ва баҳолаш ахборотининг мажмуаси каби талқин қилинади (23-модда). Бу қонунда ердан фойдаланиш, тиклаш ва муҳофаза қилишда, ер майдонларини ажратиб бериш ва олиб қўйишда, ер майдонларини, ер тўловини аниқлашда, ердан фойдаланиш мақсадларини амалга оширишда, ерга нисбатан қонуний муносабатларда ва субъектларнинг хўжалик фаолиятини баҳолашда албатта, риоя қилиш таъкидлаб берилган. Ер кадастри ахбороти унга тегишли бўлган ҳужжатларда жамланади. Бундай ҳужжатларга қуйидагилар кирди: ер майдонига эгалик ҳуқуқи гувоҳнома, туман (шаҳар)нинг ер кадастри китоби, ернинг миқдорий ва сифатий ҳолати ҳамда баҳоси ҳақидаги ҳисобот, анъанавий ва электрон шаклдаги кадастр карталари ва режалари. Мамлакатнинг асосий ер кадастри ҳужжати ер ресурслари ҳолати ҳақидаги Миллий ҳисоботида, у ҳар йилнинг якуни бўйича тайёрланади ва бутун республика бўйича ер майдонларининг миқдори ва сифати ҳамда уларнинг баҳоси кўрсатилган бўлади.

Қонунда рўйхатга олинган, ҳисобий ва баҳолаш ер ахбороти тушунчаси ва мазмуни алоҳида кўрсатилган. Ер участкалари давлат рўйхатидан ўтказишда ер кадастри китобига қуйидаги маълумотлар киритилади: ердан фойдаланувчи субъектлар, уларнинг майдони, ер ажратиб бериш шартлари, эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома (14-модда). Қонуннинг 17-моддасида ер майдонларининг ўлчами, жойлашиши, турлари ва сифати ҳақида маълумотлар ер кадастри ҳисоби ахборотини ташкил этиши қайд этилган. Қонунда баҳолаш иқтисодиёт тармоқларида ахборотининг роли ва вазифасига алоҳида ўрин берилган. Ер баҳолаш ахбороти ер майдонларининг сифати ва уларнинг қиймат баҳолари ҳақида маълумотларни ўз ичига олади (18, 19-моддалар). Баҳолаш услублари асосан, ер учун тўловлар миқдорини белгилашда, ер бозори учун маълумотларни таҳлил қилишда қўлланилади.

Ахборот ишлаб чиқариш ва фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни (2004 й.) билан тартибга солиб келинмоқда.

Қонунда таърифи келтирилган “ахборотлаштириш” деганда, юридик ва жисмоний шахслар эҳтиёжини қаноатлантириш учун ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнларни ташкил этишда уларни ахборот ресурсларидан, ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланишга шарт-шароитлар

яратиш тушунилади. Демак, ер кадастри ахборот таъминоти (ЕКАТ) барча ердан фойдаланувчиларни ахборот ресурслари асосида тизимлаштирилган жараён сифатида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланиланиш тушунилади. Бунда ЕКАТ тушунчасини аниқлаш учун бир қатор бошқа тушунчалардан ҳам фойдаланилади, булар: ахборот ресурслари, ахборот технологияси, ахборот тизими кабиларни ткиритиш мумкин.

Ахборот ресурси қонунда ахборот тизимидаги электрон шаклда берилган маълумотлар банки, маълумотлар базаси деб талқин қилинади. Таърифдан келиб чиқадики, ахборот ресурси ахборотдан фақат тақдим этиш шакли билан фарқ қилади. Демак, ахборот ресурси ахборотнинг англалган ҳолда, фақат электрон шаклда тақдим этилади ва компьютер хотирасида ёки бошқа магнит элтувчилар (флешка, дискет)да сақланади. Бунда электрон ахборот, ахборот тизими таркибида бўлади. Демак, ахборот ресурсининг таърифи, ахборот тизими атамасига асосланади.

“Ахборот технологиялари” тушунчаси қонунда ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, ишлов бериш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар тўплами деб таърифланади. Амалда ахборот технологиялари ахборотни электрон шаклда тўплаш, сақлаш, излаш, ишлов бериш ва тарқатишга ёрдам берувчи услубий асослар ва махсус техник воситалар тўпламидан иборат деб тушунилади.

Умумий тарзда ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, ишлаб бериш ва фойдаланишни амалга оширишга ёрдам берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг тартибга солинган тўплами қонунда ахборот тизими сифатида талқин қилинади. Демак ахборот ресурси – ахборотни шакллантириш ва фойдаланиш учун услубий асос ва махсус техник воситалар тўплами ҳамда истеъмолчиларга етказиб беришни таъминловчи алоқа-техника воситалари тушунилади.

Қонунда ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатининг йўналишларидан бири сифатида ҳар бир истеъмолчининг ахборот олиш ва тарқатишга конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш ва шунингдек, ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади (4-модда). Ахборот тизимларининг ишлаши учун ҳуқуқий режим ўрнатилган, улар қуйидагилардан иборат (7-модда):

ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш;

кириш (олиш) мумкин бўлган ахборот ресурслари категориялари;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини химоя қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиш тартиби.

Ахборотни ҳужжатлаштириш ахборот тизимига улашнинг мажбурий шарти ҳисобланади (8-модда). Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ундан фойдаланишга ҳақлидир, кириш тақиқланган ахборот ресурслари бундан мустаснодир (12-модда). Юридик ва жисмоний шахслар ер майдонлари ва кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурсларидан тўлиқ ва ишончли эканига ишонч ҳосил қилиш мақсадида эркин фойдаланишлари мумкин (14-модда).

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимидан ноқонуний фойдаланишдан химоя қилинади. Жамиятнинг турли фаолиятида ва иқтисодиёт соҳаларида ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар тегишли қонунлар билан тартибга

солиб турилади, бу қонунлар: Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (1992 й.), “Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида”ги қонун (2004 й.), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун (1993 й.), “Ўрмон ҳақида”ги қонун (1999 й.) ва бошқалар. Бу масалада Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 543-рақами билан тасдиқланган давлат ер кадастрини юритиш ҳақидаги Низом муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисидаги” қонунда тармоқ кадастрларини юритишда зарур бўлган ер ахбороти ҳақида, шунингдек, ер участкаларини рўйхатга олиш, ер ҳисоби ва ер баҳолаш, табиий ва ҳўжалик объектлари жойлашган графикли кадастр ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республика Ер кодексининг 15-моддасида, давлат ер кадастри маълумотлари бошқа давлат ва тармоқ кадастрларини юритиш учун асос бўлади деб қайд этилган.

Таҳлил қилинган қонуний-меъёрий ҳужжатлар ер ахборотини ишлаб чиқариш ва фойдаланишда ҳуқуқий база бўлиб ҳисобланишини эътироф этамиз. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ер кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, унда жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳамда ердан фойдаланиш, шунингдек, ер ахборот таъминоти соҳасидаги барча ўзгаришлар акс эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири ер бозори ҳисобланади. Уни ташкил этиш кўчмас мулкка, шунингдек, ерга эгалик ёки фойдаланиш ҳуқуқини қайд қилиш самарали тизимининг ишлашини талаб қилади. Ўз навбатида, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини қайд қилиш тизимини ташкил қилиш, аввало, ер кадастрини юритишда ишлаб чиқиладиган, шунингдек, ер тузишни лойиҳалашда шаклландиган ер ахборотининг мавжуд бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини қайд қилиш тизими бошқа турдаги кадастрлар ахборотидан, яъни бино ва иншоотлар, кўп йиллик дарахтлар, ер ости бойликлари ва бошқалар ахборотидан ҳам фойдаланишни кўзда тутади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексиде ер ахбороти бошқа давлат ва тармоқлар кадастрларини яратиш учун асос бўлади, деб кўрсатиб ўтилган (15-модда). Шундай қилиб, ер кадастри ахбороти бошқа 20 турдаги давлат кадастрлари ва кўчмас мулк бозори кадастр ахбороти учун асосий мабаа бўлиб, ахборот тизимлари орасида боғловчи бўғин ҳисобланади.

Давлат ер кадастрини юритишда ишлаб чиқиладиган ахборотлар ердан фойдаланишни бошқаришни амалга ошириш учун бошқа истеъмолчиларни ахборот билан таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Ер ресурсларини бошқаришнинг ҳеч қайси функцияси ишончли ер кадастри ахборотидан фойдаланмасдан амалга ошмайди. Демак, ер кадастри ахбороти бошқарув характериға эга. Унинг сифати ва замонавийлигиға бўлган талабларни илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ердан фойдаланиш тизими маълумотлар базасидаги ахборотлардан фойдаланишдан ташқари Давлат ягона кадастрлар тизимини ишлаб чиқиш учун ва ер бозори соҳаси ҳам ўз ахборот тизимини шакллантириш учун фойдаланишлари мумкин.

Соддалаштириш мақсадида меъёрий ҳужжатлар кўпроқ ер ва бино-иншоотлар кадастрлари мисолида кўрсатилган, бироқ давлат кадастрларининг

ҳаммаси у ёки бу даражада ер ахборотидан фойдаланадилар. Давлат кадастрининг маълумотлар базасида ер кадастри ахборотидан ҳам фойдаланилади. У ерга нисбатан қонуний муносабатлар субъектини, ер майдонларига ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларни, кадастр объектлари эгаллаган ер майдонларининг майдонини, уларнинг манзилини, ер сифати ва қийматларини баҳолашни, уларнинг солиққа тортиладиган қисмларини, ердан фойдаланишга чекловлар ва сервитутлар, ер участкасига эгалик ҳуқуқини қайд қилиш ҳақидаги гувоҳномалар ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни тавсифлайди.

Юқорида қайд этилган ахборотлар маълум маънода ер кадастри ахбороти ҳисобланади, улар ер кадастрини юритишда ишлаб чиқилади, давлат кадастрларининг ердан фойдаланиш тизими маълумотлар базасидан олинади. Демак ягона давлат кадастрларини юритишда фақат рўйхатга олинган ер участкаси ахборотидан фойдаланилади аммо, рўйхатга олинган ахборот ер участкасига бўлган қонуний муносабатлар ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар субъектларининг реквизитларини ўз ичига олади. Шу билан бирга объектларнинг ер майдонига тегишли ҳисобий ва баҳолаш ахборотининг асосий кўрсаткичларини ҳам ўз ичига олади. Давлат кадастрларини юритишда ер участкаларини объект кадастрлари бўйича рўйхатга олинган ахборотдан фойдаланилади, бунда ер ҳисоби ва ер баҳолаш каби ахборотларни кенг қамраб олади. Демак, ер кадастри ахбороти Давлат кадастрлари ахборот тизими орасидаги боғлиқлик муҳим аҳамиятга эга.

Ер кадастри ахборотининг сифати давлат кадастрларини юритишда ишлаб чиқиладиган ахборотларнинг ишончилигига боғлиқлигини эътироф этиш зарур. Маълумки, ер кадастри ахборот тизимининг ер бозори ахборотлари билан ўзаро боғланиши ер участкалари ҳам, бино-иншоотлар, уларнинг қисмларини ҳам ўз ичига олиши натижасида амалга оширилади. Шунинг учун ер бозори ахборот тизими бино-иншоотлар ҳақидаги ахборотдан ташқари улар жойлашган ер участкаси ҳақидаги ахборотни ҳам талаб қилади. Бунда ер майдони учун ер ҳақидаги ахборот ер бозори тизимига бевосита ердан фойдаланиш тизимидан ёки давлат кадастрлари объектларидан олинishi мумкин. Агар кўчмас мулк объекти қурилиш қилинмаган ер майдони бўлса, ер ахбороти ердан фойдаланиш ахборот тизимидан олинади.

Ер бозори тизими мураккаб тизим бўлиб, қуйи даражадаги бир қатор кичик тизимларни ўз ичига олади. Ер кадастри ахборотидан унинг фақат битта кичик тизимида ер майдонларига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидаги талаблар билан белгиланади. Шундай қилиб, ер кадастри ахборотлари ва ер бозори ахборот тизими орасидаги боғлиқлик кузатилади ва бу муҳим ахборот занжири ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш жараёнида ер бозорининг таъсири кўчмас мулк бозори ахборот тизимининг асосий занжири ҳисобланади. Чунки кўчмас мулк объектлари барча кадастр ахборотларни ўзида жамлайди ва ундан фойдаланади. Аммо бу жараёнда ердан фойдаланиш ҳақидаги ахборот асосий ахборот тизими ҳисобланади. Чунки биринчидан, ер кадастри маълумотлари давлат кадастрларини юритишда асосий ҳисобланади; иккинчидан, кадастр объектларини ер участкаларининг жойлашишида муҳим омилдир; учинчидан, объектларнинг кадастр рақамларига эгаллиги билан асосланади; тўртинчидан,

ер участкаларини рўйхатга олиш ахбороти ердан фойдаланишга мулк ҳуқуқни беради; бешинчидан, ишлаб чиқариладиган ер ахборотидан ер бозори тизимигина эмас, балки ер кадастри жараёнида ҳам фойдаланилади.

Ер кадастри ахбороти, ички ердан фойдаланиш тизимида қўллаш, ижтимоий-иқтисодий жараёни бошқариш, ердан фойдаланишни бошқариш вазифаларини бажариш учун ишлаб чиқилади. Агар бирорта ердан фойдаланувчи фаолияти самарасиз бўлса, у ҳолда: биринчидан, жамият манфаатларига салбий таъсир этади; иккинчидан, самарасиз ердан фойдаланиш кузатилса ердан фойдаланиш тизими ҳам самарасиз, шунингдек, ер бозори ҳам бесамар бўлиши куҳатилади. Юқоридаги мулоҳазалар асосида ер контури ахбороти жамиятда бозор иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур. Бунда рўйхатга олинган ер кадастри ахбороти кўрсаткичларидан фойдаланилади. Фақат ердан фойдаланиш тизимида ер кадастри ахборотидан тўла фойдаланиш кузатилади.

Шу сабабли ер кадастри ахборотини, бошқарув мақсадлари учун ва ерга мулк эгалик ҳуқуқини яратиш учун мўлжалланган ахборотга ажратиш керак. Биринчи ҳолда, у ижтимоий ишлаб чиқариш моҳиятига эга. Бу ахборот ердан фойдаланишни бошқариш мақсадларида, ер фондидан маъмурий бошқарувда фойдаланиш ва ерга бўлган муносабатларни тартибга солиш учун зарурдир. Иккинчи ҳолда, ер кадастри ахбороти иқтисодий характерда бўлиб, биринчидан фарқли равишда ерга эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш учун зарур бўлган ахборот деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ер давлат мулки ҳисобланади. Ҳозирги даврда ноқийшлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, индивидуал турар-жойларга тегишли ер майдонларини хусусийлаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу муносабат билан ер кадастри ахборот тизимида юридик рўйхатга олинган ҳужжатларнинг роли ошиб боради. Республикада рақамлашган ер кадастри ахборот тизимларини яратиш амалга ошмоқда. Бунда ҳуқуқий ва ташкилий характердаги муаммолар пайдо бўлмоқда.

Ер кадастрини юритишни замон талаб даражасида такомиллаштириш мақсадида, фақат вилоятларда рўйхатга олиш офислари ташкил этиш, иккинчидан, уларни ер ресурслари бўйича вилоят бошқармалари тасарруфидан чиқариш ғояси ўз самарасини бермаепди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда кадастр хизматлари идоралари билан рўйхатга олиш офислари мустақиллиги умумқабул қилинган ҳолат ҳисобланади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш билан Адлия вазирлиги хизмати шугулланади. Ўзбекистонда юқорида қайд этилганидек, вилоят рўйхатга олиш офислари ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармаларидан ажратилган. Ташкил этилган вилоят рўйхатга олиш офислари кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш учун аҳолига қулайлик яратади, офисларни техник ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассислар билан таъминлаш имконияти ортади.

Умуман, ер бозори шароитида шубҳасиз, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ортишига таъсир қилади. Кредит тизими сезиларли даражада фаоллашади, ер сифатини яхшилашга йўналтирилган инвестиция оқими ортади, савдо шартномаларининг бажарилишидан давлат бюджетига маълум миқдорда маблағ келиб тушади.

Ердан фойдаланишни рўйхатга олиш тизими кўчмас мулк бозорининг кичик тизими ҳисобланади ва қатъий маънода унинг ердан фойдаланиш тизимига салбий таъсир этмайди, фақат у ер кадастри ахборотидан фойдаланади. Юқорида тадқиқ

қилинган ер кадастри ахборот таъминотининг услубий асослари амалий ишларни бажаришда муҳим ўрин тутаяди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – 15-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент: 1998. – №666.1 – 14-17-18-19-23 моддалар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент. 2003 й. № 560. 4-7-8-12-14
4. Бобоҷонов А.Р., Раҳмонов К.Р., Ғофиров А. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ, 2013й. – 208 б.
5. Холмўминов О. Ер участкаси сервитути: хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. ТДЮЙ Ахборотномаси. – 2011. – № 2.
6. Ўзбекистон республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботи. Т.: 2019 йил.

РАҚАМЛИ КАДАСТР ХАРИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Қ.Р. РАҲМОНОВ, и.ф.н, доц., М.Ф. ХОЛИМҲМИНОВА, И.Ў. КАРИМОВ талаба, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада замонавий геодезик асбоб ва ускуналар, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, улар ёрдамида рақамли кадастр хариталарини яратиш ва ҳудуднинг жойлашган ўрни, майдони ва сифати тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлалиги ва аниқлиги, кадастр маълумотларининг янгиланиб туриши ва уларга аниқлик киритиб туриш билан белгиланган ишларини нисбатан осонлаштириш ва бу маълумотлардан фойдаланган ҳолда электрон тизимга ўтиш учун асосий баъза сифатида шакллантиришга оид мисоллар келтирилган.

Аннотация: Статья сравнивается с современным геодезическим оборудованием и его актуальностью сегодня, делая цифровое кадастровое картографирование и точность, полноту и точность определения местоположения, площади и качества местности, обновляя и уточняя примеры того, как использовать данные в качестве ключа для перехода к электронной системе.

Abstract: The article is compared with modern geodetic equipment and its relevance today, making digital cadastral mapping and accuracy, completeness and accuracy of determining the location, area and quality of the area, updating and clarifying. examples of how to use data as a key to go to the electronic system.

Калит сўзлар: Пункт, кучмас мулк, харита, ресурс, давлат кадастри, ер кадастри.

Кириш. Аҳоли яшаш жойларида ер ва бино иншоотлар кадастрини юритиш мамлакатнинг давлат ер кадастри тизимига боғлиқ ҳолда, ҳудуднинг жойлашган ўрни, майдони ва сифати тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлалиги ва аниқлиги; кадастр маълумотларининг янгиланиб туриши ва уларга мунтазам аниқлик киритиб бориш билан белгиланади. “Ер ресурслари ва бино-иншоотларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот хар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, ерларнинг тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олади” [1].

Мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўплаб ишларни амалга оширишимиз зарур. Демак, аҳоли пунктларининг ер кадастри ҳудудни, шунингдек ер билан чамбарчас боғлиқ бошқа кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқий, табиий ва иқтисодий ҳолатларини тафсиллайдиган зарурий ва ҳақиқий ахборотлар банки ҳисобланади.

Кадастр тизимининг замонавий таърифи сифатида шунини айтиш мумкинки, кадастр – мамлакатимиз ҳудудидаги табиий ресурслар ва инсон яратган моддий ва маънавий бойликларнинг сўнгги ҳолатига оид маълумотларни сақлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш тизимидир.

Кадастр тизими – табиий, ҳўжалик ёки бошқа объектларнинг муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади[5].

Аҳоли пунктлари бутун ер тоифасининг бир қисми бўлиб, аҳоли пунктлари учун чегараланган ер майдонига айтилади. Аҳоли пунктларининг ер турлари орасида ер кўринишлари (уй-жойлар, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш қурилишлари ҳудудлари, ўтлоқлар, боғлар ва бошқалар)ни ҳисобга олиш зарур. Ер турларининг номларида ҳудудни бутун бир функционал аҳамияти акс эттирилади.

Бундан ташқари, аҳоли пунктлари бўйича кенглик асоси ролини бажарувчи турли қурилишлар, ўрмонлар, бўш ерлар, фойдаланилмайдиган ва бошқа ерлар билан банд ерларнинг тавсифи учун ҳам маълумотларга эга бўлиш зарур.

Маълумки, аҳоли пунктлари ерлари кадастри ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни иқтисодий баҳолашни кўзда тутаяди. Ердан фойдаланувчилар ва ер эгаларини рўйхатга олиш аҳоли пункти ҳудудида ер майдонларининг мавжудлиги, майдонлари, ер турларининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни ёритишдан иборат. “Туман (шаҳар) давлат ер кадастри китобида ерларнинг майдони ва сифати кўзга олинади, уларнинг баҳоси берилаяди. Шаҳар чегараси аҳоли пунктнинг зарур бўлган ва етарли миқдорлардаги умумий майдонини егаллаш самарали ерлардан фойдаланиш тамойилларини ҳуқуқий

муштақамланишга имкон яратиши зарур” [3,7]. Бунда ҳар бир шаҳар чегарасига махсус белгиларни ўрнатиш асосида харитасини тузиш тавсия этилади.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри туман, шаҳар кадастр дафтарида, кадастр режасидан, кадастр ҳужжатларидан ва геофондлардан, шунингдек белгиланган тартибда шакллантириладиган компьютер маълумотларидан иборат бўлади. Демак, ушбу кадастр иларини сифатли бажариш талаб қилинади.

Давлат кадастрлари маълумотлари асосида географик ахборот тизими қатламлари яратилмоқда. Бу ўринда ер кадастри маълумотлари алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Ер кадастрини юритишнинг асосий мақсади – иқтисодий ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат. “Кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига тегишли бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилганда ҳамда рўйхатдан ўтказиш жараёнидаги маълумотлар навбатчи кадастр карталарга киритилиб борилиши лозим” [2].


Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган қарорларга мувофиқ, ҳозирги пайтда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг компьютерлаштирилган ягона миллий тизимини яратиш бўйича, ишлар амалга оширилмоқда. Келажақда кўчмас мулк тўғрисида атрибутив ва график маълумотларни ўз ичига олган ягона банки яратилиши кўзда тутилмоқда. Республикада кундан-кунга бино иншоотлар кадастрини юритиш масалалари такомиллашиб бормоқда. Шаҳарда бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритишнинг анъанавий (кадастр дафтарида рўйхатдан ўтказиш, кадастр режасига киритиш), ва автоматлаштирилган (маълумотлар компьютер банкни яратиш) усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Маълумки, бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш уч босқичда амалга оширилади:

1-босқич – бино ва иншоотларнинг туман, шаҳар даражасидаги ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисида маълумотлар тўплаш ва кадастр дафтарида рўйхатдан ўтказиш;

2-босқич – объектларни чизмада жойлаштириб кадастр режасини тузиш;

3-босқич – олдинги босқичларда олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда маълумотлар компьютер базасини яратиш.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари туманлар, шаҳарлар бўйича тузилади,



1-расм. Arc GIS 9.3 дастурида тузилган рақамли кадастр картасининг фрагменти.

Кадастр съёмкаси AutoCad дастурида маҳаллий координаталар тизими талабиди тайёрланиб ArcGis дастурининг ArcMap асосий компонентига объектнинг шартли кўринишига матнли

уларнинг ҳудуди ҳисобга олиш участкаларига бўлинади. “Ер ва бино-иншоотларни рўйхатга олишдан асосий мақсад- шахсий ёки узоқ муддатли ижарадаги кўчмас мулк (ер ва бино-иншоот) нинг ҳақиқатда мавжудлиги ва таркибини аниқлаш, кўчмас мулкка бўлган мулк ёки узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш, кўчмас мулкнинг техник ҳолатини белгилаш ва қийматини баҳолаш ҳамда кўчмас мулкка тегишли суғурта ҳужжатларининг мавжудлигини текширишдан иборат” [6].

Давлат кадастрлари ягона тизими мақсадлари учун рақамли кадастр хариталари маълумотларини яратишда географик ахборот тизими технологияларини қўллаш ўринлидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақида тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”га [4] мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга (шу жумладан ер ости иншоотларига), кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек ипотекани ҳамда бино- иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, «бир ойна» тамойили бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Ушбу компонентни қўллаш турли геоинформацион масалаларни ечувчи, дастурий таъминотларни тез тайёрлаш имконини беради. Географик ахборот тизимларини яратиш ва юритишда геодезик асос нуқталарига боғлаган ҳолда юқори аниқликдаги геодезик асбоблар ва дастурий таъминотларни қўллаб ер усти объектларини суратга тушурилиб ҳар бир объект тўғрисидаги маълумотларни йиғиб ягона тизимга келтирилиб ўзаро боғланади.

Arc GIS 9.3 ESRI компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу объектларни географик маълумотлари ва атрибут маълумотлари билан биргаликда ишлаш имкониятини беради. Arc GIS 9.3 дастурида харита ва маълумотлар ўзаро боғланади. Маълумотлар базасида объектлар синфи тизимлашган матнли маълумотлари майдон қатори сифатида ер участкасининг кадастр рақами, манзили, ҳуқуқий эгаси, объект номи, ер тоифаси, ҳуқуқий тури, ҳуқуқ белгилловчи ҳужжати, давлат рўйхатдан ўтказилган сана, эгаллаб турган майдони, нима мақсадда ажратилганлиги, ер участкасига бўлган ҳуқуқларга сервитут ва чекловлар, низоли масалалар, бонитет бали, қиймати ва солиқ зонаси шаклида ифодалаш мумкин.



2-расм. Arc GIS 9.3 дастурида маълумотлар базасида объектларни тавсифланиши.

маълумотлар боғланиб қайта ишланади. Съёмкани қайта ишлаш вақтида ҳар бир алоҳида объект чегара бурилиш бурчакларининг координаталари текшириш учун 1:2000 масштабдаги дешифрланган

топографик планларни асос қилиб олинади. Ернинг кадастр картасини яратиш ва юритишдан мақсад ер майдонининг ўлчамлари ва чегараларини, уларни бирлаштирганда ва бўлганда ўзгаришини ҳисобга олишда жойлашишини яққол тасвирлашдан иборат. Бундан кўриниб турибдики, яратилаётган хариталарнинг маълумот ва аниқлик даражаси юқори бўлади.

Рақамли хариталарни яратишни афзаллиги куйидагилардан иборат:

- кадастр мақсадлари учун хариталар ишлаб чиқиш;
- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларни турли масштабдаги хариталар билан таъминлаш;
- харита яратиш жараёнининг эски услубга нисбатан тезкорлиги;

- маълумотларни солиштириш имкониятини мавжудлиги;

- иқтисодий жиҳатдан афзаллиги ва вақтнинг тежамлиги.

Хулоса. Замонавий геодезик асбоблар ёрдамида компьютер дастурлари орқали фазовий маълумотларни тахлил қилиш ва хариталар яратиш жараёни кескин тезлашади ва охириги пировард натижа ҳам сифатли бўлади. Замонавий геодезик асбоблар орқали биз қарор қабул қилиш жараёнини кескин равишда оперативлатиш имконига эга бўламиз, хусусан прогнозлаштириш, бир неча хил маълумотлар базасини бир вақтни ўзида тахлил қилиш имконияти мавжуд. Ер ва бино-иншоотларни хатловдан ўтказиш ва баҳолаш уларга бўлган мулк ҳуқуқини белгилаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва солиқ солиш тартибини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 31-майдаги ПФ-5065-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” ги қонуни (11-модда). Т.; 1998й
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақида тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”и 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори.
5. Бобожонов А.Р., Рўзиев С.Б. Аҳоли яшаш жойлари кадастри. Тошкент. “Тафаккур” нашриёти, 2011й.
6. Ихлосов И. Кўчмас мулк кадастри. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2011й
7. Рахимов А. Ер кадастри фанидан ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд. Сам.АҚИ 2011й.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ОҚИЛОНА ҲОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

А.Р. БАБАЖАНОВ – и.ф.н., доцент, С.Б. РУЗИБОВ – ассистент ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этиш тизимида кейинги йиллари юз бераётган салбий жараёнлар ва улар натижасида экин майдонларининг самарадорлигини кескин пасайиб кетаётганлиги эътироф этилади, бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини, хусусан, ер қонунчилигини бузилишини олдини олишга қаратилган жавобгарлик чораларини тубдан қатъийлаштирилганлиги ва айнан ушбу қатъий чора тадбирларни ердан фойдаланиш амалиётига қўллаш яқин келажақда катта ижобий самаралар бериши келтирилади.

Аннотация: В статье отмечается основные причины резкого падения эффективности пахотных земель в результате негативных процессов, происходящие в последние годы в системе организации использования сельскохозяйственных земель, приводятся основные направления улучшения использования земельных участков на основе совершенствования правовых механизмов и правовых норм, частности, резкого ужесточения правовых норм за нарушении земельного законодательства, применения которых в прктике дают большие положительные результаты.

Abstract: The article notes a sharp drop in the effectiveness of irrigated arable land as a result of negative processes that have occurred in recent years in the system of organizing the use of agricultural land, outline the main directions for increasing legal responsibility for violations of land legislation, which contribute to a sharp increase in the efficiency of use of the territory when introducing practices.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалик ерлари, ер тақсимоти, ердан фойдаланиш тизими, ўрмон фонди ерлари, ерларнинг ҳуқуқий ҳолати, ер қонунчилиги, фермер хўжаликлари, ҳуқуқий меъёрлар, ер қонунчилигини бузилиши, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш

Кириш. Мамлакат иқтисодий инновацион қислоқ қилишнинг бугунги шароитида унинг асосий бойлиги ҳисобланган ер ресурсларидан, айниқса, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг меҳанизмларини такомиллаштириш, нафақат аграр соҳани барқарор ривожлантириш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини, озиқ-овқат ҳавсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги энг муҳим масалалардан биридир. Бунда айниқса қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишнинг ҳуқуқий

меҳанизмларини тартибга солиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тахлил ва тадқиқот услублари. Олинган расмий маълумотларга қараганда, сўнгги 18–20 йиллар ичида қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар 1,64, саноат, транспорт, алоқа ва муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ер майдонлари 2,12 маротаба камайган, аксинча, аҳоли пунктларининг ерлари 1,2, ўрмон фонди ерлари 4,45, сув фонди ерлари 1,35, захира ерлар майдони 1,49 маротабадан кўпроққа ошди [9]. Ҳар йили қишлоқ хўжалиги ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиш натижасида ўртача 3,0–3,5 минг гектар экин ерлари

ишлаб чиқаришдан чиқиб кетмоқда[10]. Республикадаги мавжуд яйлов ерларининг катта қисмини ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг ер майдонлари 12906,2 минг гектарга камайиб, 2019 йил 1 январ ҳолатига 20261,2 минг гектарни ташкил этмоқда[6]. Бунда ушбу ер майдонларининг 76,7% қишлоқ хўжалиги ер турларини, 18,3% ёки 3702,4 минг гектари суғориладиган экин ерларини ташкил этади[6].

Ерларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш қонуний жараёндир. Аҳолини йилдан-йилга ўсиши уни ерга бўлган талабини оширади. Хусусан саноат, транспорт корхоналарини ривожланиши, тадбиркорликнинг кучайиши учун биринчи галда уларга маълум миқдорларда ер майдонларини ажратиш билан боғлиқдир. Турли ихтисосликлардаги фермер хўжалиklarини ташкил этиш, уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш маълум ер майдонларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш заруратини туғдиради[9]. Бунда айниқса, фермер хўжалиklари ер майдонларини оптималлаштириш ёки иқтисодий ночор бўлиб қолган фермер хўжалиklarини тугатиб уларнинг ер майдонларини бошқа хўжалиklарга олиб бериш жараёнларини қишлоқ хўжалиги йили бошланмасдан туриб тезкорлик билан амалга ошириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Аммо олинган расмий маълумотлардан кўриниб турибдики, республиканинг деярли барча вилоятларида ва туманларида бу масалага етарли эътибор берилмаган. Жумладан, 2019 йил 1 апрель ҳолатига республика бўйича қишлоқ хўжалик корхоналарига тарқатилмаган ер майдонлари 2100626,2 гектарни, шундан суғориладиган ер майдони эса 178420,8 гектарни ташкил этган[6]. Бундай ҳолатлар кейинги йилларда давомий равишда такрорланиб келмоқда. Хусусан, “Давергеодезкадастр” қўмитасининг берган маълумотларига қараганда, 2018 йилда юқорида келтириб ўтилганлардан ҳам кўпроқ ер майдонлари ўз вақтида ердан фойдаланувчиларга тарқатилмасдан қолган. Яъни? 2018 йилнинг 1 май ҳолатига жами тарқатилмаган ер майдони 1971366,0 гектарни, шундан суғориладиган 228420,0 гектарни ташкил этган[5]. Албатта, ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида тарқатилмаганлиги, улардан фойдаланиш самарадорлигини кескин салбий таъсир кўрсатган. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, вилоят статистика бошқармаларидан олинган маълумотларга қараганда, ўз вақтида тарқатилмаган Навоий вилоятидаги 4400,0 гектар суғориладиган ерларнинг 2600,0 гектарига экилган пахта ҳосили гектарига бор йўғи 14,2 центнерни ташкил этган[7]. Худди шундай, Наманган вилоятидаги 9800,0 гектар экин ерларидан 5380,0 гектар ерга экилган пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига 15,6 центнерни ташкил этган[8]. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳақиқатан ҳам тугатилган ёки бирлаштирилаётган фермер хўжалиklари ерларини ўз вақтида кечиктирмасдан бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига тақсимлаш суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бугунги бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалик ерларидан, айниқса суғориладиган экин ерларидан самарали фойдаланиш, яъни хар бир гектар суғориладиган ердан мумкин қадар кўпроқ даромад олиш, етиштирилаётган маҳсулот

таннархини мумкин қадар камайтириш жуда муҳим масаладир. Аммо шунга қармасдан суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги кўпгина хўжалиklарда жуда паст бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, баъзи фермер хўжалиklарида ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида ер майдонлари белгиланганидан ўзга мақсадларда фойдаланилганлиги натижасида бундай ерлар туман ҳокимлиги тасарруфига қайтариб олинган. Хусусан “Давергеодезкадастр” қўмитасининг берган маълумотларига қараганда, ерлардан самарасиз ва белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганлиги учун республиканинг барча вилоятлари бўйича 2018 йилда қайтариб олинган ерларнинг умумий майдони 374409,0 гектарни, шундан суғориладигани 2383730,0 гектарни ташкил этган. Шулардан 6222,0 гектар суғориладиган ерлар турли корхона ва муассасалардан, 232045,0 гектар суғориладиган ерлар фермер хўжалиklаридан ва 106,0 гектар суғориладиган ерлар фуқаролардан қайтариб олинган[5]. Маълумотлардан кўриниб турибдики, қайтариб олинган суғориладиган ерларнинг аксарият қисми фермер хўжалиklарига тўғри келади. Дарҳақиқат, ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни ташкил этиш ва улар самарадорлигини оширишда бошқа механизмлар қатори ҳуқуқий назоратни ошириш, жавобгарлик чораларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари. Кейинги йиллари суғориладиган ер майдонларида ўзбошимчалик билан иморатлар қурилиши ёки фермер хўжалиklари ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан қишлоқ хўжалигига ажратирилган экин ерларидан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учраб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири фойдаланувчиларга нисбатан кўриладиган жазо чораларини юмшоқлиги бўлиб қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексининг 266¹-моддасига биноан ҳозирги “Давергеодезкадастр” қўмитаси ва унинг қуйи тизимлари ер қонунчилигини бузилишини олдини олиш ва ерлардан хўжасизларча фойдаланганлик учун жарима чораларни қўлланиш юзасидан ваколатли орган қилиб белгиланган. Бунда ушбу кодекснинг 65-моддасига мувофиқ ер майдонларидан хўжасизларча фойдаланганлик учун ер қонун бузувчиларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳаққининг 1 баробаридан 3 баробаригача, 68-моддасига мувофиқ хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастрини юритиш қоидаларини бузиш ҳолатларида энг кам ойлик иш ҳаққининг 3/1-қисмидан 1 баробаригача, 69-моддасида чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шкастлантрилганлиги ҳолатларида энг кам ойлик иш ҳаққининг 1 баробаридан 3 баробаригача, шунингдек жисмоний шахслар томонидан фермер хўжалиklarининг ер майдонларидан ўзбошимчалик билан қурилишлар қурилганида энг кам ойлик иш ҳаққининг 3 баробаригача жарималарга тортилган[2]. Сўзсиз юқоридаги жарима чоралари ўзини оқламади, негаки улар бугунги кун талабларига умуман жавоб бермайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 мартда “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун амалга киритилди. Унга мувофиқ “Давергеодезкадастр” қўмитаси ва унинг қуйи тизим ходимлари томонидан ер қонун бузилиши ҳолатлари,

ер тузиш лойихаларидан четга чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда энг кам ойлик иш ҳаққининг 7 баробаридан 10 баробари миқдоригача жарима миқдорлари оширилди[1]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси (МЖТК)да ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жарималари кескин оширилди. Бундай ҳолатлар эндиликда содир этилса, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳаққининг 10 баробаридан 15 баробаригача, мансабдор шахсларга 20 баробаридан 30 баробаригача миқдорида жарима солишга ёки 15 суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади[1].

Бундан буён суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чора кўрмаслик, ер бериш шартини бузиш ҳолатларида ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ёки ер тузувчи мутахассислар томонидан чора кўрмаслик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси(ЖК)га биноан оғир жазола қўлланилишига сабаб бўлади. Жумладан, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик ҳамда маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бундай ҳолат яна қайта содир этилган бўлса – энг кам ойлик иш ҳаққининг 100 баробаридан 150 баробаригача миқдорида жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишларига ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[1]. Шунингдек, эндиликда ер тузувчилар томонидан ер бериш тартибини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиб, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – энг кам ойлик иш ҳаққининг 150 баробаридан 300 баробаригача миқдорда жарима ёки 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[1].

Юқоридагилар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКда суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ердан фойдаланувчилар, ижарачилар томонидан чора кўрмаслик, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун

ўз вақтида мурожаат этмаслик ҳолатлари бўйича ҳам жарима миқдорлари кескин оширилди. Жумладан, биринчи ҳолатда фуқароларга энг кам ойлик иш ҳаққининг 10 баробаридан 15 баробаригача, мансабдор шахсларга эса – 20 баробаридан 30 баробаригача миқдорида жаримага солиш ёки 15 суткага маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади[1].

Иккинчи ҳолатда эса фуқароларга энг кам ойлик иш ҳаққининг 1 баробаридан 3 баробаригача, мансабдор шахсларга эса – 3 баробаридан 5 баробаригача жаримага солишга сабаб бўлади[2].

Эътироф этилганлар билан бир қаторда суғориладиган экин ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқлар учун ажратилишини қатъий чеклаш бўйича қабул қилинган давлат ҳужжатини амалиётга киритилиши ҳам бундай майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, бизнингча, муҳим аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармонида биноан келгусида суғориладиган экин ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратиш миқдоридан қатъий назар, фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг рухсати билангина амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу Фармонга биноан ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилди. Демак, қишлоқ хўжалиги учун жуда қимматли бўлган суғориладиган экин ерларни камайтирмасдан ундан айнан қишлоқ хўжалигида фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш истиқболда унинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Хулоса. Шундай қилиб, юқорида олиб борилган таҳлилий тадқиқотлар асосида қисқача хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ерларидан, айниқса суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни оқилона ва самарали ташкил этиш тизимида унинг ҳуқуқий механизmlарини, хусусан, ер муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий-норматив ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни ерлардан фойдаланишни ташкил этиш амалиётига жорий этиш яқин истиқболда албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида". Тошкент, 2019
2. Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекси. Тошкент, 1994
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Тошкент, 1997
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармони. Тошкент, 2019
5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, Давергеодезкадастр, 2018
6. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, Давергеодезкадастр, 2019
7. Навоий вилояти статистика бошқармасининг статистик тўплами. Навоий, 2018
8. Наманган вилояти статистика бошқармасининг статистик тўплами. Наманган, 2018
9. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Тошкент, Фан, 2018
10. Талипов Г.А. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. Ташкент, 1992

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШДА МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ (Бухоро вилояти Олот тумани мисолида)

Р.Қ., ОЙМАТОВ – доцент, **З.Ж. МАМАТҚУЛОВ –** таянч докторант, **Р.И. МАҚСУДОВ –** магистрант ТИҚХММИ

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро вилояти Олот туманининг қишлоқ хўжалик ерлари ҳолатини ўрганиш ва баҳолашда масофадан зондлаш методларини қўллаш ҳамда улар орқали олинган натижаларга асосланиб тегишли қарорлар қабул қилиш жараёнлари ёритиб ўтилган.

Аннотация: В данной статье обсуждается использование методов дистанционного зондирования при изучении и оценке состояния сельскохозяйственных угодий Олотского района Бухарской области и процессы принятия соответствующих решений на основе полученных с их помощью результатов.

Abstract: In this article, the use of remote sensing techniques in the study and evaluate the condition of agricultural lands of Olot district of Bukhara region and the processes of making appropriate decisions based on the results obtained through them are discussed.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги ерлари, масофадан зондлаш, тупроқлар, шўрланиш, мелиоратив ҳолат, қишлоқ хўжалиги экинлари, қарор қабул қилиш.

Бугунги кунда анъанавий аграр технологияларнинг самарадорлик имкониятлари пасайди, ҳайдалма ерлар ва яйловлар ҳолати ёмонлашди. Ғалла, пахта, гўшт, балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш аҳолининг ўсиш суръатига тўғри келмай қолди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини ташкил этиш зарурати туғилди. Ушбу муаммоларни самарали ҳат этишда масофадан зондлаш методларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмоқда.


Масофадан зондлаш технологияси бугунги кунда қўплаб соҳаларда фойдаланиб келинмоқда. Ушбу технология жуда тез ривожланиши билан бир қаторда, тадқиқот олиб борилган соҳаларда ижобий натижага эришилмоқда. Масофадан зондлаш технологияси ер ва сув ресурсларини бошқариш ҳамда атмосферик жараёнлардаги муаммоларни ҳал этишда кенг фойдаланилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Фермер хўжалигини оқилона бошқаришда экин майдонлари ва маҳсулот тўғрисида барча маълумотга эга бўлиши фермерлик фаолиятининг асосий стратегиясидир. Масофадан зондлаш методлари космик суратлар ва аэрофотосуратлар ёрдамида экинларнинг ҳосилдорлик имкониятлари, паразитларнинг тарқалиши, зарарнинг қўпайиши ва тупроқ шароитларини аниқлашда катта ёрдам беради.

Ҳозирги кунда сунъий йўлдош тасвирлари ва аэросуратлар экинларни синфлаштириш, уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда яроқлилигини текшириш билан бир қаторда фермерлик фаолиятни мониторинг қилишда асосий қурол сифатида фойдаланилмоқда. Айнан қишлоқ хўжалигида масофадан зондлаш методлари қуйидаги ишларни амалга оширишда қўлланилмоқда:

- аниқ қишлоқ хўжалигини юритиш;
- экин турини синфлаш;
- экин ҳолатини баҳолаш;
- экин ҳосилини баҳолаш;
- тупроқ хусусиятларини карталаштириш ва бошқалар

(1-расм).




1-расм. Масофадан зондлаш ва геоахборот технологиялари орқали қишлоқ хўжалиги ерларини тадбиқ этиш жараёни

Маълумки, экин турларини аниқлаш ва карталаштириш бир нечта сабабларга кўра муҳим саналади. Экин турларининг картаси давлат қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан яратилади. Бундан асосий мақсад, маълум бир ер майдонидан қачон ва

нима етиштириши мониторингини олиб боришдан иборат.


Бу ўз навбатида ҳосилни башорат қилиш, алмашлаб экинни ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экинларнинг зарарланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, экинларнинг қурғоқчилик ёки кучли ёғингарчиликдан кўрган зарарини баҳолаш ва фермерлик фаолиятларини мониторинг қилишда хизмат қилади.



2-расм. Объектларнинг электромагнит нурларининг қайтарувчанлиги ва спектр диапазони орасидаги боғлиқлиқлиги

Масофадан зондлаш экин тури ва майдонини карталаштириш учун талаб қилинадиган маълумотни йиғишда самарали ва ишончли воситадир. Масофадан зондлаш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳолати ва вегетация ҳақидаги маълумотлари билан таъминлайди. Даладаги ўсимликларнинг ўсиши, тури ва уларнинг ҳолатининг ўзгариши билан уларнинг спектрли қайтарувчанлиги ҳам ўзгаради ва ўзгариш кўп спектрли сенсорлар ёрдамида ўлчанади ва кузатилади (2-расм).

Ушбу илмий ишининг тадқиқот объекти мисолида Бухоро вилояти Олот туманининг унумдорлиги паст қишлоқ хўжалик ерлари олинди. Бунга асосий сабаб, мазкур туман ҳудудида унумдорлиги қониқарсиз ва мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ер майдонларининг кўплигидир. Тадқиқотнинг мақсади бонитет балли паст бўлган қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларини мониторинг қилишда масофадан зондлаш методларини олиб боришдан иборат. Илмий изланиш давомида экинларнинг ўсиш ва етилиш даврлари, қишлоқ хўжалиги экин турлари ва улар эгаллаган майдонлари, ҳосилдорликни башоратлаш ҳамда мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларининг юритилиш мониторинги, ўғитлашнинг тупроққа ва экинлар ҳосилдорлигига таъсирлари ўрганилди. Бунинг учун ҳудуднинг космик суратлари таҳлил қилинди. Бунда Landsat 8 суъий йўлдошининг тасвирларидан фойдаланилди. Суратлар таҳлил қилиниб, ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган ер майдонлари аниқланди. Ушбу аниқланган экин майдонларига алоҳида эътибор қаратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Тавсияга кўра, ҳосилдорлиги 15 центнердан паст бўлган ерларга маҳсус боғ, забзавот, полиз ва бошқа мелиоратив ҳолатни яхшилашга кўмаклашадиган экинларни экиш кўрсатиб ўтилди (3-расм).



3-расм. Тумандаги ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган қ|х экинлари майдони (га)

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, масофадан зондлаш методлари ёрдамида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бир қатор тадбирларни самарали йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини нархлаш ва сотиш билан шуғулланадиган ва далага бир марта ҳам қадам босмаган тадбиркорлар кўпчиликини ташкил этади. Уларга дунё бўйлаб маҳсулотларнинг сифати ҳақида маълумот керак ва бу асосда улар маҳсулотга нарх қўяди, ёки савдо шартномаларини тузади. Бу тадбиркорларнинг кўпчилиги ўсишни таққослаш учун ҳосилни баҳолаш индекси ёки йиллар давомидаги ҳосилдорликдан фойдаланади ва шу орқали қайси давлатнинг қишлоқ хўжалиги қай даражада яхши эканлигини аниқлайди. Бу каби маълумотлардан келажакда юз бериши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда фойдаланилади.

Масофадан зондлаш методлари фермерлар томонидан далада бажарилган мониторинг маълумотини ўрнини боса олмайди, лекин у фермерларни шошилиш эътиборни қаратиши керак бўлган жойларга йўналтира олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 январ ҳолати бўйича Ер фонди
2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳисоботлари.
3. Маматкулов З.Ж., Сафаров Э.Ю., Ойматов Р.Қ. Унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ерларида экинларнинг ўсишини кузатиш ҳамда ҳосилни башоратлашда геоахборот технологиялари ва масофадан зондлаш методларини қўллаш. Самарқанд, “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий-техник журнал. 2019.-147 б.
4. http://agro.uz/uz/information/about_agriculture/435/5677/
5. Ш. Шокиров, И. М. Мусаев, М.Ақбаров. Масофадан зондлаш. Тошкент, Молия иқтисод. Ўқув қўлланма. 2015.-246 б.
6. В. А. Статов, П. Р. Реймов, Н. К. Мамутов. Фазовий таҳлиллар Тошкент, Молия иқтисод. Ўқув қўлланма. 2015.-246 б.

УДК 631.587(575)

ЧЕКЛАНГАН СУВ ТАҚСИМОТИ ШАРОИТИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

А.Р.БАБАЖАНОВ – и.ф.н. доцент, С.Б.РЎЗИБОВЕВ – ассистент ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида фермер хўжаликлари ер майдонларида тарқалган тупроқларнинг табиий ишлаб чиқариш қобилиятини ҳисоблаш, яъни тупроқ бонитировкасини аниқлаш масалалари ҳам назарий, ҳам услубий жиҳатлардан тадқиқ қилинган. Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, суғориш сувини далаларга белгиланган меъёрларда етказиб бериш ушбу ҳудудда тарқалган тупроқларнинг табиий хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатади, тупроқдаги микроорганизмларни ривожланишига, охир-оқибатда уларнинг табиий унумдорлигини оширади. Шу сабабли ҳам бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида суғориш сувидан мумкин қадар оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар бир фермер хўжалигининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиши, ерларни баҳолаш жараёнида уни эътиборга олиш ниҳоятда муҳим эканлиги асосланади.

Аннотация: В статье рассмотрены теоретико-методологические аспекты расчета естественного производственного потенциала почв, которые распределены по земельным участкам фермерских хозяйств в условиях ограниченного распределения воды. Исследования показали, что подача поливной воды на поля в указанных полях положительно влияет на природные свойства почв, подверженных воздействию почвы, на развитие почвенных микроорганизмов и в конечном итоге повышает их естественную продуктивность. Вот почему так же важно обеспечить, чтобы рациональное и эффективное использование воды было одним из наиболее важных вопросов для каждой фермы, и что крайне важно рассматривать его в контексте оценки землепользования.

Abstract: In this article, the theoretical and methodological aspects of the calculation of the natural production capacity of the soil, which are distributed on the land plots of farms in conditions of limited distribution of water are discussed. Studies have shown that the supply of irrigation water to the fields has a positive effect on the natural properties of soils exposed to the soil, on the development of soil microorganisms, and ultimately increases their natural productivity. That is why it is equally important to ensure that the rational and efficient use of water is one of the most important issues for each farm, and that it is essential to consider it in the context of land use.

Калит сўзлар: чекланган сув тақсимоти, қишлоқ хўжалиги ерлари, суғориш суви, ерларнинг норматив қиймати, тупроқ унумдорлиги, суғориладиган ерлар, табиий унумдорлик

Кириш. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни ташкил этиш тизимида бугунги бозор иқтисодиёти шароитида амалга ошириладиган тадбирлар занжирида тупроқларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш, яъни

тупроқ бонитировкасини объектив тарзда ўтказиш ҳамда унинг натижаларидан ерларни норматив қийматини аниқлаш, фермер хўжалиklarининг қатор масалаларини ҳал қилиш муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Республикамиздаги

суғориладиган ҳудудларга сув тақсимотини белгиланган лимитларга асосан амалга ошириладиганлиги эса бундай ерларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолашга алоҳда эътибор билан ёндашишни талаб қилади, негаки чекланган сув тақсимоти шароитида далаларни уларда етиштириладиган экинларнинг талабларига мос сув билан таъминлаш учун ҳудуддаги барча суғориш тизимлари бут бўлиши, сув тежамкор технологияларга эга бўлиши зарур. Аммо ҳозирги кунга қадар мамлакат ҳудудларидаги суғориш тизимларининг аксарият қисми юқоридаги талабларга жавоб бермайди. Бу эса, ўз навбатида, белгиланган миқдорларда далаларга суғориш сувини етиб бормаслигига ва охир-оқибатда тупроқларнинг табиий ишлаб чиқариш имкониятларини пасайишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам айнан чекланган сув тақсимоти шароитида бу масалани илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ҳал қилиш бажариладиган тупроқ бонитировкаси натижаларига ижобий таъсир кўрсатади, суғориладиган ерларнинг норматив қийматини анчагина объектив тарзда баҳолашга имкон беради.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга айланган фермер хўжаликлари ер майдонларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, улар ҳудудида тарқалган тупроқлар унумдорлигини яхшилаш, мавжуд моддий техника базасидан, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга, энг аввало, суғориш сувидан мумкин қадар яхшироқ фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қайд қилинганлар ичида охириги омил шу билан алоҳида аҳамиятга эгаки, мамлакат қишлоқ хўжалигини кейинги йиллари чекланган сув тақсимотига ўтганлиги ҳам айнан ушбу ресурсдан мумкин қадар тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Иккинчи томондан, суғориладиган тупроқларга ўсимликлар ўсиши етарли миқдорларда сув бермаслик улар унумдорлигини пасайишига ва суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини чекланишига замин яратади. Шу сабабли ҳам фермер хўжаликлари ерларининг норматив қийматини аниқлашда ушбу шароитни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот ушубиёти. Олиб борилган тадқиқотлар жараёни шуни кўрсатадики, “Давергеодезкадастр” давлат кўмитасининг расмий маълумотларга қараганда, республика бўйича фермер хўжаликларининг умумий сони 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 153385 тани, шу жумладан пахта-ғаллачиликда 50651 тани, ғаллачиликда 7914 тани, чорвачиликда 8915 тани, боғдорчиликда 48159 та, узумчиликда 13441 та, сабзавотчилик-полизчиликда 6772 та, тутчиликда 3372 та ва бошқа йўналишларда 14162 тани ташкил этади [9, 146]. Улар тасарруфидаги ер майдонларининг умумий майдони 6839,4 минг гектарни, шу жумладан экин ерлари 3400,9 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 290,2 минг гектарни, бўз ерлар 32,7 минг гектарни, яйлов ва пичанзорлар 2522,9 минг гектарни ва бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 952,7 минг гектарни ташкил этади [9, 156]. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу майдонларнинг аксарият қисми (68,9 фоизи) суғориладиган ерларни ташкил этади. Улардан фойдаланиш даражаси эса айнан ушбу ҳудудларда тарқалган тупроқларнинг унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тупроқшунослик назариясидан маълумки, тупроқнинг энг муҳим хусусияти унинг унумдорлигидир [5, 26 б]. Ҳар бир тупроқнинг

унумдорлиги бевосита уни вужудга келиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, тупроқни ривожланиш жараёнида унинг унумдорлиги доимий равишда ўзгариб туради. Унинг ўзгариши айниқса инсон фаолияти таъсирида тезроқ кечади.

Республикада тупроқ-иқлимий, геоморфологик ва гидрогеологик шароитларининг ўзига хослиги, хусусан, тупроқлар унумдорлигини кўп жиҳатдан инсон фаолияти билан бир қаторда табиий омиллар билан ҳам боғлиқлиги ўзининг минтақавий хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам сизот сувлари табиий оқими чегараланган ҳудудларда иккиламчи шўрланиш кузатилса, нишаблини катта ерларда сув эрозияси кузатилади. Бу жараёнлар, сўзсиз, тупроқлар унумдорлигига катта салбий таъсир кўрсатади. Юқоридагилар билан бир қаторда, жойнинг тупроқ-иқлим шароитига, айниқса ўсимлик талабига мос равишда суғориш меъёрларига ва муддатларига риоя қилинмаслик ҳам тупроқлар унумдорлигини пасайишига олиб келади [2,3].

Қатор тупроқшунос олимлар эътироф этишича [2,4,5,8], республика ҳудудларида тарқалган суғориладиган тупроқлар табиатан кам гумуслидир. Шунга қарамадан, унинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти каттадир. Тупроқлардаги мавжуд гумус ва озика моддаларини экинлар эркин ўзлаштиришида суғориш сувининг ўрни алоҳидадир. Шу сабабли ҳам экинларни вегетация даврида ўз вақтида етарли миқдорда суғориш тупроқлар унумдорлигини оширади, тупроққа солинган минерал ва органик ўғитларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилишига имкон яратади.

Шуни қайд қилиш жоизки, суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқларни сифат жиҳатидан баҳоси доимий равишда ўзгариб туради. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини яхшиланиши ҳисобига уларнинг унумдорлик даражаси ва сифат баҳоси ошиши кузатилади. Бунда суғориш суви билан далаларни меъёрида таъминланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи томондан, далаларга экинган қишлоқ хўжалик экинларини ҳам суғориш сувига бўлган талаби ҳам ҳисобга олинishi зарур. Масалан, ғўза экини ўзининг вегетация даврида жойдаги тупроқларнинг хусусиятларига ва экин навига қараб, гектарига 4000–6000 м3, маккажўхори 3000–4000 м3, сабзавот экинлари 6000–8000 м3 сув талаб қилади. Экинларнинг сув сарфи меъёрлари ҳам ушбу ҳудудда тарқалган тупроқлар унумдорлиги билан узвий боғлиқдир. Демак, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ушбу экинларни ўз меъёрлари даражасида суғориш суви билан таъминлаш юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Бу қатор тупроқшунос олимлар ва амалиётчилар томонидан тасдиқланган [3,4,5]. Хусусан, суғориш сувининг таъсирида тупроқларнинг агрономик хусусиятлари, сув-ҳаво, иссиқлик ва озукаланиш режимлари, микробиологик фаоллиги кўп жиҳатдан ўзгаради, суғориладиган ҳудуднинг микроиқлим шароитида катта ижобий ўзгаришлар юз беради [4,5,8].

Суғориш суви билан тупроққа лойқа заррачалар келади, уларни йиғилиш ва маълум жойларда тўпланиш натижасида унумдор қатлам вужудга келади. Сув жуда яхши эрувчан суюқликдир, бу ҳолат тупроққа солинган минерал ва органик ўғитлардаги озук элементларини ўсимликларга тўла сафарбар бўлишга имкон беради ва ўсимликларнинг озук режимини яхшилади [2]. Суғориш йўли билан мақбул сув-ҳаво режимини ушлаб туриш натижасида тупроқда микробиологик жараёнлар, аммонийфикацияланиш ва нитрофикацияланиш

жараёнлари, эркин ҳаёт кечирувчи азотланган бактерияларнинг ривожланиш жараёни кечади, натижада ўсимликларни азот билан озикланиши анча яхшиланади.

Суғориш натижасида ўсимликларни ўсиш жараёни анчагина кучаяди, ўсимликларда кучли илдиз тизими вужудга келади, бу ҳолат тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан, органик моддалар билан бойишига имкон беради [2,5,8].

Юқоридаги тадқиқотлардан хулоса қилиш мумкинки, суғориш сувидан меъёр даражасида фойдаланилганда тупроқларнинг унумдорлиги яхшиланади, сифат хусусияти ижобийлашади. Бу эса, сўзсиз ушбу суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятини оширади, норматив қийматини кўтаради. Аммо бугунги чекланган сув тақсироти шароитида барча суғориладиган экин майдонларида бунга эришиш жуда мушкул, негаки бу фақат магистрал ва маҳаллий суғориш тармоқлари замонавий типда қурилган, суғориш суви фойдасиз энг кам миқдорларда сарф бўладиган, лимит асосида юборилган сувнинг асосий қисми айнан экин далаларига етиб борадиган ҳудудлардагина кузатилиши мумкин. Қайд қилиш зарурки, бугунги кунда республикамизнинг суғориладиган минтақаларида бундай шароитга эга бўлган ҳудудлар унчалик кўп эмас. Қадимдан суғориладиган деҳқончилик қилинадиган минтақалардаги аксарият суғориш тармоқлари тупроқ асосли, яъни ер қаъридан қазилган, улардан оқадиган сувларнинг 36,0–38,0 фоизи оқим йўлида, далага боргунга қадар ерга сингиб кетади. “Сувлоийҳа” институтининг берган маълумотларига қараганда, республикадаги мавжуд магистрал каналларнинг 28,0 фоизи, маҳаллий суғориш каналларининг 36,0 фоизи қайта таъмирлаш, бетонлаштиришга муҳтож [9].

Демак, экин далаларининг бир қисмига белгиланган меъёрлардаги суғориш суви етиб бормади. Бу эса, сўзсиз, суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятларига ва иқтисодий қийматига салбий таъсир кўрсатади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бугунги кунда суғориладиган тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини, яъни табиий унумдорлигини қиёсий баҳолаш (бонитировка қилиш) нинг амалдаги мавжуд услубиятдаги тузатма коэффициентлар қаторига яна битта, суғориш суви билан таъминланиш бўйича ҳам тузатма коэффициент киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, тупроқ бонитировкаси – бу тупроқларнинг табиий унумдорлигини, яъни табиий ишлаб чиқариш имкониятларини қиёсий баҳолашдир. Бундай баҳолаш услубияти, яъни тупроқ бонитировкасини ҳисоблаш услубияти республикамизнинг суғориладиган тупроқлари учун ўтган, XX асрнинг ўрталарида яратилган ва кейинчалик у анчагина такомиллаштирилган. Бугунги кунда суғориладиган тупроқлар бонитировкасини аниқлаш айнан ушбу такомиллашган услубият асосида амалга оширилмоқда. Бунда, биринчи навбатда, бонитировка шкаласидан фойдаланилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқларининг бонитировка шкаласи кўп йиллик тупроқларни ўрганиш, агрохимиявий, агроўжалик кузатувлари маълумотларини жамлаш асосида тузилган. Хамма тупроқлар учун уларнинг келиб чиқиш генезиси, суғорилиш ва маданийлашганлик даври баҳолаш шкаласида умумий баҳолаш мезонлари сифатида эътиборга олинган.

Оптималь шароитда, яъни шўрланиш ва эрозияга учрамаган механик таркиби қониқарли, тоғ замини

яхши дренажланадиган тупроқларнинг сифат кўрсаткичлари асосида айнан шундай асосий баҳолаш шкаласи тузилган ва амалиётга киритилган. Ушбу услубиятга биноан асосий баҳолаш шкаласидан олинган бонитет баллига тупроқлар аниқ жойлашган ҳудудларининг термик ресурслари, шунингдек, аниқ тупроқларнинг қатор диогностик белгилари, жумладан, тупроқларнинг механик таркиби, шўрланиш даражаси, тупроқ ости қатламнинг дренажланганлиги, тупроқларнинг ювилиш даражаси, гипс қатламининг чуқурлиги, ер ости сувларининг чуқурлиги ва жойнинг тошлоқлиги бўйича тузатма коэффициентлар киритилади [1]. Улар махсус лаборатория шароитида тупроқларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва тупроқ бонитировкасини ўтказиш жараёнида ҳисобга олинади. Демак, баҳолаш шкаласидан олинган бонитет баллига тупроқларнинг юқоридаги хусусиятлари бўйича киритиладиган тузатма коэффициентларни кўпайтириш орқали ҳар бир аниқ тупроқнинг бонитет балли аниқланади. Яъни:

$$B_t = B_{ш} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times \dots \times K_n, \dots \dots \dots (1)$$

Бугунги кунда ҳам суғориладиган тупроқлар бонитировкасини аниқлаш ушбу услубиятда амалга ошириляпти.

Тахлил ва натижалар. Аммо биз таклиф этаётган суғориш суви билан таъминланиш бўйича киритиладиган тузатма коэффициентни юқоридаги коэффициентлар қаторига қўйиш муаммони ижобий ҳал қилишга имкон бормади. Гап шундаки, тупроқлар чегаралари фермер хўжаликлари ер участкаларининг ёки далаларининг чегараларига мос келмайди, негаки тупроқлар чегаралари ушбу жойда кечадиган табиий жараёнларга боғлиқ ҳолда шаклланган, далаларнинг чегаралари эса сунъий чегаралардир. Одатда фермер хўжаликлари далаларининг чегаралари бўлиб суғориш каналлари, йўл тармоқлари, коллектор–зовурлар хизмат қилади. Шундай экан, ҳар бир далаларни суғориш суви билан таъминланиш даражаси ушбу далага суғориш сувини олиб келишга имкон берувчи суғориш тармоқлари, каналларнинг мавжуд ҳолатига боғлиқдир. Демак, суғориш суви билан таъминланиши бўйича киритилиши кўзда тутилладиган тузатма коэффициентлар фақатгина ҳар бир экин даласи бўйича тупроқларнинг ўртача бонитет кўрсаткичи аниқланганидан кейингина киритилиши мумкин бўлади, яъни, олдинга ҳар бир даланинг ўртача бонитет балли ушбу тенглик билан аниқланади [1]:

$$B_{\text{ўрт.д}} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + P_3 + \dots + P_n} \quad (2)$$

бу ерда: B_1, B_2, \dots, B_n – далада тарқалган тупроқларнинг бонитет балли,

P_1, P_2, \dots, P_n – тупроқлар эгаллаган майдон, га

Шундан кейингина далаларни суғориш суви билан таъминланиши бўйича қобул қилинган тузатма коэффициентлардан фойдаланган ҳолда далада тарқалган тупроқларнинг ўртача бонитетини ҳисоблаш мумкин, яъни:

$$B_{\text{ўрт.д}} = B_{\text{ўрт.д}} * K_c$$

бу ерда, K_c – суғориш суви билан далаларни таъминланиш даражасига киритиладиган тузатма. Бу тузатмалар қуйидагича бўлиши тавсия қилинади (1–жадвал)

Сув билан таъминланиш даражаси, фоиз	K_c	Сув билан таъминланиш даражаси, фоиз	K_c
100,0	1,00	50,0	0,75
90,0	0,95	40,0	0,70

80,0	0,90	30,0	0,65
70,0	0,85	20,0	0,60
60,0	0,80	10,0	0,55

Ушбу коэффициентларни қўллаш учун олдинга фермер хўжалигининг ҳар бир даласи ва умумий хўжалик бўйича мавжуд тупроқларнинг ўртача бонитет баллари ҳисобланади ва шундан кейингина ушбу ҳисобланган ўртача бонитет баллига фермер хўжалиги далаларини суғориш суви билан таъминлашни даражасига қараб тегишли тузатмаларни киритиб ушбу хўжалиқда тарқалган тупроқларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш имкониятлари аниқланади. Шундан кейингина тупроқларнинг охириги ҳисобланган тупроқ бонитировкаси маълумотлари асосида суғориладиган экин ерларининг норматив қийматини мавжуд

услугият бўйича ҳисоблаб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Шундай қилиб юқорида олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулоса қилиш мумкинки, таклиф этилаётган услубият билан суғориладиган тупроқларнинг табиий унумдорлигини ёки табиий ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш бугунги чекланган сув тақсмоти шароитида фермер хўжалиқларининг суғориладиган ер майдонларини норматив қийматини анчагина тўғри ҳисоблашга имконият яратади. Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжалиқлари томонидан ўзларининг ер майдонларидан фойдаланишни самарали ташкил этишга шароит яратади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Камолова Д. Ер кадастри (дарслик). Тошкент, ТАҚИ, 2016 Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв. Почвы Узбекистана. Ташкент, Фан, 1975 Гречихин В.Н., Мехнат, 1988
2. Кочубей М.И. Почвы Узбекистана и пути повышения их плодородия. Ташкент, Фан, 1985
3. Кузиев Р.К., Сектеменко В.Е. Почвы Узбекистана. Ташкент, ИПА, 2010
4. Ли В.Н. Плодородие орошаемых земель Узбекистана. Ташкент, Фан, 1989
5. Талипов Г.А. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. Ташкент, Агроинформ, 1992
6. Турсунов Х.Х. Генетик тупроқшунослик муаммолари. Маърузалар матни, Тошкент, 2000
7. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ҳолати бўйича Миллий ҳисобот. Т, Давергеодезкадастр, 2018
8. Землю оценивать по плодородию. Сельское хозяйство Узбекистана, 1973, №11
9. Сучков С.П. Эволюция почвы под влиянием мелиораций. Тр. Почв инсти им. Докучаева, 1973, Часть-IV

УДК:528.912

ТОПОГРАФИК КАРТАЛАРДА НУҚТАЛАРНИНГ БАЛАНДЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Н.ИНАМОВ – доцент, Б.МУСЛИМБЕКОВ – талаба ТИҚХММИ

Аннотация: Мазкур мақолада топографик карталар устида инженерлик масалаларни ечиш, баландлиги номаълум бўлган лойиҳа нуқталарининг мутлоқ баландликларини аниқлашдаги усулларга ўзгартиришлар киритиш ва мазкур усулларни такомиллаштириш масалалари натижалар асосида келтирилган.

Аннотация: В данной статье представлены результаты решения инженерных задач на топографических картах, изменения методов определения абсолютной высоты неизвестных точек проекта и совершенствования этих методов.

Abstract: This article presents the results of solving engineering problems on topographic maps, changing methods for determining the absolute height of unknown points in a project, and improving these methods.

Калит сўзлар: интерполяция, инновацион класстер, лаборатория, класс, формула, топографик карта, рельеф, горизонтал.

Қириш. Бугунги кунда олий таълим даргоҳларида техника соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ва замон талаби даражасида етук мутахассисларни ишлаб чиқариш ташкилотлари учун етказиб бериш мақсадида, таълим бериш сифатини тубдан такомиллашритиш ва ишга жойлашишдаги мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ислохатли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан: Инновацион класстер, замонавий ўқув ҳамда лаборатория класслари жорий этилиб, техника ва технологиялар жалб қилинди.

Таълим беришда фанга замонавий ёндошув, янги илмий изланишлар натижалари билан талабаларни таништириш, билим ва кўникмани мустаҳкамлашга ҳамда келажакда янгилик сари изланиш олиб боришга ундайди [1].


Хозирда бир қатор ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари томонидан инженерлик масалаларини ечишда, лойиҳавий ишланмаларни амалга оширишда камерал шароитдаги ўлчов ишларини кўриб чиқишда топографик карталар ёрдамида тадқиқ қилинмоқда (1-расм) [2,3].



1-расм. 1:10 000 масштабдаги топографик карта

Топографик карта ва планларда жой тафсилоти ва рельеф тасвирланган бўлади ва булар инженерлик ишларида кўпроқ қўлланилади [4]. Топографик план бўйича турли инженерлик иншоотлари лойиҳаланади. Бунда горизонталлар оралиғи пландаги чизиқ нишаби, қиялик бурчаги, қиялик тиклиги каби масалаларни аниқлаш талаб этилади [5,6].

Масаланинг қўйилиши. Агар нуқта горизонтал устида ётган бўлса, унинг отметкаси горизонталнинг отметкасига тенг бўлади [7]. Нуқта икки горизонтал орасида ётганда эса унинг отметкаси қуйидагича аниқланади: масалан, икки горизонтал оралиғида жойлашган М нуқтанинг отметкасини топиш учун шу горизонталларга перпендикуляр чиқарилади, перпендикулярнинг горизонталлар билан кесишув нуқталари К ва L билан белгиланади. Бу нуқталар отметкаси L ва К бўлсин (2-расм) [8,9].



2-расм. Топографик картадаги рельефлар жойлашуви

Шунда M нуқтанинг отметкаси K орқали куйидагича топилади:

$$M = K - d_1 \quad (1)$$

L орқали эса куйидагича аниқланади:

$$M = L + d_2 \quad (1.a)$$

Бу ерда d_1 ва d_2 - берилган нуқталарнинг K ва L нуқталардан бўлган нисбий баландлиги; M нуқтанинг K ва L дан узоқлиги d_1 , d_2 ва K L чизиқнинг узунлиги d , яъни $KM = d_1$, $ML = d_2$, $KL = d$ бўлса [10],

$$h_1 = \frac{h}{d} * d_1 \quad (2)$$

$$h_2 = \frac{h}{d} * d_2 \quad (2.a)$$

бўлади; бунда h кесим баландлиги.

Мазкур усул ёрдамида номаълум бўлган нуқтанинг баландлигини аниқлаш ва натижаларни таҳлил қилиш асносида лойиҳа ишлари амалга оширилади [11,12]. Аммо мазкур усул бир оз бўлсада жараёни мураккаблаштиришга олиб келади. Масалан d нинг қийматини ва h_1 ҳамда h_2 кесим баландлиги қийматларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш жараёни мураккаблаштиришга асос бўлади [13,14,15].

Ечиш усули. Ер ресурсларини бошқариш факультети талабалари билан биргаликда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра интерполяция усулида топографик картадаги мутлоқ баландлиги номаълум бўлган нуқтанинг қийматини аниқлаш бўйича янгича ёндошув асосида методологик тавсияга кўра формула ишлаб чиқилди.

Янги ишлаб чиқилган формула ёрдамида белгиланган нуқтанинг мутлоқ баландлигини соддалаштирилган усул асносида топиш ва интерполяция қилиш келтирилган.

Куйида мазкур формуланинг таснифи билан танишиб чиқамиз.

Мазкур формулани таснифлашда куйидаги қоида билан олиш тавсия этилади;

- Белгиланган икки нуқта отметкалари бўйича шу нуқталарни туташтирувчи чизиқда маълум кесим баландлигидаги горизонталлар ўтадиган нуқталар ўрнини аниқлаш **интерполяция** қилиш дейилади.

Янги интерполяциялаш усули ўзининг осон ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Бу усулда интерполяциялаш карта ва планлардаги ҳар қайси нуқтанинг отметкасини аниқлашга хизмат қилади. (3-расм) Келтирилган горизонталлар орқали, биз янги усул (формула)ни тадби қилдик:



3-расм. Рельеф оралиқдаги баландликларни аниқлаш

Янги формула куйидагича ифодаланади:

$$H_x = \left(\frac{H_1 - H_2}{l_1} \right) * l_2 + H_1$$

Бу формулада:

H_x - аниқланиши керак бўлган нуқтанинг отметкаси.

H_1 - нуқтага қўшни (қуйи) қисмдаги горизонталнинг отметкаси

H_2 - нуқтанинг иккинчи томондан қўшни (юқори) горизонталнинг отметкаси.

l_1 - картада икки горизонтал орасидаги, нуқта билан туташтириб ўлчанган масофа (бу масофа чизиғич ёрдамида, карта ёки планда ўлчанади)

l_2 - қуйи отметкали горизонталдан нуқтагача бўлган масофа.

|| - белгининг ишлатилиши биз топишимиз лозим бўлган отметка l_1 ва l_2 оралиқда жойлашганини ифода этади (агар модул белгиси бўлмаса H_x нинг отметкаси қуйи горизонталдан пастда жойлашиб қолади).

() - белгининг ичида бажарилган амал аввал l_1 масофанинг ҳар миллиметрида отметка қанчага ортиб боришини топишга хизмат илади.

Натижалар таҳлили. Биринчи кўриб чиқилган усулда асосий формула тақдим этилган (1; 1.a). Бу формуланинг ечимини топишда эса сиз ёрдамчи формуладан фойдаланасиз (2; 2.a). Бу формуладан фойдаланиш чоғида масофалар кесма тарзида ифодаланади (KM; ML; KL). Айнан шу масофалар иккинчи усулда l тарзида келтирилган. Бироқ янги усулда l икки марта иштирок этган (l_1 , l_2). Икки формулада ҳам жавоб бирдек аниқ чиқади, аммо биринчи усулда x нинг отметкасини топиш учун асосий ва ёрдамчи формулалардан фойдаланиш кераклигини кўрдик. Бунда икки формулани ҳисоблашга тўғри келади. Ҳисоб-китоблар ҳам ўз навбатида икки марта ортади, жавоб эса ўзгармайди.

Янги усулнинг афзаллиги биринчи навбатда унинг яхлит бир формуладан иборатлигидир. (3) Формулада нисбий баландликка мурожаат этилмайди ва тўғридан тўғри абсолют баландлик ҳисоблаб чиқарилади. Карта ва план билан ишлаш чоғида керакли нуқта белгиланади. Бир марта чизиғични куйиб: қуйи горизонталдан нуқтагача; қуйи горизонталдан юқори горизонталгача саноқ олинади. Бу эса ўз навбатида фойдали иш коэффициентини ҳам оширади.

Хулосалар.

1. Юқорида келтирилган усул ва формулалар топографик карта ва планларни “ўқиш” га яъни, жойнинг тафсилоти чизмалар орқали баён этилганда уларни тушунишга, таҳлил қилишга ва геодезик ишларни режалашга хизмат қилади.

2. Карта ва планларни таҳлил қилиш, қурилиши керак бўлган объектнинг ўрнини топиш, белгилаш, жойлаштириш, иш ҳажмини ҳисоблаш, жой нотекислигини баҳолаш ва деформация ҳақида билиш мумкинлигини эътироф этади.

3. Интерполяция усули жойнинг нотекис қисмида баландлиги алоҳида ўлчанмаган нуқталарнинг баландлигини камерал ишлар орқали хонада топиш имконини беради.

4. Жой эгрилиги инженерлик ишларининг мураккаблашувига олиб келса, юқорида тавсия этилган усул унинг нафақат ечими, балки, ечимлари орасидаги энг оптимал усули ҳисобланади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.Н.Инамов, Ж.О.Лапасов ва С.И.Хикматуллаев. Инженерлик геодезияси //ўқув ўлланма// Тошкент 2017 йил. 200 бет
2. Э.Нурматов, У.Утанов, //Геодезия// ўқув қўлланма, Т.: «Ўзбекистон», 2002 йил, 234 бет

3. Ш.К.Авчийев, Амалий геодезия, //Дарслик// Тошкент 2007 йил. 166 бет
4. Т.М.Абдуллаев, Ў.П.Исломов, Ў.Б.Мухторов ва А.Н.Инамов, Олий геодезия //Ўқув қўлланма// Тошкент 2017 йил. 224 бет
5. W.Schofield, //Engineering surveying// - 2001. 534 -pag.
6. Р.Д.Абдираманов, А.Н.инамов, А.Х.Дадабоева, Обоснавание выбора параметров топографической основы для проектирования коллекторно-дренажных сетей// Интернаука. Москва, 2018. - №12(46) С.47-48
7. С.А.Тошпўлатов, Б.Р.Назаров, Н.Ж.Шавкатова //Замонавий геодезик асбоблар// ўқув қўлланма - Тошкент 2018 йил, 300 бет.
8. Ҳ.Муборақов, С.Ахмедов, // Геодезия ва картография// ўқув қўлланма -Тошкент: Ўқитувчи, 2002 йил, 304 бет.
9. З.Охунов, // Геодезиядан прктикум// ўқув қўлланма, Тошкент: Университет, 2009 йил, - 200 бет
10. С.А.Тошпўлатов, Ў.П.Исломов , А.Н.Инамов //Космик геодезия// ўқув қўлланма -Тошкент 2018 йил. 121 бет.
11. А.Н.Инамов, Н.Т.Миржалолов, А.Х.Дадабоева, ГеоГИС дастури ёрдамида сунъий йўлдошга боғланиш ва ЖПС съёмкасини бажариш// Интернаука. Москва, 2018. - №14(48) С.87-88
12. .Н.Инамов, Н.Т.Миржалолов, Д.Т.Миржалолов, Электрон рақамли карталарни тузиш услубларини такомиллаштириш// Интернаука. Москва, 2018. - №15(49) С.63-65
13. А.Инамов, Ҳ.Рахимов, А.Дадабоева, Геодезия ва картография соҳасида инновацион технологияларни жалб қилиш борасидаги чора-тадбирлар// Халқаро ер куни-мақолалар тўплами, -ТИҚХММИ, -2019, Б. 474-475.
14. А.Инамов, М.Абдувалиева, Геодезия ва картография соҳасида инновацион технологиялар// Халқаро ер куни-мақолалар тўплами, -ТИҚХММИ, -2019, Б. 384-386.
15. А.Инамов, Г.Аширалиева, Қишлоқ хўжалигида дрон технологияларининг ўрни ва аҳамияти//Халқаро ер куни-мақолалар тўплами, -ТИҚХММИ, -2019, Б. 322-325.
16. В.С.Тарасян, Н.В.Дмитриев, Интерполяция распределённых данных горизонталей для получения цифровой модели рельефа// Россия СК., Инженерный вестник Дона, №1, 2018,

УДК 528:631:630*114.445:004.9

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШИ КАРТАСИНИ ТУЗИШДА ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Р.Қ.ОЙМАТОВ, доцент, Р.И. МАҚСУДОВ, магистрант ТИҚХММИ

Аннотация: ушбу мақолада тадқиқ қилинаётган тупроқларни яхшилаш мақсадида мелиорация тадбирларини ўтказиш усуллари ва услубларини танлашда, қарор қабул қилиш учун тупроқ карталарининг аҳамияти қишлоқ хўжалиги ерлари мисолида кўриб чиқилган.

Аннотация: В статье изложены современное состояние сельскохозяйственные земель, особенности содержания почвенных карт, необходимую для принятия решений при выборе методов и способов мелиорации исследуемых почв.

Abstract: Modern condition of agricultural lands, peculiarities of soil map keeping which is necessary for taking decisions while choosing methods and ways of researching soil melioration is discussed in this article.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги ерлари, экология, тупроқлар, шўрланиш, мелиоратив ҳолат, тупроқ шўрланиши картаси.

Тупроқ картографиясидаги тараққиёт тупроқ карталарини тузиш ва тўғрилашда, тупроқни ўрганишда, картадаги чегараларни бошқа табиат тармоқлари чегаралари билан узвий боғлашда, тупроқ таркибини тасвирлаш билан, бугунги кунда жадал ривожланиб бормоқда [1].

Тупроқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг объекти сифатида инсониятнинг асосий ҳаётий эҳтиёжини таъминловчиси ва биосфера ҳамда атроф - муҳитнинг энг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Бухоро вилояти Олот туманининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг тупроқ қоплами асосан шўрланган тупроқлар тарқалгани билан алоҳида эътиборни талаб қилади.

Тупроқ шўрланиши унинг яхлитлик даражасини бузмаган ҳолда тизим сифатида турли экологик функцияларни бажаради. Шу сабабли тупроқларнинг шўрланишини камайтириш ва ундан оқилона фойдаланиш учун тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва тури, тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг таркиби ва бошқа тупроқ ҳосил қилиш омиллари ҳақидаги ахборотлар керак бўлади.

Ҳозирги вақтгача кўплаб тупроқшунос олимлар ва тупроқларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида йирик ҳажмдаги ахборот йиғилган. Бу ахборотлар тупроқларнинг шўрланиш даражаларини ўрганиш ҳамда уларни камайтириш

учун мелиоратив тадбирларни режалаштиришда асосий маълумотлар фонди ҳисобланади.

Тупроқлар тўғрисидаги ахборот - бу кенг қўламдаги миқдор ва сифат тавсифларини ўз ичига оладиган етарлича мураккаб тузилмадир. Тупроқ ахборотини тўлиқ тизимлаштириш, унга ишлов бериш ва таҳлил қилиш ҳамда тадқиқ қилинаётган тупроқнинг экологик ҳолатини моделлаштириш ва башорат қилиш учун замонавий геоахборот технологияларидан (ГАТ) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ГАТ маълумотларни киритиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва олинган натижаларни юқори сифатли мавзули хариталар, диаграмма ва бошқалар кўринишида визуаллаштириш имкониятларини таъминловчи, махсус дастурий таъминот ва техник воситалар билан жихозланган маълумотларнинг компьютер базасини ифодалайди.

Анъанавий услублар билан таққослаганда геоахборот технологиясининг асосий устунлиги ўзаро алоқадаги катта гуруҳ параметрларини (рельеф, иқлим, биоталар ва бошқалар) биргаликда таҳлил қилишни қўллашдан иборат бўлиб, бу тупроқ шўрланишининг мураккаб жараёнларини ўрганиш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ГАТ - бу қисқа муддатда етарлича катта ҳажмдаги ишончли, кенглик бўйича йўналтирилган ахборотни олиш имконини

берувчи техник воситадир. ГАТда тупроқ ва тупроқ қоплами ҳақидаги ахборотнинг ҳар қандай қатламини алоҳида ёки биргаликда осонлик билан визуаллаштириш ва таҳлил қилиш мумкин.

Бундан ташқари, қоғоз асослардаги карталар билан қиёслаганда электрон карталар бир қанча устунликларга эга:

1. Растрли карта унинг мохиятининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Бунинг сабаби унинг асосига маълумотларнинг ўзгармайдиган статистик модели қўйилганлигидир. Электрон картада визуализация қилинадиган маълумотларнинг шакли ва таркибий қисми чекланмаган ҳолатда ўзгаради;

2. Электрон карта тасвирланаётган маълумотларнинг таркибий қисми, ҳажми ва шаклини фойдаланувчи эҳтиёжига кўра мослаш имкониятини берувчи маълумотларнинг мобил моделини амалга оширади;

3. Турли хил картографик проекцияларда тақдим қилинадиган электрон карталар трансформацион услублар тўплами туфайли қўшимча таҳлил қилиш имкониятини яратади ва иш унумини орттиради.

Тупроқ қопламининг яратилган электрон картасининг рақамли модели рақамли картографик ахборот формати, картографик ахборот классификаторлари ва унинг рақамли таърифи қоидаларини ўз ичига олади.

Компьютер ахборотларини геоахборот тизимларида таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш технологияларининг ўзига хос маълумотлар базаси кўринишидаги таърифни маълум тизимлаштирилишини талаб этади.

Маълумотлар базасини тузиш қоидалари қўшимча дастурлардан мустақил равишда маълумотларни таърифлаш, сақлаш ва манипуляция қилишнинг умумий тамойилларини назарда тутати. Тупроқ геоахборот тизимининг маълумотлар базаси деганда,

унинг иккита асосий блокларини: картографик ва атрибутив блокларни яратиш назарда тутилади.

Рақамли тупроқ карталарини яратиш бўйича ишлар бир нечта босқичлардан иборат бўлади:

- Тайёргарлик босқичида тадқиқ қилинаётган объект ҳақидаги картографик, аналитик ва матнли ахборотни ўз ичига олган тупроқ ва бошқа мавзули маълумотлар архивини яратишни назарда тутати, картанинг таркибий қисми элементларини ва уларнинг картасини тузиш усулларини белгилайди;

- Растрли тасвирларни олиш. Бу босқич ўз ичига ахборотни компьютер хотирасига киритиш, яъни бошланғич картографик манбаани қоғоз асосга сканерлашни ўз ичига олади;


- Тупроқ контурларини векторизация (рақамлаш) қилиш;

- Ҳар бир рақамланган контурга атрибутив ахборотни бериш;


- Танлаб олинган майдон бўйича мавзули карталарни яратиш;

Юқорида санаб ўтилган босқичлардан фойдланиш бизга Бухоро вилояти Олот туманидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг тупроқ картасининг рақамли моделини яратиш имкониятини беради.

Электрон мавзули қатламларни яратиш учун растрли асос бўлиб, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг географик атласидаги 1:2 500 000 масштабдаги Ўзбекистон Республикасининг тупроқ картаси танланди. Унинг асосида қуйидаги мавзули қатламлар яратилган: 1–Бухоро вилояти Олот туманининг тупроқ районлаштириш картаси; 2– шўрланиш турлари бўйича тупроқ бўлинишининг акс эттирувчи тупроқ шўрланиши турининг рақамли модели (уларда мавжуд сувда эрийдиган тузларнинг тавсифига кўра).



а)



б)


1-расм. Тупроқ карталарининг рақамли моделлари фрагментлари:

а – Бухоро вилояти Олот туманининг рақамли тупроқ картасининг фрагменти, б – тупроқ шўрланишининг тури бўйича рақамли карта фрагменти.

Географик ахборот технологиялари оиласига мансуб ArcGIS (ArcMap) ва Excel дастурлари ёрдамида тупроқ майдони ҳисоблаб чиқилган. Олинган маълумотлар асосида майдонлар бўйича тупроқларни тақсимланиш диаграммаси, шўрланиш даражаси ва тури бўйича тупроқлар майдонини тақсимланиш диаграммаси тузилган. Бунинг натижасида Бухоро вилояти Олот туманининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари тупроқларининг шўрланиш даражаси бўйича майдонларда тарқалиши ҳамда туманининг шарқий, ғарбий, жанубий ва жанубий-шарқий қисмлари текисликларининг ўрмон-чўл ва чўл қисми эканлиги аниқланди. Шўрланмаган тупроқ майдони 26184241,14 кв.м ни, кучсиз шўрланган тупроқ майдони 252310966,5 кв.м ни, ўрта шўрланган тупроқ майдони 113356213 кв.м ни, кучли шўрланган тупроқ майдони 32395629,67 кв.м ни, жуда кучли шўрланган тупроқ майдони 2383915,932 кв.м ни эгаллайди. (2-расм).

Тадқиқ қилинаётган тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича кучсиз шўрланган ва ўрта шўрланган ерлар кўп учрайди. Мазкур ҳудуддаги ерларнинг агрохимёвий таркиби ўрганилганда тупроқ таркибидаги калийнинг миқдори 15–30 мг/кг, фосфорнинг миқдори 0 мг/кг ни ташкил қилади.

Ҳудуднинг жанубий-шарқий қисмларида шамолнинг тезлиги 12 м/сек ни ташкил қилади, шунинг учун ҳам ушбу ҳудудларда тупроқнинг шамол эрозиясига учраши кузатилади.



2-расм. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича майдонларда тарқалиши

Тупроқлар картографиясида карта легендасини ишлаб чиқиш учун умумий қабул қилинган қоидалар қуйидагилар: легенданинг биринчи бўлимида – текислик ва тоғ тупроқлари типлари, кичик типлари, хил-лари берилади. Иккинчи бўлимда – тупроқ мажмуалари; учинчи бўлимда – тупроқларнинг механик таркиби ва тупроқ ҳосил қилувчи жараёнлар шартли белгилари жойлаштирилади

а) б)
3-расм. а – Тупроқ картаси, б – тупроқ шўрланиши картаси.

Тупроқ картаси учун легенда ишлаб чиқилган кейин, картанинг математик асоси учун масштаб, координата тўрлари ва геодезик асослар картага ўрнатилади. Карта учун математик асосни ишлаб чиқиш, унинг аниқлик даражаси ва ишончилигини белгилаб беради.

Тадқиқот натижасида Бухоро вилояти Олот туманининг тупроқ районлаштириш ва тупроқ шўрланиши карталарининг рақамли кўриниши яратилди (3-расм). Ушбу карталаримиз мелиоратив тадбирларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга

бўлади. Чунки ушбу карталарни яратиш жараёнида ишлаб чиқилган маълумотлар базаси, вақт ўтиши билан тупроқлардаги сифат ва миқдор ўзгаришларни (кўрсаткичларини) осонлик билан ўзгартириб, тупроқларнинг механик, кимёвий таркибларини, эрозияга учраган тупроқларнинг хариталарини яратимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ГАТ технологияларидан фойдаланиш, тупроқ ресурсларини инвентаризация қилиш бўйича натижаларнинг объективлигини мохиятан ошириш имкониятини беради, тупроқнинг шўрланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотларга ишлов бериш ва сақлашни таъминлайди, тупроқ – экологик мониторингини амалга ошириш ва маълумотларни даврий янгилаш учун кенг имкониятларини очиб беради.

Бухоро вилояти Олот туманининг қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ шўрланиши картаси тадқиқ қилинаётган тупроқларнинг шўрланишини камайтириш мелиорация тадбирлари ва



методларини танлашда, қарорлар қабул қилиш учун зарурий ахборотни ўз ичига олади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М., Табиий карталарни лойиҳалаш ва тузиш. – Тошкент, 2011.
2. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш; унинг ривожланиши, ҳолати истиқболлари, муаммолари. – Тошкент, 2011.
3. Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж.С., Атлас картографияси. – Тошкент, 2015.
4. Стурман В.И. Экологическая картографирование. – Москва, 2003.

УДК 911.52(575.14) 631.1

ЗАРАФШОН ДАРЁ ҲАВЗАСИ ВОҲА ГЕОСИСТЕМАЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ (Ўзбекистон ҳудуди мисолида) ОЙХУМОР РЎЗИҚУЛОВА, г.ф.н., доцент, ЗОИРЖОН АБДУРАҲМОНОВ, стажёр ўқитувчиси ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада Зарафшон дарё ҳавзасининг ўрта ва қуйи қисмида жойлашган Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятида суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини баҳолаш йўллари келтирилган. Бунда картографик усуллардан рельеф пластикаси усулининг имкониятлари ёритилган. Грунт сувлари сатҳини ўзгариш хусусиятларининг тупроқ шўрланишига таъсири, дала тадқиқотлари маълумотлари ёрдамида асосланди.

Аннотация: Научные статьи описана эффективное использование мелиоративного состояния оазисных геосистем бассейна р.Зарафшан (в пределах территории Узбекистана). Определены границы оазисных геосистем на основе анализа карты пластики рельефа. Выявлены особенности динамики изменения уровня залегания грунтовых вод и их воздействие на засоление почв. Установлены качественные и количественные показатели засоления почв и разработаны критерии оценки мелиоративного состояния оазисных почв геосистем.

Abstract: The confines of geosystem on the base of analyses of the map of relief plastics were defined. For the first time the peculiarity of dynamics changes of bedding subsoil waters and influence of salinization of soil. Qualitative and quantitative indices of salinization changes of oasis geosystem were identified. Worked out the critireous land reclamation of estimation soil geosystem. The assessment land reclamation of soil geosystem was carried out. The map of oasis geosystem with reflection of land reclamation was drawn up.

Калит сўзлар: геосистема, рельеф пластикаси, мелиоратив география, геокимё, шўрланиши баҳолаш.

Кирриш. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган давлат ислохотлари бошқа

соҳалар қатори қишлоқ хўжалигининг ҳам барча тармоқларини ўз ичига қамраб олмоқда. Маълумки,

Ўзбекистонда суғориладиган ерлар ва ички сувлар миқдори чекланган. Шу сабабли воҳа геосистемаларининг мелиоратив ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш, мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳимдир.

Тадқиқот методлари. Тизимли таҳлил, рельеф пластикаси, дала тадқиқотлари, аэросуратларни таҳлил қилиш, геохимёвий ва лаборатория таҳлили, статистик, географик таққослаш, картографик, ландшафт индикацияси.

Аҳолининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжи мунтазам ортиб бораётган Ўзбекистон шароитида ерлардан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш назоратини кучайтиришда геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ерлардан самарали фойдаланишда картографлар билан бир қаторда географларнинг ҳам зиммасига бир қанча вазифаларни юклади [1].

Зарафшон дарё ҳавзасининг ўрта ва қуйи қисмида жойлашган воҳа геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашда *грунт сувларининг чуқурлиги ва минерал таркибини* ўрганишни ҳам аҳамияти катта. Ерларни суғориш тупроқ ҳосил бўлиши ва гидрогеологик шароитга кучли таъсир қилиб, грунт сувларининг фаоллигини оширади. Грунт сувлари, ер усти ва ер ости сувлари ҳаракати тупроқда тузларнинг кўчишига сабаб бўлади. М.М.Крыловнинг (1977) таъкидлашига кўра, грунт сувларини шаклланиши учун сарф бўлган жами сув миқдори 100 % деб олинса, суғориш тармоқларидан тупроққа сизиб борувчи сув 65–70 % ни, суғориладиган далалардан сизувчи сувлар 20–25 % ни, ёғингарчиликлар туфайли грунт сувларига келиб қўшилидиган сувлар 10–12 % ни ташкил қилади [3]. Юқоридаги рақамлардан, грунт сувларининг кўтарилишида суғориш тармоқларининг ҳиссаси катта эканлиги кўриниб турипти.

Ўрта Осиёнинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида воҳа геосистемалари тупроқларида грунт сувлари иккиламчи шўрланишни келтириб чиқариши кўп олимлар томонидан (В.Р.Волобуев, В.А.Ковда, В.М.Легостаев, Д.М.Кац, А.К.Расулов, О.К.Комилов ва бошқ.) ўрганилган ва илмий асосланган. Грунт сувларининг тупроқ шўрланиш жараёнидаги таъсири таянч ҳудудларда бевосита дала тадқиқотлари ҳамда мавжуд чоп этилган адабиётлар, турли ташкилотларнинг (“Ўзбекгидрогеология”, Ергеодезкадастр ТАИТДИ, вилоятлар сув хўжалиги

бошқармалари ва бошқ.) фонд маълумотлари асосида ўрганилди.

С.Азимбоевнинг маълумоти бўйича (1986), Ўзбекистон тупроқларининг шўрланишида тоғ тизмаларидаги палеоген ва бўр жинслари асосий манба ҳисобланади. Бундан ташқари, дашт ва чўл ўсимликлари тупроқнинг чуқур қатламларидаги сувда эрийдиган тузларни илдиш тармоқлари орқали ўзлаштиради. Бу ўсимликларнинг қолдиқлари чириши натижасида тупроқда йил сайин табиий ҳолда тузлар миқдорининг ортишига сабаб бўлади [2].

Дарёнинг қайири ва биринчи террасасида грунт сувлари фаолияти дарё сувининг оқимида боғлиқ ҳолда ўзгаради. Дарёнинг иккинчи ва учинчи террасасида эса, суғориш сувларининг вақти ва миқдорида боғлиқ. Бундан ташқари каналлардан, экин майдонларидан сувларнинг тупроқ қатламларига сингиши орқали сарф бўлган сувлар ҳудуднинг нишаблигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Каттақўрғон сув омбори ҳудудида эса, сув омборининг таъсири кучли.

Ҳавзанинг қуйи қисмида жойлашган Бухоро воҳасида грунт сувлари кимёвий таркиби кучли ўзгарган. Навоий-Конимех воҳасида уларнинг миқдори 2–10 г/л гача бўлса, Бухоро воҳасида 1,7–11,2 ва Қорақўл воҳасида 3–12 г/л гача ўзгаради. Воҳалар атрофидаги пастқам ерларда 20–50 г/л ва ундан ҳам юқори кўрсаткичга эга. Интенсив суғориладиган ерларда грунт сувларнинг хлорид-сульфатли типи кўп учрайди.

Бухоро ва Қорақўл воҳасида суғориш меъёрининг ортиши (12–14 минг м³/га) вилоятнинг кўп ҳудудларида геоморфологик омиллар таъсирида сувларнинг тупроқ қатламларига сингиб ўтиши грунт сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатига кучли таъсир қилмоқда. Дала тадқиқотлари маълумотларининг кўрсатишича, ажратилган геосистемаларда грунт сувларининг сатҳи ва минерал таркиби ернинг рельеф шаклларида боғлиқ ҳолда ўзгаради (жадвал). Дала тадқиқотлари маълумотларига кўра, суғориладиган ерларда грунт сувларининг сатҳи 56 дан 320 см гача тебраниб, таянч ҳудудлар бўйича ўртача кўрсаткич 118–244 см ни ташкил этди. Грунт сувларининг ер юзасига энг яқин жойлашган кўрсаткичи (2,0 м дан юқори) Самарқанд воҳасидаги 4 та таянч ҳудудда (123–178 см), Навоий-Конимех воҳасидаги 1-Сарой қишлоғининг жанубида (118 см), Бухоро воҳасидаги Калон қишлоғининг шимолида ва Яккатут яқинидаги ҳудудларда (171–190 см) кузатилди. Грунт сувларининг сатҳи 2 м дан қуйида жойлашган ҳудудлар: Қорақўл туманидаги Дарғали қишлоғи яқинида (224 см), Когон туманида (237 см) ва Пешку тумани Қутчи қишлоғининг яқинида (244 см) кузатилди.

жадвал

Зарафшон дарё ҳавзаси воҳа геосистемаларида грунт сувларининг ўзгариши*

Таянч ҳудудлар (нуқталар) ва уларнинг жойлашуви	Грунт сувларининг жойлашиш чуқурлиги, см.		Таркиби, г/л.	
	Тебраниш-лар чегараси	Ўртача кўрсаткич	Тебраниш-лар чегараси	Ўртача кўрсаткич
С а м а р қ а д в и л о я т и				
Ургут, Жартепа шимоли	160–195	178	0,56–082	0,70
Пастдарғом, Қўшқудуқ яқини	83–190	145	0,88–3,44	2,03
Иштихон, Работ атрофи	120–190	152	0,97–2,13	1,43
Нарпай, Тортувли атрофи	90–165	123	1,38–4,27	3,28
Н а в о и й в и л о я т и				
Хатирчи, 1-Сарой жануби	56–200	118	1,08–5,64	2,78
Б у х о р о в и л о я т и				
Шофирқон, Калон шимоли	125–310	190	1,47–3,11	2,35
Пешку, Қутчи шимоли	120–320	244	1,60–6,07	4,08

Когон, Яккатут шимоли	180-305	237	2,58-9,34	5,84
Жондор, Яккатут атрофи	120-220	171	3,10-10,80	5,92
Қорақўл, Дарғали яқини	90-310	224	3,14-10,20	5,43

*Жадвал Тупроқшунослик ва агрокимё ИТДИ фонд маълумотлари асосида тайёрланди.

Дала тадқиқотлари маълумотларига кўра, Зарафшон дарё ҳавзаси воҳа геосистемаларида грунт сувларининг сатҳи 56 дан 320 см гача тебраниб, таянч ҳудудлар бўйича ўртача кўрсаткич 118-244 см ни ташкил этди. Грунт сувларининг ер юзасига энг яқин жойлашган кўрсаткичи (2,0 м дан юқори) Самарқанд воҳасидаги 4 та таянч ҳудудда (123-178 см), Навоий-Конимех воҳасидаги 1-Сарой қишлоғининг жанубида (118 см), Бухоро воҳасидаги Калон қишлоғининг шимолида ва Яккатут яқинидаги ҳудудларда (171-190 см) кузатилди. Грунт сувларининг сатҳи 2 м дан қуйида жойлашган ҳудудлар: Қорақўл туманидаги Дарғали қишлоғи яқинида (224 см), Когон туманида (237 см) ва Пешку тумани Қутчи қишлоғининг яқинида (244 см) кузатилди [4].

Грунт сувларининг тебраниш амплитудаси тадқиқот объектида мавсумий ўртача 1,2-1,5 м ни ташкил қилди. Уларнинг ер юзасига яқин жойлашишига кўп йиллик мавсумий буғланиш сабаб бўлиши кузатилди. Буғланиш тупроқда эриган тузларнинг юқорига кўтарилишига ва шўрланишнинг ортишига олиб келган. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати қанчалик юқори бўлса, буғланиш ва грунт сувларининг минерал таркиби шунчалик ортади.

Шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолати коллектор-зовур тармоқлари иш самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу борада 2007 йил 30 октябрда *“Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг эълон қилиниши қишлоқ хўжалиги соҳасини қайта ислоҳ қилиш ва мелиорация ишларига аҳамият бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини аниқлади. Фармонда асосан Республиканинг суғориладиган ерларида мелиорация шохобчаларининг самарали ишлаши таъминлаш мақсадида жамғарма ташкил этиш ва унинг маблағларидан *“...магистрал (вилоятлараро) туманлараро ва хўжалиқлараро очиқ коллекторлар, вертикал дренаж қудуқлар, мелиоратив насос станциялар ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида ёпиқ горизонтал дренаж шохобчаларини таъмирлаш-тиқлаш ишларини ўтказиш”*га сарф этиш белгилаб қўйилган эди.

Тадқиқотлар олиб борилаётган Зарафшон дарё ҳавзасининг ўрта қисмида жойлашган Самарқанд вилоятида 2008-2012 йиллар давомида 28 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, 140 километр узунликдаги тармоқларда эса реконструкция (таъмирлаш) ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун биргина 2008 йилнинг ўзида Мелиорация жамғармаси томонидан қарийб 16 миллиард сўм маблағ йўналтирилган эди. Ҳозирги кунда бу ишлар давом этмоқда.

Ҳавзанинг қуйи қисмида жойлашган Бухоро вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданияти ва ҳосил салмоғини оширишга алоҳида эътибор берилиши кўзда тутилган. Кейинги йилларда бу йўналишда амалга оширилган тадбирлар туфайли кучли шўрланган ерлар 5,5 минг гектарга камайди, ер ости сувлари сатҳи 17 сантиметрга пасайган. Бу борадаги

ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилиши кўзда тутилган. Хусусан, 2007 йилда ташкил этилган мелиорация жамғармаси Пешку ва Жондор, Ромитан ва Қоровулбозор туманларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширди.

2008 йилда Аму-Бухоро канали босқичма-босқич модернизация қилиниб, кейинги уч йил мобайнида “Олот”, “Қуйимозор” ва “Ҳамза-1” насосларини таъмирлаш тўлиқ якунига етказилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 100 миллион доллар сарфланиб, қарийб 100 минг гектар суғориладиган майдонга сув етказиб бериш имкони юзга келди.

Навоий вилоятидаги 114 минг гектар шўрланган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида алоҳида тасдиқланган дастур асосида 2008-2012 йилларда қарийб 30 миллиард сўм маблағ сарфланиши белгилаб қўйилган эди. Вилоятда 2008 йилнинг ўзида бу масала бўйича 2,9 миллиард сўмлик ишлар бажарилиши кўзда тутилган эди. Бу маблағлар ерлардан самарали фойдаланишга сарфлангани шубҳасиз.

Тадқиқот иши ҳам юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимини маълум маънода топишга қаратилган.

Кучли минераллашган грунт сувлари 9-11 г/л ва тебранишлар амплитудаси (6,76-7,70 г/л) Когон туманида, Қорақўл туманидаги Дарғали қишлоғининг шимолида, Жондор туманидаги Яккатут қишлоғининг яқинида кузатилди. Бу кўрсаткичлар ушбу ҳудудлар жойлашган геосистемаларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз эканлигини кўрсатди.

Кучсиз минераллашган грунт сувлари Ургут туманидаги Жартепа қишлоғининг шимолида, Пастдарғом туманидаги Қўшқулуқ қишлоғининг шимолида, Нарпай туманидаги Тортувли қишлоғининг атрофидаги суғориладиган ерларда кузатилди. Бу ҳудудларнинг геоморфологик шароити ва рельеф шакллари гипсометрик жиҳатдан пастликда жойлашган бошқа ҳудудларга нисбатан қулай. Грунт сувлари кимёвий таркиби асосан хлорид-сульфатли, магний-натрийли, магний-кальцийли ва кальций-магнийли типга мансуб. Грунт сувларида ўтказилган 61 таҳлилдан хлорид-сульфатли типга мансуб бўлганлари 65,6 % (40 та синов), сульфатли тип 34,4 % (21 та синов) ни ташкил қилди.

Тузларнинг сифат кўрсаткичларида натрий сульфат (Na_2SO_4), ва магний сульфат (MgSO_4), нисбатан кўп улушга эга – кальций сульфат (CaSO_4) ва кам учрайдиган турини бикарбонат кальций [$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$] тузлари ташкил қилди.

Зарафшон дарё ҳавзаси воҳа геосистемаларининг қуйи қисмида жойлашган Бухоро ва Қорақўл воҳаларида ҳамда Навоий-Конимех воҳасида тузларнинг тўпланиши кучайган. Уларнинг сифат ва миқдори шу ҳудуддаги геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлашга имкон берди. Хлорли тузларнинг асосий қисмини магний хлорид (MgCl_2), натрий хлорид (NaCl) ва кальций хлорид (CaCl_2) ташкил қилди. Зарарли тузлардан бикарбонат магний [$\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$] алоҳида таҳлилларда учрайди. Грунт сувларида ўтказилган лаборатория таҳлилида юқори ишқорийлик (HCO_3), (100 г тупроқда 8-12 мг-экв миқдориди) мавжуд. Шўрхокланишга олиб келадиган асосий тузлар бу – *натрий иони, сода*

(Na_2CO_3 , $NaHCO_3$) ёки зарарли тузлардан магний карбонат ($Mg(HCO_3)_2$) тупроқ шўрланишига сабаб бўляпти [5]. Воҳа геосистемаларининг тупроқларида учрайдиган бир қанча тузлар ўсимликлар учун зарарли. Улар тупроқ шўрланишига ва минераллашган сувлар туз миқдорига боғлиқ ҳолда кўпаяди.

Воҳа геосистемалари ер ости сувлари оқими ва уларнинг буғланиши тупроқларда катта миқдорда туз тўпланишига сабаб бўлмоқда. Ўрганилаётган ҳудуд суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати барқарор эмас. Грунт сувларининг минерал таркиби ўртача (3–10 г/л), айрим жойларда кучли (10–25 г/л) минераллашган.

Хулоса. Мазкур илмий ишда геосистемаларни шакллантирувчи табиий омиллар таҳлил қилинди.

Воҳаларда шўрланиш туфайли юзага келган мелиоратив ҳолат аниқланди. Воҳа геосистемаларининг мелиоратив ҳолатини тупроқларнинг шўрланишига кўра баҳолаш учун, тизимли таҳлилнинг ҳавза усулини қўллаб тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўрта ва йирик масштабдаги топографик карталарнинг горизонталларини таҳлил қилиш ёрдамида рельеф пластикаси карталарининг тузилиши ва бу карталар ёрдамида Зарафшон дарё ҳавзаси суғориладиган ерларидан самарали фойдаланишда тупроқлар ландшафтнинг асосий компоненти сифатида таҳлил қилинди. Дала тадқиқотлари маълумотлари ёрдамида мавжуд ҳолат ўрганилди.

ҲОЛДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент, 2019 йил.
2. Азимбоев С. Тупроқ ва унинг турлари. – Тошкент: “Фан”, 1986. – 35 б.
3. Крылов М.М. Основы мелиоративной гидрогеологии Узбекистана. – Ташкент: “Фан”, 1977. – 148 с.
4. Сабитова Н.И., Ахмедов А.У., Рузикулова О.Ш., Парпиев Г.Т. Образ потоковых структур в почвенно-мелиоративной карте // Аграрная наука – сельскому хозяйству: сборник статей. В 3 кн. Международная научно-практическая конференция. – Барнаул (РФ): Изд-во. АГАУ, 2006. Кн. 3. – С. 392–393
5. Создание системы рационального использования земельных и водных ресурсов, обеспечивающих повышение плодородия почв, водосбережение, предотвращение засоления, опустынивания и других негативных процессов. – Ташкент: ГОСНИИПА, 2005. – С. 74.

УДК: 633.11:631.4:631.82(575.171)

КУЗГИ БУЎДОЙДА ТУРЛИ МИНЕРАЛ ЎГИТ ҚўЛЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ Жамила ХАЙТБАЕВА, “Тупроқшунослик ва деҳқончилик кафедраси” қ/х.ф.д ТИҚХММИ

Аннотация: Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой билан ўтказилган дала тажрибасида минерал ўғит $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{85}K_{60}$, $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда иқтисодий самарадорлик тадқиқ қилинди.

Аннотация: В полевом опыте с озимой пшеницей на орошаемых луговых аллювиальных почвах Хорезмской области изучено экономической эффективности при применении минеральных удобрений в норме $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{85}K_{60}$, $N_{180}P_{125}K_{90}$ и $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га.

Abstract: *Economic efficiency of winter wheat with application of mineral fertilizer at the rate of $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{85}K_{60}$, $N_{180}P_{125}K_{90}$ and $N_{240}P_{170}K_{120}$ kg ha⁻¹ was investigated in the experiment carried out on irrigated meadow alluvial soils of Khorezm Province.*

Калит сўзлар: кузги буғдой, минерал ўғит, меъёр, иқтисодий самарадорлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида» ги фармонида рентабеллиги паст бўлган пахта, ғалла ва бошқа экинлар ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиб унумдорлиги ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини шунингдек, ушбу майдонларда юқори даромадли экинларни жойлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш тўғрисида долзарб масалалар келтирилган [1].

Бугунги кунда «дунё бўйича буғдой 218,5 млн. гектар майдонда етиштирилиб, жами 771,7 млн. тонна дон йиғиштириб олинди ва ўртача дон ҳосили 3,5 т/га ни ташкил этади [5]. Дунёда минерал ўғит қўллаш 2017–2018 йилларда соф ҳолда 187 млн. тоннага етган бўлса, 2022–2023 йилларга келиб ушбу миқдор қарийб 200 млн. тонна» ни ташкил этиши кутилмоқда [6]. Экинларда қўлланиладиган минерал, айниқса азотли ўғитларни энг самарали меъёрларини ишлаб чиқиш иқтисодий ҳамда экологик жихатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Кузги буғдой навларининг минерал ўғитларга бўлган талабчанлиги турлича бўлиб, бу натижада ҳосил ва унинг структурасида акс этади. Чунки қўлланилган ўғитларни тупроқнинг кимёвий хоссаларига бўлган таъсири ўғит меъёри ва

буғдойнинг навига боғлиқ [2,4]. Натижада қўлланиладиган минерал ўғит меъёрларини тўғри танлаб, кўзланган мўл ва сифатли дон ҳосилга эришиш мумкин.

Объектлар ва услублар

Дала тажрибалари Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий текшириш институтининг Хоразм илмий тажриба станциясида 2009–2010 ва 2010–2011 йилларда ўтказилди. Кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави 250 кг/га меъёрда экилди. Минерал ўғитлар $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{85}K_{60}$, $N_{180}P_{125}K_{90}$ ва $N_{240}P_{170}K_{120}$ кг/га меъёрларда қўлланилди. Бўлималарни эни 5 м, узунлиги 5 м, умумий майдон 25 м² ни ташкил этди. Фосфорли (оддий суперфосфат 10% P_2O_5) ва калийли (калий хлориди 51–60% K_2O) ўғитларнинг тўлиқ йиллик меъёри кузда, буғдой экишдан олдин ишлатилди. Азотли ўғитлар (NH_4NO_3 – 34% N) нинг йиллик меъёри учга бўлиниб қўлланилди: 20 фоизи экишдан олдин; 40 фоиздан буғдойни баҳорги тупланиш ва найчалаш даврларида. Минерал ўғитлар самарадорлигини аниқлашда вариантларни далада жойлаштиришда такрорлаш, блоклаш ва рендомлаш усулларида фойдаланилди.

Тажрибаларда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун кузатилган давр мобайнида йиллар бўйича жами даромад, жами харажат, соф фойда ва

рентабиллик ҳисобланди [3]. Кузги буғдойда турли меъёрда минерал ўғит қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда харажат ва даромад элементларининг нарҳларининг 2018 учун қабул қилинган кўрсаткичлари олинди. Бунда 1 кг буғдойнинг давлат томонидан харид нарҳи 750 сўмни ташкил этди.

Йиллар кесимида аниқ тажриба вариантнинг жами харажатлар бир-бирига яқин бўлсада, даромадлар қисми бироз фарқланди. Шу боис,

иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тажриба йиллари бўйича алоҳида келтирилди (1-жадвал).

Натижалар таҳлили

Изланишларнинг барча йилларида ўғитсиз назоратда ($N_0P_0K_0$) дон ҳосили паст бўлиши сабабли кузги буғдой етиштириш бўйича қилинган харажатлар олинган даромаддан юқори бўлган. Натижада тажрибанинг ушбу вариантыда соф фойдага эришилмади.

1-жадвал

Кузги буғдойда турли меъёрда минерал ўғит қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Тажриба Вариантлари	Дон ҳосили, т/га	Жами харажат, сўм/га	Жами даромад, сўм/га	Соф фойда, сўм/га	Рентабеллик, %
2008-2009 йй.						
1	$N_0P_0K_0$	1,45	2724991	1705500	0	0
2	$N_{120}P_{85}K_{60}$	2,99	3697473	3280500	0	0
3	$N_{180}P_{125}K_{90}$	5,53	4279193	5683500	1404307	25
4	$N_{240}P_{170}K_{120}$	5,55	4864954	6400500	1535546	24
2009-2010 йй.						
1	$N_0P_0K_0$	1,80	2783491	2208000	0	0
2	$N_{120}P_{85}K_{60}$	2,80	3926973	4056000	129027	3
3	$N_{180}P_{125}K_{90}$	5,02	4385693	5877000	1491307	25
4	$N_{240}P_{170}K_{120}$	5,97	4804954	6475500	1670546	26
2010-2011 йй.						
1	$N_0P_0K_0$	1,22	2720491	1515000	0	0
2	$N_{120}P_{85}K_{60}$	4,07	3767973	4372500	604527	14
3	$N_{180}P_{125}K_{90}$	5,09	4412693	6037500	1624807	27
4	$N_{240}P_{170}K_{120}$	5,11	4875454	6112500	1237046	20

Кузги буғдойда минерал ўғит $N_{120}P_{85}K_{60}$ кг/га меъёрда ишлатилган вариантда ҳам тадқиқотларнинг биринчи йилида сарф-харажатлар олинган даромаддан юқори бўлди. Буни, тажрибанинг иккинчи ва учинчи йилига нисбатан, сомон ҳосили нисбатан паст бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тажрибанинг иккинчи ва учинчи йилларида 2-вариантда эришилган шартли соф фойда ва рентабеллик мутаносиб равишда 129027 ва 604527 сўм/га, рентабеллик эса 3 ва 14 фоизларни ташкил этди. Тажрибанинг ушбу вариантыда йиллар бўйича шартли соф фойда ва рентабелликни бундай фарқланишини дон ҳосили турлича (2,80 ва 4,07 т/га) бўлганлиги билан тушунтириш мумкин.

Экинда минерал ўғит $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрда қўлланилганда жами даромад 5683500-6037500 сўм/га оралига бўлган. Бунда эришилган шартли соф фойда 1404307 сўм/га дан 1624807 сўм/га гача

ўзгарган, рентабеллик нисбатан мақбул кўрсаткичга эга бўлиб, 25-27 фоизни ташкил этган.

Кузги буғдойда юқори меъёрда ($N_{240}P_{170}K_{120}$) минерал ўғит ишлатилганда жами харажатлар ҳам ошган (4804954-4875454 сўм/га), олинган даромаднинг салмоғи 6112500-6475500 сўм/га оралигида бўлган. Тажрибанинг ушбу вариантыда эришилган шартли соф фойда 1237046-1670546 сўм/га, рентабеллик эса тегишли равишда 20-26 фоизга тенг бўлган.

Хулоса

Демак, Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдойда минерал ўғитлар $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрда қўлланилганда шартли соф фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари нисбатан мақбул бўлганлиги аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони.
2. Джуманязова Ю. Кузги буғдойда суғориш тартиблари асосида азотли ўғитлар меъёрларининг самарадорлиги (Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида). Қ.-х. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент: ТАЙТИ, 2011.
3. Инструкции нормативы по определению экономической эффективности удобрений. Т. ЦИНАО, 1987. – с. 20
4. Саттров Ж.С., Атоев Б.Қ. Кузги буғдой навлари, тупроқ ва ўғит. Монография. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 151 б (133 б).
5. www.fao.org/faostat
6. www.fertilizer.org

УДК: 631. 528

BASE STATIONS FOR DIFFERENTIAL GPS

Utkir ISLOMOV, Otabek ABDISAMATOV, Donoxon ABDURAXMONOVA,

Student, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers Uzbekistan, Tashkent city

Abstract: This article considers the creation of satellite geodetic networks in the Republic of Uzbekistan, the development of modern software projects for high-precision measurements processing. In addition, we can see that modern satellite and geodesic networks are one of the most modern.

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида сунъий йўлдош-геодезик тармоқларини яратилиши, юқори аниқликдаги ўлчовларни қайта ишлаш учун замонавий дастурий таъминот лойиҳаларини

ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари замон талабига жавоб берадиган сунъий йўлдош-геодезик тармоқлари бугунги куннинг энг замонавий қурилмаларидан бири эканлигини кўришимиз мумкин

Key Words: Geodesy, GPS coordinate system WGS84, geocentric coordinate systems, coordinate systems SK – 42 and GLONASS – PZ – 90 systems.

In the present-day satellite navigation sites, the coordinates of the points are first determined in the common geocentric coordinate systems. NAVSTAR uses the GPS coordinate system WGS84, and GLONASS – PZ – 90 systems. For practical tasks, for example, geodesic engineering research uses flat – flat coordinate systems SK – 42 and SK – 95. Therefore, the transition from one coordinate system to the other is a matter of transformation.

There are various ways of transformation. The fieldwork procedure is the same for each transformation to determine the transformation parameters. First, coordinates of at least 3 common points should be known in both coordinate systems (eg WGS84 and local system). At such common points, GPS coordinates and orthometric balances are known in the local system (for example, at existing geodetic networks).

Then one of the methods of transformation can calculate its paramete. In some cases, geodetic coordinates can be detected using a satellite navigation system. Here is a question of restoring the connection between the geodetic coordinate system. As explained above, if two receivers are more than about 10 km apart, the accurate computation of a DGPS difference vector requires that the absolute position of the base station is known to an accuracy of about 1 m.

If a completely ‘local’ coordinate system 7 Processing the data under these circumstances may yield a seemingly

plausible solution, which might, in fact, be incorrect by one or more whole wavelengths.

Software from responsible suppliers will warn a surveyor against using results unless the statistical likelihood of their correctness is high. Even then, however, it is impossible to guarantee that the calculation has yielded the correct result. Plane and geodetic surveying: the management of control networks 56 is to be used for a project, it is perfectly acceptable to base the whole system on a point which has been fixed as a navigational solution, provided it is observed for long enough to fix it to that accuracy.

All difference vectors built out from that point will be of high accuracy, and all points fixed using those vectors will also have an absolute accuracy of less than 1 m, so in turn they can be used as base points for further vectors. Often, however, it is necessary to tie in new GPS stations to a country’s national mapping system. This can be done in three different ways, using three different types of “known” station:

a) Passive stations Most countries, including the UK, provide a network of stations with known (and published) co-ordinates. These are often sited on roadsides or other public places, and so can be occupied without obtaining permission. Using one or (preferably) more of these stations as base stations will tie all new stations into the national coordinate system.

Satellite information

Name of satellite system	Affiliation	Year of commissioning	Total number of satellites	The satellites are currently in working order	Orbit height
GPS	АҚШ	1994	24	24	20,200 km
GLONASS	Россия федерацияси	2010	24	24	19,100 km
GALILEO	Европа	2014	27	3	23,600 km
Compass	Хитой	2000	31	10	36,000 km
Michibiki	Япония	2010	1	1	35,800 km

b) Active stations in addition to passive stations several organisations maintain ‘active’ base stations at known positions. These record GPS data which are subsequently published (usually via the Internet) and which can be downloaded for post-processing in conjunction with data recorded by a roving receiver.


This system allows users with only one GPS receiver to carry out differential GPS and increases the productivity of users with more than one receiver. The format of the data is normally ReceiverINdependent EXchange (RINEX),



The fact that the base and the roving station may be using different types of antenna may also cause problems, as they will have different offsets. The documentation for the post-processing software should explain how to allow for this but any error in inputting this information will potentially go undetected. As a check, download some

which is the standard format for passing GPS observations between different manufacturers’ equipment.

Before using this service, it is wise to check the frequency at which the chosen active station records its observations (typically once every 15 s), and to set your own receiver to record at the same frequency; this simplifies and improves the quality of the subsequent post-processing. Be prepared also to return from recording your own observations only to find that they cannot be used because the active station was not working that day.



further data from another active station, with yet another antenna type, and check that the two differential vectors produce consistent results.

s) Broadcasting stations an emerging service in several countries is the permanent installation of GPS receivers which act as base stations and broadcast their data via short-wave radio to any nearby GPS receiver. Surveyors

who have paid to use the service, and who have suitably equipped receivers, can use this information to show their position to within a centimetre or so in real time (see 'Real

time kinematic'). This system is also used at airports, enabling DGPS to be used as a precision landing aid.

USED LITERATURE:

1. Engineering Survey 2006 yil
2. Г.Г.Поклад., С.П.Гриднев., Геодезия. Москва, 2007 год
3. Plane and Geodetic Surveys 2004 yil
4. Мирзалиев Т., Мусаев И.М., "Картография" -Тошкент 2013 й.
5. Берлянт А.М. "Картография" -Москва 2002 й.
6. Ключин Е.Б. и др.Справочник прикладной геодезии. Недра, -Москва 2000 й.
7. Интернет маълумотлари. www.stat.uz, www.bnuz.com, www.spr.ru.

УДК: 631.528.012

ДАЛА ҲУҚУВ АМАЛИЁТЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ГЕОДЕЗИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Ў.П.ИСЛОМОВ, мустақил тадқиқотчи, Ф.Р. ХАМИДОВ (PhD) доцент, О.С. АБДИСАМАТОВ мустақил тадқиқотчи
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда Республикамизда геодезия, картография, ер геодинамикасини ўрганиш билан боғлиқ илмий ва муҳандислик соҳалари бўйича юқори малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш масаласи ёритиб берилган.

Аннотация: В этой статье, номинированных об обучении геодезии и картографии, а также направлений инвентаризации земель и подготовки высококачественных научных и инженерных специалистов в эти поля в текущей нашей республики.

Abstract: In this Article denominated about learning of geodesy and cartography as well as land inventory directions and preparing high quality scientific and engineer specialists in this fields in current our Republic.

Калит сўзлар: геодезия, картография, кадастр, фотограмметрия, мелиорация, гидротехник тадбирлар, педагогик технологиялар, геодезик асбоблар, картографик технологиялар, интерфейс.

Қириш. Ҳозирги кунда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора ортиб бораётгани Давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлоқ янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўйга чиқаришни тақоза этмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" қабул қилинган шу асосда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда геодезик ишларнинг аҳамияти каттадир. Хўжаликларнинг майдонларини ташкиллаштиришда, аҳоли яшаш пунктларини жойлаштиришда, мелиорация ва йўл соҳаларида, гидротехник иншоотларни барпо қилиш, қазилма бойликларни излаш ва шунга ўхшаш кўплаб ишларни бажаришдаги масалаларни топографик-картографик ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина мувоффақиятли ҳал этиш мумкин.

Геодезия фани қишлоқ хўжалигини планлаштиришга доир ер тузиш ва ер кадастри ишларида, ҳарбий ишларда, мамлакатимиз бойлигини аниқлашда, мелиорация ва гидротехникада, ўрмон хўжалиги каби муҳим соҳаларда кенг қўлланилади. Топографик план ва карта эса геодезик ўлчаш натижалари асосида чизилади. Ер тузиш ва ер кадастри ишларини ўтказишда геодезия муҳим аҳамиятга эгадир, унинг вазифаси чегараларни ташкиллаштириш, лойиҳа тузиш ва хўжаликнинг алмашлаб экиш далаларини жойлаштиришдан иборат. Ер тузиш ва ер кадастри ишларини ташкиллаштиришнинг тайёргарлик босқичида геодезияга топографик-картографик ҳужжатлар билан таъминлаш масаласи юқлатилади.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларини геодезик ва топографик-картографик ҳужжатлар ва маълумотлар билан таъминлаш мақсадида ҳозирги вақтда турли технологиялар, жумладан, компьютер,

GPS ва электрон технологияларнинг турли маркалари ишлаб чиқилмоқда ва қўлланилмоқда.

Лойиҳани тузиш босқичида геодезия лойиҳанинг техниквий қисмини бажаради, яъни лойиҳани жойга кўчиришни амалга оширади. Қишлоқ хўжалигида ер тузувчиларга геодезик ўлчаш ишларини топографик план ва картадан фойдаланиб жойларда бажаришга тўғри келади.

Ернинг шакли ва катталиги ҳақидаги маълумотлар инсоният учун зарурдир. Бу маълумот Ернинг Сунъий Йўлдош (ЕСИ)ларини учиритиш, телевидения, геология, радио, география, геофизика учун зарурдир.

Ер юзасини ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда ер юзасини инженерлик иншоотларини барпо қилиш билан шуғулланадиган барча мутахассислар учун топографик карта кўз бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун ундан фойдаланишни яхши билиш керак.

Геодезик ишлар саноат ва йўл қурилишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Янги шаҳар ва қишлоқларни бунёд этиш, аҳоли яшайдиган ҳудудларини планлаштириш каби муҳим ишларни геодезик ишларсиз ва топографик карталарсиз амалга ошириб бўлмайди.

Геодезик ўлчаш ишлари, топографик карталар ва аэрофотосъёмка материаллари мамлакатимиз муҳофаа қобилиятини ошириш воситаларидан биридир. Топографик карта ва аэросуратлардан тактик, стратегик масалаларни ҳал қилишда, ҳамда бошқа ҳарбий ишларда кенг фойдаланилади.

Умуман, геодезия мамлакатимиз хўжалигини барча тармоқларини ривожлантиришда ва муҳофаа қобилиятини оширишда жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди муҳофаасини ташкил этиш, давлат кадастри тизимини юритиш, инженерлик иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида мунтазам кузатишларни олиб бориш, мелиорация ва гидротехник тадбирларни амалга ошириш ҳамда ер геодинамикасини ўрганиш билан боғлиқ илмий ва муҳандислик масалаларини ҳал этиш геодезия, картография ва кадастр соҳалари бўйича юқори

малакали мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади.

Ҳозирда республикада юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида амалга оширилмоқда.

Республикада АҚШ, Швейцария, Германия, Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқилган замонавий геодезик, картографик асбоблар ва технологияларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда. Аммо, давлат тилидаги ўқув, илмий – услубий адабиётларни ҳозирги пайта эскирганлиги, замонавий геодезик, фотограмметрик, картографик асбоб ускуналар ва янги технологияларнинг етишмаслиги ушбу соҳа олий таълимни янги технологияларини таърифлайдиган илмий, илмий – услубий, ўқув адабиётларни ва шу билан бир қаторда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув жараёнини ва ишлаб чиқаришни замон талабига мос равишда ташкил этиш, янги илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш, дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларни “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси тасарруфидаги илмий-амалий институтлар билан биргаликда тайёрлаш самарали натижа беради.

“Геодезия ва геоинформатика” йўналишининг мутахассиси куйидагиларни билиши керак:

- замонавий геодезик асбоблар билан мукамал ўлчашларни бажара олиши;
- ўлчаш натижаларини таҳлил қилиш, график чизмаларни тайёрлай олиши;
- халқ хўжалигининг турли соҳаларида инженерлик геодезик масалаларни пухта, аниқ еча олиши;
- геодезик асбоблар билан тўғри муомала қилиш ва улардан турли хил ўлчашларда моҳирлик билан фойдалана олиши;
- теодолит, нивелир, мензула ҳамда кўз билан чамалаб план олиш ишларини бажариш юзасидан зарур ишлаб чиқариш малакасини ҳосил қилиш,

Trimble M3 Servo ва механик тахеометрлар бугунги кунда замонавий фойдаланувчилар учун зарур бўлган ишончли механик тахеометр; кучлилиги, функционалиги ва модулли дастур таъминоти билан ишончли. Таниш ва фойдаланишга осон интерфейсга эга. Далада тез натижа олиш учун маълумот тўплаш ва ҳисоблаш имкониятига эга.



The Trimble® TX5 3D лазерли сканерлар турли сканерлаш вазифалари учун мўлжалланган бўлиб, тубдан ўзгартирилган ва кўп функцияли 3 ўлчамли сканер. Ихчам ва энгил дизайни иш жараёнида тенги йўқ мобилликни таъминлайди ва иш унумдорлигини оширади, сезувчан ва фойдаланиш учун осон интерфейс янги фойдаланувчиларга тезликни ошириш имкониятини беради. Кўп функцияли ва фойда келтирадиган, кўтариб юришга қулай, фотореал манзараларни яратиш учун интеграциялашган рангли фотоаппарат вазифасини ҳам бажаради, сезгир экранли бошқарув янги фойдаланувчилар учун мукамал қилиб ишланган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, замонавий геодезик асбоблардан унумли фойдаланиш

шунингдек дала ўқув ва камерал – ҳисоблаш ҳамда текшириш ишларини пишиқ-пухта бажаришни ўрганиб олган бўлиши;

- турли мавзудаги карталарни тузиш, нашрга тайёрлаш ва нашр қилишнинг замонавий услубларида ишлай олиши;
- карталарни таҳлил қилиш ва улардан тадқиқотларда фойдалана олиш;
- давлаткадастриниюритишигаоидмасалаларн иеча олиши шарт.

Ўқув амалиётларининг асосий мақсади назарий билимни ўрганиш давомида олган билимларни мустаҳкамлаш ва мутахассислиги бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилган. Ўтиладиган ўқув амалиётлари Геодезия, Ер тузишда геодезик ишлар ва Фотограмметрия фанларидан ўтказилади ва ушбу ўқув амалиётлар олий ўқув юртинининг ўқув амалиёт базаларида, кафедра етакчи мутахассислари раҳбарлигида олиб борилади.

Амалиёт геодезия, картография ва кадастр йўналишида талабанинг мутахассис сифатида шаклланишида касбий, амалий билимларни ва кўникмаларни илмий текшириш, илмий лойиҳалаш институтларида мазмунли ишлашларида, “Ўзгеодезкадастр” давлат қўмитаси тасарруфидаги ташкилотлар ва корхоналарда, қурилиш ташкилотларида фаолият кўрсатиш учун замин ҳисобланади. Ўқув жараёнини замон талабига мувофиқ ташкил этиш, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан ўқув жараёнига замонавий янги геодезик асбоблар ва картографик технологияларни жорий этиш билан боғлиқдир. Бугунги кундаги жаҳон мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган ва бизнинг олий ўқув юртимизда мавжуд бўлган замонавий геодезик асбобларни бир неча русумлари номини келтириб ўтамиз:

- Trimble M3 Servo ва механик тахеометрлар;
- GNSS rover – Trimble R4;
- TheTrimble® TX5 3Dлазерли сканерлар.



GNSS rover – Trimble R4 энгил, қулай ва кабелс частотали антенна трек қилиш қобилиятини куча фаза маркази барқарорлигини миллиметр бўла таъминлайди, олинадиган батарея энергиялаштирилган, ГПС L1, L2, L2C ва ҚЗС стандартлаштирилган, статик съёмка ёки РТК уч ровер сифатида ишлатилади, тримбле ВРС ечимла; мос келади, ўрнатилган 450 МХЗ фақат радио ёи интеграциялашган GSM/ГПС радиони қабул қилади



натижасида бажарилаётган топогеодезик ишлар аниқлигини ва сифатини ошириш, ишчи кучини ва вақтни тежаш имконияти яратилади.

Шу боис, ҳозирги замон геодезик асбоблар билан таъминланган ташкилотларда мутахассислар етишмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, олий ўқув юр்தларини замонавий электрон геодезик асбоблар билан таъминлаш, дала ўқув амалиёт базаларида улар билан бевосита ишлаш имкониятини яратиш керак.

Шунингдек, хорижий давлатларда мазкур йўналиш бўйича эришилган бой тажрибадан кенг фойдаланиш, турдош олий таълим муассасалари билан илмий-педагогик алоқаларни янада мустақамлаш, илмий анжуманларда фаол иштирок этиш, фикирлар алмашиш каби давр синовидан ўтган алоқаларни қайта тикласак, республикамизда геодезия, картография ва кадастр соҳасида олиб борилаётган ишларни янада юқори поғонага кўтарган бўлар эдик.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент “Адолат” 2017 йил
2. Исломов Ў.П., Инамов А.Н., Лапасов Ж.О. “Геодезия фанидан ўқув амалиётини ўтказиш бўйича методик кўрсатма”. ТИҚХММИ босмаҳонаси 2017-й.
3. Муборақов Ҳ.М. “Геодезия – Тошкент”, Чўлпон, 2007-й.
4. Охунов.З. Геодезиядан практикум.Тошкент. Университет. 2009.й. –200-бет.
5. Муборақов.Ҳ.М. Аҳмедов.С. Геодезия ва Картография.Тошкент. Ўқитувчи, 1984.й.
6. Норхўжаев.Қ.Н. Инженерлик геодезияси.Тошкент. Ўқитувчи, 1984 йил
7. Муборақов.Ҳ.М., Охунов.З.Д., Пармонов.М.Х. Инженерлик геодезияси, Геодезик асбоблар тузилиши ва улар билан ўлчашларни бажариш Тошкент; ТИМИ.1990 й.
- 8.Раҳимбоев.Ф.М., Ҳамидов.М. Қишлоқ хўжалик мелиорацияси.Тошкент: Ўқитувчи, 1996 й.
9. Basic Geodesy Rockville, Md.September 2010
- 10.Practical Geodesy, Maarten Hooijberg 2010
- 11.Интернет маълумотлари.

УЧЕТ ВЕРТИКАЛЬНОЙ РЕФРАКЦИИ В ЭЛЕКТРОННОЙ ТАХЕОМЕТРИИ С МИНИМАЛЬНЫМИ ЗАТРАТАМИ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ КАНАЛОВ-ЛОТКОВ

Отабек АБДИСАМАТОВ, соискатель, Ўткир ИСЛОМОВ, соискатель, Ф.Р. ХАМИДОВ PhD доцент.
Бухаринского филиала, Абдулло ЖУРАЕВ, соискатель
ТИҚХММИ

Аннотация: В настоящее время тщательный анализ пути развития страны в условиях растущей конкуренции на мировых рынках, в условиях глобализации требует новых подходов и принципов, способствующих развитию нашего государство стабильными и быстрыми темпами.

Аннотация:

Abstract: Elaborating absolute new approach, principles and realizing them to develop fast and make stable in the condition of world market conjuncture sharp change and globalization and deeply analyze of progress way of our country is required to day.

На современном этапе развития геодезического производства учет влияния вертикальной рефракции – насущная производственная проблема. Приборная точность современных электронных тахеометров (до 0,5") позволяет заменить тригонометрическим нивелированием трудоемкое геометрическое нивелирование IV и даже III класса.

Единственная причина, по которой возможности современных электронных тахеометров не могут быть реализованы в полной мере, — влияние атмосферы на точность угловых измерений. В отличие от горизонтальной рефракции, влияние которой не всегда значимо, вертикальная рефракция на протяженных трассах практически всегда сравнима с приборной погрешностью или превышает ее. Небольшой вертикальный градиент температуры — 0,2°С/м на дистанции в 1 км приведет к формированию угла вертикальной рефракции, равного 20". На одной и той же трассе протяженностью 5 км в течение одного дня угол рефракции меняется от 20" до 180". Особенности современного геодезического производства, среди которых следует выделить ограниченные расстояния (максимальная дальность электронных тахеометров 5 км), открывают новые возможности и пути развития методов учета влияния атмосферы.

Автором разработана комплексная методика учета влияния атмосферы, возможности которой в полной мере реализуются именно в условиях ограниченного пространства: десятки километров по горизонталю и приземный слой атмосферы толщиной 1 км по вертикали. По своему характеру данная методика — универсальна, учет вертикальной рефракции — лишь частный случай ее практического приложения. В основе методики лежат два базовых принципа:

совокупное использование измерений параметров атмосферы и моделирования их пространственной изменчивости (измерения необходимы для обеспечения точности, они служат источником информации о фактическом состоянии атмосферы, моделирование позволяет до минимума сократить объем измерений);

дифференциальный принцип моделирования атмосферы (моделируется *пространственная изменчивость* параметров атмосферы в пределах *местных полей* метеоэлементов).

Особенности разработанной методики не только коренным образом отличают ее от существующих, но и

обеспечивают эффективность работ, под которой автор понимает оптимальное соотношение точности и оперативности определения поправок за влияние

приземного слоя атмосферы. При пространственном моделировании изменчивости состояния атмосферы автор учитывает изменение двух факторов формирования местных метеорологических полей: типа подстилающей поверхности и высоты визирного луча над ней.

Как *максимум* — аналогичные измерения выполняют в двух пунктах (над двумя резко отличающимися по своим микро климатическим свойствам поверхностями).

В первом случае обеспечена возможность определения фактического угла рефракции на высоте измерений для того типа подстилающей поверхности, который характеризует точку стояния прибора. Во втором случае угол рефракции может быть вычислен с высокой надежностью для любого уровня в охваченном измерениями слое воздуха и для всего спектра представленных поверхностей. Кроме того, есть возможность контроля полученных результатов (они не должны выходить за крайние значения).

Остановимся подробнее на первом подходе, так как именно он вынесен в заголовок статьи. Не учёт типа подстилающей поверхности оправдан в случае однородных трасс. Угол рефракции вычисляется: по результатам градиентных измерений мете элементов; для высоты визирного луча; с учетом протяженности трассы. Особенности предлагаемой технологии учета вертикальной рефракции с минимальными затратами позволяют в значительной мере упростить основные базовые формулы комплексной методики. Теперь подробнее о трех перечисленных ранее компонентах вычисления угла рефракции.






Рисунок-1 Продольный профиль канала-лотка

Оптимальная организация процесса измерения метеоэлементов предполагает использование геодезического градиентометра, который представляет собой телескопическую штангу с расположенными на ней электронными метеодатчиками. С его помощью осуществляют и

контролируют процессы метеорологических измерений и вычисления поправок за влияние рефракции встроенный микроконтроллер. Автором составлена программа обработки результатов метеоизмерений для микроконтроллера *рисунок-1*.



Градиентометр может быть реализован и в качестве комплектующего устройства электронного тахеометра. В этом случае процесс обработки результатов метеоизмерений будет вестись по прикладной программе (процедуре) электронного тахеометра. Градиентометр следует рассматривать как средство комплексного учета влияния атмосферы на результаты как угловых, так и линейных измерений.



2-рисунок: Кроки тахеметрической съёмки

Средняя *высота визирного луча* — самый трудоемкий элемент дополнительных определений в комплексной методике. Автором разработан принцип учета влияния атмосферы без знания высоты визирного луча. При его использовании на рабочем направлении вертикальный угол измеряют на дополнительном уровне (изменяется положение отражателя или выполняется визирование на второй отражатель, расположенный на другой высоте). Необходимость в определении высоты визирного луча в этом случае отпадает, и измерение электронным тахеометром угла наклона на дополнительном уровне не представляет труда. *Протяженность трассы* — один из элементов комплекса измерений, выполняемых посредством электронного тахеометра.

Предлагаемая технология — легко реализуема и эффективна при учете влияния вертикальной рефракции на однородных трассах. Степень эффективности данной технологии в случае трасс с выраженной неоднородностью подстилающей поверхности — предмет отдельного обсуждения.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

- 1 Мирзиёев. Ш. М. Вместе мы построим процветающий демократический Узбекистан. Ташкент, Узбекистан, 2016-56.б.
- 2 Мирзиёев. Ш. М. Критический анализ, строгая дисциплина – и дисциплина – должны быть повседневной деятельностью каждого лидера. Ташкент, Узбекистан, 2017 - 104б.
- 3 Мирзиёев. Ш. М. Верховенство закона и защита человеческих интересов являются ключом к развитию и процветанию страны. Ташкент, Узбекистан, 2017 - 48б.
- 4 Мирзиёев.Ш. М. Стратегия действий по пяти приоритетам развития Узбекистана. Т., Узбекистан, 2017. Gazeta.uz.
- 5 Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года № 258-Ф.
- 6 Президент Ш.М.Мирзиёев, Из встречи с активистами Ташкентской области, 22.07.2017.

- 7 “Геоинформкадастр” Davlat Unitar Korhonashi malumotlari.
- 8 Сафаров Э., Мусаев И Геоахборот тизими ва технологиялар. Т., ТИМИ, 2008, – 160б.
- 9 Назиров А.Н. Геодезия. Т., Инструктор, 1978. Маслов А.В. я доктор Геодезия М.: Недра, 1990 – 324 с.
- 10 Рахимбаев Ф.М., Хамидов М.М. «Сельскохозяйственная мелиорация» (кафедра геодезии) Т.: Узбекистан 1996. – 128 с.
- 11 Мубораков Х., Ахмедов С. Геодезия и картография. Тошкени: Инструктор, 2002. – 304 с.
- 12 Мубораков Х.М., Ахунув З.Д., Пармонов М.Х., Геодезия машиностроения.Т.: ТИҚХММИ, 1991. –82 б.

УДК: 631.1:533.6:528.7

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Ўтқир ИСЛОМОВ, Отабек АБДИСАМАТОВ, Фурқат ЮСУПОВ, ТИҚХММИ

Аннотация: Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир, шу ўринда замонавий технологиялардан бири бўлган учувчисиз учиш аппаратларини қишлоқ хўжалигига кириб келиши экинларни назорат қилиш, кузатишда вақтдан унумли фойдаланишга ва энг асосийси самарали фойдаланишга имкон берди. Шунингдек, мақолада экинлар соғлом ва вақтида ўсиб бориши учун мунтазам равишда учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида мониторинг ишларини амалга ошириш кераклигини кўришимиз мумкин.

Аннотация: Эффективное использование сельскохозяйственных орошаемых земель является одной из важнейших задач сегодняшнего дня, когда одной из самых современных технологий беспилотных летательных аппаратов является возможность эффективного использования своевременного мониторинга и мониторинга посевов, дал. Кроме того, в этой статье мы видим, что рутинное обслуживание беспилотных летательных аппаратов путем макетирования имеет важное значение для здорового роста посевов.

Abstract: Efficient use of agricultural irrigated land is one of the most important tasks of the present day, where one of the most modern technologies of unmanned aerial vehicles is the possibility of efficient use of timely monitoring and monitoring of crops, has given. Also, in the article, we can see that routine maintenance of drones by monitoring is essential to the healthy growth of crops.

Калит сўзлар: Учувчисиз учиш аппаратлар, мониторинг, аэро-космос суръат, аэросуръат, рақамли карта.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида сув хўжалиги соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, сув ресурсларини бошқариш тизими такомиллаштирилди, суғориш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилади, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг сув таъминотини ошириш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилди, замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини ўрнатиш, қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ишларига кенг эътибор берилди. Пахта, шоли каби сувни кўп талаб қилувчи экинлар қисқартирилиб, ўрнига бошоқли дон, сабзавот-полиэ экинлари ва боғ-узумзорлар майдони кенгайтирилди. Шу ўринда ҳозирда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш борасида бир қанча ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 мартдаги 258-Ф-сонли “Қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш, худудни картографиялашда техник ва технологик ишлаб чиқишни ривожлантириш ва янгилашни амалга ошириш тўғрисида”ги Фармойишига асосан,

1-жадвал. “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси томонидан ишлатилаётган “Phantom 4 Pro” учувчисиз учиш қурилмаси

Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” кўмитаси тизимида “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси томонидан замонавий технологияларни жорий этиш, улардан мақсадли фойдаланиш бўйича бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон худудидида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланишни тарғиб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси худудидида корхона тамонидан, аэро-космо суръатларни далада ҳатловдан ўтказиш натижаси бўйича худудларнинг электрон рақамли хариталари, ер майдонларини ер турлари ва контурлари бўйича ҳисоблаш қайдномаларини яратиш ишлари амалда бажариб келинмоқда. Ҳозирги кунда эса, ишлаб чиқаришда қўлланадиган янги технологиялар, юқори аниқликка эга бўлган аэро-космо суръатлар, электрон рақамли карталарни яратиш бўйича замонавий дастурий таъминотларга асосланган ҳолда, электрон рақамли карталарни яратиш ишлари олиб борилмоқда. Корхона тамонидан ҳозирда фойдаланилаётган замонавий технологиялардан “Phantom 4 Pro” учувчисиз учиш қурилмаси ва “Ptero G1” учувчисиз авиация қурилмалари бунга мисолдир. (1 ва 2 чи жадваллар)

корхонаси томонидан ишлатилаётган “Phantom 4 Pro” учувчисиз учиш қурилмаси

№	Техник имкониятлар	Phantom 4 Pro
1	Оғирлиги	1388 г
2	Учиш масофаси	10 км
3	Кўтарилиш баландлиги	300 м
4	Тезлиги	72 км/соат
5	Битти батареянинг кувватида учиши	30 дақиқа
6	Акумлятор	LiPo 4S, 5870 MA/соат
7	Навигацион модуллари	GPS ва Glonass

2-жадвал. “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси томонидан ишлатилаётган “Ptero G1” учувчисиз авиация қурилмаси

№	Техник имкониятлар	Ptero G1
1	Қувватлантирувси ёнилғи	Бензин Аи-95
2	Оғирлиги	20 кг
3	Юк кўтариш оғирлиги	5 кг гача
4	Учиш масофаси	800 км гача
5	Кўтарилиш баландлиги	300 м
6	Тезлиги	85...125 км/соат
7	Учиш вақти	8 соатгача
8	Намлик ва фойдаланиш ҳарорати	98% гача; -30°...+40°

бошоқли

Замонавий учувчисиз учиш қурилмалари қишлоқ хўжалигида қўлланиши натижасида, далани электрон картасини автоматик тарзда аэросуръатга олиш орқали яратиш ҳамда маълумотларга автоматик тарзда қайта ишлов бериш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳатловдан ўтказиш, бажарилган ишлар ҳажмини баҳолаш ва уларни бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиш, экинларни ҳолатини оператив мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини назорат қилиш, қишлоқ хўжалик ерларини экологик мониторингини олиб бориш, қишлоқ хўжалик экинларини униб чиқишини назорат қилиш, такрорий экин учун қайта ерни ҳайдаш сифатини текшириш, шунингдек экранда кўриб турган ҳолда таҳлил қилиш ва жўнатиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан 2018 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларнинг ҳолатини жойларда мониторинг қилиш мақсадида “Ўздавергеодезкадастр” кўмитаси тамонидан учувчисиз учиш аппаратларидан масофадан туриб суратга олиш ишлари амалга оширилди. Суратга олиш натижалари бўйича ҳар бир фермер хўжалиги

дон экинларини экилиши юзасидан ўтказилган мониторинг маълумотлари асосида яратилган қишлоқ хўжалик электрон хариталаридан фойдаланилди. Ушбу электрон хариталар Давлат геодезия координаталарига боғланган ҳолда, ҳар бир фермер хўжалиги ва дала контурлари кесимида ғалла экилган майдонларини ҳисоблаб чиқариш имконини беради. Иккинчидан, учувчисиз учиш аппарати ёрдамида халқаро геодезия тизимига, яъни, WGS84 тизимига боғланган ҳолда 1000 метр баландликдан суратга олиш ишлари ўтказилди. Учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида олинган тасвирлар электрон қишлоқ хўжалиги хариталари устига туширилади. Бу эса бошоқли дон экинларининг ҳақиқий ҳолатини контурма-контур таҳлил этиш ва аниқ гектарларни ҳисоблаш имконини беради.

2018 йил 17-март куни Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Пахтакор ҳудуди учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида суратга олинди (1-расм). Суратга олиш натижаларини юқорида айтиб ўтилган тизим асосида таҳлил қилинганда, ҳудудда жами ғалла экилган 487 гектардан 83.5 гектари, жумладан 60.3 гектари ривождан орқада қолганлиги, 23.2 гектари сийрак униб чиққани аниқланди. Шунингдек, ҳудудда 230 гектар майдон шудгорлаб қўйилганлиги, Кўктош қишлоғи жами 207.6 гектар томорқа ер майдони мавжудлиги ҳисоблаб чиқарилди. Ушбу олинган маълумотлар асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишчи гуруҳ билан биргаликда ҳар бир ҳудуд кесимида камчиликларни бартараф этиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Учувчисиз учиш аппаратлари қишлоқ хўжалигида қўлланиши натижасида, далани электрон харитасини автоматик тарзда аэросуратга олиш орқали яратиш ҳамда маълумотларга автоматик тарзда қайта ишлов бериш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳатловдан ўтказиш, бажарилган ишлар ҳажмини баҳолаш ва уларни бажарилишини назорат қилиш, экинларни ҳолатини оператив мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини назорат қилиш, қишлоқ хўжалик ерларини экологик мониторингини олиб бориш, қишлоқ хўжалик экинларини униб чиқишини назорат қилиш, ерни ҳайдаш сифатини текшириш, шунингдек экранда кўриб турган ҳолда таҳлил қилиш ва жўнатиш имкониятларини беради.



1-расм. Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Пахтакор ҳудуди учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида суратга олиш натижаларини юқорида

ва дала контурлари кесимида жами ғалла экилган майдонлар шундан униб чиқмаган ёки униб чиққан, ғалла ривожланишдан ортда қолган, бегона ўт босган, ғўзапоядан тозаланмаган ва бостириб суғорилган майдонлар бирма-бир аниқлаб чиқилди.

Бунинг учун, биринчидан, 2017 йил октябр ва декабр ойларида ер тузувчи мутахассислар томонидан

ҲОЛДАНИ АНИҚЛАШ

1. Мирзиёев. Ш. М. Эркин фаровон демократик Ўзбекистон давлатни биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 – 56.б.

2. Мирзиёев. Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 – 104б.

3. Мирзиёев. Ш. М. Қонун ушворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарақиёт ва халқ фаровонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 – 48б.
4. Мирзиёев.Ш. М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта ушвор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. “Газета.uz”.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 мартдаги 258-Ф сонли Фармойиши.
6. Президент Ш.М.Мирзиёев, Тошкент вилояти фаоллари билан учрашув нутқидан, 22.07.2017й.
7. “Геоинформкадастр” Давлат Унитар Корхонаси маълумотлари.
8. Сафаров Э., Мусаев И Геоахборот тизими ва технологиялар. Т., ТИМИ, 2008, – 160б.
9. Назиров А.Н. Геодезия. Т., Ўқитувчи, 1978. Маслов А.В. и др. Геодезия М.: Недра, 1990 – 324 с.
10. Рахимбаев Ф.М., Хамидов М.М. “Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси” (геодезия бўлими) Т.: Ўзбекистон 1996. – 128 б.
11. Муборақов Х., Ахмедов С., Геодезия ва кортография. Тошкени: Ўқитувчи, 2002. – 304 бет.
12. Муборақов Х.М., Охунов З.Д., Пармонов М.Х., Инженерлик геодезияси. Т.: ТИҚХММИ, 1991. –82 б.
13. Охуноз., Геодезиядан практикум.Тошкент: Университет, 2009. –200 бет.
14. Норхўжаев К.Н, Инженерлик геодезияси. Т., Ўқитувчи.

УДК:332

ЕР ТУЗИШ ВА ДИН

А.М.МУҚУМОВ, катта ўқитувчи ТИҚХММИ

Аннотация: Қадимги цивилизацияларда инсонлар ер тузишга алоҳида аҳамият беришган. Ер участкаларнинг чегаралари ҳукмдорларнинг фармонлари ва қонунлар билан қўриқланган. Чегара белгиларини ўрнатиш вақтида қурбонликлар қилинган ва чегара белгиларига уни бузувчиларга қарши диний оятлар ёзилган.

Аннотация: Люди древних цивилизаций придавали очень большое значение землеустройству. Границы между участками строго охранялись законами и указами правителей. Межевые (пограничные) знаки были освящены религией. На них часто наносили тексты, славшие проклятия на головы нарушителей межевых знаков.

Abstract: People of ancient civilisations attached very much great value to land management. Borders between sites were strictly protected by laws and decrees of governors. Bordery (boundary) signs have been consecrated by religion. On them often put the texts which were laying down damnations on lives of infringers межевых of signs.

Калит сўзлар: ер тузиш, ишлаб чиқариш воситалари, ер муносабатлари, ҳудуд, ер турлари, ер ижараси шартномаси.

Иштимой ташкилотларнинг ҳар бир турига, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига, ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган асосий мулкчилик шаклидан келиб чиқадиган, ўз навбатида ер тузишнинг ўзига хос мазмуни ва шаклини келтириб чиқарадиган, маълум ер муносабатлари мос келади. Ер тузиш тарихини ўрганиш унинг табиатини, ривожланиш қонуниятларини яхши тушуниш ва шунга асосан уни ҳозирги шароитда такомиллаштиришнинг самарали йўллари топиш имконини беради. Маълумки, ер табиий асос, ишлаб чиқариш жараёнининг биринчи моддий зарурати ва шартини ҳисобланади. Шунинг учун инсоният жамияти эволюциясининг барча тарихий босқичларида ернинг (ҳудуднинг) ва турли хил ишлаб чиқариш воситаларининг бир-бирларига мослигини ва бирлаштирилишини у ёки бу даражада таъминлаш керак бўлди.

Тарихий ҳужжатлар маълумотларидан қўринадикки ер тузиш ҳаракатларига бўлган талаб на фақатгина бугунги куннинг эҳтиёжи балки узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган урф-одатларнинг давоми ҳисобланади. Бу мулоҳазани тарихий – диний ҳужжатлар: қуръони-қарим, библия, инжил ва бошқаларнинг маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Бутун дунё мусулмонларнинг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръони-қаримда ер ресурсларига ва маҳаллий халқлар яшайдиган маълум ҳудудларга нисбатан ҳурмат билан муомула қилишни белгиловчи бир қатор оятлар мавжуд. Масалан, Бақара сураси 3–пора 265–оятда қуйидагича ёзилган “Молларини Аллоҳ, ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф қиладиган кишилар адирдаги боққа ўхшар: унга жала қуйғач, ҳосилини икки баробар етиштирар. Агар унга жала ёғмаган бўлса, томчилаб ёққан ёмғир ҳам (ўзига яраша ундирар). Аллоҳ қиладиган амалларини қўриб турувчидир”. Ушбу суранинг 266–оятда ушбу масала

қуйидагича баён қилинган “Остидан анҳорлар оқиб турадиган, хурмою узумлари бор, турли хил мевалари мўлбоҳ эгаси кексайиб, нотавон (ёш) болалари билан қолган пайтида ўша боғини оловли тўфон уриб, ёниб кетишини хохлайдими?! Тафаккур қилурсиз, деб, Аллоҳ ўз оятларини сизларга шундай баён қиладиган”. Ушбу келтирилган мисоллардан ҳам қўриниб турибдики қадим замонлардан бошлаб араб халқлари ер сифатининг турли зарарли омиллар таъсирига учраб пасайиши (эрозия), адирли ҳудудларда ер турларининг рационал таркиби (бу ерда гап экин ерлари тўғрисида эмас, балки боғларга алоқадор) ва ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ўз тасавурларига эга бўлганлар. Шу сабабли исломда жуда эрта даврдан: “вақф– давлат томонидан жамоа ёки шахсга берилган мулк (унинг таркибига бино ёки иншоатдан ташқари, ер ресурслари ҳам киритилган)”, “аз-зар – ерни ижарага олиш шартномаси”, “дар-ас-сулҳ – тинчлик шартномаси ери”, “ҳарадж – ердан фойдаланганлик учун ҳосилнинг бир қисми ёки бошқа қўринишда олинадиган ер ҳақи” каби ҳуқуқий терминлар кенг қўллана бошланган. Қурону-қаримда “ризқ” тушунчаси инсонга “Оллоҳ” томонидан унинг яшаши учун берилган восита сифатида талқин қилинган бўлса, Усмонийлар империясида ушбу тушунчани даромад келтирувчи ер участкаси сифатида талқин этишган. Тарихий манбалардан маълумки, турли шаклдаги ерларнинг ҳуқуқий ҳолатида фарқлар булган. Чунончи, вақф ерларининг ҳуқуқий ҳолати давлат ерлари ёки шахсий мулкдаги ерларга нисбатан фарқ килиб, сотилиши, ҳадя, совға қилиниши, гаровга қуйилиши мумкин бўлмай фақат ижарага берилиши мумкин бўлган. Ердан фойдаланувчилар вақф ерларидан ижара асосида фойдаланганлиги учун солиқ-рента тўлашган. Бу ерлардан фойдаланганлик учун ижара ҳақи шу ер участкаси қайси масжитга тегишли бўлса, унинг фойдасига келиб тушган. Давлат мулки ҳисобланган ерларни

тасарруф қилиш ҳуқуқи давлат бошлиғига тегишли бўлган. Ҳуқуқий адабиётларда жуда туғри таъкидланганидек, "амлок ерлардан амалда фойдаланувчи шахслар бу ерларга нисбатан тўла миқёсда ҳуқуқий ҳаракатлар қилиши мумкин эмас, чунки бу ерлар давлатга тегишли бўлиб, унга нисбатан юридик ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи олий ҳукмдорликка берилган".

Шу ўринда эътироф этиш зарурки, проф. С.Н.Волковнинг фикрича, буддизм ёки Хитой ва Японияда кенг тарқалган миллий динларда (даосизм, синтоизм, конфуция) ва бошқаларда инсонларнинг ер тузилишига муносабати унчалик ҳисобга олинмаган. Уларда асосан чегара белгиларни бузувчиларга нисбатан ланъатлар келтирувчи матнлар келтирилган, масалан, "Cursed is he that removed his neighbors land-mark" ("Қўшнингнинг чегара белгиси (тош)ни силжитган шахс ланъатга учрасин (муаллиф таржимаси). Чегара белгиси (тош)ни ўрнатиш тадбирлари кўпинча диний маросимлар, қурбонликлар келтириш билан боғланган. Хаттоки, баъзи давлатларда чегара худолари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Рим империясида чегара худоси – Терминий бўлиб, хар йили 13 – феврал куни чегара тошларида ушбу худони шарафловчи тадбирлар ўтказилган. Ўтмишда яшаган инсонлар ўзларининг худоларида турли сифатлар ва қобилиятлар мавжудлигига ишонишган, шу жумладан, ер ўлчаш бўйича ҳам. Масалан, миср худоси Тог турли саройлар, каналлар қурувчиси, далалар чегарасини кўрсатувчи, ерларни ўлчовчи ва чизмачилик қироли сифатида улуғланган. Ер ўлчаш ишлари тўғрисида фикрлар Библияда ҳам мавжуд. Маълумки, қадимда деҳқончилик аҳолининг асосий фаолияти ва яшашининг бош манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу фаолият на фақат оддий халқ вакиллари балки зодгонлар ва машхур шахслар томонидан ҳам ҳурмат қилинган. Ўша давр маълумотларига кўра ерлар худога тегишли эканлиги белгиланган ва унинг томонидан ер ўз халқига совға қилган. У ерларни эркаклар сонига кўра тенг тақсимлашни буюрган. Шу сабабли Иисус Навин даврида ерлар тақсимланган ва хар бир эркак "алоҳида чегараланган" ер участкасини олган.

Проф. С.Н.Волковнинг таъкидлашича христиан давлатларида ер тузиш бугунги кунда ҳам жуда муҳим ҳаракатлардан бири ҳисобланади, у ер тузувчидан на фақат мутахассисликка оид касбий

билимларни, балки яхши тарбияни ва шу билан бир қаторда махсус рухий тайёргарликни ҳам талаб қилади. Шу сабабли ер тузувчи касби авлоддан авлодга ўтувчи касблардан бири ҳисобланиб АҚШ ва бошқа бир қатор давлатларда ер тузувчилар махсус касбий қасамёдни қабул қиладилар ва Оллоҳ олдида ер тузиш ишларини туғри ва чин кўнгилдан бажаришга ваъда берадилар. Тарихдан маълумки кўпгина давлатлардаги ер тузувчи мутахассислар тайёрловчи институтлар ҳудудида диний муассасалар фаолият кўрсатган. Бунга яққол мисол сифатида Россия Федерацияси ва бир қатор МДХ давлатлари учун ер тузувчилар тайёрлаш маркази ҳисобланган Москва шаҳридаги эски Константинов чегара институти ҳудудида (ҳозирги Давлат ер тузиш университети) – 1869 йилда илохий Константин ва унинг онаси Елена номига қурилиб ишга туширилган проваслав черков бугунги кунда ҳам қайта тикланган ҳолда ўз фаолиятини давом эттираётганлигини кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ер тузиш кўп асрлик тарихга эга. Унинг ривожланиш жараёнида ҳозиргача ўз ахамиятини йўқотмаган жуда катта ва хар томонлама амалий ахамиятга эга бўлган тажрибалар тўпланган. У барча даврларда давлатнинг аграр сиёсатини амалга ошириш воситаси бўлиб келди ва хар бир тарихий босқичда ечиладиган вазифалар билан чамбарчас боғланган. Ҳозирги шароитда ер тузиш ёрдамида ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш инфратизимини оптимал жойлаштириш, экологик муҳитни яхшилаш ва бошқа кўплаб масалалар ечилади. Хаттоки, кризис (танглик) даврларида, давлат қишлоқ хўжалигининг тушқинлигига, ерлардан нооқилона фойдаланишга олиб келадиган самарасиз иқтисодий ва ижтимоий сиёсат олиб борганда ҳам, ер тузиш қандайдир даражада бу жараёнларга тўсқинлик қилди. Ер тузувчилар ҳамма вақт ўз имкониятлари даражасида ерларнинг талон-тарож қилинишига ва бузилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Куръони карим. Ўзбекча изоҳда таржима. Т. "Чулпон", 1992. –77–бет
2. Волков С.Н. Землеустройство. Теоретические основы землеустройства. Т. —М.: Колос, 2001. —496 с.
3. Ер ҳуқуқи. Дарслик. М.Рустамбоев умумий таҳрири остида. –Т.:2002,–244 б.
4. Жалилов И.Ж. Возникновение и развитие земельного права в Узбекистане. –Т. Фан, 1970. –35 б.
5. С.Авезбаев, С.Н.Волков. Ер тузишнинг илмий асослари, дарслик. –Т: Янги аср авлоди, 2002,–126 б.
6. Тетерин Г. Н. История развития геодезии. —Новосибирск: СГГА, 1999.–86 с.

УДК 631.528

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ СИФАТ ТАХЛИЛИ

Ў.П. ИСЛОМОВ мустақил изланувчи, ассистентлар: С.И.ХИКМАТУЛЛАЕВ, Н.Т.МИРЖАЛОЛОВ.,
З.З.АБДУРАҲМОНОВ ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларда тупроқнинг унумдорлиги яхшилаш, ерларнинг сифат жиҳатдан унумдорлигини ошириш юзасидан амалга ошириладиган чора тадбирлар ҳамда унга қарши кураш бўйича масалалар ёритилган.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы повышения плодородия почв на орошаемых сельскохозяйственных угодьях, улучшения качества почв и борьбы с ним.

Abstract: The article is "dedicated to informed about" agriculture improve the productivity of ground irrigation agriculture, upgrade the land quality and the ways contrary to problems.


Калит сўзлар: суғориладиган ерлар, суний суғориш, унумдорлик, чўлланиши, шўрланиш, ўғитлар, ноананавий ўғит, гумус, озика элементлари.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигида йигирма миллион гектардан ортиқ, шу жумладан, 3,2 миллион гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодий тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда. Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамалакатимиз тараққиётини барча соҳа ва тармоқларда янги босқичга кўтариш бўйича атрофлича ёритилиб берилган. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш масалалари юзасидан ҳаракатлар стратегияси

ишлаб чиқилди. Бунга кўра, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармовларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш масалалари ҳам белгиланди.

2018 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 4,4896,9 минг гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4311,5 минг гектарни тоғ олди лалмикор ерлар 2% (756,3 минг га), дашт ва ярим дашт яйловлари 47% (21128 минг га) ўрмонзорлар 8% га яқин (3434 минг га), умумий ер майдонининг 9,6 фоизини ташкил қилади.



1 расм. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳари бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши.

Бугунги кунда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Бундай турли эрозияланиш тупроқлар унумдорлигини пасайтириши билан бир қаторда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини камайтиради, етиштирилган ҳосил сифатини пасайтиради. Суғориш эрозиясини вужудга келиши ва ривожланиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасаяди, ундаги гумус миқдори камаяди, азот, фосфор ва калий сингари ўғитлар йўқотилади.

Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди. Суғориладиган ерларнинг сифатини баҳолашнинг умумий кўрсаткичи бўлган ер бонитети 55 баробаргача пасайди. Бонитировка усуллари ва бонитировка шкаласи баҳолаш мезонлари бўйича фарқланади. Бунда тупроқнинг айрим табиий хусусиятлари ёки ушбу хусусиятлардан жами баҳолашда фойдаланилади. Тупроқларни хусусиятлари бўйича баҳолаш манتيқан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини назорат қилади.

Ер ресурслари қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Қишлоқ

хўжалигида етиштирилаётган мева ва сабзавотларнинг сифати тупроқнинг унумдорлиги ва сифатига боғлиқ. Тупроқ унумдорлигининг пасайиши ундаги озук моддаларининг камайишидан, тупроқнинг шўрланиши, ерларнинг эрозияга учраши, экин майдонларидан нотўғри фойдаланиш ва минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш каби муаммолар билан юзага келмоқда.

Тупроқнинг шўрланиши одатда қурғоқчил зоналарда кўп учрайди. Кейинги вақтларда тупроқнинг шўрланиши Марказий Осиёнинг Орол денгизи таъсирида бўлган худудларда кўпайиб бормоқда. Хозирги вақтда Ўзбекистонда 1748 минг гектар ер шўрланган, шундан 241 гектари кучли шўрланган. Шўрланиш даражаси айниқса Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кучаймоқда.

Шўрланиш даражасини пасайтириш учун ерларни капитал ва жорий текислаш, ирригация ва мелиорация ишларини комплекс ҳолда амалга ошириш, шўр ювишни ўз вақтида сифатли ўтказиш, (бунда кучсиз шўрланган ерларни бир маротаба, ўртача шўрланган ерларни икки маротаба ва кучли шўрланган ерларни уч маротаба ювиш орқали) самарали натижаларни беради. Тупроқнинг шўрини ювишда захкаш ва тик дренажлардан фойдаланиш

тупроқнинг шўрланишини камайтирувчи омиллар сирасига киради.

Суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлигини пасайиши кўп ҳолларда эрозия билан ҳам боғлиқдир. Тупроқ эрозияси бу – тупроқнинг унумдор қаватининг сув билан ювилиб ёки шамол билан кўчиб кетишидир. Шунга қўра иккига шамол ва сув эрозиясига бўлинади. Ўзбекистоннинг катта майдони (64%) чўл худудларини эгаллагани учун унинг иқлими қуруқ ва иссиқ бўлиб, кучли шамол ва чанг тўзонлар, ёзнинг жазирасида баъзан гармселлар бўлиб туради. Шу билан бир қаторда ерларнинг унумдорлиги шамол эрозияси таъсирида ҳам камаяди. Шамол тупроқнинг устки қисмини учуриб кетиши туфайли унинг гумусли қатлами камайиб боради бунинг натижаси тупроқ кучсизланади. Ернинг унумдорлик фоизи пасаяди. Ўрмон ва ихота дарахтзорларининг қамлиги оқибатида шамол ва довуллар йўлини тўсаолмайди. Шунинг учун ҳам суғориладиган майдоннинг ярмига шамол эрозияси доимо хавф солиб туради. Мутахассисларнинг фикрича ҳар йили республикада тупроқнинг унумдор қатлампидан тахминан 22 млн. тонна эрозияга учраб экан. Факатгина тоғ ёнбағирларининг ҳар гектар майдонидан йилида 525 тонна унумдор тупроқ сув билан ювилиб кетмоқда.

Суғориш эрозиясини олдини олиш учун амалиётда қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу тадбирлар ўзларининг хусусиятларига

қараб ташкилий хўжалик, агротехник, ўрмон мелиоратив ва гидротехник тадбирлар тизимини ташкил этади. Ташкилий хўжалик тадбирларига асосан суғориш эрозиясини мумкин қадар камайтирувчи алмашлаб экишларни жорий этиш, агротехник тадбирларга тупроқларни махкамлаш, нишабликка кўндаланг ҳолда суғориш, ерларни нишабликка кўндаланг тарзда ағдармасдан хайдаш, юқори миқдорларда ўғитлаш, ўрмон мелиоратив тадбирларга ихота дарахтзорларини барпо этиш, нишабликларнинг мураккаб жойларини дарахтлар билан махкамлаш, нишаблиги юқори жойларни поғоналаш гидротехник тадбирларга эса бундай худудларда сув эрозиясини олдини олувчи турли гидротехник иншоотлар барпо этиш ишлари кириди.

Республикада суғориладиган ерларда тупроқнинг унумдорлиги яхшилаш ва ерларнинг сифат жиҳатдан унумдорлигини ошириш мақсадида 2019 йилда ирригация-мелиорация соҳасида жумладан 296 км ирригация ва 1538 км мелиорация объектларини қуриш ва таъмирлаш, 584 км ирригация объектларини тозалаш ишлари амалга оширилади.

Хулоса қилиб, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларнинг суғориш тартибини ва сув истеъмоли аниқлаш бўйича хориж олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент “Адолат” 2017 йил.
2. Мирзажонов К.М. Научные основы борьбы с ветровой эрозией на орошаемых землях Узбекистана. Ташкент, Фан, 1981.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларини ҳолати тўғрисида “Миллий ҳисобот” 2018 йил.
4. Ўзбекистон замини журнали 2019 йил 2 сон.
5. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси, 2008 йил
6. Жўраев А.Қ., Хамраев Ш.Р. – “Бухоро вилояти янгидан ўзлаштирилган тақир тупроқлари шароитида Бухоро–6 ғўза навини суғориш ҳамда озуқа тартиблари” –//Материалы первой национальной конференции, посвященной селекции, семеноводству и технология производства пшеницы в Узбекистане. Ташкент, 2004. стр. 193–195.
7. Исабоев Қ., Хамидов М., Алиева Д. Экинларни суғориш ва ҳосилдорлик. – Т.: Мехнат, 1991.
8. Қобулов И., Ражабов Т., Фозилов Б. Ғўза навларини парваришлаш жараёнлари ва ҳосилдорлик Фермер хўжаликлариди пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий–амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. –Тошкент, 2006.
9. Мирзажонов Қ.М., Малабоев Н.Э., Умаров Д.Д. Орол бўйи ерларининг мелиоратив ҳолати. – Т.: Фан, 1993.
10. Мамбетназаров Б.С. Гидромодульное районирование и режим орошения культур хлопкового севооборота в Каракалпакской АССР.: Автореф. докт. дис. канд. сел.-хоз. наук. – Т.: СоюзНИХИ.1990.
11. Нуржанов К.Р. Сравнительное водопотребление и режим орошения хлопчатника и кукурузы на луговых почвах Каракалпакии.: Автореф. дис. ...канд. техн. наук. –Т.: ТИИИМСХ, 1984.
12. Рыжов С.Н. Орошение хлопчатника в Ферганской долине. – Ташкент: АН УзССР, 1948.
13. www.undp.uz маълумотлари. 2017 йил

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

В.А АХМАДАЛИЕВ., ассистент ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги ерларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти, ердан фойдаланишдаги мавжуд муаммолари ва уларнинг тахлили келтирилган. Қишлоқ хўжалигининг етакчи ишлаб чиқариш субъектлари ҳисобланган фермер хўжаликлариди ердан фойдаланиш даражаси, улардан оқилна ва самарали фойдаланишни ташкил этиш ва оптималлаштириш критериялари берилган. Фермер хўжаликлариди ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тупроқ унумдорлигини яхшилаш бўйича тавсия ва хулосалар берилган.

Аннотация: В данной статье приведены сущность сельскохозяйственных земель в рыночных условиях, современные проблемы землепользования их анализ. Изучены степень землепользования в фермерских хозяйствах, как ведущий производитель сельскохозяйственных субъектов, даны критерии оптимизации и организации их эффективного использования. Даны рекомендации и заключения по улучшению плодородия почв и повышения эффективности землепользования фермерских хозяйств.

Abstract: This article describes the essence of agricultural land in market conditions, modern problems of land use and their analysis. The degree of land use in farms, as a leading producer of agricultural entities, the optimization criteria and the organization of their effective use are given. Recommendations and conclusions on improving soil fertility and improving land use efficiency of farms are given.

Калит сўзлар: Ер ресурслари, ер участкаси, ер турлари, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, оптималлаштириш, ердан фойдаланиш, ер тузиш, ер кадастри.

Сўнги йилларда республикамизда амалга оширилаётган, иқтисодий ривожлантириш ва эркинлаштиришга қаратилган ички ислохотлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим ресурси ҳисобланган ер ресурслардан оқилона фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, иқтисодийнинг муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва суғориладиган ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инobatга олиб, деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан фойдаланишда мулкчиликни ривожлантириш ва ер эгаларининг манфаатдорлигини ошириш борасида ҳам зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган устувор вазифаларни амалга оширилиши, иқтисодий тармоқларини ривожланишида, шунингдек қишлоқ хўжалигини ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шу асосида бозор иқтисодиёти шароитларига мос равишда ерлардан барқарор фойдаланишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4478-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги 362-сонли «Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди қайд этилганидек мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди [6]. Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [1, 2].

Фермер хўжаликларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ошиб боришини, фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлаш имконини берадиган моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш

борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди [7].

Фермер хўжаликларининг ҳозирги кундаги бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда кўп тармоқликка ихтисослашиши уларнинг иқтисодий ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бошланғич bosқичда кўп тармоқли сифатида фаолият кўрсатаётган, кичкина ишлаб чиқариш ҳажми, паст товарлилик даражаси ва бунга мос ҳолда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархи юқорилилиги билан ажралиб турадиган фермер хўжаликларининг ихтисослашуви янада фаоллашди. Фермер хўжаликлари ихтисослашуви алабатта, келажакда бозор конъюнктураси таъсир этади.

Маълумотларга қарайдиган бўлсак, республикамизда қорхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жаами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4311,5 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,6 фоизини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва ташкилотлари бириктириб берилган ерларнинг умумий ер майдони 20261,6 минг гектарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турлари майдони 15543,7 минг гектарни, шундан 3702,4 минг гектари суғориладиган ерларни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалик ер турлари тақсимланиши бўйича экин ерлари 3999,0 минг га, шундан суғориладиган экин ерлари 3255,3 минг га, кўп йиллик дарахтзорлар 376,8 минг га, бўз ерлар 76,4 минг га, пичанзор ва яйловлар 11091,5 минг га. ни ташкил қилади [6].

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритувчи субъектлардан бири ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган пахтачилик, ғаллачилик маҳсулотларининг асосий улуши ушбу хўжаликларга тўғри келади.

2019 йил 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда мавжуд фермер хўжаликларининг умумий сони 153385 тани, шу жумладан ихтисослиги: пахта-ғаллачилик 50651 та, ғаллачилик 7914 та, чорвачилик 8915 та, боғдорчилик 48159 та, узумчилик 13441 та, сабзавотчилик-полизчилик 6772 та, тутчилик 3372 та ҳамда бошқа йўналишда 14161 тани ташкил қилди. Уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 6839,4 минг гектарни, шу жумладан, экин ерлар 3400,9 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 290,2 минг гектар, бўз ерлар 32,7 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 2522,9 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 592,7 минг гектарни ташкил қилди [7].

Ернинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоғида муҳим воситаси сифатидаги функцияси ер фондидан оқилона фойдаланишни, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, унинг таркиби ва хусусиятларини доимий ўрганиб боришни талаб қилади. Бу энг аввало, ердан оқилона фойдаланишга йўналтирилган, илмий асосланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўпланган тажрибаларга суянган ҳолда ташкил этишни заруриятини туғдиради. Бунинг учун ерлардан фойдаланиш даражаси ва тупроқ сифатини ҳар томонлама ўрганиш, иқтисодий ва экологик жиҳатдан баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир [4]. Шу

нуқтаи назардан, ўз навбатида ҳозирги кунда қажиятда ва иқтисодиёт тармоқларида ерга бўлган талабнинг ортишини ҳисобга олган ҳолда ер тузиш, ер кадастри ишларини тўғри ташкил этиш ва уни юритиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ер муносабатларини тартибга солиш шулар жумласига киради.

Фермер хўжалиklarининг самарали фаолият кўрсатишида уларнинг ишлаб чиқариш йўналишларига ихтисослаштириш ҳамда маҳсулот етиштиришнинг оптимал ўлчамини аниқ белгилаш муҳим омил ҳисобланади. Чунки фермер хўжалигида танлаб олинган ихтисосликка қараб ишлаб чиқариш асосий воситалари (ер майдонининг ҳажми, чорва моллари сони, техника, жиҳозлар ва ҳоказо) шакллантирилади. Фермер оила аъзоларининг иш билан банд бўлиши ҳамда қўшимча ёлланган ишчиларни ишга жалб қилиши ҳам шунга қараб белгиланади.

Фермерлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили натижалари бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари майдонлари оптимал қилиб ажратилмаганлиги кўриниб турибди. Натижада улар етиштираётган маҳсулотларнинг таннархи юқори, сифати паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида бозор шароитида фермерларнинг рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Фермер хўжалиklarини ташкил этишда ва мавжудларини қайта ташкил этишда ажратиётган ерлар майдони ўлчамининг оптимал бўлиши катта аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжалигининг оптимал ер майдон деганда - ишлаб чиқариш харажатлари йўл қўярлик даражада бўлган, хўжаликнинг ишлаб чиқариш соҳалари муваффақиятли фаолият кўрсатишлари ва ривожланишлари учун зарур ер турлари билан таъминланганлик тушунилади [3].

Оптимал ер майдонларни аниқлаш асосида, хўжаликни оқилона тузиш ва юритиш талаблари ётади. Фермер хўжалиklarида оптимал ер майдонларини аниқлаш ва ташкил этиш шартлари ва критериялари қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришнинг асосий шароитлари ва омиллари - ер, моддий ресурслар, ишчи кучи - аниқ нисбатларда ва балансланган бўлиши керак.

2. Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш йўналиши, унинг ихтисослиги ва тузилиши албатта тупроқ унумдорлигини, ерларнинг маданийлаштирилиш даражасини, ерларни яхшилаш ва кейинчалик трансформациялаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Суғориладиган текислик ҳудудларида деҳқончиликка ихтисослашган хўжалиklar юқори самара беради, тоғ олди, адир минтақаларида эсан асосан ғаллачиликка ва чорвачиликка асосланган лалми деҳқончилик хўжалиklари, тоғлик ҳудудларда боғдорчилик ва узумчилик хўжалиklари, чўл ва саҳро ҳудудларида чорвачилик хўжалиklари яхши натижа беради.

3. Ҳар қандай хўжаликнинг турғун ривожланиши фақат кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш асосидагина мумкин. Қишлоқ хўжалик корхонасида тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш учун

шароит яратилиши керак, акс ҳолда экинлар ҳосилдорлиги ва ерлар унумдорлигининг, ўғитлардан, экинларни ҳимоялаш воситаларидан, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига эришиш мумкин эмас.

4. Хўжалик, ҳар хил турдаги харажатларни камайитириш учун, имкон борича бир бутун ер массивида жойлашуви, тўғри шаклга эга бўлиши, чегаралари рационал шаклда, экологик асосланган ҳолда жойлашган ва хўжалик маркази ер участкаси марказига яқин жойлашган бўлиши керак.

5. Ер майдони ўлчами ва ташкилий-ишлаб чиқариш тузилиши бўйича хўжаликни бошқаришга қулай ва барча тармоқлари мос тартибдаги ер турларининг зарур майдонлари билан таъминланган бўлиши керак.

6. Хўжаликнинг ер майдони бўйича ўлчамларини белгилашда ҳар қандай қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қўйиладиган комплекс талабларни (мавсумийлик, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг технологик боғлиқлиги, агрономик, зоотехник, биологик, экологик, қурилиш-лойиҳалаш, санитария-гигиена шароитлари ва чеклашлари) ҳисобга олишнинг аҳамияти катта.

Фермер хўжалиklари ўлчамлари кўплаб шароит ва омилларга боғлиқ. Уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналиши (ихтисослиги), тармоқларининг таркиби ва бири-бири билан боғлиқлиги;

- тупроқ унумдорлигини, ер турларининг маданий-техник ва мелиоратив аҳволини, уларнинг бўлакларга (контурларга) бўлинишини, ер массивининг бўлакларга бўлинганлигини, хўжалик марказларидан, асосий йўллардан узоқлигини ва ш.ў. тавсифловчи табиий шароити;

- хўжалиklarнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши, маъмурий-бошқарув ходимларининг малакавий даражаси ва таркиби, механизатор кадрлар ва бошқа ишчиларнинг мавжудлиги, ишчи кучини ташқаридан жалб этиш имконияти, айниқса ишларнинг энг қизғин даврларида;

- асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларининг, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик мақсадлари учун, пул-моддий воситаларнинг мавжудлиги, банк кредитларини жалб этиш имконияти;

- бошқа шароитлар (йўл тармоқларининг, транспорт воситаларининг мавжудлиги ва аҳволи, аҳоли яшаш шароити ва ш.ў.).

Хулоса. Мамакатимизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бевосита фермер хўжалиklари фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, фермер хўжалиklarида ер майдонларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, ер участкаларининг оптимал ўлчамларини аниқлаш ва шу асосда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва оширишга йўналтирилган комплекс ишларни амалга ошириш ҳамда фермер хўжалиklари иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. 1998. (2011 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимча билан) Т.: "Адолат", 2011 й. - 152 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни 1998. (2011 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимча билан) Т.: "Адолат", 2011 й.
3. Авезбаев С.А., Волков С.Н. "Ер тузишни лойиҳалаш". Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2004.
4. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. "Ер кадастри". Дарслик. Т.: ТИМИ, 2008.

5. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2016. – 221 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2015. – 88 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2018. – 91 б.

УДК: 631.528,4

ЕР УЧАСТКАСИ КАДАСТР МАЪЛУМОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАХЕОМЕТРИК СЪЁМКАНИНГ АҲАМИЯТИ

Нуриддин МИРЖАЛОЛОВ, стажёр-ўқитувчи, ТИҚХММИ
Баҳадир МУСЛИМБЕКОВ, Дилноза САПАРОВА, 3-босқич талабалари ТИҚХММИ
Дилмурод МИРЖАЛОЛОВ, ТАҚИ ассистенти

Аннотация: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бугунги кунда, устоз-шогирд усули асосида фаолият юритиш жуда кенъ қўлланиб бошланмоқда. Ишлаб чиқариш қорхоналари яъни туман, шаҳар ва республика кадастр бўлимлари билан ҳам доимий алоқалар йўлга қўйилди. Талабалар ишлаб чиқариш жараёни, ундаги муаммоли ва мавҳум ҳолатлар бўйича турли ишланмалар, мақола ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга киришишди. Ушбу мақолада кадастр маълумотининг чизма қисмини шакллантириш тартиби, ундаги камчиликлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар кўрсатилган.

Аннотация: На сегодняшний день в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, широко начинается использование метода наставника-ученика. Установлены связи с производством таких как кадастровое отделение районов, городов и республики. Студенты начали искать и писать статьи разных решений по проблемам производства. На этой статье пишется о формировании чертежной части кадастрового документа и советы по устранений неполадок.

Abstract: Today, the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers is widely beginning to use the method of mentor-student. Relations with production such as the cadastral department of districts, cities and the republic have been established. Students began to search and write articles on various solutions to production problems. This article writes about the formation of the drawing part of the cadastral document and tips for troubleshooting.

Калит сўзлар адаптациялаштириш, характерли нуқталар, абрис, топосъёмка, GNSS, тахеометр, аэросъёмка.

Ер кадастрининг асосий ўз ичига олган маълумотлари 3 турга бўлинади: ер участкасининг таснифи (ёзма маълумотлар, турли рақамли ахборот ва жадваллар), чизма(схема)лар ва ҳужжатлар (ҳокимнинг буйруғи, ижара шартномаси ва х. к.). ушбу ҳужжатларнинг чизмалар қисмида ернинг умумий тасвири ҳамда турар жой иншоотининг ички схемасидан ташкил топади. Айнан чизма маълумотларини шакллантириш жараёнидаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан бир нечта таклифлар билдирилади.

Хўжалик ёки қорхона, муассаса ва ташкилотларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхат қилиш давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Рўйхатлаш маълум бир ер участкасига мулкдорлик, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқини расмийлаштириш ҳамда давлат миқёсида қабул қилинган ягона шаклдаги ҳужжатларда акс эттириш бўйича ҳуқуқий тадбир ҳисобланади. Ер участкасига булган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ер ҳисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади. [2]

Ҳозирги кунда ер участкаларини рўйхатга олишда замонавий махсус геодезик асбоблар ёрдамида ер сиртида ўлчашларни бажариш усулларини ўрганиш, ўлчаш натижаларини замонавий техник воситалари ва ЭХМ ёрдамида ишлаб чиқиш усулларини ўрганиш, график чизмалар (карта, план ва профил) ни тузиш ва расмийлаштириш усулларини ўрганиш, турли инженерлик масалаларни ечишда ўлчаш натижалари ва график чизмаларни қўллаш зарурдир.

Ер тузиш ва ер кадастр ишларини бажаришда фойдаланилаётган план ва карталарда тасвирланган жойнинг тез ўзгариши уларни мазмунини доимий равишда янгилаб туришни талаб қилади. Айрим ҳудудларда съёмка ишлари бир-икки йил олдин бажарилган бўлса ҳам уларни янгилашга тўғри келади. Ушбу ишларни тез ва юқори аниқликда

бажаришда электрон тахеометрлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кадастр маълумотлари мажмуасининг асосий қисми бу – чизмалардир. Бундай чизмаларда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар миқдори жуда кичик бўлганлиги сабабли аниқ маълумотлар тўпламидан фойдаланиб ишлаш қатъий талаб этилади.



Аниқ маълумотларни олишда космосуратлардан фойдаланиш қўпол хатоликларни юзага келтиради. Бундай хатоликлар кадастр маълумотларини шакллантиришга тўғри келмайди. Кадастр чизма, схемаларини тасвирлаш жараёнини тезлаштиришда ва ахборотларнинг ишончли, аниқ ва тўлиқлигини таъминлашда замонавий геодезик ускуналардан фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Чизмаларни шакллантиришнинг қўллаб усул ва воситалари мавжуд. Чизмаларни шакллантиришда асосий восита сифатида замонавий электрон тахеометрларни, GNSS ва яқиндан фойдаланеиш йўлга қўйиб келинаётган учувсисиз учуш қурилмаларини айтишимиз мумкин. Улар ёрдамида турли услублардан фойдаланиб тахеометрик съёмка ишларини амалга ошириш, ёки аэросъёмкаларни олиш имкони пайдо бўлган. Замонавий асбоблар ҳозирда съёмка жараёнини жуда тез аниқ бажаришга сезиларли даражада таъсир ўтказмоқда.



Чизма, схемаларни шаклантириш учун **топосъёмка** ишларини қуйидаги кетма-кетликда бажариш тавсия этилади: [1]

- Ер участкаси майдони тўлиқ кўздан кечирилади яъни рекогностировка амалга



оширилади;

- Ер участкасига тегишли ва яқин атрофдаги барча характерли объектлар ҳам инobatга олинган холда худуднинг хомаки чизмаси (**абрис**) чизилади;

- **Характерли нуқталарни** кўриш имкони кенг бўлган оптимал нуқта танланиб, тахеометр ўрнатилади;

- Бу орада иккинчи мутахассис хомаки чизмани шаклантиради;

Усуналар ёрдамида олинган маълумотларни қайта ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: [3]

- Топосъёмка маълумотларини тахеометрдан экспорт қилиш;

- Махсус кичик дастурлар (ихтиёрий) ёрдамида тахеометр маълумотларини қайта ишланиши лозим бўлган дастур (AutoCAD, ArcGIS, CorelDraw, QuantumGIS ва х.к.) учун **адаптациялаштирилади**;

- Ер участкасининг абрисига биноан барча чизиқли маълумотлар нуқталари туташтирилиб чизма чизилади;

- Тахеометрда нуқталарни съёмка қилиш бошланади.

Тахеометрик съёмка ишларини бажаришда тахеометрни жойга ўрнатиш ускунанинг турига қараб турлича амалга оширилади. Бу жараён ўзига 5–10 дақиқа вақтни талаб этади. Битта объектни тўлиқ топосъёмка қилишда 1 ёки бир неча марта



кўчиш амалга оширилиши мумкин. Бу эса топосъёмка қилиниши лозим бўлган объектнинг қай холатда ва қаерда жойлашганидан келиб чиқиб белгиланади.

- Тўлиқ якунига етказилган чизма бурчак штамп ва рамка билан шаклантирилади;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги кунда халқ хўжалигида ер кадастри ишларини бажаришда замонавий геодезик асбобларсиз, ер сиртидаги ўлчаш ишларини олиб боришни тассавур қилиб бўлмайди. Айниқса жойларнинг топографик планларини тузишда электрон тахеометрлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда кенг қўланилмоқда. Электрон тахеометрдан фойдаланишдан асосий мақсад ўлчаш аниқлигини юқорилиги, ўлчаш вақтини кам сарфланиши, ўлчаш ишларини юқори сифатларда бажарилишига қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Ф.Богатов, В.Ф.Перфилов, Р.Н.Скогорева, Н.В.Усова Геодезия. Издательство «Высшая школа», 1988
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Давлат ер кадастри тўғрисида. Т. Ўзбекистон, 1998 йил.
3. Х.Муборақов. Геодезия. Т., Ўқитувчи, 2007 йил.
4. www.google.ruсайти.

УДК:332.334.631.11

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН Фойдаланишнинг ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ш.Р. ИСМОНОВ стажёр-ўқитувчиси ТИҚХММИ

Аннотация: Фермер, деҳқон ва томорқа эрларидан фойдаланиш жараёни самарали ва самарали механизмни шаклантиришни назарда тутати. Мақолада, ижтимоий-иқтисодий функцияларини такомиллаштириш механизми, фермер, деҳқон ва томорқа эрлардан фойдаланишнинг иқтисодий асосларини эркинлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: Процесс использования фермерских, дехканских и приусадебных участков предполагает формирование эффективного и действенного механизма. В статье рассматривается механизм улучшения социально-экономических функций, либерализация экономического обоснования использования фермеров, дехкан и сельскохозяйственных угодий и соответствующие рекомендации.

Abstract: The process of using farmer, dehqan and homesteads implies the formation of an effective and efficient mechanism. The article studies the mechanism for improving the socio-economic functions, the liberalization of the economic rationale for the use of farmers, dehqan and homesteads and appropriate recommendations.

Калит сўзлар Фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, оптималлаштириш, самарали фойдаланиш, ташкилий меҳанизм, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган ерлар.

ўнги йилларда қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, харидоргир экспортбоп маҳсулотлар етиштириш натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминламоқда.


Республикамизда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот етиштирувчи субъектлари фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга датга ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинади ва мақбуллаштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Лойиҳаларни ишлаб чиқишда биринчи навбатда контурлар яхлитлигини сақланган ҳолда, тупроқ шароити, сув йўли ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши, ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

Қарор талабларидан яна бири жойларда ер участкаларидан самарали фойдаланаётган, контрактация шартномаси мажбуриятларини бажариб келаётган, моддий-техника базасига эга бўлган ҳамда кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйган пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари, замонавий иссиқхоналар, интенсив усулда ташкил қилинган боғ ва тоқзорларда мақбуллаштириш тавсия этилмаслиги белгилаб қўйилган.



1 диаграмма. Мамлакатимизда мавжуд бўлган фермер хўжаликларининг оптималлаштиришдан сўнг юзага келган кўрсаткичларни солиштирма диаграммаси.

Ушбу қарор ижроси бўйича жойларда олиб борилган таҳлиллар натижасида 2019 йил 1 март ҳолатига республика бўйича жами фермер хўжаликлари сони 156 минг 540 тадан 77 минг 555

тага ёки 50,5 фоизга камайди (1 диаграмма) ва ўртача битта фермер хўжалигига 48,1 гектардан ер майдони тўғри келади. Бу ҳолатлар пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонлари ўртача 98,1 гектарни, сабзавотчилик-дончилик йўналишида ер майдонлари ўртача 11,4 гектарни, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида ер майдонлари ўртача 13,7 гектарни ва чорвачилик йўналишида ер майдонлари ўртача 29,4 гектарни, бошқа йўналишларга ихтисослашган фермер хўжаликлари ер майдонлари эса 24,8 гектарни ташкил қилади.



2 диаграмма. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ихтисосликлари бўйича ўртача майдонлари.

Фермер хўжаликлари томонидан рақобатбардош маҳсулотларини етиштиришлари учун уларга бириктириб бериладиган ер майдонлари миқдорини қулай ва мақбул жиҳатларини тажрибалар ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш катта аҳамият касб этади.



3 диаграмма. Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларининг маҳсулотларининг етиштириб беришдаги ўрни.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг илмий-назарий, методологик ва амалий масалалари юзасидан кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бундай хўжаликлар ерларини солиққа тортиш услублари мавжуд, уларни давлат маблағлари, банк кредитлари, зарур инфраструктура тармоқларини барпо қилиш ҳисобидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Лекин соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларни ҳал қилишнинг концептуал асослари, айниқса унинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили юзасидан алоҳида илмий-амалий тадқиқотлари ўтказишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотнинг асосий қисми, яъни 60 фоиздан кўпроғи деҳқон ва томорқа хўжаликларга ва 35 фоиздан кўпроғи эса фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Майда қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ва ишлаб чиқарувчилар, яъни деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг сифат ва қиймат баҳоси, уларнинг ҳисоби ҳамда муҳофазаси билан боғлиқ масалалар айнан деҳқон ва томорқа

хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини доимий таҳлил қилиб бориш орқали ҳамда мавжуд механизмларни такомиллаштириш орқали истиқболдаги устувор вазибалардан бири сифатида ўз ечимини топиш лозим.

Шу билан бирга, бугунги кунда ички ва ташқи бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши, бу борада рақобатнинг тобора кескинлашаётганлиги шароитида томорқа хўжаликларини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларнинг улушини кўпайтириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларни янада кучайтириш соҳага натурал ишлаб чиқариш эмас, балки кўпроқ товар ишлаб чиқариш сифатида қарашни тақозо этмоқда.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда ўз моҳият эътиборига кўра стратегия аҳамиятга эга, чунки бунда ушбу ерлардан фойдаланиш тизимига бозор элементларини жорий қилиш, хусусийлаштириш, солиқ механизмини такомиллаштириш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг иқтисодий мазмунини кенгайтириш, кластер лойиҳаларини жорий қилиш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини банк кредити учун гаровга қўйиш, инвестиция манбаларини шакллантириш, ушбу ерларнинг норматив қийматини аниқлаш каби энг муҳим механизм ва инструментларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш пировард наижада деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида барқарор ва тўла иқтисодий манфаатдорликка асосланган агробизнеснинг ва энг муҳими қишлоқда ижтимоий адолат ва барқарорликнинг ишончли ва мустақкам заманига асос солинади.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва турларининг

кўпайиши, ер солиғини тўлашнинг молиявий манбаси мустақкамланиши ва маҳаллий бюджетлар даромад қисмининг кўпайиши ҳисобидан уларнинг мустақиллиги ва барқарор ва самарали иш жойлари ташкил қилиниши, қишлоқда барқарор ва самарали иш жойлари ташкил қилиниши, янги типдаги бозор ва ишлаб чиқариш инфраструктура институтларининг вужудга келиши каби натижаларга олиб келади.

Республикада мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, фермер хўжаликлари томонидан рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш, уларга бириктириб берилган ер майдонларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиб, халқимиз дастурхонига сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, бошқа хорижий давлатларга экспорт қилиб, юртимиз равнақига ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг, айниқса суғориладиган минтақаларда ташкил этилган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида Харакатлар стратегиясида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Республикада фаолият юритаётган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ижтимоий-иқтисодий функцияларини бозор муносабатларига мос тарзда такомиллаштириш стратегиясининг илмий амалий-амалий асосларини яратиш муҳим амалий ва илмий муаммолардан саналади ва уларнинг концептуал асосларини яратиш, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш энг муҳим масалаларидан биридир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 30.04.1998 й. 598-1-сон.
 2. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш. 2004 йил 26 август.
 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжалиқари ва томорқа ер эгалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли фармони.
 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3318-сонли қарори.
 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори.
 6. Йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси. 2016. -134 б.
 7. З.Хафизова “Фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштиришни тўғри ташкил этиш ва унинг долзарблиги” АГРОИЛМ №3 2019й. 78-79 б.
- Ю.Усмонов, А.Пардабоев “Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий масалалари” АГРОИЛМ 6 (56) 2018 й. 104-105 б.

УДК: 332.3

ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИУСАДЕБНЫХ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

А.Ф. АШУРОВ, соискатель ТИИИМСХ

Шу билан бирга айниқса ажирик, ғўмай, қамиш каби кўп йиллик илдиз-пояли бегона ўтларни йўқотишда бороналаш, чопиқлаш, культивациялаш, плуглар ёрдамида ерни чуқур ҳайдаб шудгорлаш каби механик тадбирларни ўтказилганда, бегона ўтларнинг илдиз-поялари майда бўлакларга бўлиниб кўпайишига шароит яратилмоқда. Майда бўлакларга бўлинган илдиз-пояларнинг тугунаклардан янги майсалар униб чиқиб, кейинчалик янги касаллик ўчоқларига айланмоқда. Фақат механик усулда кўп йиллик илдиз пояли бегона ўтлар-касаллик ўчоқларини йўқотишда етарлича самарадорликка эга эмаслиги, ишлов бериш сифати ва самарадорлик кўрсаткичларининг талабни қаноатлантира олмайганлиги сабабли уни бошқа инновацион усуллар билан уйғунликда олиб бориш керак.

Таъкидлаш жоизки, экин майдонларидаги бегона ўтлар ва касаллик ўчоқларини камайтириш муаммоларига асосланган топиш мақсадида тадқиқотчи олимлар томонидан кимиёвий, биологик, термик усулларни қўллаш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бегона ўтлар муаммосини ечишда юқори самарадор усул сифатида турли хилдаги препаратлар ва дориларга асосланган кимиёвий усуллар катта эътибор берилмоқда. Масалан Далапон, Фрузелад ва шунга ўхшаш кучли дорилар ёрдамида гўмай, ажириқ ва қамишни ўсишдан тўхтатиш мумкин. Аммо мазкур бегона ўтларни батамом йўқотишда катта миқдордаги дорилар ва узоқ муддатли, давомли ишлов усулларини қўллаш керак бўлади. Бу ўз навбатида катта маблағ, вақт ва меҳнатни талаб этиши билан бирга экологик мусоффолик талабаларини қаноатлантирмайди. Бунинг оқибатида технологик талабларга асосан юқорида келтирилган усуллар амалиётда кенг миқёсда жорий этилмапти.

Бугунги кунда Республикамиз ва ривожланган хорижий мамлакатларда техник ва технологик жараёнлар талабларга жавоб берувчи, кам харажат, юқори самарадор, экологик тоза ва барча талабларни қаноатлантира оладиган янги ва инновацион электротехник усулни қўллаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга ТИҚХММИда ва ЎЗ.МЭЭ да «Бегона ўтлар ва ўсимлик касалликларига қарши электроимпульс ток разрядлари билан курашиш»; «Экин майдонларидаги ўсимлик қолдиқларининг дала шароитида чиришини тезлаштириш, тупроқни минерал микроэлементларга бойитиш»; «Тупроқдаги касалликлар ва зарарли ҳашаротларни йўқотишда электр токини қўллаш» каби мавзуларда бир қанча ишлар олиб борилган ва илмий тадқиқот ишлари бўйича сезиларли натижаларга эришилган. Ушбу мазулар экинлар ҳосилдорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи, айна пайтда касаллик ўчоқлари сифатида қаралаётган кўп йиллик бегона ўтлардан ажириқ, гўмай ва қамиш ўсимликларини илдизи ва илдиз-пояларини қуритишда электроимпульс ток разрядларидан фойдаланилган.

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқот ўтказиш жараёнида бегона ўтлардан гўмай, ажириқ ва қамишнинг илдизи ва илдиз-поялари ердан қовлаб олинган. Илдиз поялардан бир хилдаги (ўлчами, йўғонлиги, ёши ўхшаш) тажриба ва назорат намуналари тайёрланган. Ишлов бериладиган намуналар манфий манбага уланган метал сим тўра устига жойлаштирилиган. Намуналарга «Электр импульс ток разрядлари» қурилмаси ёрдамида ўсимликларининг илдизи ва илдиз пояларига 3, 5, ва 6 кВ ли юқори кучланиш остида ток разрядлари билан 0,1..0,5 секунд давомида ишлов берилган ва қайтадан тупроққа қўмилган.

Тадқиқотнинг натижалари. Электроим-пульс ток разрядлари билан ишлов берилган намуналардан: ажириқнинг илдиз пояси 3 кундан, гўмайники 5 кундан, қамишники эса 7 кундан сўнг ўсишдан тўхтади. Касаллик ўчоқларига айланган бегона ўтларнинг илдизлари, илдиз-поялари ва ўсимлик қолдиқларидаги касаллик микроорганизмлари юқори кучланишли электроимпульс ток разрядлари таъсири остида нобуд бўлди.

Ишлов берилган намуналарда вегетация даврининг 10 - кунда ўсимликларнинг илдиз поялари ердан қовлаб олинган ва уларда моғор замбуруқлари билан қопланиш ва фаол чириш жараёнлари кузатилади. Тадқиқотларнинг 15 - кунги ўсимликларнинг актив ўсиш нуқтаси бўлган илдиз куртакларида ҳам модда алмашиш жараёнлари

батамом тўхтаб ўлчамлари намуналикка нисбаттан анча кичрайдди.

Сув, микроэлементлар ва фойдали минералларга бой бўлган бегона ўтларнинг илдиз-поялар, илдизлари ва ўсимлик қолдиқлари электроимпульс ток разрядлари билан ишлов берилгандан сўнг, тирик тўқималардаги ҳужайраларнинг яллиғланиш ва чириши оқибатида тупроқни қўшимча минерал моддаларга бойитди.

Электр ток разрядлари билан ишлов берилмаган ўсимлик намуналарида эса фаол ўсиш жараёни кузатилиб янги майсалар униб чиқди.

Экин майдонларидаги ўсимлик қолдиқларининг дала шароитида чиришини тезлаштириш, тупроқни минерал микроэле-ментларга бойитиш борасида бугунги кунда алмашлаб экиш агротехник жараёнларда вужудга келган муаммоли масалар ечимини топишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу мавзу бўйича бажариладиган ишлар агротехник тадбирлар доирасида бажарилаётган пахта-бўғдой алмашлаб экиш жараёнларига дахлдор бўлиб, ердан имкон қадар кўпроқ ҳосилни йиғиб олишга қаратилган.

Технологик жараён талабларидан келиб чиқиб пахтанинг охириги фазаси - гўза пояларини даладан йиғиб олиш ўрнига кузги бўғдой экиш технологик жараёни ўтказилади. Ушбу жараённинг устунлиги агротехник тадбирлар харитасига киритилган гўзапояни йиғиштириб олиш даражарани ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, ерни шудгорлаш, текислаш ва экишга тайёрлаш жараёнлари қисқаради ва бунга сарфланадиган маблағ қисқаради. Тежамкорликнинг бундай кўриниши ўз навбатида маҳсулотнинг таннархига ижобий таъсир кўрсатади. Технологик жараёндаги юқоридаги четлаб ўтишлар бошқа бир муаммони, яни бўғдойзорлардаги чиримаган гўза поялар, бегона ўтларнинг ўрим комбайнларига ўралиб-тиқилиши, машиналарнинг муддатидан олдин ишдан чиқишига олиб келади. Гўзапоя ва бегона ўтларда қишги мавсумда озикланиб кўпайган касалликлар (илдиз чириши, вилт) ва касаллик тарқатувчи зараркунандалар эртанги бўғдой ва алмашлаб экишдаги экинларнинг ўсиб ривожланишига кескин салбий таъсир кўрсатади.

Ушбу муаммони ечишда охириги ёки бошланғич агротехник ишлов пайтида қўшимча электроимпульс токлари ёрдамида гўзапояга юқори кучланишли электр импульс токлари билан ишлов берилди. Ишлов беришнинг 15 кундан бошлаб гўзапояларда актив чириш жараёнлари кузатила бошланди ва 28-30 кунларда батамом чириш ва ўсимлик қолдиқларининг моғор замбуруғлари билан қопланиши кузатилди. Тупроқ таркибидаги касалликлар ва касаллик тарқатувчи зараркунандалар ишлов берилгандан 4 кун ўтгач 30% га 12 кун ўтгач 40% гача камаяди.

Очиқ ва ёпиқ тупроқларда ўстириладиган сабзавот экинларининг зараркунандалари бўлган нематода гижжаларини нобуд қилиш учун электр импульс тоқларининг таъсири тадқиқотланганда бир қанча ижобий натижаларга эришилди. Тадқиқотлар давомида нематода касаллигини тарқатувчи нематода гижжаларининг анатомияси, биологияси, морфологияси ва вегетацияси ўрганилди. Нематода гижжаларининг бодринг ва помидор илдиз поясини шикастлаши ва касалланган ўсимлик таркибидаги нематодани юқори кучланишли ток разрядлари

билан таъсирлаш механизми ишлаб чиқилди. Ишлов бериш параметрлари белгиланди биологик тадқиқотлар асосида нематода гижжалари ва касаллик қўзғатувчиларининг тўлиқ таъсирланишига эришилди. Тадқиқот натижаларига кўра ишлов берилгандан сўнгги 8 соат ичида нематода гижжалари 100%, 24 соатдан сўнг касаллик қўзғатувчилари ва личинкалари 95% шикастланганлиги кузатилди.

Хулосалар. Юқорида қайд этилган маълумотлар қишлоқ хўжалик экин майдонларида электротехнологик тадбирларни қўллаб қўшимча ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини, экологик тоза маҳсулотларни етиштиришга замин бўла олишини сув танқислигини олдини олиш ва ушбу муаммони ечишда тупроқ таркибида чириётган бегона ўтларнинг қодиқларидан ажралиб чиққан минерал моддалар ва сувдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мухаммадиев А. Автономов В.А. и др. Влияние электрообработки на рост, развитие и продуктивность хлопчатника. Ташкент. Илмий техника ахбороти-Press nashriyot, 2016 й. 289 С.
2. Н.Т. Тошпўлатов. «Электр ток разрядлари зироатчиликда». Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2007 йил. 228 С.

УДК: 664. 308.09

МЕВА САҚЛАШ ОМБОРЛАРИ ҲАВОСИНИ ИОНЛАШТИРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ А.Д. РАХМАТОВ, т.ф.н., доцент, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақолада мева сақлаш омборларида сақлаш технологиясининг режим талабларидан келиб чиқиб, электр ионизаторнинг конструктив параметрларини аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқликларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ҳавони ионлаштириш жараёни таҳлил қилиниб, унинг унинг асосий параметрлари аниқланган. Олинган натижаларни мева сақлаш омборлари шароити учун кўриб чиқилиб, ионларни бино ичида тақсимланиш манзарасини ўрганишда турли хил усуллар қўлланилган.


Аннотация: В статье приведены материалы по разработке электроионизаторов для фруктохранилищ. Представлены результаты изучения режимных параметров ионизированного воздуха для длительного хранения плодов и винограда. Анализированы процессы ионизации больших помещений и динамика распределения ионов в объеме хранилища.

Abstract: The article provides materials on the development of electrical ionizers for fruit storages. The results of studying the operational parameters of ionized air for long-term storage of fruits and grapes are presented. The processes of ionization of large rooms and the dynamics of the distribution of ions in the storage volume are analyzed.

Калит сўзлар: Электр тож разряди, мева сақлаш режимлари, ионизация, ионларнинг ҳажмий концентрацияси, ионларнинг ҳавода тарқалиши, кучли электр майдони, критик кучланганлик.

Кириш. Мева сақлаш омборларида маҳсулот сифатини ошириш, исрофларни камайтириш мева маҳсулотларини куз-қиш мавсумида сақлаш технологиясининг асосий масалаларидан ҳисобланади[1,2]. Бу муаммони ечишда мева сақлаш омборлари ҳавосини ионлаштириш яхши натижалар беради[3]. Мева маҳсулотларини сақлаш технологияси талабларидан келиб чиқиб электр ионизатор ишлаб чиқиш изланишларимизнинг мақсади бўлди. Ионлаштирилган ҳаво муҳитида мева маҳсулотларини сақлаш жараёнида ҳаво ионларининг ҳажмий концентрацияси муҳим омиллардан ҳисобланади. Тажрибаларимизда яна электр майдон катталиклари ҳам назорат қилинди. Мева сақлаш омборларидаги ҳаво муҳитининг катталикларини хонанинг турли жойларида ўлчаб олиб, ионлаштирилган ҳаво параметрининг тақсимланиши аниқланди. Маҳсулотга бир текис ишлов бериш, оптимал ионлаштириш кўрсаткичларини таъминлаш электротехнологик жараён натижасининг самарадорлигини таъминлайди[4].

Изланишлар методикаси. Сақлаш пайтида мевадаги модда алмашиниш жараёнида ундаги озуқа моддалари парчаланиб, атроф муҳитга маълум бир миқдорда энергия, сув ва карбонат ангидрид чиқади. Жараён қуйидаги тенглама билан ифодаланади. Унинг интенсивлиги сақлаш шароитлари, асосан ҳароратга боғлиқ бўлади [5]:



Ифодадан кўриниб турибдики, мева сақлаш жараёнида атроф муҳитга карбонат ангидрид, сув ва иссиқлик ажралиб чиқади. Масалан яхши етилиб


пишган узум 0°C ҳароратда сақлашда 420–840 кДж иссиқлик миқдори, 5°C ва 10°C ҳароратда эса сақлашда мос равишда 1430 ва 2100 кДж иссиқлик миқдори ажратиб чиқаради. Сақлаш камерасида ҳосил бўлаётган намлик ва иссиқлик миқдорини ташқиатмосферага чиқариб юбориш учун хонада вентиляция тизими ишлаб туради. Сақлаш камераларидаги вентиляция тизими бино ичидаги ҳаво ҳарорати ва намлигини бир хил бўлишини таъминлаш билан бирга маҳсулотга бир текис ишлов берилиши учун ҳам хизмат қилади.

Ҳавони ионлаштиришнинг турли хил технологик жараёнларда қўлланишига унинг амалга оширишни оддийлиги, арзонлиги ва кам электр энергия талаб қилиши асос бўлади [6]. Ҳаво ионлаштирилганда яна маълум бир миқдорда озон ҳосил бўлади[7]. Ионлашган ҳаво муҳити ва озон мева маҳсулотларига таъсир қилиб, уларни зарарловчи микроорганизмлардан химоя қилади, исрофлар миқдорини камайтиради. Ионлашган ҳаво маҳсулот сиртида ион қобиғи ҳосил қилади ва модда алмашиниш, нафас олиш, намликни йўқотиш, озуқа моддалари ва ифорининг чиқишини камайтиради. Мева маҳсулотлари сиртида яна электрометаболизм жараёни, яъни электр зарядлар алмашиниш жараёни кетади. Атмосферадаги ҳаво ионларининг электр майдони ёрдамида электрометаболизм жараёнларни бошқариш мумкин бўлади, лекин бу ерда самарали натижа олиш учун аниқ режим параметрлари

ўрнатилиши зарур. Бунинг учун технологик талабларга жавоб берадиган электр ионизаторлар ишлаб чиқирилиши зарур.

Ионлашган ҳаво муҳитининг асосий параметрлари махсулотга ишлов бериш самарадорлигини белгилайди, булар: ҳаво ионларининг ҳажмий концентрацияси, ҳаво ионларининг сақлаш камерасида тақсимланиш текислиги, ишлов бериш муддати. Электр ион ишлов бериш жараёни талабларига жавоб берадиган электроионизаторнинг асосий параметрлари ва иш режимларини аниқлаш учун тож разряд майдони назарий ва экспериментал ўрганилди. Бунда разряд оралигининг конструктив ишланиши ва ҳаво ҳажмининг ионлашиш кўрсаткичлари орасидаги боғланишлар аниқланади: тож разряд электродларининг эгрилик радиуси r , разряд оралигининг узунлиги h , разряд электродларининг узунлиги. Игна (тож разряди электродлари орасидаги масофа; ҳаво ионларининг ҳажмий зичлиги ρ , ҳажмий концентрацияси n , электрод кучланиши $U_{к.э}$ (1-расм).

Мева махсулотларини сақлаш жараёнларида электр ионизаторларнинг қўлланилиши яхши натижалар бермоқда. Электр тож разрядли ионизаторларни мева махсулотларини сақлаш технологиясида фойдаланиш шу омборхона ичида узоқ муддат ишлаб туриши керак бўлган электр қурилмаларга қўйиладиган алоҳида талабларни ўрганишни тақозо қилади. Ионлаштирилган ҳаво муҳити махсулотнинг сақланишига яхши таъсир кўрсатиши учун ҳаво ионлари концентрацияси оптимал бўлиши, ионлар тегишли қутбга ва ҳаракатчанликка эга бўлиши, яна ишлов бариш режимлари барқарор бўлиши, ионлар бино ичида бир текис тақсимланиши ҳамда ҳавони совитиш ҳамда электротехнологик ишлов бериш жараёнлари тўла автоматлаштирилган бўлиши зарур.



2-расм. Ҳаво электр ионлаштириш қурилмасининг характеристикаларини ўрганиш учун тож разрядли қурилмаси: 1-корпус; 2-ерга уланган электрод; 3-игна кўринишли разряд электроди; 4,5,9 -каркас; 6-изоляция; 7-юқори кучланиш манбаи; 8-ростлагич.

Изланиш натижалари. Дастлабки маълумотларга кўра узум сақлаш электротехнологиясида ҳаво максимал интенсивликда ионлаштирилиши зарур [8]. Бунинг учун ионлар генератори етарли қувватга эга бўлиши керак. Мева сақлаш омбори ҳавосидаги юқори нисбий намлик ионлар тезлигини пайсантириб уларнинг ҳаракатчанлигини пасайтиради, бунда ионларнинг биологик фаоллиги ҳам камаяди. Шундай қилиб мева сақлаш омборлари учун электроионизатор қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

1) мева сақлаш омборининг юқори намлик ва паст ҳарорат шароитида етарли концентрацияда ва ҳаракатчанликда ҳаво ионларини ишлаб чиқариши (генерация қилиши);

2) шовқин, турли хил электромагнит тебранишлар тарқатмаслиги, турли хил физик ва

кимёвий бирикмалар ҳосил қилмаслиги ва ҳавони ифлослантмаслиги мева махсулотлари сифатига ва ишчи ходимлар соғлигига ёмон таъсир кўрсатадиган модда ва бирикмалар ишлаб чиқармаслиги;

3) мева сақлаш омборлари учун электроионизатор конструкцияи компакт бўлиши, кичик ўлчамлар ва массага эга бўлиши, монтаж ва эксплуатацияси қулай ва ишончли бўлиши, эксплуатацияси ҳавфсиз бўлиши зарур.

Изланишларимиз олма, узум ва бошқа мева махсулотлари яхши сақланиши учун ҳавода ионлар концентрацияси 10^6 ион/см³ дан кам бўлмаслиги кераклигини кўрсатди. Шу технологик талабдан келиб чиқиб, электр ионлаштириш қурилмасининг конструктив ва режим кўрсаткичларини ўрганамиз ва самарали режимларини ишлаб чиқамиз.

Изланишларимизда игнали тож разряд электродлари қўлланилди, чунки улар симли электродларга нисбатан механик мустақамлиги юқори, пастроқ кучланишларда интенсив разряд кетади, сақлаш омбори йўлакларини тўсиб қўймайди [9]. Электроионизатор ишлаб чиқишда технологик талаблардан келиб чиқиб унинг конструкцияси, жумладан разряд системасининг ўлчамлари ишлаб чиқилади кейин эса параметрлари оптималлаштирилади. Бунда оптималлаштириш параметри қилиб ҳаводаги ионлар концентрацияси олинади. Разряд электроди сифатида игна кўринишдаги электродлар олинган. Электроионизаторни ўрганиш учун стенд йиғилган. Стенд ток манбаидан, кучланиш ростлагичдан, назорат-ўлчов асбобларидан иборат.

Изланишларимиз натижасида тож разряд электродларининг ўлчамлари қуйидагича бўлиши аниқланилди: цилиндрик қисмининг диаметри - $d = 0,5-2,2$ мм; учининг қирралик бурчаги - $\alpha = 7,5-15^\circ$; игна учининг эгрилик радиуси - $r_3 = 0,004-0,01$; игна кўринишдаги электродларнинг узунлиги - $l_1 = 30-80$ мм; электродлар орасидаги масофа - $l_2 = 20-80$ мм.

Солиштириш учун яна диаметри 0,05; 0,1; 0,2 мм бўлган пўлат симлардан разряд электродлари сифатида фойдаланилди. Разряд электродларига 2,2-10 кВ кучланиш берилганида ва разряд масофаси 10-50 мм бўлганида ионизаторда интенсив разряд жараёни кузатилди. Ионизаторнинг турли режимларда вольт-ампер характеристикалари олинди ва самарадорлиги аниқланилди. Ҳавонинг ионлаштириш интенсивлиги ёки самарадорлиги бино ичининг бирлик ҳажмида ҳосил бўлаётган ионларнинг барқарорлашган концентрацияси катталиги билан характерланади. Бу катталиқ разряд электродларидаги кучланиш катталиги, разряд оралиқ масофаси ва электродлар конструкцияси билан аниқланади [10].

Разряд электроди қиррасининг эгрилик радиуси қанчалик кичик бўлса тож разряди шунчалик самарали бўлади, Игнанинг учини қирралиги эса унинг материалига ва тайёрлаш технологиясига боғлиқ бўлади. Тож разряди бошланадиган электр майдон кучланиши турли хил разряд электродларида ўрганилганида игналарда нисбатан пастроқ кучланишда бошланганлиги кузатилди, чунки игна учи қиррасининг эгрилик радиуси симга нисбатан

кичикроқ бўлади. Игналарда 2,1...2,5 кВ кучланишда ионизация жараёни бошланиб, 4-6 кВ кучланишда кучли разряд кетади. Симларда эса ионизация жараёни 5-6 кВ кучланишда бошланиб, интенсив разряд 10-15 кВ да кетади. Солиштиришдан кўринадики, мева сақлаш омборларида игнали электродлари бўлган ионизаторлар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Нисбатан пастроқ кучланишда ишлаш учун ионизаторларда разряд масофаси кичик олинади ёки “игна-халқа” электродлар системаси қўлланилади. Изланишлардан кўринадики игнали тож разряд электродларининг узунлиги 30-80 мм, цилиндрик қисмининг диаметри 0,15-2,2 мм бўлганида электродларнинг материали унинг вольт-ампер характеристикаларига сезиларли таъсир қилмайди. Разряд электродларида ионизация жараёни бошланадиган кучланишнинг разряд электродлари конструкциясига боғлиқлигини ўрганиш кўрсатадики игна учи қиррасининг эгрилик радиуси 0,01 мм бўлганида тож разряди 2,1кВ кучланишда бошланади ва игна учи қиррасининг эгрилик радиуси 0,04 мм бўлганида тож разряди 2,6 кВ кучланишда бошланади [11]. Биреча игнали электродлар ёнма-ён туриб разряд жараёни кетса, ҳар бир игнадан ҳосил бўлаётган ионизация самараси камайиши кузатилади, бунда разряд жарёни кучайиб боргани билан ҳавода ҳосил бўлаётган ҳаво ионлари сони ва ҳаводаги ионларнинг ҳажмий концентрацияси камаяди, чунки ёнма-ён турган игналар бир-бирининг майдонини ўзаро экранлайди, натижада ионизация самараси камаяди, яъни ҳар бир игнадан ҳосил бўлаётган ҳаво ионлари сони, бир-бирининг майдонини ўзаро экранлашиши оқибатида, камаяди [112]. Ионизаторлар самарали ишлаб туриши учун уларнинг электродлари бир биридан оптимал масофада жойлаштирилиши зарур. Электродлар орасидаги масофа 20-80 мм бўлганида уларнинг жойлашиш зичлиги 125-312 дона игна/м² бўлади. Бунда ионизаторнинг самарали ишлаш интервалида ионларнинг ҳажмий концентрацияси 10-15 % атрофида ўзгаради. Дастлаб разряд электродлари орасидаги масофа 35-40 мм гача ортиб боришида битта игнадан ҳосил бўлаётган ионизация интенсивлиги ортиб боради, кейин барқарорлашади, кейин эса ионизаторнинг ионизация интенсивлиги камаяди. Изланишларда разряд электродлари кучланиши $U = 3,4-5,0$ кВ, разряд масофасининг узунлиги $H = 20$ мм, электродларнинг конструктив

ўлчамлари қуйидагича: цилиндрик қисмининг диаметри $d = 1,5$ мм; игна учининг қирралик бурчаги $\alpha = 10^\circ$; игна учининг эгрилик радиуси $r_3 = 0,004$ мм; игналарнинг узунлиги $l_1 = 40$ мм; игналар орасидаги масофа 30-40 мм бўлганида каркасда жойлашган игналар зичлиги 625 дона игна/м² бўлади [13]. Изланишлар натижаларидан кўринадики ҳар бир разряд масофаси узунлиги учун маълум бир критик кучланиш катталиги мавжуд. Критик кучланишнинг икки поғонаси бор биринчиси тож разряди бошланадиган кучланиш U_0 ва максимал ионизация интенсивлиги таъминланадиган кучланиш $U_{кр}$. Кейинги кучланишнинг ортишида ионизаторда тож разряди кучайиб борсада ҳавода ионлар сони ортмай қолади, бунга игналарнинг электр майдонининг ўзаро экранилашуви сабаб бўлади. Ерга уланган электродларда халқа шаклида кесиб олинган электрод диаметри ва разряд электроди билан ерга уланган электрод орасидаги масофа ортиши билан тож разряд интенсивлиги камаяди. Разряд электродида кучланиш $U_{кр} = 4-6$ кВ бўлганида энг самарали режимлар таъминланади [14].

Ионизаторнинг энг самарали иш режимлари разряд ва ерга уланган электродларнинг конструктив ўлчамлари ва жойлаштирилиши характери билан аниқланади. Электродларнинг энг қулай конструктив ўлчамларини аниқлаб ва ионизаторнинг иш режимларини оптималлаштириб катта биноларни максимал ионлаштириш самарасини олиш мумкин.

Электр ионизаторни ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш учун 50 тонна узум маҳсулотини совитилган сақлаш камерасида назорат ва тажриба вариантларида кўриб чиқдик. Тажриба вариантыда электр ионизатор оптимал режим параметрлари билан ишлаб турди. Маҳсулотнинг охириги партияси 176 кун сақлашдан сўнг сотувга чиқарилди. Тажриба вариантыдаги маҳсулот 89,80 % лик натижа берди, фақат совитиш билан сақланган партиядя 78 % лик натижа бўлди. Маҳсулот йўқолишларининг 6 % намлик йўқотишлари бўлса, қолгани микобиологик чириш ҳисобига тўғри келди [15].

Узумни узоқ муддатга сақлаш жарёнининг техник - иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Т.р.	Кўрсаткичлар номланиши	Ҳавони ионлаштириб	Ҳавони ионлаштирилмай
1	Маҳсулот миқдори, тонна	50	50
2	Узумнинг сақлашгача нарҳи, сўм/т	3 млн.	3 млн.
3	Сақлаш охирида қолган маҳсулотнинг чиқиш миқдори, %	89,8	78,0
4	Узумнинг сақлашдан кейинги нарҳи, сўм/т	9 млн.	9 млн.
5	Сақлашдан олинган фойда, сўм/т	4,8 млн.	3,36 млн.
6	Маҳсулотни сақлаш ҳаражатлари (капитал ва эксплуатация ҳаражатлари), сўм/т	1,2 млн.	1,2 млн.
7	Ҳавони электроионизацияси ҳаражатлари, сўм/т	0,08 млн.	-
8	Узум сақлаш учун жами ҳаражатлар, сўм/т	1,28 млн.	1,2 млн.
9	Соф фойда, сўм/т	3,52 млн.	2,16
10	Самарадорлик коэффиценти	1,43	-
11	Иқтисодий самарадорлик, сўм/т	1,36 млн.	-

Хулосалар: 1. Мева маҳсулотларини ионлаштирилган ҳаво муҳитида узоқ муддатга сақлаш жараёнида ионлашган ҳаво мева маҳсулоти сиртида ион қобиғи ҳосил қилади ва модда алмашилиш, нафас олиш, намликни йўқотиш, озуқа моддалари ва ифдорининг чиқишини камайтиради.

2. Ионлашган ҳаво муҳитининг ишлов бериш самарадорлиги унинг асосий параметрлари билан

белгиланади, булар: ҳаво ионларининг ҳажмий концентрацияси, ҳаво ионларининг сақлаш камерасида тақсимланиш текислиги, ишлов бериш муддати.

3. Электр ион ишлов бериш жараёни талабларига жавоб берадиган электроионизатор ишлаб чиқиш учун унинг асосий параметрлари ва иш режимлари ҳамда тож разряд электродлари орилигининг

конструктив ишланиши ва ҳаво ҳажмининг ионлашиш кўрсаткичлари орасидаги боғланишлар аниқланди.

4. Мева сақлаш омборлари учун электроионизатор куйидаги талабларга жавоб бериши зарур: мева сақлаш омборининг юқори намлик ва паст ҳарорат шароитида етарли концентрацияда ва ҳаракатчанликда ҳаво ионларини ишлаб чиқариши; шовқин, турли хил электромагнит тебранишлар тарқатмаслиги, турли хил физик ва кимёвий бирикмалар ҳосил қилмаслиги ва ҳавони ифлослантормаслиги мева махсулотлари сифатида ва ишчи ходимлар соғлигига ёмон таъсир кўрсатадиган модда ва бирикмалар ишлаб чиқармаслиги; мева

сақлаш омборлари учун электроионизатор конструкцияси компакт бўлиши, кичик ўлчамлар ва массага эга бўлиши ва эксплуатацияси ҳавфсиз бўлиши зарур.

5. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ҳисоби кўрсатдики, узумни ионлаштирилган мухитда сақлаш натижасида унинг сақланиш даражаси 78% дан 89,8% гача ортди. Натижада совитилган омборхона шароитида узумни ионлаштирилган мухитда сақлаш натижасида жами 3,52 млн. сўм/тонна соф фойда олинди, ионлаштирилмаган шароитда эса соф фойда 2,16 млн. сўм/тоннани ташкил қилди. Шундай қилиб, электроионизатор қўлланилишининг иқтисодий самарадорлиги 1,36 млн. сўм/тоннани ташкил қилди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасида 2018 йил якунлари ва 2019 йил истиқболлари тўғрисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетасининг 2018 йил 20 декабр кундаги сони.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ривожлантиришининг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. –Т., Ўзбекистон, 2017. «Газета.уз»
3. Живописцев Е. Н., Рахматов А.Д. Электроионизация воздуха в плодохранилищах. //Техника в сельском хозяйстве. –Москва: 1981 №9, –С.32–34.
4. Адлер Ю.П. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. –Москва: Наука, 1976. –280 с.
5. Метлицкий Л.В. Биохимия плодов и овощей. –Москва: Экономика. 1970. –270 с.
6. Рахматов А.Д. Выбор коронирующих электродов для ионизаторов. – В кн. тезисы докладов Республ. научно-практической конференции «Электротехнология в сельскохозяйственном производстве». – Ташкент.: 1990. – С.238–241.
7. Рахматов А.Д. Мева махсулотларини ионлаштирилган ҳавода сақлаш технологиялари (Монография). ТИИИМСХ. – Ташкент, 2018, 126 б.
8. Рахматов А.Д. Тож разряди электрмайдонинихисоблаш. В кн.тез. докл. «Агросаноат комплекси объектларида электр энергиясидан самарали фойдаланиш муаммолари». Халқоро илмий амалий конф. материаллари –Тошкент: 2015. май. 35–39 б.
9. Багиров Н.А. Взаимное экранирование коронирующих электродов при искусственной ионизации воздуха в животноводческих помещениях. // Труды ВСХИЗО, Вып. 27., –Москва 1998. с. 137–143.
10. Музафаров Ш.М. и др. Оптимизация параметров электродной системы «потенциальная плоскость с коронирующими иглами–заземленная плоскость» электрофильтров. Электротехнологии, оптические излучения и эл.оборудование в АПК. Материалы межд. конф. –Волгоград: 2016 . с.112–118.
11. Muzafarov Sh.M., Isakov A.J. Characteristics of electric field of steamer from of the corona discharge with reference to the problems of electrical gas cleaning. //European science review. №1–2. 2017. S.184–186.
12. Рахматов А. Д. Ионизатор воздуха для фруктохранилищ//Сб. научных трудов МИИСП – Москва: 1981, т. XIX. Вып. 5, – С. 59–61.
13. Левитов В.И. Электрические характеристики некоторых типов коронирующих разрядных электродов электрофильтров. //Известия АН. Энергетика и транспорт.– Москва: 1996. №3, –С. 91–97.
14. Раджабов А.,Музафаров Ш.М. Исследование параметров электродной системы «потенциальная плоскость с коронирующими иглами–заземленная плоскость». //Международная агроинженерия. –Алматы: 2013. №1 –34–40.
15. Методика определения экономической эффективности использования в народном хозяйстве новой техники, изобретений и рационализаторских предложений.– Москва: 2007. –45 с.

УДК 631.172

РЕАКТИВ ҚУВВАТНИ ҚОПЛАШ ОРҚАЛИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ Д.Б.ҚОДИРОВ – PhD, Н.АБДУҒАНИЕВ – магистрант, Н.ШОЙДУЛОВ – талаба ТИҚХММИ ЭТВАҚТЭМ кафедраси

Аннотация: Мақолада корхонадаги реактив қувватни қоплаш(компенсация) йўли орқали электр энергиядан самарали фойдаланиш ечимлари кўриб чиқилган. Компенсация қурилмасини характеристикаси актив юклама кўрсаткичига таъсири таҳлил қилинган. Қурилма подстанциянинг кичик кучланиш томонига уланади ва ўзидан таъминланаётган юкламага яқин жойга ўрнатилади. Реактив қувватни компенсация қилиш қурилмасини қўллаш орқали актив энергия ва энергия ресурсларини тежалишига сабаб бўлади.

Аннотация: В статье рассмотрены пути эффективного использования электроэнергии на предприятиях путём компенсации реактивной мощности. Выполнен параметрический анализ влияния активной нагрузки на характеристики компенсирующих устройств, смонтированных на шинах низкого напряжения тяговых подстанций в зависимости от местоположения этой нагрузки между источниками питания и самой нагрузки. Проведение мероприятий по компенсации реактивной мощности приводит к экономии активной электроэнергии и энергоресурсов.

Abstract: The article deals with the efficient use of energy in enterprises by reactive power compensation. Performed parametric analysis of the effect on the characteristics of the active load balancing device, mounted on tires of low voltage traction substations, depending on the location of the load between the power source and the load itself. Implementation of measures for reactive power compensation results in a saving of active power and energy.


Калит сўзлар: Реактив қувват, электр истеъмоли, электр тармоқлари, компенсация, устама, меъерий қиймат, қувват коэффициенти, куч трансформатори, индукцион печ, исроф, кучланиш пасайиши, чўлғам, конденсатор, коэффициент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22-августдаги 245- сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг 131-бандига асосан, битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача 15 минг кВт.соатдан ортиқ ойлик электр истеъмолига эга корхона истеъмолчилари электр тармоқларидан истеъмол қилинган реактив қувватни компенсацияси учун устамалар тайинлашиши белгиланган.[1]


Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан 0,38 kV тармоғидан таъминланадиган истеъмолчилар учун қувват коэффициентининг меъерий қиймати $\text{tg}\phi_m = 0,25$ (ёки $\cos\phi_m = 0,97$) миқдоридан белгиланган, аммо саноат корхоналарида қувват коэффициенти талаб даражасида эмас экан. Демак, корхонада реактив қувватни компенсациялаш йўли орқали энергиядан самарали фойдаланиш зарур. [2]

Реактив қувватнинг асосий истеъмолчилари нималар: [4]


1. Асинхрон моторларлар умумий реактив қувватнинг 60% истеъмол қилади.



2. Куч трансформаторлари реактив қувватнинг тахминан 20% истеъмол қилади.



3. Бошқарилувчи тўғрилагичлар, индукцион печлар, разрядланувчи лампалар ва бошқалар тахминан 15-20% истеъмол қилади.



Агар автоматик компенсация қилиш қурилмасини қўллansa, ҳосил бўладиган иқтисодий самара қандай бўлади: [5]

1. Истеъмол токининг камайиши ҳисобига электр тармоғи ва трансформаторларда исрофлар камаяди;

2. Электр линияларида кучланиш пасайиши камаяди;

3. Тизимнинг ҳисобий қуввати камаяди;

4. Ишлаб турган объектларда фаза тоқларининг камайиши ҳисобига кабелларда энергия исрофи камаяди;

5. Реактив энергия тўловидан иқтисод қилинади;

4. Куч трансформаторларида юкланишнинг камайиши чўлғамларда қизиш ҳароратининг камайишига ва пировардида трансформаторнинг ишлаш муддатини ошишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, корхонага конденсатор қурилмасини қўллаш учун бирлик вақт оралиғидаги сарфлар аниқланади.

Бирлик вақт оралиқдаги сарфларга E_k автоматик конденсатор қурилмасининг ва ўлчов ток трансформаторининг нархлари, шунингдек конденсатор қурилмасини келтириш ва монтажи каби қўшимча сарфлар, конденсатор қурилмасини улаш учун ишлатиладиган кабелнинг нархи ҳам киради.

Конденсатор қурилмасини масофавий бошқариш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда бирлик вақтдаги сарфларга бир тўлиқ масофавий бошқариш қурилмаси нархи ҳам киради.

Умумий ҳолда барча қўшимча сарфларни конденсатор қурилмаси нархининг 10% ташкил этади деб қабул қиламиз ва қуйдаги формула орқали хисоблаймиз: [4]

$$E_k = (C_{y1} + C_{y2} + \dots + C_{yn}) \cdot K_d + C_d, \quad (1)$$

бу ерда: C_{y1} - конденсатор қурилмасининг нархи; n - конденсатор қурилмаларининг сони; $K_d = 1.1$ - қўшимча сарфлар коэффициенти; C_d - масофавий алоқа жихозларининг нархи.

Кетма-кетликда реактив энергия учун тўланадиган пулнинг камайишидан ва ўтказгичларда вужудга келадиган исрофларнинг камайишидан ҳосил бўладиган миқдорлар аниқланади.


Реактив энергияга тўланадиган тўловлардан бир йилда қилинадиган иқтисод қуйидагига тенг[4]:

$$E_{ep} = C_{r1} - C_{r2} = (P_{p1} + P_{p2}) \cdot 12T_p \quad (2)$$

бу ерда: C_{r1} - конденсатор қурилмаси қўйилмасдан олдин реактив энергия учун тўланган тўлов; C_{r2} - конденсатор қурилмаси қўйилгандан

сўнг реактив энергия учун тўланган тўлов; P_{p1} - конденсатор қурилмаси қўйилмасдан олдин бир ойда реактив энергия учун тўланган тўлов; P_{p2} - конденсатор қурилмаси қўйилгандан сўнг бир ойда реактив энергия учун тўланган тўлов; T_p - реактив энергия таърифи.

Агар симлардаги исрофларни камайишидан юзага келадиган исрофни ҳисоблашда, тўғридан тўғри ўлчанган қийматлари бўлмаса, у ҳолда тўғриловчи конденсатор орқали аниқланади [6].



Ҳисоблар учун исрофлар коэффициентини $K_{\Pi} = 12\%$ деб қабул қиламиз.

Ўтказилчдаги исрофлар ундан ўтаётган токнинг квадратага пропорционалди.

Бу ташкил этувчини ишлаб турган объект мисолида кўриб чиқамиз.

Автоматик конденсатор қурилмасини ўрнатишдан олдин қувват коэффициентининг қиймати: $\cos \varphi_1 = 0,8$

Автоматик конденсатор қурилмасини ўрнатилгандан сўнг қувват коэффициентининг қиймати: $\cos \varphi_2 = 0,97$

Нисбий актив ташкил этувчи токни бирга тенг деб қабул қилиб.

Компенсациядан олдин нисбий тўлиқ ток қуйдагича бўлади:

$$I_1 = \frac{1}{\cos \varphi_1} = \frac{1}{0,8} = 1,25 \cdot \quad (3)$$

Компенсациядан сўнг нисбий тўлиқ ток:

$$I_2 = \frac{1}{\cos \varphi_2} = \frac{1}{0,97} = 1,03 \cdot \quad (4)$$

Актив энергиянинг камайиши:

$$W_c = W_1 \cdot \left[\frac{I_1^2 - I_2^2}{I_1^2} \cdot K_{\Pi} \right] = W_1 \cdot 0,038 \cdot \quad (5)$$

Яъни бу мисолда актив энергия сарфи 3.8%га камайди. $\cos \varphi$ ни 0.8 дан 0.97 гача кўтаришимизда актив энергия сарфи 1.7% га камаяди.

Умуман олганда ишлаб турган объектнинг актив энергия истеъмолининг бир йилдаги камайиши $\cos \varphi$ нинг ошиши натижасида содир бўлиши қуйдаги формула билан аниқланади:

$$W_c = W_1 \cdot \left[\left(\frac{1 - \cos^2 \varphi_1}{\cos^2 \varphi_2} \right) \cdot k_n \right], \quad (6)$$

бу ерда: $\cos \varphi_1$ - компенсациягача бўлган $\cos \varphi$; $\cos \varphi_2$ - компенсациядан сўнг бўлган $\cos \varphi$; $k_n = 0,12$ - исрофлар коэффициенти; W_1 - компенсацияга йиллик энергия истеъмоли.

Йиллик энергия тўловидан қилинган иқтисод ҳамда ўрнини қоплаш реактив энергия суммасини ҳисоблаб корхонага компенсация қурилмаси ўрнатилгандан кейинги электр энергиясидан тежаб қолинган сумма қуйдагича тенг:

$$\mathcal{E}_a = \mathcal{E}_a + \mathcal{E}_p, \quad (7)$$

бу ерда: \mathcal{E}_a - актив энергия, \mathcal{E}_p - реактив энергия.

Компенсация қурилмасининг иқтисодий ўзини-ўзи оқлаш муддатини топами:

$$T = \frac{\mathcal{E}_k}{\mathcal{E}_a}, \quad (8)$$

бу ерда: \mathcal{E}_k - компенсация қурилмасининг нархи.

Иқтисодий самарани ҳисоблаш шуни кўрсатадики, электр қурилмаларида реактив қувватни компенсация қилиш электр энергия тўловларидан иқтисод қилишни таъминлайди ва қисқа муддатда қилинган капитал чегирмалар қопланади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 131-банди - 2009й.
2. Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом-2008й.
3. Хошимов Ф.А., Энергия тежамкорлик асослари фанидан маъруза матни 2010й, 38-40 бет.
4. Аллаев К.Р. Электроэнергетика Узбекистана и мира, Ташкент, 2009й.
5. Аллаев К.Р., Хошимов Ф.А.. Энергобережение на промышленных предприятиях. - Т. Изд-во «ФАН» , 2011.
6. <http://www.ups.com/content/ru/ru/index.jsx>

УДК 621.223.3

МИКРО ГЭС СУВ ЧАРХПАЛАГИНИНГ ВИРТУАЛ МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Д.Б.ҚОДИРОВ - PhD, ЭТВАҚТЭМ к.м, М.Ю.ХАКИМОВ - магистрант, С.ПАРПИЕВА - талаба, ТИҚХММИ

Аннотация: Мақола гидроэлектр станцияси учун сув чархпалагининг тажриба моделини ишлаб чиқишга бағишланади. Ушбу модель асосида тажриба тадқиқотлар олиб борилган ва олинган натижалар дастлабки ҳисоблаш ишларида фойдаланилган. Ишлаб чиқилган қурилмага патент олиш учун муаллифлар томонидан риза топирилган.

Аннотация: Статья посвящается разработке опытной модели водяного колеса для микрогидроэлектростанции. На основе этой модели проведены экспериментальные исследования, и полученные результаты использованы на предварительном расчете. По данной установке авторами подана заявка для получения патента на полезную модель.

Abstract: Article is devoted to development of skilled model of a water wheel for microhydroelectric power station. On the basis of this model pilot studies are conducted, and the received results are used on calculation. On this installation by authors the application for receipt of the patent for useful model is submitted.

Калит сўзлар: қайта тикланувчи энергия, микро-ГЭС, сув чархпалаги, парракнинг оптимал бурчаги, вертуал модел, маҳаллий хом-ашё.

Кириш. Микро ГЭС сувнинг асосий ўзанидаги тармоқланишига ўрнатилган тури бўлиб, унинг учун сув омбори қуриш шарт эмас. Микро ГЭСларнинг чархпалакли, гирляндли ва пропеллерли каби турлари мавжуд [1]. Чархпалакларнинг кенг тарқалмаганлигига сабаб уларнинг айланиш тезлигининг пастлиги ва катта габаритга эгаллигидир. Шу билан бирга, афзалликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатишнинг осонлиги, эксплуатация ишларини амалга оширишда кенг имкониятларнинг мавжудлиги, конструкциясининг соддаллиги, қурилмани ўрнатиш учун каналларга кам ҳаражатларни сарфланиши, сувнинг босими паст ва ҳаракатланиш тезлиги кичик бўлганда ҳам юқори самарадорликка эриша олишидир.

Олиб борилган дастлабки илмий изланишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунга қадар ҳар хил турдаги чархпалак ёрдамида ишловчи микро ГЭСларни қуриш ва уларни самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб илмий муаммолар ечилган[2]. Лекин чархпалак типидagi микро ГЭС паррагининг оптимал бурчаги аниқланиб, Ўзбекистон шароити учун мос бўлган энг самарадор янги модели ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан ушбу илмий тадқиқот ишининг асосий мақсади микро ГЭС чархпалаги парраklarининг оптимал жойлашган бурчагини аниқлашдан иборат. Аниқланган оптимал бурчак эса микро ГЭС энергия самарадорлигини ошириш имконини беради.

Асосий қисм. МикроГЭС чархпалаги айланганда кинетик энергиянинг ўзгариши ҳисобига сув оқимининг иши бажарилади[3]:

$$\frac{mv_1^2}{2} - \frac{mv_2^2}{2} = Fu\Delta t \quad (1)$$

буерда,

m – Δt вақт давомида парракка таъсир этувчи сув массаси, кг;

v_1 – сув оқимининг бошланғич тезлиги, м/с;

v_2 – сув оқимининг охириги тезлиги, м/с;

F – чархпалакни u чизиқли тезлик билан ҳаракатга келтирувчи куч, Н.

Сув оқимининг ўзгариши чархпалакнинг u чизиқли тезлигига тенг бўлади. Шунда

$$\frac{mv_1^2 \sin\alpha}{2} - \frac{mv_2^2}{2} = Fu\Delta t \quad (2)$$

Бу ерда,

$\sin\alpha$ – парракнинг сув оқими йўналиши бўйлаб ҳаракатланувчи бурчаги;

Энди сув массасини кўриб чиқамиз:

$$m = p \cdot l \cdot s \cdot u \cdot \Delta t \quad (3)$$

бу ерда,

ρ – сувнинг зичлиги, кг/м³;

l – парракнинг сув остига чўкишидаги чуқурлиги, м;

s – унинг кўндаланг кесими, м²;

u – кировчи сув оқимининг тезлиги, м/с;

Δt – чархпалакнинг тезлик вақти, с.

(2) формулани (3) формулага қўйиб қуйидагиларни топамиз:

$$(v_1^2 \sin\alpha - u^2) \frac{\rho \cdot s \cdot h \cdot u \cdot \Delta t}{2} = Fu\Delta t \quad (4)$$

Δt вақтни ва u чизиқли тезликни ҳар икки томонларида қисқартирамиз. Бунда формула қуйидаги кўринишга келади:

$$(v_1^2 \sin\alpha - u^2) \frac{\rho \cdot s \cdot h}{2} = F \quad (5)$$

Ушбу (5) формула сув чархпалаги паррагининг вал орқали генераторга узатилаётган фойдали кучини ифодалайди.

Энди ушбу фойдали кучни сув чархпалаги тезлиги нуқтаи-назардан кўриб чиқамиз. (3.5) формуладан куч қуйидагигатенгбўлади:

$$F = ma = m \frac{u_1 - u}{t} = \frac{\rho \cdot s \cdot h}{2} (v_1^2 \sin\alpha - u^2) \quad (6)$$

Энди (3) формулани бу ерга қўйиб қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\frac{u_1 \sin\alpha - u}{t} \rho \cdot l \cdot s \cdot h = \frac{\rho \cdot s \cdot h}{2} (v_1^2 \sin\alpha - u^2)$$

Бир хил қийматларни қисқартирамиз ва қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{u_1 \sin\alpha - u}{t} l = \frac{(v_1^2 \sin\alpha - u^2)}{2}$$

Парракнинг t вақт оралиғида масофани босиб ўтса, u холда тенгламамиз қуйидагича кўриниш олади:

$$\frac{l}{t} = \frac{(v_1^2 \sin\alpha - u^2)}{2} = \frac{(v_1^2 \sin\alpha - \omega R)}{2}$$

Бу ердан,

$$\begin{aligned} \frac{2l}{t} &= v_1^2 \sin\alpha - \omega R; \\ \omega R &= v_1^2 \sin\alpha - \frac{2l}{t}; \end{aligned}$$

Бу ерда

ω – бурчак тезлик, айл/с.;


R – чархпалак радиуси, м.

Бурчак тезлик ифодалаб оламиз:

$$\omega = \frac{v_1^2 \sin\alpha - \frac{2l}{t}}{R} \quad (7)$$

(7) формулага асосланиб олиб борилган дастлабки тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аниқланган оптимал бурчак $\alpha = 22^\circ$ тенг бўлди.

Чархпалакнинг ташқи ва ички диаметри ўлчамлари аниқланди. Бунда регрессион таҳилдан фойдаланилди (1-расм).




Чархпалакнинг ташқи диаметри, см

1-расм. Чархпалак ташқи ва ички диаметрларининг ўзаро боғлиқлиги

Демак, чархпалак ташқи ва ички диаметрларининг ўзаро боғлиқлиги $y = 0,623x - 200,7$ чизиқли тенглама қонуниятни бўйича ўзгарар экан. Бу қонуниятнинг аниқлиги 98% ни (R) ташкил этар экан

[4]. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, чархпалакнинг ташқи диаметри 200 см ва унинг ички диаметри 100 смдан иборат.




2 - расм. Чархпалакнинг ўлчамлари, ташқи диаметр- 2000 ± 3,7 мм, ички диаметр - 1000 ± 2,3 мм, ўзгартириш киритилган α бурчак.

Чархпалак ва унинг паррагининг ўлчамларини аниқлаш бўйича олиб борилган дастлабки илмий хулоса натижалари регрессион таҳлил ёрдамида текшириб чиқилди (2-расм). Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, чархпалак паррагининг узунлиги

80 см, чархпалакнинг ташқи диаметри 200 см ва унинг ички диаметри 100 см эканлиги аниқланди.

Чархпалак ва паррақларининг ўлчамлари келтирилган дастлабки чизмаси Компас-3D компьютер дастури ёрдамида тайёрланди (3-расм).

3-расм. Микро ГЭС сув чархпалагининг дастлабки виртуал модели кўринишлари



Тадқиқотларнинг ечими сифатида аниқланган натижалар асосида микроГЭС чархпалаги ишлаб чиқилди ва бугунги кунда муаллифлар томонидан

синовдан ўтказилмоқда[5]. Ишлаб чиқилган қурилмага патент олиш учун муаллифлар томонидан фойдали моделга ариза топширилган.

ФЙДАЛЕНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Михайлов Л.П., Фельдман Б.Н., Марканова Т.К. Малая гидроэнергетика- М.: Энергоатомиздат, 1989.-184 с.
2. Д.Б.Кодиров, Д.Т.Юсупов Разработка микро-ГЭС для малых поселений // Журнал "Главный энергетик". - г. Москва, 2016 г., №5, Стр. 44-46.
3. Сатыбалдыев А.Б., Матисаков Т.К., Аттоқуров А.К. Определение оптимального угла лопасти водяного колеса // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. №6, 2015 г., с.413-416.
4. Д.Б.Кодиров, Д.Т.Юсупов. Создание водяного колеса микрогидро-электростанции для горных районов Узбекистана // Вестник ТГТУ. -Ташкент, № 2, 2016 г., с.48-53.
5. Д.Б.Қодиров. Республикамиз шароитига мос микро ГЭС чархпалагининг эксперимент натижалари // Проблемы информатики и энергетики. - Ташкент, 2018 №3. С.55-59

УДК 621.319:697.946

АНАЛИЗ СУЩЕСТВУЮЩЕЙ АГРОТЕХНИКИ ПРИМЕНЕНИЕ ОЗОНА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Азиз БАБАЕВ, ассистент, Лолита БАТЫРОВА, старший преподаватель. ТИҚХММИ

Аннотация: В статье приводятся научные работы и анализы по внедрению технологии озонирования в сельском хозяйстве. Результаты процессов обработки и воздействия озона.

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида озонни тадбиқ этиш ва қўллаш технологиялари бўйича маълумотлари ва уларнинг тахлиллари келтирилган. Озоннинг таъсири ва ишлов бериш жараёнининг натижалари.

Abstract: The article provides scientific work and analyzes on the introduction of ozonation technology in agriculture. The results of processing processes and exposure to ozone.

Ключевые слова: озон, генератор, обработка, озонирование, анализ, внедрение, процесс

Повышение качества питьевой воды и эффективности сельскохозяйственного производства и урожайности сельскохозяйственных культур является стратегически важным для

Республики Узбекистан. Чрезвычайно важным для улучшения урожая и сохранности сельхозпродуктов являются средства защиты растений, семян и готовых сельхозпродуктов. Одновременно возросли

требования к защите и сохранности окружающей природной среды, к снижению количества и содержанию различных пестицидов и к повышению качества сельскохозяйственной продукции и питьевой воды. Именно озонные технологии находят все более широкое применение в обработке питьевой воды, растениеводстве, животноводстве, рыбоводстве, кормопроизводстве и хранении продуктов. Здесь выделены два направления. Первое имеет целью стимулировать жизнедеятельность живых организмов. Для этого применяются концентрации озона на уровне ПДК, например, при санации помещений с животными и растениями для улучшения комфортности их пребывания. Второе направление связано с подавлением жизнедеятельности вредных организмов или с устранением вредных загрязнений. Концентрации озона в этом случае намного превышают значения ПДК [1].

На Республике потенциальные потери урожая зерновых культур составляют около 20% валового сбора зерна. Для предпосевной обработки семян с

целью уничтожения внешней и внутренней фитопатогенной микрофлоры, активизации процессов жизнедеятельности семян и защиты растений во время их вегетации широко используются химические средства. Однако химические средства наряду с положительным действием имеют и негативные последствия: загрязнение окружающей среды ядохимикатами и накопление их в грунте и в самой продукции растениеводства.

Поэтому одним из перспективных и экологически чистых направлений решения этих проблем является предпосевная обработка семян и растений озоном. В методических рекомендациях «Технология предпосевной обработки семян сельскохозяйственных культур озono-воздушной смесью», утвержденных Министерством аграрной политики Украины и Украинской академией аграрных наук в октябре 2004 г., приводятся различные методики, методы и эффективность предпосевной обработки семян. В нижеприведенных таблицах отражены различные показатели обработки семян.

Таблица 1

Влияние различных методов предпосевной обработки семян на урожай зерна ячменя ярового

Варианты	Урожай, т/га				Среднее	± до контроля	
	2000 г.	2001 г.	2002 г.	2003 г.		т/га	%
Контроль (без обработки)	2,59	2,27	3,23	3,49	2,90	±0,00	±0
Эталон (с 200ФФ)	2,62	2,55	3,23	3,64	3,01	±0,11	±3,8
Озон	3,36	2,60	3,60	4,02	3,40	±0,50	±17,2

Таблица 2

Производственные испытания озонной технологии предпосевной обработки зерна озимого тритикале

№ п/п	Варианты предпосевной обработки	Площадь, га	Валовый сбор, т	Урожай элиты		Дополнительная прибыль, грн.	
				т/га	%	со всей площади	с 1 га
1.	«Гранивит» норма (эталон)	8,5	28,48	3,35	100	0	0
2.	Озон	8,5	48,2	5,67	169	30786,5	3622

Из приведенных результатов видно, что предпосевная обработка семян озono-воздушной смесью обеспечивает значительный прирост урожая [3].

Согласно данным Р.И. Федюкина и др. (ООО «Лоза», г. Саратов РФ), для обработки семян всех сортов предпочтительной является концентрация озона 0,05 – 0,5 г/м³, поскольку при более высоких концентрациях становится критичным время обработки, а при более низких – снижается эффективность обработки озоном. Кроме того, концентрация озона 1 г/м³ и более способствует ингибированию роста корней. Проявление стимулирующего эффекта озона для всех семян в процессе хранения имеет волнообразный характер. Сразу после обработки стимуляция незначительна, далее она усиливается, и достигает максимума по истечении 1-2 суток, а к 14 дню происходит постепенное снижение энергии прорастания до уровня контроля. Такие сроки вполне приемлемы для практического применения предлагаемого способа.

Данные опыта по оценке эффективности воздействия озона на зерно, искусственно зараженное пыльной головней, проведенного в теплице, показали высокую эффективность обработки озоном (0,5 г/м³) на всех испытательных сортах пшеницы – 87-100%. В полевых опытах семена, обработанные озоном, дали более ранние и дружные всходы, большую густоту стояния, растения

раньше начали колошение. Предпосевная обработка семян яровой пшеницы озоном обеспечила повышение условно-чистого дохода минимум на 275 руб./га по сравнению с обработкой системными протравителями.

Таким образом, исследования показали, что озон благоприятно воздействует на процессы прорастания семян, роста и развития растений, способствует повышению урожайности, и может быть использован в борьбе с пыльной головней.

«Институтом озонотерапии и медоборудования» проводились испытания метода озонирования для дезинсекции складских помещений.

Во время испытания склад площадью 4500 м³ обрабатывался озонатором – стерилизатором воздуха помещений «Озон СП-5». В результате обработки крысы и мыши погибли или покинули помещение, исчез неприятный запах.

Обеззараживание зерна и семян сельскохозяйственных культур и продукции в них осуществлялось озono-воздушной смесью, при этом требуется активная вентиляция буртов зерна или муки озono-воздушной смесью. Зерно, семена или продукция из них обрабатывались в объеме, в котором поддерживалась заданная концентрация озона на протяжении всего времени обеззараживания путем продувания озono-воздушной смеси через продукт, который обрабатывался. Экспозиция обработки и

концентрация озона зависят от культуры и степени заражения продукта [3].

Имея сильные окислительные особенности, озон одновременно обеспечивает полное уничтожение как вредителей (малый черный хрущак, суринамский мукоед, амбарный и рисовый долгоносик, зерновой точильщик, брухус, мучной клещ и др.), так и патогенных микроорганизмов (пеницилиум, фузариум, фомопсис), в то время как в традиционных методах защиты для этих целей используются отдельно инсектициды и фунгициды.

Таким образом, электрофизический метод (озонирование) для дезинсекции мукомольного производства – новое направление, которое обеспечивает надежный результат стерилизации и уничтожения вредителей при одновременном обеззараживании помещения и оборудования.

Озонирование является одним из самых эффективных методов очистки и обеззараживания воды. Зон как сильный окислитель, способен реагировать с множеством органических и неорганических веществ в воде и разлагается с образованием кислорода. Реакции озона в воде достаточно подробно изучены.

Однако появление и интенсивное развитие нового направления – гетерогенного каталитического озонирования привело к более углубленным исследованиям вопроса взаимодействия озона с гетерогенной поверхностью и растворенными в обрабатываемой воде веществами.






Учёными Томского государственного университета в процессе работы над созданием высокоэффективного катализатора было отмечено изменение рН обрабатываемого раствора или воды во время озонирования без дополнительных воздействий [2].

Далолатномага транспорт воситасининг техник паспорти ва бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилинади. Ушбу ҳужжатлар ушбу транспорт воситасини фермер хўжалигининг мулки сифатида ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишга асос бўлади.

Фермер хўжалиги раҳбари мол-мулк рўйхатида кўрсатган нақд пул маблағларини банкдаги ҳисоблашув счёти очилгандан кейин унга топширсан 5110 “Банкдаги ҳисоб китоб счёти” счёти дебетланиб, 4610 “Таъсисчилар улушлари бўйича қарзлари” счёти кредитланади ва асос сифатида банк кўчирмаси ва пул топширилганлиги тўғрисидаги исоботловчи дастлабки ҳужжатлар илова қилинади.

Кўпчилик ҳолатларда тендерда иштирок этган талабгорлар мол-мулк рўйхатида маҳаллий мол бозорлари, қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан баҳоланган шахсий чорва молларини киритганлар. Талабгор тендерда ютгандан кейин ушбу чорва молларини ҳам устав капиталига улуш сифатида киритиши шарт. Бу ҳолатда мол-мулк рўйхатида кўрсатилган чорва молларини дастлаб маҳсулдор, ўстирувдаги ва боқувга қўйилиши кераклири ажратиб олинади, ҳамда улар учун алоҳида қабул қилиш топшириш далолатномалари тузилади.

Далолатномага чорва молларининг насл ҳужжатлари (мавжуд бўлса), маҳаллий бозорлар томонидан берилган чорва молининг нарх маълумотномалари ва ветеренар томонидан берилган маҳсулдорлиги, ўстирувдалиги ва боқувга қўйилиши кераклиги тўғрисидаги ветеренар хулосаси илова қилинади. Чорва молларини фермер хўжалиги балансига қабул қилишда юқоридаги ҳужжатларга асосан 0170 “Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” счёти дебетланиб, 4610 “Таъсисчилар улушлари бўйича қарзлари” счёти кредитланади. Ёш чорва моллари қийматига 1110 “Ўстирувдаги ҳайвонлар” счёти дебетланиб, 4610 “Таъсисчилар улушлари бўйича қарзлари” счёти кредитланади. Боқувга қўйилиши керак бўлган чорва моллари қийматига 1120 “Боқувдаги ҳайвонлар” счёти дебетланиб, 4610 “Таъсисчилар улушлари бўйича қарзлари” счёти кредитланади.

Юқоридаги тартибда фермер хўжалиklarининг устав капитали шакллантирилиши фикримизча бугунги кунда амалиётда кенг учраётган фермер хўжалиklари баланси пассиви “Хусусий капитал” бўлими фақат тақсимланмаган фойдадан иборат бўлиб қолмайди.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашди. ЎЗА. –Тошкент., 31.12.2016.
2. Бабаджанов А.М. Аграр соҳани илмий асосда ривожлантиришда хориж тажрибалари ва бунда шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўрни. Ж: “XALQARO MUNOSABATLAR” SIYOSAT, IQTISOD, HUQUQ. –Т.: №1, 2010 й. 71–76-бет.
3. Тулаев У.И. Молиявий ҳисобот тузиш услублари ва унинг ахборот таъминотини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.:2012. 166

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Б.Х.ШАФКАРОВ, ТИҚХММИ доценти, и.ф.н.

Б.М.ДЖУРАЕВ, и.ф.н., доцент

Н.Р.РАХМОНОВ, и.ф.н., доцент

Аннотация: Мақолада хусусий капитал назариясининг эволюцияси икки қисмга ажратиб, яъни классик иқтисодчилар томонидан хусусий капиталга берилган таърифлар ва хусусий капитални корхона балансидан келиб чиқиб баҳолайдиган иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ўзаро таққосланиб таҳлил қилинган.

Аннотация: В статье анализируется эволюция теории собственного капитала, разделенная на две части, то есть определения, предоставленные классическими экономистами в собственном капитале, и определения, приведенные учеными-экономистами, которые оценивают собственный капитал исходя из баланса предприятия.

Abstract: The article analyzes the evolution of the theory of private capital, divided into two parts, that is, the definitions provided by classical economists in private capital, and the definitions given by scientists-economists who estimate private capital based on the balance sheet of the enterprise.

Калит сўзлар: капитал, фондлар, резервлар, тақсимланмаган фойда, асосий капитал, айланма капитал, қарз капитали.

Мамлакатимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида фаолият юритаётган фермер хўжалиklари барқарор ривожланишида уларнинг молиявий мустақамлиги ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятларини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса фермер хўжалиklarининг хусусий капиталини тўғри шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини илмий асосланган ҳолда очиб бериш зарурлигини кўрсатади.

Хусусий капитал назариясининг эволюциясини илмий асослашда унинг ривожланиш бошқичларини икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм бу классик иқтисодчилар А.Смит, Ф. Кенэ, Д. Рикардо,

К.Ротбертус, К.Маркс, Ж.Ришарларнинг илмий қарашлари бўлиб, ушбу иқтисодчилар капиталнинг шаклланиши, унинг таркиби, турлари, функциялари, доиравий оборотда капиталнинг роли ва унинг бошқа ўзига хос жиҳатларини илмий тадқиқ қилиб, назарий асослашган. Классик иқтисодчиларнинг илмий ишларида капитал асосий капитал ва айланма капитал сифатида тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг ўзаро фарқлари турлича асосланган.

Ф.Кенэ асарларида асосий капитал ва айланма капитал ўртасидаги фарқ “avances primitives” яъни дастлабки аванслар ва “avances annuelles” яъни ҳар йиллик аванслар ўртасидаги фарқлар сифатида акс эттирилган. Бу йўналишда Ф.Кенэ “Ҳар йиллик аванслар ҳар йили деҳқончилик ишлари учун

қилинадиган харажатлардан иборатдир. Бу аванслар деҳқончилик асбоб-ускуналари фондини ташкил қилувчи дастлабки аванслардан фарқ қилиши лозим [2]”лигини таъкидлайди.

Иккинчи қисм бу капитални корхона балансидан келиб чиқиб баҳолайдиган иқтисодчи олимлар бўлиб, булар Ю.А.Бабаев, Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н., Кондраков Н.П., Пизенгольц М.З., Савицкая Г.В., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Пардаев М.К., Дусмуратов Р.Д., Уразов К.Б., Воҳобов А.В. ва бошқалардир. Ушбу иқтисодчи олимлар классик иқтисодчилардан фарқли равишда капитални корхона активлари сифатида акс эттириб, унинг шаклланиш манбаларини икки қисмга ажратиб, мавжуд активларнинг манбаси сифатида тавсифлаганлар. Бунда капиталнинг шаклланиш манбаларининг биринчи қисмини хусусий капитал, иккинчи қисмини эса қарз капитали ёки мажбуриятлар сифатида акс эттирганлар. Муаллифларнинг корхона капитали шаклланиш манбаларининг хусусий капитал бўлимини ёритишда турли йўналишда, лекин бир-бирига нисбатан яқин фикрларни илгари сурганлар.

Иқтисодчилар Ю.А.Бабаев, Л.Г.Макарова, А.С.Макаров, Ю.А.Оболенская, А.М.Петровларнинг фикрича “Хусусий капитал–бу жалб қилинган капитал мажбуриятларини қўшмаган ҳолда устас, қўшилган, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва бошқа резервлар (мақсадли фондлар ва резервлар) йиғиндисидир” [2] Муаллифлар жамоаси фикрича корхонанинг мавжуд маблағларининг ташкил топиш манбалари икки қисмдан иборатлиги ва умумий капиталдан корхона мажбуриятларининг пулдаги қиймати айрилгандан қолган қисми корхонанинг хусусий капиталини ташкил этишини таъкидлашган. Келтирилган таърифда корхонанинг қарз капиталини жалб қилинган капитал деб номланган ва бу жалб қилинган капитал тушунчасини алоҳида ёритилган бўлиб: “жалб қилинган капитал – бу кредитлар, қарзлар ва кредиторлик қарзлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга мажбуриятлардир.” [3] –дея таърифланган. Фикримизча жалб қилинган капитал тушунчаси нисбатан кенгроқ бўлиб, унга таъсисчилардан жалб қилинган маблағлар ҳам киритилади бу эса хусусий капиталнинг бир қисмини ташкил этади.

Иқтисодчи олимлар Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н.лар хусусий капиталга алоҳида таъриф бермаган ҳолда, хусусий капиталнинг асосий белгиларига уруғ беришган: “Капитал корхоналарда тегишлилигига кўра хусусий ва қарз капиталига бўлинади.

Хусусий капитал қўйидаги асосий белгилари бўйича характерланади:

–оддий жалб қилиш, бунда хусусий капитални кўпайтириш бўйича (айниқса ички шакллантириш манбалари) корхона эгалари ва менеджерлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг розилигини олмасдан қарор қабул қилиши;

–хўжалик юритишнинг барча жабҳаларида фойданинг бирмунча юқорилигини таъминлаш ва бунда ундан ҳар қандай шаклда фойдаланишда ҳеч қандай фоиз тўловлари талаб қилинмаслиги;

–корхона ривожланишида унинг барқарорлигини таъминлаш, унинг узоқ мuddат давомида тўлов қобилиятини таъминлаш, шу билан бирга банкротлик рискин камайтириш.” [4]

Фикримизча, ушбу таърифда хусусий капиталнинг асосий белгилари тўлиғича акс эттирилмаган. Таърифда келтирилган белгиларни хусусий капиталнинг бир қисми бўлган устав капиталига нисбатан ишлатиш ўринлидир. Лекин, устав

капиталини хусусий капиталнинг бир бўлаги сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодчи олим М.З. Пизенгольц ўз асарларида хусусий капиталга айнан таъриф бермасдан капитални ўз маблағлари манбасининг бир қисми сифатида акс эттирган. Унинг фикрича: “Ҳисобнинг баланс методида ҳар бир хўжалик маблағининг икки томонлама тавсифи мавжуд: бир томонда бу маблағлар қандай қимматликлардан иборатлиги кўринса, иккинчи томонда уларнинг ташкил топиш манбалари ва мақсадли тайинланиши акс этади.

Хўжалик маблағларининг барча хусусий манбалари беш гуруҳга бўлинади: 1. Капитал 2. Фондлар 3. Резервлар 4. Молиялаштириш 5. Бошқа манбалар.” [5]

Фикримизча, хусусий капитални бундай тартибланиши ҳисобнинг баланс методида мақсадга мувофиқ келади, муаллифнинг фикри хусусий капиталнинг хусусиятларини очиб беради, лекин хусусий манба сифатида корхонанинг тақсимланмаган фойдасини акс эттирилиши хусусий капитал таркибининг тўлиқлигини таъминлар эди.

Бу борада, иқтисодчи олим Г.В.Савицкаянинг фикрлари эътиборга молик бўлиб, у ўз асарларида капиталга қуйидагича таъриф берган: “Капитал– бу ўз фаолиятини фойда олиш мақсадида амалга ошириш учун хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрида бўлган воситалардир.” [5] Шунингдек, у корхона капиталини шаклланиш манбаларини иккига ажратиб, хусусий капитал ва қарзга олинган капитал сифатида акс эттиради.

Муалиф юқорида қайд этилган муаллифлардан фарқли равишда хусусий капитал таркибини уч қисмга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди ва ҳар бир қисмда қайси хусусий капитал элементлари акс эттирилишини батафсил баён қилади. Фикримизча бундай ёндошув мантиқан тўғри ва хусусий капитал таркибини тўла очиб берган.

Иқтисодчи олимлардан А. Ибрагимов, И.Очилов, И.Кўзиев ва Н.Ризаевларнинг фикрича “Хусусий капитал уч қисмдан ташкил топади: Устав капитали; қўшилган капитал; резерв капитали” [6].

Муаллифлар томонидан келтирилган хусусий капитал таркиби фақатгина капитал таркиби билан чегараланиб, хусусий капитални шакллантирадиган бошқа манбалар, жумладан резервлар, тақсимланмаган фойда, мақсадли молиялаштириш ва бошқа тушумлар эътибордан четда қолдирилган.

Юқорида бир қатор иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаси шундай бўлдики, классик иқтисодчи олимлар асосан капиталнинг яъни корхона маблағларининг таркиби ва ундан фойдаланиш самарадорлигига эътибор қаратишган бўлса, капитални ҳисобнинг баланс методи орқали баҳолайдиган иқтисодчи олимлар эса капитални активлар сифатида баҳолаб, унинг шаклланиш манбаларини алоҳида ўрганишни тавсия қилишган. Бизнинг фикримизча, капитал–бу корхона фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва фойда олиш мақсадида турли манбалардан жалб қилинган маблағлар йиғиндисидир. Корхона капитали хусусий манбалар ва қарз маблағлари манбалари ҳисобига шакллантирилади.

Корхона капиталининг хусусий манбалари (хусусий капитал) корхонани ташкил этувчи шахс(шахслар) томонидан дастлабки сармоя (устав капитали), корхона фаолияти давомида жамғарилган сармоя (қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва фойда ҳисобидан яратилган турли резервлар) ва мақсадли тушум

(грантлар, субсидиялар ва мақсадли молиялаштириш)лардан иборат.

Биз корхонанинг хусусий капитали таркибини уч қисмга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз,

чунки дастлабки сармоя, жамғарилган сармоя ва беғараз тушумлар корхонага жалб қилинган хусусий маблағлар манбаларини тўла акс эттиради.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашди. ЎЗА.–Тошкент., 31.12.2016.
2. Ф.Кенэ. Избранные экономические произведения.–М.:1960 495с.
3. Ю.А.Бабаев, Л.Г.Макарова, А.С.Макаров, Ю.А.Оболенская, А.М.Петров; Бухгалтерский финансовый учет: Учебник для вузов/ Под ред. проф.А.Ю.Бабаева.–М.: Вузовский учебник, 2003.–525с.(434–35с)
4. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. Финансовый анализ: учеб.–М.:ТК Велби, Изд-во Проспект,2008–с.(с.532)
5. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК.Учебник –Мн.: “Новое знание” 2001. С 421.
6. А. Ибрагимов А.К., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби–Т.: Иқтисод-молия. 2008. –241 б.
7. Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. Учебник I том–М.: «Финансы и статистика» 2001–с 378

УЎТ: 631.16:658.14

АГРАР СОҲАНИ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ ВА ВИЛОЯТЛАР ИЛМИЙ ТАЪМИНОТИ А.М. БАБАДЖАНОВ, доценти, и.ф.н., Ф.Х. ШАФКАРОВ, ассистенти, ТИҚХММИ

Аннотация: При анализе регионального научного потенциала также важно учитывать качественное и количественное расположение филиалов научно-исследовательских учреждений в регионах. Решение проблемы следует рассматривать как вопрос ближайшей перспективы и должно осуществляться поэтапно, прежде всего, с тщательным изучением всех плюсов и минусов. Целесообразно наладить научный потенциал регионов и научную поддержку регионального сельскохозяйственного производства с учетом современных реальны.

Abstract: At analysis of the regional scientific potential also it is important to make into account qualitative and quantitative location branch scientifically exploratory institutions in region. The decision of the problem follows consider examine as question of the nearest prospect and must be realized in stages first of all with close examinations all plus and minus. Reasonable adjust scientific potential a region and scientific support regional rural economic production with account modern real.

Калит сўзлар: Аграрный сектор, научный потенциал, научное обеспечение, научное учреждение.

Мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири бўлган аграр соҳани илмий салоҳиятини юқори даражага кўтариш биринчи галдаги долзарб вазифалардан эканлигини алоҳида таъкидлаб, Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувда “Мавжуд илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодиёт тармоқларининг буюртмалари ва муайян муаммоларни ечишга қаратилган энг муҳим устувор тадқиқотларга йўналтириш зарур. Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарсани аямаймиз, деди давлатимиз раҳбари”.

Илмий-тадқиқот институтлари ишлаб чиққан таклиф ва тавсияларни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жойларга етказиш уларни амалиётга жорий этиш орқали амалга оширади. Республика ҳудудлари бўйича ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий муассасаларда илмий-тадқиқот олиб бораётган илмий ходимларнинг ҳам малака даражаси таҳлил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг вилоят филиаллари илмий ходим фаолият юритмоқда. Илмий ходимлар

орасида юқори малакали илмий даражага эга бўлган тадқиқотчилар сонининг кам бўлиши олиб борилаётган тадқиқот натижаларига салбий таъсир кўрсатди ва илмий салоҳиятнинг сифат кўрсаткичи, илмий ходимларнинг малакаси паст даражада қолмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалигини илмий таъминотини мувофиқлаштириш вазифаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлимлари зиммасига юклатилган. Шу нуқтаи назардан бу бўлимлар ходимларнинг илмий салоҳиятини юқори даражада бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Бўлимларни илмий даражага эга бўлган малакали кадрлар билан таъминлаш ва вилоятларда қишлоқ хўжалиги илмий салоҳиятини самарали бошқариш учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлимларининг таркибий тузилмаси, моддий базаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларни молиялаштириш тизими қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Шу жараёнда бўлимларни молиялаштиришни асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга ошириш ва илмий тавсияларни жорий қилишдан олинган фойданинг маълум фоизини уларни ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтириш, яхши самара беради.

Ҳудудий илмий салоҳиятни таҳлил этар эканмиз, илмий-тадқиқот институтлари филиалларини вилоятлар бўйича сон ва сифат жиҳатидан мақбул жойлаштиришга ҳам эътибор бериш лозим. Илмий-тадқиқот институтлари филиалларини жойлаштириш ва уларда фаолият юритадиган илмий ходимлар сонини муайян вилоят қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш йўналишлари,

етиштирилаётган маҳсулот турлари ва ҳажми, вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирда фақат пахтачилик ва ғаллачилик илмий-тадқиқот институтларининг филиаллари барча вилоятларда мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказ бўлимлари ва институтларнинг вилоятлардаги филиалларининг ходимлари кўп вақт уларга таллуқли бўлмаган ишларга жалб қилинади. Олиб барилаётган тажрибаларни ўз вақтида ўтказишлари ва тадқиқот ишларини сифатли ўтказиш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Шунга ҳам этибор бериш керакки аввало илмий ходимларнинг малакаси пастиги тадқиқот ишларига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан улар фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиниши тадқиқот ишлари савиясини янада пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун филиалларга илмий-тадқиқот ва жорий қилиш ишларини кенг миқёсда олиб борилишига шароит яратиш бериш лозим. Бу муаммони ҳал қилишини яқин истиқбол масаласи деб қаралиши ва босқичма-босқич билан амалга оширилиши, аввало барча ижобий ва салбий томонларини чуқур ўрганилган равишда, амалга оширилиши лозим. Шунинг учун вилоятлар илмий салоҳиёти ва уларни вилоят қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини илмий таъминоти ташкил қилинишини, бугунги кундаги реал ҳолатдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Институтлар филиалларининг бундай жойлашиши ва илмий ходимлар сонининг бундай тақсимланиши кўпчилик вилоятлар қишлоқ хўжалигини илмий таъминотини паст даражада бўлишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар натижасида тайёрланган тавсиялар ҳар доим ҳам ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди. Тавсияларнинг бундай умумий бўлиши уларни амалиётга жорий қилинишида ҳам маълум муаммоларга дуч келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, илмий-тадқиқот ишларини бундай марказлаштирилган ҳолда олиб борилиши, бир томондан ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларни тўлароқ қамраб олиш имкониятини бермаса, иккинчи томондан улар томонидан тайёрланаётган тавсиялар кўпинча умумий характерга эга бўлмоқда, учунчи томондан тадқиқот ва тадқиқот натижаларини жорий қилишни молиялаштиришда ҳудудларнинг иштирокини қийинлаштирмоқда. Ҳудудлар қишлоқ хўжалиги илмий таъминотини ташкил қилишда ушбу соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртли салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Улар ўзлари жойлашган ҳудуд қишлоқ хўжалиги илмий таъминотини мувофиқлаштириш ишларида етакчи ўринда бўлиши керак. Шунингдек, Олий таълим тизимида ўқув жараёнларини илмий-тадқиқот фаолияти билан биргаликда олиб бориш тизими шакллантирилди.

Қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртли ҳам катта илмий салоҳиётга эга эмас. Бундан ташқари ҳар бир вилоятларда бошқа йўналишлардаги олий ўқув юртли, ҳамда илмий-тадқиқот олиб боровчи қархоналар ҳам мавжуд. Шунинг таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртли илмий салоҳияти ҳисобланади ва уларни тадқиқот дастурлари марказдан координация қилинади ва уларнинг тадқиқот дастурларини шаклланиши ҳамда тасдиқланишида ҳудудлардаги истеъмолчилар фермер ва деҳқон хўжаликлари етарлича иштирок

этмайдилар. Уларни олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари кўпчилик ҳолатда ҳудуд талабидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирилмаган. Бундай ҳолат мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигининг паст бўлишига, вилоятлар орасидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, экинлар ҳосилдорли, чорва моллари маҳсулотдорлиги, маҳсулот сифати рақобатбардошлиги уларнинг рентабеллик даражасини турлича бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунинг устига нодавлат сектор томонидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борилишига, бу секторнинг илмий салоҳиятдан фойдаланишга марказда ва ҳудудларда ҳам етарлича этибор берилмаяпти. Нодавлат сектори тадқиқот ташкилотларини, тадқиқотчи хусусий тадқиқотчилар гуруҳини қишлоқ хўжалиги илмий таъминот тизимига киритилиши, бир томондан илмий-тадқиқотлар учун ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланишда, тадқиқот ишларини ва яқунланган илмий натижаларни жорий қилишда рақобат муҳитини вужудга келтириш орқали, илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишса, иккинчи томондан, илмий-тадқиқот ишлари ва жорий қилишга нодавлат сектори маблағларни жалп қилиш имкониятини яратади. Шундай қилиб қишлоқ хўжалигини илмий таъминотининг ҳозирги ҳолати, ташкилий, молиялаштириш, мавжуд илмий салоҳиятни ҳудудлар бўйича жойлашиши, тадқиқот портфелини шаклланиши ва илмий ечимларни жорий қилиш бўйича бугунги талабга жавоб беради деб бўлмайти.

Вилоятлар аграр соҳани илмий таъминот даражасини юқори кўтаришдаги энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Бу бир томондан олиб борилаётган тадқиқот ишлари савиясини пасайтиришга сабаб бўлса, иккинчи томондан вилоятлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида маҳсулотлар сифатининг айниқса рақобатбардошлигини паст бўлишига олиб келмоқда. Шунинг ҳисобга олиб вилоят илмий муассасаларини малакали тадқиқотчи илмий кадрлар билан таъминлашни алоҳида кўриб чиқиш зарур. Илмий-тадқиқот институти филиаллари бир неча ўн йиллаб фаолият юритишларига қарамадан уларда тадқиқот олиб бораётган фан докторлари ва фан номзодларининг сони деярли ўзгармаган, баъзи ҳолатларда эса камайган. Бу масалаларни илмий-тадқиқот институтлар ўзларининг бугунги молиявий ҳолати билан ҳам қилаолмасликлар ҳам мумкин. Шунинг учун, вилоят бюджети ҳисобидан ҳал қилсалар вилоят илмий салоҳиятини кўтаришга қаратилган катта тадбирни амалга оширган бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлимларини илмий кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича ягона тизимга солинган дастур ишлаб чиқилмаган. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалиги илмий салоҳияти, вилоят қишлоқ хўжалигини ривожланишига етарлича таъсир кўрсатаолмаётир. Вилоятларда фаолият юритаётган илмий ходимлар вилоятларда ишлашлари ва илмий-тадқиқот институтлардан илмий ходимларни вилоятларга бориб ишлашлари учун рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилмаган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, кўпчилик илмий-тадқиқот институтларни филиаллари бир неча ўн йиллаб фаолият юритаётганликларига қарамай, уларда тадқиқот олиб бораётган фан докторлари ва фан номзодлари сони ўзгармаган, баъзи ҳолатларда эса камайган. Ушбу салбий ҳолатни бартараф этиш учун чора-тадбирлар

ва иқтисодий механизмлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тассарруфидаги илмий муассасалар, ҳудудлардаги илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш

чора-тадбирларида фаол иштирок этиш ва рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аграр соҳани илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари савиясини кўтариш, илмий кадрлар салоҳиятини ошириш ва соҳа илмий таъминоти самарадорлигини оширади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашди. ЎЗА.–Тошкент., 31.12.2016.

2. Бабаджанов А.М. Аграр соҳани илмий асосда ривожлантиришда хориж тажрибалари ва бунда шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўрни. Ж: “XALQARO MUNOSABATLAR” SIYOSAT, IQTISOD, HUQUQ. –Т.: №1, 2010 й. 71–76-бет.

3. Бабаджанов А.М. Повышение производительности труда и совершенствование системы подготовки кадров – важные факторы повышения конкурентоспособности сельского хозяйства. Ж: “Международный сельскохозяйственный” –М.: №5, 2011 г. –16–17 стр.

ОНЛАЙН–КУРСЫ КАК ИННОВАЦИОННАЯ ФОРМА ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

З.С. АБДУЛЛАЕВ, доц., ТИИИМСХ,
Д. Х. КЕНДЖАЕВА, асс., ТГСИ

Аннотация: В статье раскрыта роль дистанционной формы обучения в современных условиях информатизации общества, показаны достоинства и недостатки дистанционного образования по сравнению с традиционной системой образовательного процесса. Выявлена роль онлайн-обучения как одной из форм основного и дополнительного образования, рассмотрены типы массовых образовательных онлайн-курсов.

Аннотация: Maqolada jamiyatni axborotlashtirishning zamonaviy sharoitlarida masofaviy ta'limning o'rni, uning o'quv jarayonining an'anaviy tizimiga nisbatan ustunliklari va kamchiliklari ko'rsatilgan. Masofaviy ta'limning asosiy va qo'shimcha ta'lim shakllaridan biri sifatida roli yoritilgan, ommaviy ta'limning onlayn kurslari turlari ko'rib chiqilmoqda.

Abstract: In article the role of remote form of education in modern conditions of informatization of society is opened, merits and demerits of remote education in comparison with the traditional system of educational process are shown. The online training role as one of forms of the basic and additional education is revealed, types of mass educational online courses are considered.

Калит сўзлар: образование, обучение, дистанционное образование, онлайн-обучение, массовые онлайн-курсы, инновации, интерактивные технологии, информатизация общества, знания.

Современная система образования, как и все информационное общество в целом, претерпевает существенные качественные изменения, обусловленные развитием различных интерактивных технологий и их возрастающим влиянием на все сферы деятельности человека. Реформирование системы среднего профессионального и высшего образования в направлении признания студента центральной фигурой учебного процесса с одновременным развитием его познавательной активности является сегодня обоснованной необходимостью педагогики. Данный процесс предусматривает перестройку процесса обучения, конечной целью которого должны стать максимальное раскрытие индивидуальных возможностей и саморазвитие личности каждого студента.

Не менее важны интерактивные технологии и в процессе постдипломного образования, что обусловлено стремительным устареванием существующих профессиональных знаний и необходимостью их постоянного совершенствования. Результаты общественного процесса, ранее сосредоточенные в сфере технологий, сегодня концентрируются в информационной сфере [1]. На Западе крупные компании вкладывают в обучение и развитие персонала 1,0—5,0% годового финансового оборота, а в японских корпорациях на одного человека в среднем приходится более 100 часов обучения в год [2].

Одной из наиболее оптимальных форм современного обучения, в равной степени эффективного при получении основного и дополнительного образования, является дистанционная форма, называемая рядом исследователей образовательной системой 21 века [3,4]. Именно дистанционная форма обучения дает возможность создания систем массового непрерывного самообучения и общего обмена информацией, наиболее адекватно и гибко реагирует на потребности общества в части подготовки высокопрофессиональных специалистов.

Обобщенно сравнительную характеристику элементной структуры традиционной и дистанционной моделей обучения можно представить следующим образом (табл. 1).

В дистанционном обучении используются различные виды специализированных образовательных технологий: кейсы (анализ и решение практических ситуаций), Интернет-технологии, телекоммуникационные технологии и т.д. Одним из инновационных направлений дистанционного обучения и, одновременно, интерактивного образования, является онлайн-обучение в целом и онлайн-курсы, в частности, относящиеся, по мнению М. Б. Лебедевой, к наиболее перспективным тенденциям в развитии образования до 2028 года [5].

Массовый открытый онлайн-курс — это интернет-ресурс с интерактивным участием и открытым доступом, позволяющий любому желающему изучить тот или иной дисциплинарный курс и сдать экзамен в режиме онлайн. Наиболее разработанными и получившими широкое распространение международными онлайн-курсами сегодня считаются платформы Coursera, Khan Academy, edX, Futurelearn, Open2Study [6, 7]. Также в

образовательном пространстве Российской Федерации можно выделить такие порталы, как «МООК — в образовании» МГУ им. М.В. Ломоносова (проект «Университет без границ»), «Лекториум», «Универсарий», «Arzamas», онлайн-курсы Высшей школы экономики, Московского физико-технического института и Санкт-Петербургского государственного университета и др.

Таблица 1. Сравнительные характеристики традиционной и дистанционной моделей обучения

Элемент модели	Традиционная модель	Дистанционная модель
Направление обучения	Предметно-ориентирована на усвоение определенного количества знаний, умений и навыков	Личностно-ориентирована на мотивацию, уровень подготовки каждого индивида, развитие его способностей и обогащения собственного опыта
Цель	Прогнозирование единого результата для всех студентов	Развитие каждой личности в зависимости от ее потребностей
Принципы обучения	Наглядность, доступность, поэтапное усложнение, последовательность, научность	Постоянство, активность, проблемность, системность, модульность
Характер взаимоотношений участников	Субъектом деятельности является преподаватель, объектом — слушатель	Субъектом взаимодействия является слушатель, преподаватель, руководитель курсов
Деятельность студента	Воспроизводство знаний	Творческая

Все существующие на сегодня онлайн-курсы можно подразделить на три типа в зависимости от педагогических подходов к процессу массового сетевого обучения:

1. Массовые открытые дистанционные курсы, которые используют коннективистский подход. В таких курсах цель обучения определяется самим обучающимся. Эксперты считают, что такой тип курсов подходит слушателям, мотивированным на самостоятельное обучение, умеющим выбирать необходимое содержание образования. Основной и наиболее эффективной сферой применения данной категории онлайн-курсов выступает форма непрерывного обучения и повышения квалификации.

2. Массовые открытые дистанционные курсы, которые базируются на определенных заданиях. В основе функционирования таких курсов лежит возможность слушателя выбирать и выполнять определенный набор задач. Кроме того, задания могут выполняться совместно с другими слушателями. В основе педагогики такого типа онлайн-курсов лежит объединение инструкторизма и конструктивизма.

3. Массовые открытые дистанционные курсы, которые имеют четкие графики. Такие курсы используются в крупных международных университетах. Разработкой такого рода онлайн-курсов занимаются профессиональные преподаватели и эксперты. Курсы имеют четкий учебный график, расписание, дедлайны и аттестации слушателей различного рода. Записаться на такие курсы может любой человек независимо от местонахождения, уровня образования, лингвокультуры. Основным примером таких курсов выступает проект Coursera.

Внедрение массовых открытых дистанционных курсов, как и применение любой другой образовательной инновации, является основанием для сомнений среди индивидов, получивших образование в традиционных условиях: с аудиториями, лекциями, практическими занятиями, семинарами, коллоквиумами и ограниченным количеством слушателей. Однако массовый подход к образовательным услугам уже активно используется многими странами, и открытые дистанционные курсы имеют большую популярность среди студентов по всему миру. Например, только платформа Coursera

сегодня насчитывает свыше 5 миллионов слушателей из 195 стран [8].

Немало вопросов внедрение массовых онлайн-курсов вызывает и у преподавателей, а также у самих обучающихся. Многие рассматривают данную форму обучения как замену общеизвестной формы заочного обучения или как предоставление услуг студентам-экстернам. Однако это не так. Онлайн-обучение, помимо прочих достоинств и преимуществ, отличается от других форм образования открытым доступом (обучающимся не требуется регистрация и оплата обучения) и массовый характер (курсы организованы так, чтобы обслуживать неопределенное количество участников). В то же время онлайн-обучение предполагает определенный уровень подготовки обучающихся и высокий уровень их мотивации к получению образования, так как контролирующая функция при такой форме обучения имеет гораздо меньшее значение, чем при других формах образования [9].

К потенциальным трудностям, с которыми могут столкнуться пользователи онлайн-курсов, можно отнести:

- отсутствие элементарной компьютерной грамотности;
- недостаточную саморегуляцию обучения;
- отсутствие привычек социализации, установления контактов с другими обучающимся;
- трудности оценивания уровня усвоения материала слушателями, которые предполагают документально подтвердить свое обучение для предъявления документа в другие учебные заведения или работодателю;
- потеря ориентации для тех, кто привык к строгим академическим курсам.

Вместе с тем, положительных сторон у онлайн-курсов в условиях стремительного развития информационного общества гораздо больше. Помимо уже указанных открытого доступа и массовости, к потенциальным преимуществам онлайн-курсов можно отнести:

- обучение в неформальных условиях, а не в аудиториях;
- интерактивность и содействие академическому взаимодействию между профессорами — обучающимися, обучающимися —

обучающимися, обучающимися и сообществом вне границ обучения;

— отсутствие необходимости быть студентом ВУЗа;

— гибкость любого онлайн-курса, что позволяет обучающемуся работать в удобное для него время.

Таким образом, онлайн-обучение — это инновационный метод доставки образования пользователям, который содействует развитию новой культуры обучения, коммуникации, сотрудничества, получению знаний через Интернет, созданию академических сообществ. Появление массовых открытых дистанционных курсов базируется на реализации современных образовательных

принципов открытости обучения, равенства участников учебного процесса, интернационализации образовательных систем и глобализации образовательного пространства. Стремительное развитие таких курсов количественно уменьшает роль традиционной системы образования, однако, не принижает ее фундаментально-академического значения. Несмотря на радикальную трансформацию процесса обучения в условиях массовой информатизации общества, качественное непрерывное образование невозможно без базиса теоретических знаний, полученных с участием педагогов, экспертов, профессионалов той или иной отрасли наук.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Хамидов В.С., Абдуллаев З.С., Исмоилов Қ.А. Электрон таълим муҳитида касбий компетентликни такомиллаштириш. Монография. Тошкент — 2018.
2. G. Shadmanova, D.X. Kendjaeva. Elektron ta'lim muhitida suv xo'jaligi mutaxassislarini tayyorlashda innovatsion yondashuv. Monografiya. Toshkent — 2019.
3. Вьюшкина, Е. Г. Массовые открытые онлайн-курсы: теория, история, перспективы использования. Известия Саратовского университета. — 2015. — Том 15. — № 2
4. Жданкин, Н. А. Как организовать эффективное обучение сотрудников / Управление промышленным предприятием. — 2015. — № 4.
5. Козелков, О.В. Дистанционное обучение в высшем образовании: реальность и перспективы. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. — 2017. — № 3-1.
6. Лебедева, М. Б. Массовые открытые онлайн-курсы как тенденция развития образования. — 2015. — № 1(42).
7. Махаметова, М. М. Плюсы и минусы онлайн-обучения. Современная педагогика. — 2017. — № 5(54).
8. Пиневиц, Е. В. Дистанционное обучение: проблемы и решения. Международный научный журнал. — 2017. — № 6.
9. Смирнова, Ж. В. Дистанционное образование как процесс управления обучением. Мир науки. — 2017. — Том 5. — № 2.

УЙ ХЎЖАЛИГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ ВА УНИНГ ОИЛА БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ

У.Қ. АХМЕДОВ, ТИҚХММИ в.б. доценти

Аннотация: Мақолада уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий категория сифатида мазмун-моҳияти, унинг таркибий-функционал хусусиятлари, фаолият юритиши ва ривожланишининг илмий-методологик муаммолари ҳамда «оила» тушунчаси билан фарқи жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Аннотация: В статье исследуются сущность и значение домохозяйств как социально-экономических категорий, их структурные и функциональные характеристики, научные и методологические проблемы функционирования и развития, а также их различия с понятием «семья».

Abstract: The article explores the essence and significance of households as socio-economic categories, their structural and functional characteristics, scientific and methodological problems of functioning and development, and their differences with the notion of "family".

Калит сўзлар: уй хўжалиги, оила, инсон капитали, бозор иқтисодиёти.

Бозор иқтисодиётига ўтган давлатларда уй хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-амалий муаммоларига эътиборнинг ортганлиги кузатилмоқда. Бу энг аввало уй хўжаликларининг миллий иқтисодиёт ривожланишига ва аҳоли турмуш фаровонлигига уларнинг қўшаётган ҳиссаси ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Шу боис, бозор иқтисодиёти субъекти сифатида мамлакатимиз ривожига тобора катта роль ўйнаётган уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, унинг белгилари ва таркибий-функционал хусусиятларини, ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ билиш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, уй хўжалиги сўзи кундалик ҳаётда, айнан ҳовли-жойда ёки кўп қаватли уйда яшовчи инсонларнинг ҳаёт кечиришини таъминлаш фаолиятини англатади. Шу боис ҳозирги замон уй хўжалигини социология, демография, статистика, психология, иқтисодиёт ва бошқа ижтимоий фанларнинг вакиллари ўрғанади. Ушбу

фанларнинг ҳар бири уй хўжалиги фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этади. Уй хўжалигининг ҳаёти ва ривожланиши билан боғлиқ муаммоларнинг мажмуавий хусусиятга эга эканлиги, унинг фаолият кўрсатишининг турли жиҳатларини ёритувчи кўп йўналишларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий категория сифатида уй хўжалигининг мазмун-моҳияти, фаолият юритиши ва ривожланишининг илмий-методологик муаммолари асосан чет эл олимлари илмий ишларида кенг ўрганилган. Собиқ Иттифоқ даврида иқтисодий категория сифатида уй хўжалиги XX асрнинг бир неча ўн йилликлари мобайнида иқтисодий ва мафкуравий сабаблар туфайли деярли ўрганилмаган. Тадқиқотчилар илмий ишларида эътибор фақат оила мулкига ва унинг бир тури ҳисобланган шахсий ёрдамчи хўжаликка қаратилди.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, уй хўжалиги тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. Тадқиқотчилар уй хўжалиги моҳиятининг энг дастлабки тушунчалари ва унинг

функцияларини бош асос қилиб олган ҳолда, ўз таърифларини берганлар (1-жадвал). Бироқ турли вақтларда, турли шароитларда ва турли вазибаларни ҳал этишда берилган таърифлар турли маъно ва талқинга эга бўлган. Уй хўжалиги тушунчасининг аниқ ижтимоий-иқтисодий ва таркибий-функционал таърифи мавжуд эмаслиги, уни тадқиқ

этишни ягона бир ёндашувини шакллантиришдаги тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Уй хўжалиги тушунчасининг қуйидаги таърифларда изоҳланиши, ушбу категория ижтимоий-иқтисодий моҳиятининг аста-секин вужудга келиши ва шаклланишининг мантиғини акс эттиради.

“Уй хўжалиги” тушунчасининг таърифлари

Муаллифлар	Таъриф
Макконелл С.Р. Брю С.Д. [1]	Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иқтисодий ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган пулни инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирувчи товар ва хизматларни сотиб олиш учун сарфловчи иқтисодий бирлик
Олейник А.Н. [3]	Уй хўжалиги – инсон капиталини такрор барпо этишнинг умумий вазибалари, яшаш жойи, бюджет ва оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳи. Уй хўжалигининг асосида ҳокимият муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқлари оила аъзоларидан бирига, яъни оила бошлиғига топширилади
Винтер М., Моррис У. [6]	Уй хўжалиги – инсон капиталини такрор барпо этишнинг умумий вазибалари, яшаш жойи, бюджет ва одатда оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳи
Бойчук Н.И., Корнеева Е.С. [5]	Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иқтисодий ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган даромадларни инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирадиган товар ва хизматларни харид қилиш учун сарфловчи иқтисодий бирлик
Мироненко О.В. [2]	Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида уй хўжалиги – умумий бюджет ва яшаш жойи билан бирлашган, ҳар қайсиси ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат таъминотчиси бўлгани ҳолда бандлик мақомига эга бўлган, шунингдек, ҳам табиий, ҳам товар хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи бир ёки бир неча шахслар гуруҳи
Ахмедова М.А. [7]	Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги ресурслар, маҳсулотлар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилувчи, ўз эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга интилувчи бозор муносабатларининг агентини ўзида намён ётади

Манба: илмий манбалар таҳлили асосида тузилган

Кўпинча уй хўжаликлари оиланинг иқтисодий, ижтимоий-демографик ва статистик белгиланиши сифатида ҳам кўриб чиқилади. Оила анъанавий тарзда никоҳ-қариндошлик муносабатлари, биргаликда ҳаёт кечириш, умумий бюджет ва биргаликда хўжалик юритиш белгилари билан таърифланади. Қариндошлик белгиси, оилани таърифлаш учун шарт ҳисобланса-да, лекин у ҳамма вақт ҳам иштирок этмайди, чунки оила таркибига ҳам туғишган, ҳам асраб олинган фарзандлар кириши мумкин.

Уй хўжалиги тушунчасининг мазмуни ўзгариши билан бир вақтда у ҳақидаги тасаввурлар тизими ҳам ўзгаради. Унинг моҳияти ҳам кенгайди. Бу уй хўжалиги тушунчасига сифат жиҳатдан аниқликлар киритишни талаб қилади. Бунда уй хўжаликларини нафақат ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан балки муайян функционал тузилма ва хўжалик-иқтисодий хатти-ҳаракати билан ҳам тавсифланувчи алоҳида кўп поғонали хўжалик тизими сифатида ҳам кўриб чиқишни тақозо ётади.

Оиладан ташқари ва жамоавий уй хўжаликлари ўзаро никоҳ-қариндошлик муносабатлари билан боғланмаган, бироқ бу ўтмишда улар оилали бўлмаган ёки оилавий уй хўжаликлари сифатида мавжуд бўлмаганлиги ёки келгусида оилали бўлмаслигини аниқламайди. Бундан ташқари, жамоавий уй хўжаликлари яқка тартибдаги бюджетларга ва умумий қоидаларга бўйсунган умумий истеъмол харажатларига эга бўлмайди. Бу назарий жиҳатдан жамоавий уй хўжаликларини қоидадан кўра, кўпроқ истисно тариқасида кўриб чиқиш мумкинлигини билдиради. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда жамоавий уй хўжалиги тоифасига кириши мумкин бўлган шахслар расмий қоидаларга кўра, улар таркибига кирмайди.

Ҳозирги иқтисодий шароитда «уй хўжалиги» ва «оила» тушунчалари бир-бирига жуда яқин. Шунинг учун адабиётларда аксарият ҳолатларда «уй

хўжалиги» атамаси «оила» тушунчаси билан қўшилиб кетган ёки ўзаро тўлдириш ёхуд ҳатто ўзаро ўрин босиш муносабатларига эга.

Винтер М. ва Моррис У. тадқиқотида [6]: “Оила – бир уйда яшаши ва умумий бюджетга эга бўлиши шарт бўлмаган, оила-қариндошлик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашадиган гуруҳ” эканлиги эътироф этилади. Урумова Ф.И. эса [4]: “Оила – инсонларнинг, одатда, қариндошлик алоқалари ва турмушининг умумийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кичик гуруҳи бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти индивиднинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади”, –деб таъкидлаган. Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, оила учун қариндошлик каби белгилар асосий ҳисобланади, аммо улар оилани уй хўжалиги каби эътироф этиш учун етарли эмас. Уй хўжалиги ҳам биргаликда ҳаёт кечириш, биргаликда хўжалик юритиш, умумий бюджет ва никоҳ-қариндошлик алоқалари каби асосий белгилар билан тавсифланади (2-жадвал). Бунда никоҳ-қариндошлик алоқалари бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу ҳол шундай ҳулосага келиш имконини берадики, “уй хўжалиги” ва “оила”нинг ўзига хос белгилари кўпинча мос келади, аммо оила уй хўжалигининг негизи ҳисобланади. Уй хўжалиги ва оиланинг асосий функцияларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари, уларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириши ва боғлиқлигини кўрсатади, яъни уй хўжалиги ўзига хос (таъминот, ишлаб чиқариш, жамғариш ва истеъмол) функцияларининг муваффақиятли амалга оширилиши унинг бир вақтнинг ўзида оиланинг ўзига хос функциялари ҳисобланган ва унга хос бўлмаган функцияларининг сифати, сақланиши ва амалга оширилишига боғлиқ. Бу уй хўжаликларининг асосий функцияларини тўлдириш, уларни ўзига хос ва хос бўлмаган турларга

бўлиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради.

Инсон капиталини такрор тиклаш тушунчаси кўп қиррали жараён моҳиятини чуқурроқ акс эттирган ҳолда нафақат шахс сифатида инсонни ва жамоа сифатида уй хўжалигини ҳам биологик, ҳам ижтимоий, ҳам хўжалик-иқтисодий жиҳатдан такрор тиклаш, балки унинг ҳаёти ва фаолияти учун шарт-шароитларни ҳам яратиб беришни ўз ичига олади.

Ушбу тушунча уй хўжалиги мавжуд бўлишининг моддий, инсоний, маънавий, этник, диний асослари йиғиндисини ўзида акс эттиради ва бу унинг кўп қирралилиги ва катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Лекин уй хўжалиги унинг иқтисодий баҳоси нуқтаи назаридан, кўпинча, инсон капиталини асраш сифатида кўриб чиқилади.

Уй хўжалиги таркиби бир – биридан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

– бир кишилик, алоҳида уй–жой ёки унинг бир бўлагидан яшовчи, ҳаёт учун зарур барча эҳтиёжларини мустақил қондирувчи ва биргаликдаги турар жойга эга бошқа кишилар билан умумий хўжалик юритиш воситаси бўлмаган шакл;

– икки ва ундан ортиқ кишилик, алоҳида турар – жойда бирга ёки бўлак яшовчи, қундалик эҳтиёжларининг умумий фаолиятларида тўлиқ ёки

қисман ўз воситаларини бирлаштириш ёки ажратиш орқали қондирувчилар. Бу шахслар никоҳ орқали, қавм – қариндошлик алоқалари билан ёки қариндош бўлмаган ришталар билан ҳам боғланган бўлишлари мумкин.

Уй хўжалиги таркибида унинг аъзоларига бегона бўлган, бироқ бир турар – жойда истиқомат қиладиган ва ягона хўжалик юритувчи шахслар бўлиши ҳам мумкин (хўжалик ҳомийлигида яшовчи қариялар ва бошқа шахслар).

Бино ижарага олинган ҳолатларда бинонинг хўжайини, ташкил этилган уй хўжалигининг аъзоси ҳисобланмайди. Шу билан бирга уй хизматчилари ҳам ўз иш берувчиларининг уйида истиқомат қилишганида ҳам (меҳнатлари учун бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланадилар) уй хўжалигининг аъзоси ҳисобланмайдилар.

“Уй хўжалиги” ва “оила” тушунчаларини адаштирмаслик энг асосий шарт ҳисобланади. Бу икки атама бир-бирига ўхшаса-да, юқорида таъкидланганидек, оила уй хўжалигининг ўзаги ҳисобланади. Бир киши уй хўжалиги бўла олади, аммо оила бўла олмайди. Уй хўжалиги кўп сонли инсонлардан таркиб топиши мумкин, аммо улар ҳаммаша қавм-қариндошлик алоқалари билан боғланган бўлавермайдилар.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мэнкью Н.Г. Принципы в экономике. – СПб: ПитерКом. – 1999, – С. 48.
2. Петухова Е.П. Совершенствование механизма регулирования домашнего хозяйства в современной экономике России. Автореферат дисс. К.э.н., Брянск, 2004. – 24 с.
3. Умурзаков У.П., Чариев К.А. Организационно-экономические и правовые основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. – Т.: Меҳнат, 196. – 56 с.
4. Абсаматов А. Минтақада деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш масалалари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., 2000. 4–сон.
5. Кокин А.С., Фетисов В.Д., Фетисова Т.В. Концептуальные основы финансового менеджмента домашних хозяйств // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского, 2009, №1. – С. 157–161. www.unn.ru/pages/issues/vestnik/99999999_West_2009.../25.pdf
6. Можайкина Н.В. Социально – экономическая сущность категория домохозяйства. // <http://www.nbuuv.gov>.
7. Ахмедова М.А. Домашнее хозяйство в системе национальной экономики и его роль в развитии рыночных отношений Республики Таджикистан // Автореф. дис. к.э.н., Худжанд, 2012. – 18 с.

СУВДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

А.МАКСУМХАНОВА, и.ф.н., доцент ТИҚХММИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ислохотлар жараёнида жуда кенг миқёсли таркибий ўзгаришларни амалга ошираётган бир даврда халқимиз олдида турган умумбашарий муаммолардан бири – бу сув ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммосидир. Чунки қадимдан мамлакатимиз ҳудудида сув ҳаёт манбаи сифатида қадрланган, тирикчиликнинг биринчи омили саналган, уни муқаддас билиб, асраб-авайлаб, тежаб-тергаб сарфланган. Мамлакатимиздаги ислохотлар табиий ресурслардан, хусусан сув ва ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо қилади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан суғориладиган ерларда олиб борилади. Қишлоқ хўжалигидаги асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи, энг катта сув истеъмолчиси бу суғориладиган деҳқончиликдир. Чунки мамлакатимиз ҳудудида олинаётган сувнинг 90–92 фоизи қишлоқ хўжалигига ишлатилади, ҳамда олинаётган маҳсулотнинг 95–97 фоизи айнан суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун сувдан мақсадли, тежаб-тергаб фойдаланиш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам долзарб бўлиб турибди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўнинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир.” [1], деб таъкидлаб ўтилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Сув хўжалиги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таянч тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ қишлоқ хўжалигини, саноат объектларини, маиший хизмат корхоналарини, шаҳарлар ва қишлоқларни, сув энергетикасини, балиқ хўжалигини сув билан таъминлайди. Бу тармоқ давлат бошқарув органлари орқали бошқарилади яъни сув ресурсларини ҳажмини аниқлаш, режалаштириш ва тармоқлар ўртасида ва ундан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳисоб-китоб ишлари тегишли сув хўжалиги давлат органлари орқали ташкил этилади ва бошқарилиб борилади.

